

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
Y. G'ULOMOV NOMIDAGI ARXELOGIYA INSTITUTI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ ИМЕНИ Я. ГУЛЯМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

2010-Баркамол авлод йилига бағишлаб
Археология институтида 25-26 ноябрда
ўтказилган ёш олимлар конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

Самарқанд - 2010

Тўплам ЎзР ФА Археология институти Илмий Кенгашининг
2010 йил 13 октябр 10-сонли мажлисида муҳокама қилинган
ва нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир

М.Ҳ. Пардаев

Тахририят:

А.А. Раимкулов, Ж.К. Мирзаахмедов,
К.А. Раҳимов, М.М. Саидов, А.М. Омонов

Такризчилар:

А.А. Анорбоев
Б.Қ. Сайфуллаев

Hammamizga teran bir haqiqat ayon bo'lishi kerak – biz yurtimizning ertangi rivoji yo'lida qanday chuqur o'ylangan dasturlarni tuzmaylik, bu rejalarni bajarish uchun qanday moddiy baza va imkoniyatlarni yaratmaylik, buning uchun qancha ko'p sarmoya safarbar etmaylik, ularning barchasini amalga oshiradigan, ro'yobga chiqaradigan qudratli bir omil borki, u ham bo'lsa, yuqori malakali ish kuchi va yurtimizning ertangi kuni, taraqqiyoti uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan yetuk mutaxassis yoshlarimiz, desak, o'ylaymanki, hech qanday xato bo'lmaydi

*I.A. Karimov
O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti*

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач халқимизнинг қадим ўтмишига, маданиятига бўлган қизиқиши ижобий томонга ўзгара бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз И.А. Каримов халқимизнинг шўролар даврида атайин унутишга маҳкум этилган, сохталаштирилган тарихи, маданияти, урф одатлари ва анъаналарини тиклашга катта эътибор қаратди. Албатта, бу бежиз эмас эди. Чунки халқимиз ўзининг бир неча минг йиллик тарихи давомида улкан ва қудратли давлатлар тузган, юксак цивилизациялар барпо қилган халқдир. Шу сабабли, биз шонли тарихимиздаги юксак давлатчилик анъаналарини ўрганиб, қайта тиклаб, келажаги буюк давлатни қуришга киришишимиз лозим эди. Зотан, “Қаёққа боришингни мўлжаллашингдан олдин, қаердан келганлигингни билишинг лозимдир” деган сўз бекорга айтилмагандир.

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан шўролар даврида унутилган, ноҳақ қораланган улуғ аждодларимиз - Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, имом ал Бухорий, имом ат-Термизий, имом ал-Мотрудий, Баҳовуддин Нақшбандий каби бир неча ўнлаб аждодларимизнинг хотиралари тикланди, уларнинг қабрлари устига макбаралар барпо қилинди.

Мустақиллик, айниқса, ўзбек археологлари учун катта имкониятлар яратди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек археологлари бугунги кунда Россия, Япония, Франция, Польша, Германия, Испания ва Италия давлатларидаги ҳамкасблари билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилмоқдалар. Ўзбек археологлари бугунги кунда жаҳонда ўтказилаётган нуфузли конгресс, симпозиум ва конференцияларда ўз илмий маърузалари билан иштирок этмоқдалар.

Археологларимиз олиб борган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида, халқимизнинг бой шаҳарсозлик маданияти ўрганилиб Самарқанднинг - 2750, Қарши ва Шаҳрисабзнинг – 2700, Термиз, Бухоро ва Хива шаҳарларининг – 2500, Тошкентнинг – 2200, Марғилоннинг – 2000 йиллиги халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида кенг миқёсда нишонланди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикамиз ҳукумати археология фанининг ривожига катта ғамхўрлик қилиб келмоқда. 2010-2011 ўқув йилларида Мирзо Улуғбек номи Миллий Университетга ва Алишер Навоий номидаги СамДУ га археология мутахассислиги бўйича 50 та бакалавр қабул қилинди. Бу тадбир археологияни ривожига катта туртки бўлиши шубҳасиздир.

Маълумки, 2010 йил Президентимиз И.А. Каримовнинг ташаббуси билан “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Бу эса ёшларимизни баркамол бўлиб улғайишлари йўлида қилинган хайрли тадбирдир.

Археология институти жамоаси “Баркамол авлод йили”га бағишлаб Республика-мизнинг ёш археолог ва тарихчи олимларининг илмий конференциясини ўткази-шни режалаштирган эди. Республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий марказларидан 40 дан ошқ ёш олимлар ушбу конференция ишида қатнашиш истагини билдириб ўз маъруза матнларини жўнатдилар.

Уларнинг орасида илм йўлига эндигина дастлабки қадамларини қўйган аспирантлардан тортиб, аллақачонлар фан номзоди бўлиб, ўзининг илмий мақолалари билан жамоатчиликнинг эътиборига тушган ёшларгача бор.

Маърузалар мазмуни ҳам чекланмаган, конференцияда ёш археологлар билан бир қаторда ёш манбашунослар, тарихчилар ва этнографлар иштирок этмоқдалар. Биз конференция материалларини “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида” деган умумий ном билан чоп этишга жазм қилдик. Балки бу тўплам айрим ёшларимиз учун мақоласи чоп этилган илк тўпламдир. Ишонамизки, улар келажакда забардаст олимларга айланишиб тарихимизнинг кам ўрганилган соҳаларини ўз илмий ишлари билан тўлдирадидлар ва янада бойитадилар.

*Амриддин Бердимуродов
Ўзбекистон Фанлар Академияси
Я. Ғуломов номли Археология
институтининг директори*

АРХЕОЛОГИЯ

Д.М. Жўрақулова

Самарқанд давлат университети

УРБАНИЗАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Инсоният тарихининг дастлабки тараққиёт босқичи бағрида ибтидоий жамоаларнинг озик-овқат илинжида кўчиб юришдан аста-секин, муайян тарзда кўним яшашга ўта бориши фавқулодий ҳодиса бўлмасдан, балки бу жараён уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда пешма-пеш эришган ютуқлари маҳсулидир. Бу ҳодиса содир бўлган тараққиёт йўли қарийб икки ярим миллион йилларни ўз ичига олиши фанда тан олинган ҳақиқат бўлиб, бу жараён инсонларнинг минг йилликлар давомида ўтроқ яшаш сари олдинга интилишининг муайян эволюцион тараққиёт йўллари туфайли содир бўлган.

Инсониятнинг металлдан фойдаланишни кашф қилишгача бўлган даврда урбанизация жараёни ҳақида сўз бўлмаса-да, аммо кўним яшаш билан боғлиқ хўжалик юритган ибтидоий жамоа бирлашмалари турмуш тарзида цивилизациянинг илк илдизлари томир отган. Бу масалани бирон бир музофотнинг тарихий манбалари асосида ойдинлаштириш мушкул. Шунинг учун ҳам мавзу билан боғлиқ бу эволюцион тараққиёт йўлини кенгроқ, аниқроғи, Овроосиё миқёсида эришилган прогрессив фан ютуқларини инобатга олиш лозим.

XIX асрда тарих фанининг эришган йирик ютуқларидан бири – инсоният тарихининг энг қадимги даври хўжалик маданий тараққиёти негизи асосида унинг тараққиёт эволюцияси босқичларининг жорий қилинганлиги билан характерланади. Бу эса «ёввойилик» ва «варварлик» тараққиёт босқичларидан иборат бўлиб, бу даврий система фанда ўз кучини ҳозир ҳам сақлаб келмоқда. Ушбу хронологик системани дастлаб ишлаб чиққан америкалик олим Л.Г. Морган ўз вақтида нуқул этнографик ва қисман лингвистик манбаларга таянган эди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб археология фани ютуқлари туфайли бой манбалар қўлга киритилди, тарихий тараққиётнинг археологик даврий системаси ишлаб чиқилди ва унга кўра палеолит тарихан ёввойилик, қисман мезолит даврларини ўз ичига олиб, кишилик жамоаларининг тирикчилик хўжалик асосини сайёҳ овчилик ташкил қилган бўлса, «варварлик» даври эса муайян ўтроқлашиб яшашга ўтиш билан тирикчилик хўжалигининг асосини эса деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қилиб, бу ижтимоий-иқтисодий юксалиш цивилизациянинг илк илдизларига асос солди. Шундай қилиб, палеолит даври ва илк мезолит даврлари сайёҳ овчи жамоалар яшаган тарихий босқич бўлиб, уларнинг маълум қисми кейинчалик пешма-пеш, муайян тарзда кўним яшашга ҳам ўтдилар.

Инсониятнинг энг қадимги тарихий тараққиёт йўли айна вақтда фанда олдовой, ашель, мустье ва сўнгги палеолит босқичлари билан хронологик тарзда характерланади. Ғарб мутахассисларидан Г. Чайлд, Р. Брейдвуд сингари олимлар бу хронологик системага қисман ўзгартиришларни киритишга уринган бўлсалар-да, бироқ у ҳозирча асл ҳолатини сақлаган тарзда фанда қўлланилиб келмоқда (Braidwood, 1952, p. 33-38).

Юқорида зикр этилган археологик босқичларга қисқача тафсилот берилганда, у куйидагича характерланади: ёввойилик даврида (палеолит ва илк мезолит) сайёҳ овчилар табиатдаги тайёр ҳолдаги озуқа манбаларидан фойдаланишган бўлса, варварлик даврида дастлабки деҳқончилик ва чорвачилик озуқа маҳсулотларидан фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишган.

Янги археологик манбалар, аввалги тасаввуримиздаги ёввойилик тараққиёт босқичига бир қатор ойдинликлар киритишга олиб келди ва шель-ашель даврларидан илгари одамзоднинг илк шаклланиши билан боғлиқ ниҳоятда қадимги давр хронологик босқичини, яъни олдовой даври олимлар томонидан тан олинди ва фанга кирди. Олдовой даври инсоният

тарихининг 2,500 минг йилликдан 600 минг йилликни ўз ичига олади. Шу каби янги археологик маълумотларни ҳисобга олиб, одамзоднинг шаклланиш жараёни инobatга олинганда палеолит ва илк мезолит даврларини 5 асосий ривожланиш босқичларига бўлиш мумкин.

Шулардан биринчиси олдовой ва ашель босқичи бўлиб, кишиларнинг яшаш турмуш асосини ўз даврига хос сайёҳ овчилик ташкил қилиб, дастлабки кашф қилинган меҳнат қуроллари асосан таёқ тўқмоқлар, тош чўқморлардан иборат бўлиб, улар воситасида йирик ёввойи ҳайвонларга ўзаро бирикишиб ов қилишган. Шунингдек, овқатга яроқли ўсимлик, парранда тухумлари сингари озуқабоп нарсалар билан термачилик қилиб турмуш кечирганлар. Бу даврда яшаш тарзини таъминлаш учун одамзод гуруҳларининг жипслашиши, хуллас, бу ҳодиса ўз даврига хос биринчи «кооперация» шаклининг намоён бўлиши эди. Бу ҳодиса эса ўз навбатида одамзодни табиатнинг турли инжиқликларидан сақлаб қолди.

Эволюцион тараққиётнинг иккинчи босқичи – мустъе даври сайёҳ овчиларнинг яшаган замони (бундан 100-40 минг йиллар) бўлиб, янги археологик манбаларни инobatга олсак, бу давр аввалги тасаввурларга қараганда анча устун ривожланган, масофага иргитиш мослама қуроли–найза тиғи, чакмоқтошдан ясалган калта найза (дротик), тошдан ва суякдан ишланган турли-туман қуролларнинг кашф қилиниши овчиликнинг ихтисослашувига олиб келди ва ёввойи ҳайвонларни биргалашиб қуршаб олиш, чўчитиш сингари усуллар вужудга келиб, овчилик шакллари аввалларига қараганда анча такомиллаша борди. Шу тарздаги хўжалик юритишнинг мураккаблиги киши гуруҳларининг янада жипслашувини тақозо қиларди. Бу жараён оқибатда локал, яъни ҳар хил жойларда қўни-қўшни жамоа бирикмаларининг шаклланишига олиб келди. Ҳар йўсиндаги ва очиқ жойларда жойлашган мустъе даври маконларини ўрганиш шундан далolat берадики, бу замонда кишиларнинг аввалгига нисбатан муайян даражада бирлашиши кучаяди, уларнинг абстракт тушунчалари ривожланиб, дунё, табиат ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб, мафкуравий бирликнинг илк кўриниши намоён бўлди. Бу манзара эса уларнинг дафн урф-одатларида, худудий кабристонларнинг вужудга келишида, кишиларнинг муайян худудларда бирлашиб яшашларида намоён бўлди. Бу жараёнлар мустъе даври одамларининг интеллектуал соҳадаги ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Навбатдаги эволюцион босқич – бу сўнгги палеолит (40-12 минг йиллар аввал) даври бўлиб, масофавий қуролларнинг, унинг охириги босқичида эса ўқ-ёйнинг вужудга келиши, меҳнат қуролларининг кескин такомиллашуви, қуршаб, ўраб, чўчитиш ов қилиш усуллари-нинг янада такомиллашуви, турли-туман меҳнат қуролларининг ишлаб чиқилиши, шунингдек, хом ашё айрибошнинг шаклланиши, шахсий фойдаланиш мақсадида озиқ-овқат алмашиши сингари ўз даврига хос ихтиролар билан характерланиб, бу жараён ижтимоий соҳада уруғчилик, яъни матриархат тузумининг вужудга келиши сингари социал янгиликлар билан характерланади.

Ҳалдаги тараққиёт эволюцияси мезолит (мил. авв. 12-6 минг йилликлар) даври икки босқич орасидаги давр бўлиб, овчилик, хонаки чорвачилик, қисман деҳқончилик хўжалиги ва турли меҳнат қуролларининг жорий қилиниши билан боғлиқ фаолиятлар каби туб ўзгаришлар юзага келиб, сайёҳ овчиларнинг маъқул экологик бурчакларда қисман ўтроқлашиб яшашига шароит яратди. Умуман, бу давр аввалги сайёр овчи гуруҳлар даврига нисбатан ўз замонига хос юксак тараққиётга эришган сўнгги босқичи ҳисобланади (Массон, 1976. С. 179-181).

Неолит даврида (мил. авв. 6-4 минг йилликлар) деҳқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш билан боғлиқ туб ўзгаришлар юзага келди ва бу жараён хўжалик-маданий ва маънавий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатиб, олимлар бу даврни «неолит ёки илк деҳқончилик инқилоби» атамаси билан ҳам юритади (Массон, 1971). Бу даврда деҳқончилик чорвачилик ва турмуш тарзининг бошқа соҳалари билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёни ўз даврига нисбатан кенг ривожланиб, оқибатда дастлабки цивилизация-нинг юзага келишига замин яратди.

Ибтидий даврда содир бўлган ҳалдаги тараққиёт босқичи – металлнинг меҳнат

қуроллари яшаш учун кашф қилиниши бўлиб, бу ҳодиса ибтидоий жамоа хўжалигида юзага келган буюк ўзгаришлардан ҳисобланади. Ибтидоийлик даврида металлдан фойдаланишнинг икки босқичини кўриш мумкин. Биринчи босқичи – меҳнат қуролларининг мисдан ясалиши билан характерланиб, у чидамсиз ва мурт эди. Шунинг учун ҳам қуролларнинг аксарияти тошдан ясалиб бу давр энеолит, яъни мис-тош даври номини олди. Ўрта Осиёда дастлаб металл мил. авв. IV мингинчи йилликнинг бошларидан, Жанубий Туркменистондаги Намозгоҳ I маданияти давридан маълум. Ўрта Осиёнинг шимолий музофотларида эса бу вақтда неолит даври – Калтаминор маданияти гулламоқда эди.

Қадимги металлурғлар маълум даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб, бронза олишни кашф этдилар. Ўрта Осиёда бронза мил. авв. II минг йилликнинг бошларидан маълум бўлиб, ибтидоий давр тараққиётининг сўнгги босқичи ҳисобланади. Металл ва металлургиянинг кашф қилиниши жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида туб ўзгаришга олиб келди. Бу ҳодиса цивилизациянинг муҳим омили сифатида урбанизация жараёнининг ташкил топишига замин яратди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ўтган аср 50-йилларининг бошларида Б.А. Куфтин Намозгоҳтепада қазишмалар ўтказиб, Жанубий Туркменистон ўтроқ деҳқон жамоалари тарихининг янги хронологик системасини тақдим қилди. Шу даврга қадар эса Г. Шмидт даврий системасидан археологлар роса 50 йил фойдаланиб келдилар. Шуни қайд этиш лозимки, 1904 йилда америкалик Р. Помпелли Жанубий Туркменистонга экспедиция уюштирди, унинг таркибида немис археологи Г. Шмидт қатнашиб, бу экспедиция Ановтепани қазиб ўрганиб, бу ердаги маданий тараққиётни 4 та хронологик босқичга бўлиб, уларни Анов I, II, III ва IV деб атади.

Б.А. Куфтин эса Намозгоҳтепани ўрганиб, қадимги деҳқон жамоаларининг энеолит ва бронза даври тарихини 6 босқичга бўлиб, у бу босқичларни Намозгоҳ I, II, III, IV, V, VI деб атади (Куфтин, 1956). Кейинроқ, бу ёдгорликда ўрганиш ишларини В.М. Массон давом эттириб, унинг хронологик даврий системасига туб ўзгаришлар киритолмасида, ўша 6 босқичнинг ҳар бирини иккитадан босқичга бўлиб ўрганиш мумкинлигини исботлаб берди (Массон, 1956). Г. Шмидт ва Б.А. Куфтин хронологик даврий системасини бир-бири билан солиштирилганда Анов I нинг «А» фазаси неолитга тегишли бўлиб, Анов I «Б» эса Намозгоҳ I га тенгдир. Шунингдек, Анов II Намозгоҳ II га баробар; Анов III Намозгоҳ III, IV, V ва VI га тенгдир. Анов IV илк темир даврига тааллуқли бўлиб, Ўрта Осиё ибтидоий жамоа тузуми тарихининг Намозгоҳ II-III босқичлари Жанубий Туркменистонда энеолит асри ҳисобланади. Б.А. Куфтин хронологик даврий системасидаги Намозгоҳ IV, V, VI этаплари Жанубий Туркменистонда жез даври ҳисобланади. Намозгоҳ IV комплекси илк бронза, Намозгоҳ V ривожланган бронза, Намозгоҳ VI эса Намозгоҳ маданиятининг сўнгги босқичи ҳисобланади. Намозгоҳ IV босқичининг хронологик доираси милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталари ва унинг иккинчи ярми билан белгиланади. Намозгоҳ V босқичи эса милодий эрадан аввалги III мингинчи йилликнинг охири ва II минг йилликнинг биринчи чорагига доирдир. Намозгоҳ VI босқичи мил. авв. II мингинчи йилликнинг иккинчи чораги ва унинг иккинчи ярмига тегишли ҳисобланади (Аскарлов, Жўракулов, 1984).

Ишимизда даврий системалар юзасидан чалкашлиқларга йўл қўймаслик мақсадида шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Жанубий Туркменистоннинг деҳқон жамоалари тарихида В.М. Массоннинг фикрича, энеолит даври мил. авв. V минг йилликнинг охиридан бошланиб, у то III минг йилликнинг биринчи чорагигача давом этди. Шунингдек, Намозгоҳ I илк энеолит, Намозгоҳ II ўрта энеолит ва Намозгоҳ III эса сўнгги энеолит ҳисобланади. Энеолит даврида суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик ибтидоий хўжаликнинг асосини ташкил этган.

Жез давридан кейинги тараққиёт илк темир даври билан характерланган ҳолда унинг хронологик даврий системаси дастлаб Ёзтепа ёдгорлиги манбалари асосида ишлаб чиқилган. Унга кўра Ёз I мил. авв. 900-800 йиллар бўлиб, одамзод дастлабки темир буюмлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, Ёз II мил. авв. 700-600 йиллар, ўрта ривожланиши

ва Ёз III 500-400 йиллар билан белгиланиб, унинг ривожланган даври ҳисобланади, деб белгиланган.

Бу хронологик даврий системаларни алоҳида эслатишимиздан мақсад – Жанубий Ўрта Осиёда ривожланган маданият ва илк шаҳарларнинг ташкил топиш эволюциясини белгилашда шу системадан фойдаландик.

Демак, юқорида зикр этилган тараккиёт босқичларининг барча даврларида кишилиқ жамоалари сайёр овчилик турмуш тарзидан кўним яшашга интиланлар ва бу ҳодиса эволюцион йўл билан тарихий диалектика асосида, динамик тарзда содир бўлиб, одамзод юксак маданиятга, хусусан, шаҳарлашиш цивилизациясига эришган.

Фойдаланилган адабиётлар

Аскарлов А.А., Жўрақулов М.Ж. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё // Самарқанд, 1984.

Braidwood R.J. The Near East and the Foundations for Civilization. Oregon, 1952.

Куфтин Б.А. Полевой отчёт о работе XIX отряда ЮТАКЭ по изучению культуры первобытных оседлоземледельческих поселений эпохи меди и бронзы в 1952 г. // Тр. ЮТАКЭ. Т. VII. Ашхабад, 1956.

Массон В.М. Памятники культуры архаического Дахистана в юго-западной Туркмении // Тр. ЮТАКЭ. Т. VII. Ашхабад, 1956.

Массон В.М. Поселение Джейтун. МИА, №180. М., 1971.

Массон В.М. Экономика и социальной строй древних обществ (В свете данных археологии) // Л.: «Наука», 1976.

Резюме

Статья посвящена общим вопросам исследования социально-экономической основы ранних цивилизаций раскрытию динамики развития материальной культуры и общественных отношений, являющихся основной базой возникновения урбанистических процессов в регионах.

Summary

The article is devoted to investigation of social-economical basis of early civilization, sets forth the dynamics of development of culture and social relations, which are considered as the main basis of appearing of urban process in other regions.

А.М. Омонов

Национальный университет Узбекистана

ВОЗОБНОВЛЕНИЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА СТОЯНКЕ КУЛЬБУЛАК

История эпохи позднего палеолита на обширных территориях Средней Азии до сегодняшнего дня остается одной из наименее исследованных проблем археологии каменного века. Сложившаяся ситуация объясняется, с одной стороны, незначительным количеством известных стратифицированных позднепалеолитических памятников в регионе, а с другой, - недостатком естественнонаучных данных даже по наиболее изученным объектам. С целью уточнения картины развития человеческих сообществ на территории Средней Азии в эпоху позднего палеолита, силами Российско-Бельгийско-Узбекской экспедиции с 2007 г. проводятся ежегодные комплексные исследования местонахождения Кульбулак - наиболее известного многослойного палеолитического памятника на территории Узбекистана, расположенного на правом берегу устья р. Джарсай на юго-восточных склонах Чаткальского хребта [Анисюткин, Исламов, Крахмаль и др., 1995; Касымов, 1990].

В течение экспедиционного сезона 2009 г. площадь раскопа, вскрывшего верхнепалеолитические слои памятника, составила 18 м². Верхнепалеолитические горизонты стоянки вмещены во второй литологический слой, который представляет собой пролювиального генезиса светлый зеленовато-серый суглинок (супесь) с разнозернистым песком, гравием, дресвой и редким щебнем. В слое, незначительно затронутом биотурбациями, присутству-

ют окатыши карбонатных стяжений (конкреций) и плотных глин. В отложениях (чаще в подошве) встречаются пятна окислов железа. Несмотря на пролювиальный генезис отложений, археологический материал, присутствующий в литологическом слое 2, подвергся лишь незначительному перемещению. Об этом свидетельствует как присутствие в коллекции огромного количества чешуек и мелких обломков, так и тот факт, что артефакты залегают преимущественно в горизонтальной плоскости, образуя скопления, разделенные пустым пространством (планиграфическое выделение "зон активности"). В ходе раскопочных работ было зафиксировано, что верхнепалеолитический материал в пределах второго литологического подразделения залегают двумя количественно неравнозначными культурными слоями, отражающими, по всей видимости, два разделенных незначительным временным интервалом эпизода обитания древних людей на данном памятнике, различающихся интенсивностью заселения. Верхний менее многочисленный слой (культурный слой 2.1) свидетельствует о кратковременном посещении, а нижний уровень (культурный слой 2.2) отражает более долговременное и интенсивное обитание древнего человека на указанном участке.

Индустрия культуросодержащего слоя 2.1

Вся коллекция каменного инвентаря насчитывает 15864 экз., из которых подавляющую часть составляют отходы производства – чешуйки, обломки, осколки и мелкие отщепы (84,6% от количества всех находок). Количество артефактов без отходов производства составляет 2443 экз.

Первичное расщепление. Всего было обнаружено 191 экз. (7,8% коллекции) нуклеидных изделий, из которых типологически выраженных нуклеусов 111 экз. Самой многочисленной группой являются ядрища призматического принципа расщепления - 57 экз. Наиболее ярким компонентом призматического принципа выступают кареноидные нуклеусы для пластинок и микропластин (31 экз.), из которых кареноидные нуклеусы для пластинок и микропластин на сколах продольной системы снятий насчитывают 5 экз. (рис. 2; 12), кареноидные нуклеусы для пластинок и микропластин на сколах поперечной системы снятий - 8 экз. (рис. 2; 10, 11, 14), а кареноидные нуклеусы для пластинок и микропластин на различных отдельностях кремня - 19 экз. (рис. 1; 8; рис. 2; 8), включая одно двухфронтальное ядрище (рис. 1; 9). Призматические моноплощадочные нуклеусы параллельного способа снятий для пластинчатых заготовок составляют 16 экз. Один экземпляр призматического моноплощадочного ядрища конвергентного способа расщепления для пластинчатых заготовок. Также одним изделием представлено призматическое моноплощадочное ядрище параллельного способа снятий для отщепов. Призматические биплощадочные нуклеусы параллельного способа снятий для пластинчатых заготовок насчитывают 8 экз. (рис. 2; 13). Особенностью данного типа ядрищ является то, что с двух ударных площадок нуклеусов расщепление велось во встречном направлении на фронт заготовки, однако в разных секторах фронта, таким образом, что на фронте не прослеживается бипродольных негативов снятий (рис. 1; 10, 12).

Второй по численности и значимости группой нуклеусов выступают ядрища плоскостного принципа расщепления - 30 экз. Из них наиболее многочисленными и типологически выраженными являются нуклеусы параллельного способа снятий: моноплощадочные монофронтальные плоскостные нуклеусы для пластинчатых сколов (11 экз.), моноплощадочные монофронтальные нуклеусы для пластинчатых заготовок на сколах (2 экз.), моноплощадочные монофронтальные нуклеусы для отщепов (5 экз.), биплощадочный бифронтальный нуклеус для пластинчатых сколов (рис. 1; 13) и биплощадочные монофронтальные встречного скалывания для пластинчатых снятий (8 экз.). Также были выделены плоскостной нуклеус ортогонального способа снятий и дисковидные ядрища (2 экз.).

Третью группировку составляют различные модификации торцовых нуклеусов для получения пластинчатых снятий (24 экз.), из которых торцовые нуклеусы на сколах насчитывают 9 экз. При утилизации ядрищ данной категории расщепление велось как по длинной,




Рисунок 1. Стоянка Кульбулак. Каменные артефакты слоя 2.1.

так и по короткой осям заготовок.

Анализ имеющихся в коллекции сколов также свидетельствует, что процесс расщепления на стоянке был направлен на получение пластинчатых заготовок: пластин - 317 экз. (13%), пластинок - 371 экз. (15,2%) и микропластин - 367 (15%). Количество отщепных заготовок крупного и среднего размеров составляет 927 экз. (37,9%). Анализ дорсальной огранки сколов показывает, что отщепы в большей мере применялись для разжелвачивания преядрищ.

Данные по типологии ударных площадок говорят в пользу того, что на отщепах и пластинчатых отщепах обычно оформлялись гладкие ударные площадки (61,3 и 54,7%, соответственно), в то время как на пластинах, пластинках, микропластинках и определяемых технических сколах ударные площадки в большинстве своем точечные (51,2; 85,1; 96,7 и 61,9%, соответственно). Среди остаточных ударных площадок у пластин также фиксируется значительно количество гладких ударных площадок (41,9%).

Категория определяемых технических сколов составляет 151 экз. (6,2%). Они представлены краевыми сколами, в том числе и с параметрами пластин (99 экз.), "таблетками" с призматических нуклеусов для пластин, пластинок и микропластинок (24 экз.; рис. 2; 5), реберчатыми и полуреберчатыми пластинами (14 экз.), сколами подправок ударных площадок плоскостных нуклеусов (10 экз.), занывающими сколами, удалившими терминальную часть призматических ядрищ (2 экз.), сколом, снявшим часть латерали призматического нуклеуса (рис. 1; 11) и латеральным сколом с кареноидного нуклеуса (рис. 1; 14).

Орудийная коллекция слоя состоит из 151 изделия. Наиболее многочисленную группу составляют скребки (43 экз.), из которых наиболее многочисленны концевые формы - 27 экз. (рис. 1; 16, рис. 2; 1, 2), затем следуют боковые - 8 экз., включая вентральные варианты (рис. 1; 6), угловые - 4 экз. (рис. 2; 4), скребки на 3/4 части периметра заготовки - 2 экз. (рис. 1; 15), с "плечиками" - 1 экз. и стрельчатый скребок - 1 экз. Следующая по значимости типологическая группа - долотовидные изделия. Выделены как однолезвийные (14 экз.; рис. 1; 5; рис. 2; 3), так и двулезвийные формы (7 экз.; рис. 1; 1; рис. 2; 9). В материалах раскопок 2009 года была впервые выделена новая группа долотовидных орудий - микродолотовидные изделия. Эти орудия отличаются исключительно малым размером, зачастую в наибольшем измерении не превышающим 15 мм. Коллекция таких орудий насчитывает 7 экз. Также хорошо представлены и другие микроорудия: микропластинка с притупленным краем, микропластинки с ретушью (3 экз.; рис. 1; 2, 3, 4), концевые микроскребки (4 экз.) и микропластинка с ретушью утилизации. Было выделено 2 экз. мелких пластин с притупляющей интенсивной ретушью - 2 экз. (рис. 2; 7). В коллекции присутствует 11 экз. скребел, включающих такие разновидности как простые продольные (9 экз.), обушковое продольное и поперечное одинарное скребла. Резцы немногочисленны и типологически разнообразны: угловые модификации (5 экз.) и плоскостной многофасеточный резец. Зубчатый выемчатая группа насчитывает 4 изделия. Перфораторов - 8 экз., из которых 6 экз. - шиповидные орудия, 2 экз. - проколки. Ножи с обушками составляют 4 экз. Достаточно многочисленную группу составляют неформальные (ситуационные) орудия: отщепы с ретушью (18 экз.), отщепы с функциональной ретушью (6 экз.), пластины с ретушью (8 экз.) и пластины с ретушью утилизации (2 экз.; рис. 1; 7; рис. 2; 6). Выделено два остроконечника с ретушью, одна тронкированная пластина, и одно изделие определено как чоппер.

Индустрия культуросодержащего слоя 2.2

Коллекция каменных артефактов составляет 8160 экз., большая часть принадлежит отходам производства – чешуйкам, обломкам, осколкам и мелким отщепам (84,3% от количества всех находок). Количество артефактов без отходов производства составляет 1281 экз.

Всего в данном слое выделено 73 экз. нуклеидных изделий, из которых 55 экз. - типологически определяемые нуклеусы.

Наиболее многочисленной группой являются нуклеусы плоскостного принципа расщепления - 32 экз. В этой группе, также, как и в индустрии слоя 2.1, наиболее значимы ядрища




Рисунок 2. Стоянка Кульбулак. Каменные артефакты слоя 2.1.

параллельного способа получения заготовок: моноплощадочные монофронтальные для пластинчатых сколов (6 экз.), моноплощадочные монофронтальные для пластинчатых заготовок на сколах (4 экз.), моноплощадочные монофронтальные для отщепов (6 экз.), моноплощадочные монофронтальные для отщепов на сколах (1 экз.) и биплощадочные монофронтальные нуклеусы для пластинчатых снятий (8 экз.). Также были выделены ортогональные нуклеусы (4 экз.) и дисковидный нуклеус для отщепов. В коллекции присутствует

плоскостное монофронтальное биплощадочное ядрище конвергентного способа расщепления для получения острий. Наиболее интересен двуплощадочный монофронтальный конвергентного способа снятий нуклеус для производства удлинённых острий, близкий по своим характеристикам к леваллуазским ядрищам.

Вторая по значимости группа - призматические нуклеусы для пластинчатых снятий (14 экз.): призматические моноплощадочные нуклеусы параллельного способа снятий для пластинчатых заготовок (9 экз.), подпризматический моноплощадочный нуклеус конвергентного способа снятий для пластин и пластинок, призматический биплощадочный нуклеус параллельного способа снятий для пластинчатых заготовок и кареноидные нуклеусы для пластинок и микропластин (3 экз.).

Третья по численности группа - торцовые нуклеусы для производства пластинчатых заготовок (9 экз.), из которых наиболее многочисленную часть составляют торцовые моноплощадочные клиновидные ядрища для пластинчатых заготовок (7 экз.). Отмечено одно торцовое биплощадочное монофронтальное ядрище для пластинок.

Анализ сколов данного слоя свидетельствует, что процесс расщепления в рассматриваемой индустрии направлен в большой степени на производство пластинчатых заготовок: пластин - 209 экз. (16,3%), пластинок - 216 экз. (16,8%) и микропластин - 110 (8,6%). Количество отщепных заготовок крупного и среднего размеров составляет 571 экз. (44,6%). Данные по типологии дорсальных поверхностей сколов свидетельствуют, что отщепы в большей мере применялись для разжелевачивания преядрищ.

Данные по типологии ударных площадок говорят в пользу того, что на пластинах, отщепках, пластинчатых отщепках и технических сколах обычно оформлялись гладкие ударные площадки (58,2%, 61,9%, 66,7% и 46,7% соответственно), в то время как на пластинках и микропластинках ударные площадки в большинстве своем точечные (80,5% и 100% соответственно). Среди остаточных ударных площадок пластин также значительно количество точечных ударных площадок (20,4%).

Категория определяемых технических сколов насчитывает 61 экз. (4,8%). Они представлены краевыми пластинами и сколами (34 экз.), "таблетками" с призматических нуклеусов для пластин, пластинок и микропластинок (14 экз.), реберчатыми и полуреберчатыми пластинами (13 экз.), сколами подправок ударных площадок плоскостных нуклеусов (6 экз.) и латеральным сколом с кареноидного нуклеуса.

Орудийная коллекция слоя 2.2 насчитывает 48 экз. Наиболее представительна группа скребел (9 экз.), включающая в себя одинарные продольные, двойные продольные, продольные с обушком и ассиметричные конвергентные варианты. Группа скребков (6 экз.) состоит из концевых скребков (3 экз.), скребка с ретушью по периметру, бокового и стрельчатого скребка. Категория долотовидных орудий (4 экз.) представлена однолезвийными изделиями (3 экз.) и двулезвийной стамеской. Резцы представлены единичным кареноидным многофасеточным орудием. Зубчато-выемчатая группа насчитывает 4 экз. зубчатых изделий и 3 экз. выемчатых. Микроорудия представлены концевым микроскребком и пластинкой дюфур. Выделено 2 экз. шиповидных изделий и нож с обушком. Отмечен один отщеп с характерной интенсивной притупляющей ретушью. Группа неформальных орудий состоит из пластин с ретушью (4 экз.), пластин с ретушью утилизации (5 экз.), отщепов с ретушью (4 экз.) и отщепов с ретушью утилизации (2 экз.).

Палеоантропологический материал.

В литологическом слое 2, в основании культуросодержащего слоя 2.1 в экспедиционном сезоне 2009 г. был найден зуб древнего человека, являющийся вторым нижним премоляром человека современного физического облика (Б. Виола, 2009 г., личное сообщение). Находка была обнаружена в не потревоженном стратиграфическом контексте и имеет хорошую сохранность. На настоящий момент сделанная находка представляет собой первое для территории Центральной Азии бесспорное свидетельство, ассоциирующее верхнепалеолитическую индустрию с конкретным видом человека.

Заключение

Изучаемая стоянка открытого типа Кульбулак является уникальной для всего региона Центральной Азии. В течение полевого сезона 2009 г. были получены новые данные. Речь идет, прежде всего, об обнаружении палеоантропологического материала. Основываясь на технико-типологических данных можно сделать вывод о культурной принадлежности исследуемых на памятнике комплексов, включенных во второй литологический слой, ко второй половине верхнего палеолита. Два культуросодержащих слоя проявляют несомненное культурное единство и генетическую близость. Более того, судя по составу каменного инвентаря, исследуемый участок памятника в разное время использовался как мастерская для получения сколов-заготовок и производства каменных орудий.

Благодарности

Работа выполнена при поддержке РГНФ (проект № 08-01-00332 "а") и интеграционного проекта РАН № 25.1.9. Автор выражает благодарность всем участникам данной международной экспедиции, в частности академику РАН, д.и.н. А.П. Деревянко, академику АН РУз., д.и.н. У.И. Исламову, научным сотрудникам ИАЭТ СО РАН, к.и.н. А.И. Кривошапкину, к.и.н. К. Колобовой, научному сотруднику Центра Первобытных Исследований Бельгии, доктору археологии: Д. Фляс и другим исследователям за оказанную поддержку в публикации данной статьи.

Использованная литература

Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н.О. Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан). Санкт-Петербург, 1995.

Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана (по материалам многослойной палеолитической стоянки Кульбулак). Автореф. дисс. д.и.н. – Новосибирск, 1990.

Резюме

Мақолада 2009 йил Ўзбекистон-Россия-Бельгия қўшма археологик экспедицияси томонидан, тош даврига оид Кўлбулак маконида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари, ҳамда юқори палеолитга мансуб дастлабки палеантропологик топилма тўғрисида сўз юритилган.

С.Т. Мирсоатова, Н. Алимова
Фарғона давлат университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОШ АСРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

Юртимизда яшаган илк палеолит даври одамлари овчилик ва термачилик билан кун кечирганлар. Селунгурнинг маданий қатламларидан 30 та ҳайвон индивидларига оид, 4000 дан зиёдроқ қушлар ва рептилияларнинг айрим суяк қолдиқлари топилган. Суякларнинг сақланиш даражаси жуда ёмон: улар одатда уваланиб кетган, карбонат цементли қоплама билан қопланган. Уларга скалпел билан ишлов берилганда майда бўлақларга бўлиниб кетади. Фаунистик материалларнинг 30% игина аниқланган. Суяк қолдиқларининг парчаланиб кетганлиги ва уларнинг тош қуроллар билан бир қатламда ётганлиги бу ҳол қадимги одамлар фаолияти билан боғлиқ дейиш имконини беради. 1 ва 2 маданий қатламларда қўй, сибир тоғ эчкиси, буғу, ғор айиғи, тур хўкизи каби ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари кўпчиликти ташкил қилади. 3 ва 4 қатламларда ибтидоий тур, каркидон, қўй ва эчки суяклари қолдиқлари, 5 маданий қатламда эса, қўтос суяк қолдиқлари топилган. Бундан ташқари, Селунгурдан бўри, тулки, ғор шоқоли, ғор шери, плейстоцен даври эшаги ва отлари суяклари қолдиқлари аниқланган. Шунингдек, ғорда майда сут эмизувчиларнинг – кемирувчиларнинг 10 та тури аниқланган. Улар орасида помир дала сичқони ва шарқ кўрсичқони кўпчиликти ташкил қилади. Бундан ташқари, ғордан кулранг олмахон ва қизил думли кумсичқонларнинг суяк қолдиқлари ҳам учрайди. Кемирувчилар фаунаси, мутахассисларнинг таъкидлашича, дарёлар бўйларида ўрмонлар сақланиб қолган тоғ дашти

иқлими шароитлари ҳукм сурганлигидан далолат беради (Батыров Б.Х., Батиров А.Р., 1988, с. 18).

Селунгур ғорида ҳаёт ҳукм сурган кезларда дашт шароитлари ҳукмрон бўлганлиги ҳақида палинологик тадқиқотлар ҳам гувоҳлик беради. Ғордаги гулчанг спектрларининг таксономик таркиби кесмага кўра сезиларли даражада ўзгаришларга учрамайди. Ёғоч танали гулчанглар орасида қайин ва ўрмон ёнғоғи, ўтсимонлар орасида эса, рўянсимонлар, шувоқ, бошоқлилар ва бошқалар учрайди. Тахмин қилинишича, ўша даврларда водийда ва тоғнинг пастки қисмларида чўл шароитлари ҳукм сурган ва дарё бўйларида қайин, қайрағоч, тоғларда арчалар, янада баландроқда эса, йирик баргли ва игнабаргли ўсимликлар ўсган. Шундай қилиб, палеолит даврида ғор атрофининг иқлими ҳозиргига нисбатан анча мўътадил бўлган (Батыров Б.Х., Батиров А.Р., 1988а, с.66).

Селунгур манзилгоҳи маданий қатламларидан ўчоқ қолдиқларининг топилиши, бу давр одамларининг табиий оловни кашф қилганликлари ва гўштни пишириб истеъмол қилганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

Юртимизда ўрта палеолит даврида яшаган аجدодларимиз ҳам овчилик ва теримчилик каби ўзлаштирувчи хўжалик фаолиятлари билан шуғулланганлар. Бу ҳақда ёдгорликлардан топилган фаунистик ва флора қолдиқлари гувоҳлик беради. Масалан, Тешик-Тош ғорида асосан тоғ эчкисига ов қилинган ва бу ердан топилган ёш боланинг қабрига унинг шохларининг қадаб қўйилиши, бу ҳайвоннинг тотем даражасига кўтарилганлиги ҳақида гувоҳлик бериши мумкин. Тотемизм билан бирга, марҳумнинг бош қисмига қадалган тоғ эчкисининг шохлари айлана шаклига эгаллиги ва қуёш рамзи, деб талқин қилинади. Айтиш мумкинки, ўрта палеолит даврида яшаган неандерталлар асосий ов объекти бўлган ҳайвонларга сиғинишда ўз аксини топган тотемизм ва фетишизм (жонсиз нарсаларга сиғиниш) каби диний тасаввурларга эга бўлганлар. Яна шуни айтиш лозимки, ўрта палеолит давридан бошлаб одамларда у дунё ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлган ва шунинг учун кўмиш ҳамда у билан боғлиқ удумлар пайдо бўлади (Окладников, 1949а, с.12-14). Тешик-Тош ғоридан топилган ёш қизчанинг қабри бу фикрларнинг ёрқин мисоли бўла олади. Ваҳоланки, бу қизалоқ ҳали жамоага бирон бир фойда келтирадиган даражада эмас эди. Шундай бўлсада унинг ҳурмат эҳтиром билан кўмилиши, ўша даврда аёлларга бўлган катта эътибор, деб қаралиши мумкин. Шунингдек, Зарафшон водийси ва Тошкент воҳасидаги ёдгорликлар маданий қатламларидан отлар (Кўтирбулоқда 43%), тоғ эчкиси, буғу, архар, қорамол ва ҳақозо ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган. Ов қуролилари сифатида ёғоч таёқчалар учларига ўрнатилган пайконлар ўта муҳим вазифани ўтаган. Ёдгорликлардан кўплаб терига ишлов бериш, гўшт таксимлашга мўлжалланган тош қуролилар топилган. Ибтидий гуруҳлар булоқ, дарё ва бошқа сув ҳавзаларига яқин ҳамда тош қуролилар яшаш учун хом ашё бор жойларда, шунингдек, мўътадил иқлимли кенг ва ёруғ ғорларда истиқомат қилганлар (Ташкенбаев, Сулейманов, 1980, с. 39).

Ибтидий аجدодларимизнинг хўжалик фаолияти сўнгги палеолит даврига келиб янада такомиллашади. Бироқ ҳали бу даврда ҳам ўзлаштирилувчи хўжалик фаолияти ҳукмрон бўлиб қолади. Одамлар асосан овчилик ва атрофдаги ейишга яроқли ўсимликларни териб истеъмол қилиш билан шуғулланади. Бироқ бу даврда овчилик усуллари такомиллашади, узун ва сифатли, ўткир тиғлар ва пайконлар каби мукамал ов қуролилари пайдо бўлади. Тошга ишлов бериш техникаси такомиллашиб, юпка ва пичоқсимон пластиналар ва микропластиналар синдириб олиш йўлга қўйилади. Сув бўйларида чайлалар қуриб ёки ғорларда узокроқ муддатларда яшай бошлайдилар. Эстетик тасаввурларнинг пайдо бўлишидан гувоҳлик берувчи табиий бўёқлар охралардан фойдаланиш ва чиғаноқлардан ишланган айрим тақинчоқлар пайдо бўлади.

Мезолит даври экономикаси асосан ўқ-ёйнинг пайдо бўлиши ҳамда эҳтимол, айрим ҳайвонларнинг хонақиллаштирилиши билан ажралиб туради. Бу даврда тош қуролилар яшаш ўзининг кулминацион тараққиёт даражасига кўтарилади. Микролитизм тараққий топади. Ёдгорликлардан топилган тош ва суяк тақинчоқлар бу даврда эстетик маданиятнинг юқори

давражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради (Исламов, 1963, с. 14).

Неолит даврига келиб, барча жойларда бўлгани каби буюк кашфиётлар қилинади ва тош асри маданиятдари гуллаб яшнади. Бу даврда чайлалар типигаги уй жойларни каркас типигаги ярим ертўлалар турар жойлар эгаллайдики, бу ўша давр учун мураккаб конструкцияли меъморий қурилиш санъатининг пайдо бўлиши эди (Қават 7 уйи). Айрим жойлардагина чайла типигаги мавсумий уйлар сақланиб қолади (Дарвозақир уйи). Хўжаликда ўта муҳим тармоқ инсон организми учун зарур протеинларни берувчи балиқчилик ривож топади. Кейинги маълумотларга кўра чорвачилик пайдо бўлади. Яна бир энг муҳим янгилик неолит давридан бошлаб ҳозиргача сақланиб келаётган сопол буюмлар ишлаб чиқариш кашф қилинади. Бу буюмлар бадиий нақшлар бериш, уларнинг симметрик тарзда ишланиши ва ёдгорликлардан топилган кўплаб тақинчоқлар, табиий бўёқлар бу даврда эстетик ва тасвирий санъатнинг юқори даражада бўлганлигидан далолат беради.

Калтаминор маданиятининг архаик кўриниши унинг иқтисодий асослари билан тўлиқ мос келади. Барча маълумотлар калтаминорликларни ҳали ўзлаштирувчи хўжаликка асосланган ҳаёт тарзига эга эканлигини кўрсатади. Улар иқтисодининг асосий тармоқлари овчилик ва балиқчилик бўлиб, айрим жойларда термачилик билан тўлдирилган (Массон, 1966, с.138).

Бу ҳақда Калтаминор маданияти ёдгорликлари ва уларнинг жойлашуви гувоҳлик беради. Улар дашт ва чўл худудларига сочилган дарё ва кўллар бўйларида жипслашган мавсумий маконлардир. Хоразмда Калтаминор маконлари Оқчадарё делталари бўйлари, уларнинг атрофидаги кумлар билан тўқайзорлар туташган ерларда жойлашади. Баъзан маконлар делталар ҳосил қилган оролчаларда ҳам жойлашган. Машхур Жонбос-Қалъа ёдгорлиги ана шундай оролчадан топилган. Сарикамиш ёдгорликлари ҳам қирғоқ бўйлаб чўзилган ҳолда жойлашади. Узбойда калтаминорчилар тинч сув ортида, қуйилишларда ва кичик кўллар атрофида макон тутганлар. Катта ва Кичик Тузкон кўллари эса Зарафшоннинг қуйи оқимидаги неолит даври қабилаларининг тўпланган жойи бўлиб хизмат қилган (Гулямов, 1956, с. 48).

Калтаминор қуроллари орасида овчиликка мўлжаллангани кўпчиликни ташкил қилади. Булар улоқтириладиган қуролларнинг пойнақлари, найза ёғочларини йўниш учун тош рандалар ва терини ишлов бериш учун турли хил қирғиччалар қабилардир. Бироқ калтаминорликлар ов қилган ҳайвонлар тўғрисида маълумотлар кам. Оқчадарё делтасида асосан тўқай ҳайвонлари - тўнғиз, кийик ва буғу каби ҳайвон суяклари учрайди. Чўл зоналарида афтидан, мезолит давридан яшаб келаётган жайрон, кулон ва сайғоқ каби ҳайвонларга ов қилинган. Негаки, Тузкон ёдгорликларида Н.К. Верещагин томонидан жайрон ва ёввойи от суяк қолдиқлари топилган (Виноградов, 1981, с. 141).

Шубҳасиз, Калтаминор маконларида балиқчилик ҳам кенг ривожланган. Чўртанбалиқ, зоғарабалиқ ва лакқабалиқларнинг суяк қолдиқлари Оқчадарёда ҳам қуйи Зарафшон ёдгорликларидан ҳам топилган. Тилга олинган балиқлар суяк қолдиқлари Жонбос-қалъада барча суякларнинг 86% ни ташкил қилади (Никольский, Рудаков, Лебедев, 1952, с. 58).

Ушбу балиқларни овлаш гарпунлар типигаги тиғли ўткир қуроллар ёки қармоқлар ёрдамида овланган. Бироқ, гарпунлар ва қармоқлар афтидан, суяқдан ишланганлиги учун сочилган ёдгорликларда деярли сақланиб қолмаган. Афтидан, кўндоқли гарпунлардан ҳам фойдаланилган.

Қатор маълумотлар теримчиликнинг ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Масалан, Жонбос-Қалъа 4 маконида куруқликда ва чучук сувларда яшовчи моллюскларнинг ва қушлар тухумларининг қобиклари топилган. Калтаминор ёдгорликларида кам бўлсада учрайдиган тарашлагич тошлар ўсимлик маҳсулотларига ишлов бериш учун қўлланилган бўлиши мумкин. Афтидан, Тузкондан топилган айрим ўриш учун мўлжалланган пичоқларнинг борлиги айрим ўсимликларни ўришда ишлатилган.

Хўжаликда овчилик ва термачиликнинг ҳукмронлиги Калтаминорнинг ҳар иккала босқичи учун ҳам характерлидир. Эҳтимол, Калтаминор индустриясининг ўзгармасдан

тараққий қилиши ушбу хўжалик фаолиятлари билан боғлиқдир.

Тадқиқотчилар томонидан ўрганилган Калтаминор ёдгорликлари афтидан, уруғ жамоаларининг маконлари бўлган. Бу ердан топилган уй-жой қолдиқлари уларни бир ёки икки ярим ертўлалардан иборат қароргоҳлар дейиш мумкин. С.П. Толстовнинг ҳисобларига кўра, Жонбос-Қалъа уйида 100-120 киши яшаган.

Сазағон 1 ёдгорлигида эчки, қўй, тур хўкизи, жайрон, от, эшак каби ҳайвон суяклари топилган. Уларда domestikация белгилари учрамайди (Джуракулов, 1983, с. 49-50). Ёввойи қўй, эчки, тур хўкизи ва жайрон Ўрта Осиёнинг мезолит ва неолит даври ёдгорликларидан кўплаб топилган (Виноградов, 1981, с.145). Аммо, бу давр ёдгорликларида отларнинг суяк қолдиқларининг топилиши ишончли эмас. Сазағон 2 маконида асосан жайрон, қулон ва бухоро бугуси бўлган ва бу ҳайвонлар Коратепа массивларида яшаганлар. Сазағон 1 маконида эса улар қаторига яна ёввойи отлар, эшак, тур хўкиз, қўй эчкилар ҳам қўшилади.

Сазағон 2 макони материаллари асосида айрим жуфт туёқлиларни хонакилаштириш белгилари учрайди. Уй ҳайвонларидан қўй эчкиларнинг суяк қолдиқлари кўпчиликни ташкил қилади. Сазағон 2 да асосий ов объекти жайрон бўлиб қолади. Бошқа ҳайвон суякларидан бўри, тулки ҳамда тош сувсарининг қолдиқлари учрайди (Батиров Б.Х., Батиров А.Р., 1988, с. 68). Бу тилга олинган ҳайвонларга сазағонликлар териси учун ов қилган дейиш мумкин. Сазағон 1 маконида мезолит даврининг ўтроқ овчилари яшаган бўлсалар, Сазағон 2 да ўтроқ чорвадорлар истикомат қилганлар. Сазағонликлар нафақат тоғли ҳудудларда балки кенг дашт ва текисликларда ҳам ов қилганлар.

Шундай қилиб, калтаминорликлар ҳамда сазағонликлар ва афтидан Марказий Фарғонанинг неолит даври аҳолиси ҳам нафақат балиқчи ва ва бошқа ҳайвонларни хонакилаштирганлар ҳамда Қизилкумнинг ўша даврларда тераклар ўсган қулай ўтлоқзорларида бир жойдан иккинчисига кўчиб, мавсумий уй-жойлар қуриб, чорвачилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлар, қўшни маданиятлар аҳолиси билан доимий алоқада ривожланганлар.

Ўзбекистон ҳудудлари неолит даври қабилалари томонидан ўзлаштирилиши учун ўта қулай табиий шароитларга эга бўлган. Бу ерларда Калтаминор, Марказий Фарғона ва уларнинг ўртасида Сазағон маданияти қабилалари каби мустақил жамоалар уюшмалари маҳаллий мезолит даври қабилалари асосида шаклланган ва кейинги инсоният тараққиёти учун замин ҳозирлаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Батиров Б.Х., Батиров А.Р. Промысловые виды млекопитающих Узбекистана в эпоху камня // Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. ТД, посвященные 50-летию открытия Тешик-Таша. Ташкент. "Фан", 1988.
- Батыров Б.Х., Батиров А.Р. Ископаемые млекопитающие пещеры Сел-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент, 1988.
- Виноградов А.В. Охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., 1981.
- Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса // ТИИА АН УзССР. Вып. 8. 1956.
- Джуракулов М.Д. Работы в Самаркандской области // АО 1981 г. М., 1983.
- Исламов У.И. Неолитическая культура в низовьях Зарафшана. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Л., 1963.
- Массон В.М. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Изд-во "Наука" М.-Л., 1966.
- Никольский Г.В., Рудаков Д.В., Лебедев Д.В. Остатки рыб из неолитической стоянки Джанбас-Кала // ТХЭ, № 4, т. 1. М., 1952.
- Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) // Тешик-Таш. Палеолитический человек. М., 1949а.
- Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент, 1980

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МЕЗОЛИТ ДАВРИ МАКОНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Яқин вақтларгача, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда мезолит даври ёдгорликлари, хусусан Фарғона водийси мезолит маконлари яхши ўрганилмаган ҳисобланарди. Холбуки, дунё миқёсида бу давр ҳақидаги дастлабки маълумотлар XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида олимлар оламшумул кашфиётлар қилдилар. Б.З. Гамбург, Н.Г. Горбунова, Ю.А. Заднепровский, В.И. Тимофеев каби олимларнинг изланишлари туфайли Марказий Фарғонада, Е.Б. Бижанов ва А.В. Виноградовлар томонидан Устюрт ясси тоғликларида кўплаб мезолит даври маконлари топилди. Натижада, бу давр ёдгорликларининг маданий ва даврий талқинлари ҳақида янги фикрлар айтиш имкони туғилди. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистондаги мезолит ёдгорликларини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда уларни дунё мезолитшунослигидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашда академик Ў.И. Исломов хизматлари катта бўлди (Исламов, Тимофеев, 1977; Исламов, 1977; Исламов, 1980). Бу муаммони ўрганишда Самарқанд давлат университети олимларидан М.Ж. Жўрақулов, Н.Ў. Холматов ва уларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади (Джурақулов, Холматов, 1990; Холматов, 2007).

Кейинги пайтларда, мезолит даври ёдгорликларини археологик маданиятларга бирлаштириш ҳоллари кузатилмоқда. Масалан, Г.Ф. Коробкова томонидан Марказий Фарғона мезолитини алоҳида маданиятга ажратиш таклифи киритилган. Кейинчалик, Г.Ф. Коробкова Марказий Фарғона мезолитини иккита вариантга: Фарғона текислик ва Обишир ғор манзилгоҳларга ажратган, аммо уларнинг ўзаро маданий алоқалари масалаларига тўхтаб ўтмаган. Академик Ў.И. Исломов Обишир 1-5 ёдгорликлари материалларини илмий таҳлил этиб, уни алоҳида Обишир маданиятига бирлаштирди.

Территориал ва маданий жиҳатдан Фарғона худудларидаги мезолит даври ёдгорликларининг катта гуруҳи алоҳида ажралиб туради. Худудда олиб борилган ярим асрлик тадқиқотлар: 1958 йилда Б.З. Гамбург ва Н.Г. Горбуновалар, 1963-1964 йилларда Ю.А. Заднепровский, 1965-1966 йилларда Ў.И. Исломов, 1967, 1969 ва 1970 йилларда В.И. Тимофеевларнинг изланишлари натижасида, бу ерда мезолит даврининг турли босқичларига оид 40 дан зиёд ёдгорликлар очиб ўрганилди (Исламов, Тимофеев. С. 23-28). Уларнинг кўпларида маданий қатламлари очилган манзилгоҳлар ва айримларидан шу давр тош қуроллари йиғиб олинган.

Бу ердаги кам сонли ғор типидagi ёдоғриқлар сирасига Обишир- 1-5 ҳамда Тош-Кўмир маконларини киритиш мумкин. Шулардан Обишир-1 ва 5-ғорларда Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти палеолит гуруҳи томонидан кенг ва системали равишда текширишлар олиб борилган. Тош-Кўмир ғорини эса қирғизистонлик археолог М. Юнусалиев ўрганган. Бу ёдгорликлар Сўх дарёси водийсида, Қатронтоғнинг жанубий этакларида ва Обиширсойнинг қирғоғида жойлашган. Майдонига кўра, бу ерда энг йирик ғор бу Обишир-5 бўлиб, унинг эни 30 м, баландлиги 20 м ва чуқурлиги 9 м. Обишир-1 ғорининг эса ҳажми анча кичик, 12x14x12 м (Исламов, 1980. С.7-9). Ҳар иккала ғорда ҳам маданий қатламлар қумлоқ тупроқ устида ётади. Аммо Обишир-5 ғори қатламларида қумлоқ лой ҳам мавжуд. Обишир-1 битта, Обишир-5 учта маданий қатламдан иборат. Ушбу ғорларда ўчоқ ва кул қолдиқлари қайд этилган. Маданий горизонтларда тош ва суяклар кўплаб учрайди. Шунингдек, бу ердаги чиғаноқ, суяк ва тошдан ясалган тақинчоқлар топилган. Топилма жойларнинг йиғма материалларини техник ва типологик тадқиқ қилиш асосида Г.Ф. Коробкова алоҳида ўзига хос мезолит даври комплексини ажратди (Коробкова, 1970. С. 24-25). Кейинчалик Обишир-1-5 ва Тош-Кўмир ғорларнинг очилиши ва Фарғона водийсида шартли равишда Обишир маданияти деб номланган

иккинчи ғор комплекслари ҳам бўлганлиги масаласи кун тартибига қўйилди. Аммо материалларнинг қисман эълон этилганлиги Обишир ва Фарғона мезолити алоҳида маданиятми ёки бир маданиятнинг икки босқичими деган масалага ойдинлик киритишни мураккаблаштиради. Бироқ Фарғона мезолит маданияти Обишир маданиятининг кейинги босқичи бўлиши мумкин деган фикр ҳам илгари сурилган эди. Фарғона текислик ҳамда Обишир ғор маконларининг материалларини чуқур илмий таҳлил қилиш натижасида Ў.И. Исломов бу масаланинг тўғри ечимини топди. Ушбу тадқиқотчи томонидан водийдаги барча текислик ва ғор манзилгоҳлари Обишир маданияти деб бирлаштирилди.

Шунингдек, Ў.И. Исломов, Марказий Фарғона материалларини Обишир маданиятининг сўнгги босқичи деб ҳисоблайди. Юқорида илгари сурилган ғояларнинг қанчалик тўғрилигига Обишир ва Фарғона комплексларининг тўлиқ техник-типологиясини ишлаб чиқиб, ўзаро солиштириб таққослангандан сўнг аниқлик киритиш мумкин (Исломов, 1977. С. 27).

Фарғонада ғор ёдгорликлари индустриясининг микролитоид типигадаги пластиналар чақмоқлаш билан галкадан ишланган буюмларнинг (2%) бирга келиши орқали ажралиб туради. Қурооллар яшаш учун асосий хом ашё сифатида ўрта ҳажмли пластиналардан (48,5%), микропластиналардан (42,5%) ва қисман учириндилардан (6% дан кўпроқ) фойдаланилган (Исламов, 1980. С. 108). Тошларга иккиламчи ишлов беришда бир томонлама ва баъзан қарама-қарши томондан амалга оширилган ўзлаштирувчи ретуш кўпчиликти ташкил қилади. Тош қурооллар орасида турли типлардаги қирғичлар, кескичлар, стержен шаклидаги тиглар, қия дўғали узунчоқ сегментлар, учбурчак шаклли ассиметрик пойнақлар, чопперлар, чоппинглар, силлиқланган буюмлар, суяк бигизлар, игналар, пардозлагичлар ва ит тишларидан қилинган шакллар учрайди. Тош-Кўмир ғорининг материаллари Обишир-1-5 ёдгорликлариникига жуда ўхшаб кетади. Шунинг учун, Тош-Кўмир ғорининг Обишир маданиятига ҳослиги бежиз эмас. Бироқ Тош-Кўмир индустрияси архаик белгиларга эга. Масалан, бу ерда пластиналарнинг нотеккис шакли учрайди, микропластинкалар йўқ. Сегментлар жуда кам бўлиб, Обишир ёдгорликлариникидан икки баравар йирик, ретушлари кўпол ва катта. Қирғичлар фақат қалин шаклларга эга. Галкали буюмлар учрамайди.

Шундай қилиб, Фарғонадаги ғор ва текислик ёдгорликлари бир бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларнинг ягона маданиятга ҳослиги шубҳасиздир. Улар орасидаги тафовутлар катта эмас ва аввало бу фарқ, хом ашё, айрим типлар нисбатлари ва ҳажмларида сезилади. Бироқ бу тафовутлар уларнинг даври турлича эканлигини хронологик фарқларни кўрсатади. Шунинг учун Обишир-1-5, Тош-Кўмир ва Фарғона текислик ёдгорликлари ягона маданиятнинг турли босқичларини ўзида акс эттиради деган фикрни айтиш мумкин. Шунинг учун уларни даврлаштириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш имкони туғилади. Ў.И. Исломовнинг ҳулосасича, ғор манзилгоҳлари Обишир мезолит даври маданиятининг илк босқичини ва Фарғона текислик ёдгорликлари сўнгги даврларини ифодалайди. Г.Ф. Коробкованинг қайд этишича, бу ердаги ёдгорликлар мезолит даврининг учта босқичига ажратилиши мумкин. Биринчи, қадимги босқич индустрияси нисбатан анчайин архаик бўлган Тош-Кўмир ғори материалларини, иккинчи босқичга, Обишир-1-5 индустрияси ва қадимийлик белгиларига эга айрим текисликдаги ёдгорликларни (2-пункт, Мадийёр), Ачиқкўл, Янги-Қадам-21, Замабар-2 ва бошқаларни киритиш мумкин. Учинчи босқичга эса Фарғона текислик ёдгорликларини (3, 5, 16-пунктлар, Сарик-Сув, Бахробод ва бошқаларни) киритиш мумкин (Коробкова, 1980. С. 25-26). Биринчи босқич микролитоид элементларисиз пластиналар чақмоқлаш техникаси билан характерланади.

Г.Ф. Коробкованинг фикрига кўра, Фарғона материаллари (Обишир маданиятининг сўнгги босқичи) индустрияси ўхшаш ва микролит чақмоқлаш техникаси ҳукмрон бўлган Дарра Калон (Афғонистон) билан таққосланиши мумкин. Унинг радиоуглерод санаси эр. авв. 7525 ± 100 йилларни ташкил қилади. Бундай таққослаш натижасида, Обишир маданиятининг сўнгги босқичини эр.ав. VII минг йилликлар билан саналаш мумкин. Ў.И.

Исломовнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, Обишир-1-5 ғор комплексларини ўрта мезолит даври билан саналаш лозим ва рақамларда бу эр.ав. IX-VIII минг йилликларга тўғри келади. Бундай фикрга муаллиф эр. авв. 7580±130 йиллар билан саналаган Ошхона ва Тутковулнинг 2а мезолит даври материаллари билан таққослаш натижасида келади.

Обишир маданиятининг келиб чиқиши масаласи ечилиши мураккаб бўлган муаммолар сирасига киради. Шунга қарамай, олимлар ушбу маданиятнинг, айниқса унинг илк босқисларининг тош қуроллар индустрияси Самарқанд сўнгги палеолит макони ва Хўжа-Ғор материаллари билан кўпгина ўхшашликларга эга эканликларини кўрсатиб ўтганлар. Обишир-1-5 ёдгорликларидан олинган фаунистик қолдиқларга, палеогеографик ва функционал далилларга кўра, бу маданият вакиллари овчилик ва термачилик билан шуғулланишган. Обишир маданияти сохиблари сибир эчкиси, архар, жайрон, тўнғиз ва буғу каби ҳайвонларга ов қилишган. Асосий ов қуроллари ўқ-ёй бўлиб, уларнинг айрим ўқлари Обишир ва Фарғона мезолит комплексларида аниқланган. Овчилик жамоанинг асосий машғулотлардан бири бўлганлигини бу соҳа билан боғлиқ тош қуроллари ҳам тасдиқлайди. Ушбу маданиятнинг уй хўжалигида териға ишлов бериш ва ундан буюмлар тикиш муҳим ўрин тутган. Термачилик ҳақида 2-пунктдан (Мадёр) топилган ва ёввойи дуккаклиларни ўриш ва янчиш учун ишлатилган тош ўроқлар ҳамда келисоплар далолат беради. Умуман олганда, Обишир маданияти аҳолиси тоғолди ва чўлларда сайёр овчилик билан кун кечиришган (Ранов, Коробкова. С. 29-31).

Обишир маданияти Марказий Фарғона неолитининг шаклланишида ва таракқиётида муҳим рол ўйнаган, неолит даври аҳолиси ўз аجدодлари анъаналарни давом эттирган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда мезолит даври ёдгорликларини турли хил табиий иқлим шароитларига эга ҳудудларда топиб ўрганилган. Бу ерда чўллар, даштлар, ўрмонлар, тоғлар ва тоғолди платолари, тоғлар ораси ҳамда дарё водийлари каби табиий ҳудудларни учратиш мумкин. Амударё, Зарафшон, Қизилқумдаги палеогеографик ва археологик комплекс тадқиқотлар бу ҳудудларда плейстоценнинг охири ва голоцен даврининг бошларида нисбатан зич аҳолига эга бўлганлигини кўрсатади. Турли хил иқлим шароитларидан топилган маконлар бу ерларнинг одам яшаши учун қулай иқлим шароитларига эга бўлганлигидан далолат беради. Бу ҳудудларда яшаган мезолит даври қабилалари турли иқлим шароитларига мослашиб ва шу шароитларга мос равишда маданий таракқиётда давом этганлар ҳамда кейинги янги тош асри маданияти учун замин ҳозирлаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

- Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. –Ташкент: Фан, 1972.
Исламов У.И. Обиширская культура. –Ташкент: Фан, 1980.
Коробкова Г.Ф. Проблемы культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // КСИА, №122. 1970.
Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. дисс. док. ист. наук. – Новосибирск: 1977.
Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткавул – многослойное поселения гиссарской культуры // Советская археология. № 2. 1971.
Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы // ИМ-КУ. Вып. 13. Ташкент: Фан, 1977.
Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент: Фан, 1990.
Холматов Н.У. Мезолит и неолит нижнего Зарафшана. Ташкент: Фан, 2007.

Резюме

Статья посвящена изучению памятников мезолита Ферганской долины, рассмотрению ее эволюции, мнений основных исследователей мезолита Средней Азии У.И. Исламова и Г.Ф. Коробковой об этом комплексе долины.

Summary

The Article is devoted studying of monuments in mezolite of Fergana valley. In it resulted evolution of the opinions of the main researchers of mezolite in Central Asia U.I. Islamov and G.F. Korobkova about this complex of valley.

КЎКАЁЗ УСТАХОНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

1999 йилнинг кузида Ўзбек-Француз жўғрофий-археологик халқаро экспедицияси Марказий Қизилқумнинг шимоли-шарқий қисмидаги Кўкаёз пасттекислигида тадқиқот ишлари олиб борди. Ушбу экспедиция иштирокчиси, ЎзР ФА археология институти етакчи илмий ходими М.М. Хўжаназаров томонидан Кўкаёз пасттекислигининг шимолий сарҳадларидаги учта пунктдан 100 га яқин тош буюмлар йиғиб олинган эди (Хўжаназаров, Сайфуллаев, 1999. С. 26-28).

Маълумки, шу пайтгача Марказий Қизилқумнинг жануби-ғарбий қисмидангина ибтидоий давр ёдгорликлари қайд қилинган (Виноградов, Мамедов, 1975. С. 256-261). Аммо, чўлнинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмларидан бирорта ҳам тош даври ёдгорликлари аниқланмаган эди. Шунинг учун, муаллифларнинг дастлабки фикрига кўра, Кўкаёз пунктларининг очилиши Қизилқумнинг палеолит даври тарихига янги маълумотларни бериши мумкин.

Дастлабки тадқиқотларнинг натижалари муаллифларнинг қатор мақолаларида акс эттирилган ҳолда, Б.Қ. Сайфуллаевнинг номзодлик диссертациясида умумлаштирилган (Хўжаназаров, Сайфуллаев, 1999. С. 26-28).

1999 йилда топилган Кўкаёз 1 ёдгорлиги шу номли пасттекисликнинг шимоли-ғарбий соҳилида, Кўкаёз овулидан 1,5 чақирим ғарброкда жойлашган. Археологик материаллар текис ва пасттекисликка қараб бироз эгилган ер юзасидан йиғиб олинган. Қиялик бўйлаб тепага қараб материаллар камайиб, бутунлай йўқолиб боради. Топилмажойнинг устки қатлами 50 см. гача етадиган кўчма қум билан қопланган. Тепаликнинг катта қисми жарликлар билан кесилиб, бузилиб кетган. Бу ердан йиғиб олинган тош буюмлар орасидан 20 та артефакт аниқланган. Ушбу тошлар орасида нуклеуслар, учириндилар, биттадан баргсимон типдаги бифас ва қирғич аниқланган. Ушбу буюмларни яшашда хом-ашё сифатида кулранг кварцит ва баъзан жигарранг кремнийдан фойдаланилган.

Кўкаёз 1 тўпланининг нуклеуслари 3 дона бўлиб, улар орасида битта кўп зарб майдонли, битта учириндилар чакмоқлашга мўлжалланган леваллуа типидagi ўзак (кейинги тадқиқотлар ушбу нуклеуснинг елкаси кесишган йўнилғилар негативларига эга учириндилар чакмоқлашга мўлжалланган “фунт масла” ёки “саригмой қадоғи” типидagi ўзак эканлигини кўрсатди) ва битта икки зарб майдонли нуклеус аниқланган. Қолган буюмлар орасида 15 та учиринди бўлиб, улардан 7 таси бутун (2 та йирик, 4 та ўрта ҳажмли ва 1 та майда учириндилар), 2 дона леваллуа типидagi ҳамда 6 та проксимал қисми синган учириндилардан иборат. Бутун учириндиларнинг зарб майдончалари характерига кўра асосан текис майдончали, аммо чизиксимон ва фасеткалаштирилган типдaгилари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, тўпланининг учириндилари орасида бирламчи ҳамда ярим бирламчи ва комбева типидaгилари ҳам аниқланган. Тўплани учириндилари дорсалларининг характерига кўра униполяр, биполяр ҳамда ортогонал йўналишдагилари учратилган.

Кўкаёз 1 тўпланининг леваллуа типидagi йўнилғилари орасида битта псевдолеваллуа пайкони ҳамда уч дона тошбақасимон нуклеуслардан чакмоқлаб олинган учириндилар аниқланган (Сайфуллаев, 2003. С. 77).

Фикримизча, артефактларнинг кам сонли бўлишига қарамасдан, Кўкаёз 1 индустрияси чакмоқлаш техникаси муаллифлар томонидан яхши ўрганилган. Аммо, тўпланидаги леваллуа типидagi нуклеуслар тўғрисида бошқача фикрдамиз. Коллекциядаги леваллуа типидagi ўзаклар йирик ва кенг ҳажмли бўлиб, орқа тарафларида текислаш изларига эга ва бу леваллуа нуклеуслари учун характерли ҳолат эмас. Бу ўзак тошлардаги периферик ва қоплама йўнилғилар ёрдамида текислаш орқали чакмоқлашга тайёрлаш кўпроқ “саригмой қадоғи” типидagi синдириш техникаси учун хосдир. Шунинг учун, Кўкаёз 1 индустрия-

сидаги гўё “леваллуа типидagi нуклеус”ларни елкали йўнилғилар чакмоқлаб олишга мўлжалланган “сарикмой қадоғи” типидagi ўзак тошлар, деб таснифлаш тўғрироқ бўлади.

Кўкаёз 1 комплексининг тош қуроллари биттадан бифас ҳамда қирғичлардан иборатлиги аниқланган. Бифаснинг ҳажми 143x39x18 мм бўлиб, кулранг кварцитдан ишланган ва қоплама йўнишлар ҳамда икки тарафлама ретушлар ёрдамида қирралари ишлов берилган. Ушбу бифас деярли ўзининг узун ўқи бўйлаб синган. Ф. Борд типологиясига асосланиб, тадқиқотчилар ушбу бифасни бодомсимон шаклли типга хос, деб топишиб, муқояса сифатида Устюртдаги Есен 2 тўпламидаги бифаслар билан таққослашган.

Тўпламдаги иккинчи тош қурол йирик учириндидан ишланган бўлиб, унинг ҳажми 109x106x26 мм. Унинг зарб майдончаси текис ва орқа тарафга 125° эгилган. Қирғич ҳам кулранг кварцитдан ишланган бўлиб, унинг бўртиб чиққан чап латерали даставвал йўниб юпкалаштирилган, сўнгра тишсимон ретушлар ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг суппортига нисбатан қиялиги 68° ни ташкил этади. Қирғичнинг иш юзаси бўртиб чиққан ва қирраси эгри-бугри шаклда.

Таъкидлаш жоизки, Кўкаёз 1 коллекциясидаги бифас бўлагидо бодомсимон шаклли эмас, шу жумладан, унинг билан таққосланган Есен 2 тўпламидаги бифаслар ҳам. Ҳар иккала ёдгорликдаги бифаслар баргсимон шакллидир. Аммо, бифаслар ўз-ўзидан хронологик кўрсаткич бўла олмайди. Лекин, ушбу бифаслар тўпламдаги махсус елкали йўнилғилар чакмоқлашга мўлжалланган нуклеуслар билан биргаликда қаралса, бундан ташқари, баргсимон бифасларнинг энеолит даврида кенг тарқалганлиги ҳисобга олинса, Кўкаёз 1 индустриясини энеолит даври билан саналаш мумкин.

1999 йилда очилган иккинчи пункт - Кўкаёз 2 пасттексикликнинг шимолий соҳилида, Кўкаёз овулидан 15 км шарқроқда жойлашган. Бу ердан 67 та артефакт йиғиб олинган. Улар орасида нуклеуслар, пластиналар, учириндилар, бифаслар, бир дона галька ҳамда чиқиндилар аниқланган. Тўпламда нуклеуслар атиги 4 дона ва улар орасида кўп зарб майдонли ва гардишсимон ўзаклар мавжуд.

Кўкаёз 2 тўпламида 50 та йўнилғилар аниқланган. Улардан 48 таси учириндилар ва 2 таси пластиналардир. Учириндилардан 24 таси бутун ва қолган 24 таси проксимал қисми синган. Учириндилар зарб майдончаларининг характериға кўра, 11 та текис, 7 та фасеткалаштирилган, 5 та икки қиррали ҳамда 1 та оҳак қопламали (натечный) характерға эға. Учириндилар орасида 8 та леваллуа типидagi, 1 та бирламчи ва 2 та техник йўнилғилар аниқланган.

Кўкаёз 2 комплексидо нуклеусларни узунасига униполяр, камроқ биполяр ҳамда радиалмарказға интилувчи тарзда чакмоқлаганлар. Баъзан радиал чакмоқлаш леваллуа техникасига ўсиб ўтган. Аммо тўпламда доминант позицияни ортональ чакмоқлаш техникаси эгаллайди. Тўпламдаги йўнилғилар дорсалларининг характери нуклеуслар типларига тўлиқ мос келади.

Кўкаёздаги пластиналар (2 нусха) фасеткалаштирилган ва икки қиррали зарб майдончаларға эға. Уларнинг дорсалларидаги негативлар раҳлари бирида униполяр, бирида эса ортональ ҳолатда жойлашган.

Кўкаёз 2 комплексининг тош қуроллари иккита баргсимон бифаслар синиғи ва битта кўндокли бифаслардан иборат. Уларнинг барчаси кулранг кварцитдан ясалган.

Тўпламда 9 та чиқит тошлар ва битта емирилиб кетган дарё галькаси аниқланган.

Чоп этилган материалларға ва расмларға кўра Кўкаёз 2 нуклеуслари ҳаддан ташқари ишлов берилган елкасимон йўнилғилар чакмоқлаб олишға мўлжалланган “сарикмой қадоғи” типидagi ўзаклардан иборат. Уларда икки ён тарафдан тайёрлов ҳамда асосий йўнилғи излари кўриниб туради.

Тўпламнинг баргсимон бифасларига келсак, улар муаллифлар томонидан тўғри аниқланган, бироқ кўндокли бифаслар палеолит учун характерли бўлиб, коллекциядаги бу бифас баргсимон типда бўлиб, тайёрланишнинг маълум бир босқичида ташлаб юборилган.

Кўкаёз 3 ёдгорлиғи пасттексикликнинг шимолий қирғоғида, иккинчи пунктдан 5 км

шарқроқда жойлашган. Тўпланда 15 та артефакт аниқланган, улардан биттасигина жигарранг кремнийдан, қолганлари кулранг кварцитдан ишланган. Бу ердан йиғилган материаллар орасида нуклеуслар, пластиналар, учириндилар ҳамда баргсимон бифасларнинг синиқлари мавжуд. Материаллар сонининг кам бўлганлиги учун муаллифлар томонидан статистик анализлар амалга оширилмаган.

Тўпланда 5 та нуклеуслар бўлиб, улар орасида пластиналар олишга мўлжалланган икки майдонли призматик, кўндаланг чакмоқланган, кўп зарб майдонли, протопризматик ва учириндиларга мўлжалланган леваллуа типидagi нуклеуслар мавжуд.

Чоп этилган расмларга кўра (Сайфуллаев, 2003. С. 77), тўпландаги протопризматик нуклеус иш юзасида субпараллел негатив раҳлари билан бирга ён томондан тайёрловчи йўнилғи изларига ҳам эга. Шунинг учун ушбу ўзакни “саригмой қадоғи” типидagi нуклеус, деб аташ тўғри бўлади.

Кўкаёз 3 индустриясида йўнилғилар 6 донани ташкил қилади. Улардан 3 таси учиринди ва 3 таси пластиналардан иборат. Улар тўпланда мавжуд бўлган нуклеусларга тўла мос келади. Пластиналардан бири нуклеуснинг бортидан синдириб олинган техник йўнилғи бўлиб, унинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва дорсалидаги негатив раҳлари униполяр равишда жойлашган. Иккинчи пластина ҳам узунасига униполяр характердаги дорсалга эга. Унинг зарб майдончаси текис. Учинчи пластина проксималь парча бўлиб, дорсалидаги негатив раҳлари параллел-униполяр равишда жойлашган. Унинг зарб майдончаси чизиксимон. Ушбу пластина чап латералининг дисталь қисмида микроанкош мавжуд.

Кўкаёз 3 коллекциясининг учириндилари зарб майдончаларидан 2 таси фасеткалаштирилган ва 1 таси текис характерга эга. Дорсалларнинг характерига кўра, ушбу учириндилардан 2 таси марказга интилувчи ва 1 таси ортогональ кўринишларга эга. Тўпланди учириндиларидан бири Сире аксиденти ва иккитаси леваллуа типидagi йўнилғилар сифатида таснифланган.

Тўпландининг тош қуроллари 3 та баргсимон бифаслар фрагментларидан иборат. Улардан бирининг проксималь қисми синган. Бироқ унинг тиғи бошқаларидан фарқ қилиб, ўткир учи учбурчаксимон шаклда. Қолган иккала баргсимон бифас фрагментларининг учи юмалок шаклда.

Шундай қилиб, Кўкаёзни очган муаллифларнинг дастлабки фикрларига кўра, Шимоли-Шарқий Қизилқум ҳудудларидан Кўкаёз комплексларининг очилиши, бу жойлар ибтидоий одамлар томонидан палеолит даврининг илк босқичларидан ўзлаштирилиб, бутун қадимги тош даври давомида узлуксиз равишда истиқомат қилинганлигидан гувоҳлик беради. Яна таъкидланишича, Ўзбекистон ҳудудларида сўнгги палеолит даври ёдгорликлари кам сонли бўлиб, шунинг учун Кўкаёз 3 комплексининг очилиши ушбу давр тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитиши мумкин. Кўкаёз 1 топилмажойининг очилиши эса, нафақат Марказий, балки бутун Қизилқумда энг қадимги ёдгорлик бўлиши мумкин ва у Қизилқумни ўзлаштирилиш тарихини узайтириши мумкин. Кўкаёз 2 ёдгорлиги эса, ўрта палеолит даври ва Кўкаёз 3 сўнгги палеолит билан саналанган. Бироқ муаллифлар, Кўкаёзни кейинги тадқиқотларига катта умид боғлаб, навбатдаги изланишлар ушбу ёдгорликларни ўрганишда қатор аниқликлар киритишига ва бу бутун Ўрта Осиё археологияси учун муҳим маълумотларни беришига умид боғлайдилар.

Ҳозирда муаллифлар Кўкаёз пунктларини палеолит даври билан саналашдан бош тортдилар ва уларни энеолит даври билан саналашни тавсия қилмоқдалар. Негаки, ушбу комплексларда энеолит даврига хос “сарикмой қадоғи” типидagi чакмоқлаш техникаси устивор аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Кўкаёз тўпландаридаги бифаслар палеолит даври учун хос эмас, балки улар А.В. Виноградов таъкидлаганидек баргсимон бифас-пайконлардир (Виноградов, 1981. С. 56-57).

Жойлашувига кўра, 1999 йилда очилган Кўкаёз 1 бизнинг тадқиқотларимиздаги Кўкаёз

1 пунктига мос келади. Кўкаёз 2 пункти эса, бизнинг Кўкаёз 7 га ва Кўкаёз 3 бизнинг Кўкаёз 8 га тўғри келди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Кўкаёз материалларни илмий муомаллага киритиш ва уларни техник-типологик ҳамда маданий-даврий талқин қилиш натижалари Ўзбекистоннинг ибтидоий даври тарихида янги саҳифаларни очади. Бундан ташқари, Кўкаёз устахоналарининг очилиши ҳанузгача биронта ҳам ибтидоий даврга оид ёдгорликлар аниқланмаган Марказий Қизилқумнинг Шимоли-Шарқий қисмидаги “оқ доғлар”ни олиб ташлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., 1981.

Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Кызылнура - первый мустьерский памятник в Кызылкумах // СА. № 1, 1975.

Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины р. Зарафшана и Северо-восточных Кызылкумов. Дисс. к.и.н. Самарканд, 2003.

Хужаназаров М., Сайфуллаев Б. Новые палеолитические памятники в Северо-Восточных Кызылкумах // Тарих фанлари доктори Рустам Хамидович Сулаймонов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган «Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида» мавзусидаги конференция маърузалар баёни. Самарканд, 1999.

Хужаназаров М.М., Сайфуллаев Б.К. Кукаяз - новый палеолитический памятник в Северо-Восточных Кызылкумах // ИМКУ. Вып. 31. Самарканд, 2003.

Резюме

Статья посвящена проблемам истории материальной культуры каменного века Центральных Кызылкумов. Приводятся результаты раскопок мастерских Кукаяз 1-8, проведенные совместным отрядом Института археологии и СамГУ.

Summary

This paper is dedicated development of history of material cultural of store. Age of middle Kizilkum. It covers results of archeological dig of Kukayaz 1-8 out by out by archeological group of Institute Archeologi and Samarkand state Universiti

А.Н. Холматов

ЎзР ФА Археология институти

ЎЗБЕКИСТОН ҚОЯТОШ РАСМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Она диёримиз сарҳадлари ажодларимиз маданий меросининг жонли гувоҳлари ҳисобланувчи тарихий маданий ёдгорликларга жуда бой. Мустақил Республикаимиз ўз тараққиёти тизимининг барча жабҳаларида жаҳон андозасига эришаётган бир пайтда, бу юксак маданий меросни ўрганиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиш ҳозирги даврнинг талабидир.

Мамлакатимиз ҳудуди нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ дунёсида қадимги цивилизация марказларидан бири ҳисобланади. Буни тарихий маданий ёдгорликларнинг сероблиги ҳам исботлаб турибди. Бу ёдгорликлар кўҳна цивилизациямиз жонли гувоҳлари бўлиб, ўз мазмуни, моҳияти билан халқимиз ўтмиши тарихида ўзига хос манба ҳисобланади. Ватанимизнинг асл, ҳаққоний тарихини, ажодларимиз бой маданий меросини мукамал, чуқур ўрганишда кенг имкониятларнинг яратилиши Республикаимиз мустақиллиги неъматларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов таникли тарихчи олимлар билан 1998 йил ёз ойидаги учрашувида ҳаққоний, асл тарих фақат тарихий манбаларга таяниб ёзилишини алоҳида таъкидлади ва шу нуқтаи назардан биз тарихчи олимлар зиммасига фақат манба билан ишлашдек маъсулиятни юкледи (Каримов, 1999. 132-154 б.).

Ватанимиз тарихини кенг қўламли ва тўлақонли ўрганишда тарихий маданий ёдгорликларнинг ўрни ва роли бекиёсдир. Шундай маданий ёдгорликлардан бири бўлган қоятош расмлари ёдгорликлари ўз мазмун моҳияти билан кишилиқ тарихий тараққиёти турли босқичлари, аҳолиси кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, маънавий кечинмалари, санъати, хўжалиқ машғулоти, диний эътиқодлари ҳамда этномаданий муаммолари тўғрисида қимматли маълумот берувчи тош йилномалардир. Шунингдек, бу турдаги ёдгорликлар зоологлар учун ҳам қадимги ҳайвонларни ўрганишда ўзига хос муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида мезолит давридан то бугунги кунгача бўлган тарихий даврларга оид қоятош расмлари кашф этилган бўлиб, қуйидаги сатрлар шу ёдгорликлар ўрганилиш тарихига бағишланган.

Ўрта Осиё бўйича дастлаб қадимги қоятош тасвирлари билан Туркистон ҳаваскор археологлар тўрагаги аъзоларидан Н.А. Наследов, Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, А.С. Татаринов, М.С. Андреев, Г.И. Пантусов, В.И. Масальский каби олимлар қизиқишган.

Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда ўтган асрнинг 20-30 йилларида А.Г. Усов, Н.Л. Корженовский, М.С. Андреев, А. Коровин, Г.А. Ажгирей, А. Мирмуҳаммедов, И.Ф. Ломаев, Х. Ҳасанов каби олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. XX асрнинг 40-йилларда эса Г.В. Парфенов, М.Э. Воронец, С.П. Толстов, И.А. Сухарев каби олимлар ўз илмий тадқиқотлари давомида қоятош расмлари янги ёдгорликларини аниқлаб ўрганишган. Шулардан бири бўлган Зараутсой тасвирлари дастлаб 1912 йили топограф Фёдоров томонидан аниқланган. Ушбу қоятош ёдгорлиги ҳақидаги умумий маълумотни Ю.А. Рогинская 1950 йили “Зараутсой” номли кичик рисолада чоп этган (Рогинская, 1950). Кейинчалик, бу ёдгорлик А.П. Окладников (Окладников, 1966), А.А.Формозов (Формозов, 1966), Ж. Кабилов (Кабилов, 1976), М. Хўжаназаровлар томонидан атрофлича ўрганилган ва расмларнинг ёши мезолит давридан то ўрта асрлар даврининг сўнгги босқичларигача эканлиги аниқланган.

Шунингдек, 1912 йил Фарғона водийсида геолог олим В.Н. Вебер томонидан Сураглисой қоятош расмлари ёдгорлиги борлиги аниқланган. Бу қадимги қоятош санъати ёдгорлиги 1939-йилларда М.Э. Воронец томонидан ўрганилган. Ундан кейинги йилларда бу ерда Г.В. Парфенов, Ж. Кабилов, М. Хўжаназаровлар илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, унинг атрофларидан кўплаб янги қоятош расмлари ёдгорликлари борлигини аниқлашган.

Чирчиқ дарёси юқори оқимида 1940-50 йиллари Х.А. Алпысбаев томонидан Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги борлиги аниқланган (Алпысбаев, 1956). Кейинчалик бу ерда М.Хўжаназаров томонидан илмий изланишлар олиб борилган (Хўжаназаров, 1995). Бу тасвирларнинг ёши олимларимиз томонидан мил. авв. IV-I минг йилликларга оид деб эътироф этилган.

1957 йили А.Р. Муҳаммаджонов томонидан Жиззах вилояти Моргузар тоғи шимолий ёнбағрида жойлашган Сайхонсой дарасидан бир гуруҳ қоятош расмлари борлигини аниқлаган (Муҳаммаджонов, 1957. 16-19 б.). Бу қоятош суратлари М. Хўжаназаров томонидан фото расмга олинган ҳамда калка қоғозларига туширилиб илмий жиҳатдан ўрганилган (Хўжаназаров, 1988).

Хусусан, Республикаимизнинг Нурота тоғ тизмаси ҳудудидаги қоятош расмлари ҳақида Х. Муҳамедов 1958 йили “Қизил Ўзбекистон” газетасида Сармишсой дарасидаги тасвирлар ҳақида илк маълумотни берган.

XX асрнинг 60 йилларда Ўзбекистон қоятош расмлари ўрганишда Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси, академик Я.Ф. Ғуломов раҳбарлигида Моҳондарё экспедициясининг аъзолари А. Муҳаммаджонов, М. Қосимов, Ў. Исломов, Н. Тошкенбоев, Т. Мирсоатов, Ж. Кабиловлар Сармишсой, Қоронғиунгурсой ва бошқа шу каби ёдгорликларда бўлиб, баъзи илмий изланишларни олиб борганлар. Бу кузатишлар натижаси сифатида, 1964 йили Н.Х. Тошкенбоевнинг бу дара расмлари ҳақидаги мақоласи

эълон қилинган (Тошкенбоев, 1966). Шундан сўнг, Ж. Кабиловнинг Нурота тоғ тизмаларининг қоятош расмларини ўрганиш борасида амалга оширган тадқиқотлари аҳамиятли ҳисобланади. У 1966-1972 йиллар мобайнида Нуротанинг Оқтоғ ва Қоратоғ тизмаларидаги Сармишсой, Биронсой, Тонготарсой, Гуртуксой, Қиличликсой, Тойтуёқсой, Отчопарсой, Умартолсой, Қорачорвоқ, Найманчаликсой дараларидан янги қоятош расмларини топиб, уларни илмий жиҳатдан ўрганган (Кабилов, 1976. 4-5 б.).

Қизилқум қоятош расмларини ўрганишда А.В. Оськиннинг хизматлари каттадир. У XX аср 70-йилларида бу ҳудудда Қирбукан, Арқар, Бақали, Томдитау, Султон-Увайс каби қоятош санъати ёдгорликларини кашф этиб, илмий тадқиқот ишларини олиб борган (Оськин, 1976).

Кейинги йилларда, Ўзбекистон қоятош расмларини ўрганишда М. Хўжаназаров томонидан амалга оширилган илмий-амалий тадқиқот ишлари жуда аҳамиятли ҳисобланади (Хўжаназаров, 1995).

Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти қошида 1987 йили М.Хўжаназаров бошчилигида қоятош расмларини излаш, илмий тадқиқ этиш гуруҳи ташкил этилган. Бу гуруҳ ўз ишларини Нурота тоғ тизмасида шу турдаги ёдгорликларни ўрганиш тадқиқотлари билан бошлади. М. Хўжаназаров мазкур ҳудудда Ж. Кабилов томонидан олиб борилган изланишларни давом эттириб, қатор янги ёдгорликлар кашф этишга эришди. Хусусан, Оқтоғнинг жанубий ёнбағирларида жойлашган сойлар ён дараларида кенг кўламли тадқиқот ишларини олиб борди. Бундай изланишлар натижасида, Хатирчи, Нурота ҳамда уларга қўшни туман ҳудудларидан янги 30 дан ортиқ қоятош санъати ёдгорликлари борлиги аниқланган. Булар қаторига Оқсоқолотасой, Тегирмонсой, Алишиқсой, Қорамачит, Қуврай, Шалдирик, Кўксарой, Тошбулоқсой, Ангидонсой, Чақиркўл, Олтинсой, Абдалимбуркут, Майдонсой, Сангижумонсой ва бошқаларни киритиш мумкин (Хўжаназаров, 2004).

Шунингдек, 1987 йили М. Хўжаназаров томонидан Тўсинсой тоғ жилғаси ўнг қирғоғида янги тасвирларнинг топилиши муҳим аҳамият касб этди. У Самарқанд вилояти, Иштихон туманига қарашли Қўрли кишлоғи ёнида жойлашган. Бу ёдгорлик тасвирлари қояларга уриб чўкичлаш, чизиб-тирнаш техникаси асосида ишланган. Қоятош расмлари орасида одам тасвири, ёввойи буқа, сигир, тоғ эчкиси, туя, леопард, ит, бўри, тулки ва бошқа турли ҳайвонлар ҳамда ов қуроллари, уй рўзғор буюмлари ва кўплаб ромб шаклидаги суратлар учрайди. Тасвирлар орасида леопард расми жуда ҳаққоний булиб у териси устидаги холлари билан чизилган. Худди шундай расмлар Сармишсой қоятош суратлари орасида ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг ёши 3-2 минг йилга тенг эканлиги эътироф этилган (Хўжаназаров, 1998. 45-46 б.).

1990 йил М.Хўжаназаров томонидан Нурота тоғ тизмаси Оқтоғ жанубий ён бағридан оқиб тушувчи Ёнбошсойнинг ўнг қирғоғидан яна бир қизиқарли қоятош расмлари борлиги аниқланган. Ёнбошсой қоятош расмларининг характерли жиҳати ҳайвонлар тасвирининг кўпроқ учрашидир. Асосий мавзу – эчки тасвирлари ҳисобланади. Расмлар қоятошларга уриб чўкичлаш ва ўйиш технологияси асосида чизилган. Ёдгорлик расмлари, ҳажми 20 см дан то 70 см гача ўлчамда чизилган. Ушбу қоятош суратлари Сармишсой ва Тўсинсой қоятош расмларига жуда ўхшашдир. Уларнинг хронологик санаси мил. авв. 2 минг йилликга оидлиги айтиб ўтилган (Кондрикова, Хўжаназаров, 1992. 25-26 б.). Шу билан бир қаторда Хатирчи тумани ҳудудидаги Оқсоқолотасой қоятош ёдгорлигидан 500 дан ортиқ расмлар топилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу жойда қизил рангдаги минерал бўёқ билан ишланган қадимги расмлар борлиги аниқланган. Бундай расмлар Республика-миз ҳудудида шу пайтгача Сурхондарё вилоятининг Зараутсой ва Биттикчашма дараларидан топилган эди. Оқсоқолотасой қоятош ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида, расмлари қизил рангдаги минерал бўёқ билан ишланган учинчи ёдгорлик ҳисобланади (Хўжаназаров, 1992. 22-24 б.).

Республикаимиз мустакиллиги йилларида қоятош санъати ёдгорликларини ўрганиш ва илмий тадқиқ этишда янада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, чет эл давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва давлат грантлари асосида Ўзбекистонда қоятош расмларини топиш, ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 1999-2000 йилларда асосий эътибор Зарафшон воҳаси ҳамда Қизилқум чўлидаги қоятош расмларини ўрганишга қаратилган. Букантоғ, Биронсой, Сармишсой қоятош ёдгорликлари атрофларидаги сойлардан янги тасвирлар борлиги аниқланиб, улар батафсил ўрганилмоқда (Хужаназаров, 2008. 217-222 б.).

Бу қоятош санъати ёдгорликларида сўнгги йилларда М. Хўжаназаров бошчилигидаги “Сармиш” гуруҳи аъзолари илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда (Москалевская, Хўжаназаров, 2000).

Бугунги кунда юртимиз қоятош расмлари ёдгорликларини сақлаш ва уларни келажак авлодга етказиш мақсадида Республикаимиз олимлари барча чора тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, М. Хўжаназаров тавсияси билан 2004 йилда Сармишсой ёдгорлиги очиқ осмон остидаги музейга айлантирилди. 2009 йил 5-6 март кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё қоятош расмларини илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш масалалари бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинарнинг асосий мақсади мазкур ёдгорликларни жаҳон халқлари цивилизациясида тутган ўрнини белгилашдан иборат бўлди. Бундан ташқари ёдгорликларни ўрганиб, уларни илмий – методологик асосларини ишлаб чиқиш, ҳамда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ёдгорликларини сақлаш рўйхатига киритиш каби масалаларни кўриб чиқди.

Шу каби муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши юртимиз маданий ёдгорликларини асраб авайлашда ва уни келажак авлодга етказишда, муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар, 7 жилд, “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 1999.
- Alicja Lasota-Moskalewska, Muhiddin. Hudjanazarov. Petroglyphs of mammals in the Sarmissaj Gorge, Uzbek Republik. Warsaw. 2000.
- Алпысбаев Х. Новые наскальные изображения Бостандыкского района. – ТИИАЭ АН Каз. Т. 1. 1956.
- Кабиров Дж. Исследование наскальных изображений в Узбекистане. Автореф. дисс. к.и.н. Ташкент, 1974.
- Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар, Тошкент, 1976.
- Кондрикова М, Хужаназаров М. Наскальные изображения Янбашая // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда, Самарқанд, 1992.
- Муҳаммаджонов А. Р. Сирли тошлар изидан. 1957.
- Окладников А.П. Петроглифы Ангары. М.- Л., 1966.
- Оськин В. А. Петроглифы Букантау. – «Природа». 1976, №10.
- Рогинская А. Зараут-сай. М.- Л., 1950.
- Тошкенбоев Н. Х. Наскальные изображения Сармича и Карангурсая // ИМКУ, вып. 7. Ташкент, 1966.
- Формозов А.А. О наскальных изображениях Зараут-Камара в ущелье Зараут-сай. – СА. 1966, №4.
- Хужаназаров М., Кондрикова М. Новые наскальные рисунки Тусинсая // Палеоэкология и проблемы первобытной археологии Центральной Азии. Тезисы докладов научно-теоретической конференции Самарканд, 15-16 декабря. Самарканд, 1992.
- Хужаназаров. М. Наскальные изображение сцены танца из Сайхансая // ОНУ, «Фан», №5. 1988.
- Хужаназаров М. Наскальные изображения древних кочевников Каратау // Культура номадов Центральной Азии: Материалы международной конф. Самарканд, 2008.
- Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарканд, 1995.
- Хужаназаров М. Памятники Узбекистана // Памятники наскального искусства Центральной Азии. Общественное участие, менеджмент, консервация, документация. Алматы, 2004.
- Хўжаназаров М. Нурота тоғлари қоятошларидан топилган янги тасвирий санъат ёдгорликлари // Ўзбекистон – қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд, 1992.

СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ ОШХОНА ИДИШЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШИ ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Сополли маданияти тушунчаси дунё археологиясига А.А. Асқаров томонидан киритилган бўлиб, фанда ушбу маданият тўғрисида нисбатан, анча тўлиқ маълумотлар тўпланган. Ушбу маданиятнинг асосий маконлари сифатида Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон ва Мўлали ёдгорликлари эътироф этилади. Юқорида тилга олинган археологик ёдгорликларда кенг кўламда археологик қазил ишлари олиб борилган ва уларнинг стратиграфияси ва планиграфияси яхши ўрганилган.


Сополли маданияти аҳолисининг кундалик ҳаётида зарур бўлган ошхона идишлари, асосан қозон, қозонча ва товалардан ташкил топган бўлиб, ушбу мақолада уларнинг ўрганилиш даражаси тўғрисида фикр юритилади.

Сополли маданиятининг барча босқичларига оид сопол идишлар, асосан чархда ясалган бўлсада, баъзи идишлар қўлда ҳам тайёрланган. Бунга йирик ўлчамдаги ясси товалар, қалин деворли ошхона қозони ва қозончалар киради. Улар қўлда ясалган бўлсада, уларга шакл бериш жараёнида кулолчилик чархидан ҳам фойдаланилган. Ўрта Осиё худудида илк бор бронза даврига оид Жанубий Туркменистондаги Номозгоҳ VI даврига тегишли ошхона идишлари тип ва вариантларга ажратилиб алоҳида мавзу сифатида ўрганилган (Хлопина, 1978, с. 4). Ушбу мавзу ниҳоятда долзарб бўлганлиги сабабли бизни ҳам Сополли маданияти ошхона идишларини алоҳида мавзу сифатида ўрганишга ундади. Бу эса ўз навбатида Шимолий Бактрия худудидаги бронза даврига оид қозон идишларини тип, вариантлар ва ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумотга эга бўлишимизга асос бўлади.

Сополлитепа манзилгоҳида олиб борилган қазил ишлари давомида бир неча ўнлаб қозон бўлаклари топилган. Улар шарсимон шаклда, гардишлари ташқарига қайрилган ва таг қисми ясси, тагдондан юқorigа кўтарилган ён деворлар қия ҳолда ясалган. Сополлитепа манзилгоҳи ошхона идишлари (қозонлари) қалин деворли (8-12 мм), деярли бир хил ўлчамда ва уларнинг ўртача суюқлик сиғими 6-10 литрни ташкил этади. Ушбу қозонлар, асосан турар жойларда учрайди (Асқаров, 1973). Уларнинг лойи ўртача сифатли бўлиб, лой таркибида шамот ва майда тошчалар учрайди. Шунингдек, Сополлитепа манзилгоҳидан гардиши бир оз ташқарига қайрилган, ясси тагдонли, юмалоқ кўринишдаги хурмачасимон қозон қайд этилган (Раҳманов, 1977, с. 28). Сополлитепа манзилгоҳидан топилган қозон идишларнинг илмий тавсифи тадқиқотчилар томонидан яратилган бўлсада, лекин улар бошқа бронза даври ёдгорликларига оид қозон идишлари билан қиёсий солиштирилмаган.

Сополли маданиятининг иккинчи йирик ёдгорлиги Жарқўтон илк шаҳар харобасининг 7-тепалигида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, ушбу маданиятнинг Мўлали даврига оид уч дона қозон идиш топилган бўлиб, лойининг таркибида гипс ва шамот мавжудлиги аниқланган. Улар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Улардан бири шарсимон, ясси тагдонли, бошқаси, чўзинчоқ шаклли ва гардиши бир оз ташқарига қайрилган (Асқаров, с. 76, рис. 69, 2). Бундан ташқари Жарқўтон аркини жанубий томонидаги кўп хонали уйнинг ҳовли қисмида очилган хумдонни оловхонасидан гардиши оҳиста ташқарига қайрилган, юмалоқ шаклдаги қозон идиши бўлаги топилган. Идиш оловга чидамли лойдан ясалган бўлиб, унинг лойи таркибига кум ва шамот қўшилган (Раҳимов, 2005, с. 46). Тадқиқотчилар илмий ишларида ушбу маданиятнинг Жарқўтон, Кўзали босқичларига тегишли қозон идишлар ҳақида маълумотлар келтирилмаган. У.В. Раҳмоновнинг фикрича, озиқ-овқат сақланадиган ва ошхона идишларининг шакллари консерватив бўлиб, Сополли маданиятининг сўнгги босқичигача катта ўзгаришларга учрамаслигини таъкидлаб ўтади (Раҳманов, 1987, с. 71).

Сополли манзилгоҳидан ҳаммаси бўлиб 12 дона товалар топилган бўлиб, улар ясси доира шаклида ясалган. Уларнинг ён деворлари паст (2-3 см) ва ташқи томонга бироз қайрилган. Баландлиги 4-5 см, тагдони қалинлиги 2-2,5 см, гардишининг қалинлиги 1-1,5 см ва диаметри 30 см дан кам эмас. А.А. Аскаронинг фикрича, товалар қўлда ясалган бўлиб, уларнинг ташқи томони олов таъсирида қорайган (Аскарон, 1977, с. 79; Раҳманов, 1977, с. 29). Сополлитепа товаларидан асосан қуюқ овқат пишириш учун фойдаланилган. Тадқиқотчилар Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичи сополлар мажмуаси орасида ташқи томони қора қурум билан қопланган ва қўлда ясалган товалар унчалик кўп учрамаслигини қайд этишган (Аскарон, 1977, с. 83). Лекин ушбу маданиятнинг Жарқўтон, Кўзали ва Мўлали босқичларига оид товаларни тип, шакллар ва уларнинг ўлчамлари тўғрисида тадқиқотчилар маълумот бермаганлар. Барча товалар қўлда тайёрланган ва уларни лойига кварц тошчалар қўшилган. Бундан товалар Сополли маданиятининг барча босқичларида учрайди.



1 расм

Жарқўтон аркида очилган кўп хонали уйнинг биринчи хонаси қуйи қатламидан иккита бўлаги (4,5, 1-расм) ва шу уйнинг учинчи хонасидан бутун ҳолдаги шарсимон қозонча ўрганилган (1, 1-расм). Улар сополли маданиятининг Жарқўтон (мил. авв. 1500-1350 йиллар) босқичига оидлиги тааллуқлидир.

Кўзали даврига оид тўрт дона қозонча бўлаги топилган бўлиб, улар сферасимон шаклли, гардишлари ташқарига қайрилган ва чеккаси ўтмас қилиб ишланган. Лойи таркибига кварц ва қум қўшилган (Раҳманов, 1987, с. 88).

Шу даврга оид Жарқўтон 4В қабридан Мўлали босқичига оид бир дона бутун ҳолдаги қозонча топилган (2,2-расм). У чўзинчоқ шаклда, тагдон қисми текис кесилган, танасининг юқори қисмида горизонтал тарновга (каннелюра) эга (Ионесов, 1990, с. 60). Жарқўтон аркини чиқинди ўраларининг биридан Мўлали даврига тегишли бутун ҳолдаги бир дона қозонча топилган бўлиб, унинг гардиши ташқарига қайрилган, таг қисми айлана ва идишнинг кўриниши шарсимон шаклда (2,1-расм). Бундан ташқари, ушбу даврга оид қозончанинг гардиш диаметри 10 см, деворининг қалинлиги эса 0,4-0,5 см. га тенг (3,1-расм).

Ушбу маданиятнинг Бўстон даврига оид қабрдан ҳам бир дона бутун ҳолдаги қозонча топилган (1,2-расм). У чўзинчоқ юмалоқ шаклда ва тагдони доирасимон кўринишда, қисқа бўйни ажралиб турган ҳолда, гардиши ташқарига қайрилган. Ушбу идиш Сополли маданиятининг Бўстон даврига тегишли (Ионесов, 1990, с.64-65, рис. 55,1).

Тадқиқотчилар томонидан Сополли маданиятининг барча даврга оид қозончаларнинг шакллари ва ўлчамлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган бўлсада, лекин улар бошқа маданият ёдгорликларидан топилган археологик материаллар билан қиёсий, таққослаб ўрганилмаган, уларнинг ривожланиш босқичлари аниқланмаган. Юқоридаги тадқиқотчилар, асосан, ошхона идишларининг асосий функцияси ва қайси даврга оидлиги ҳақида фикр юритганлар ҳолос (Аскарон, 1977).

Кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишларимиз натижасида, Жарқўтон


ёдгорлигидан топилган ошхона қозончалари ҳақида бир қатор илмий янгиликлар қилинди. Бунинг натижасида, Сополли маданиятининг қозончаларни илмий таҳлил қилиниб, улар шаклига кўра қуйидаги типларга ажратилди: 1. юмалоқ (юмалоқ-япалоқ (приплюснутые), юмалоқ-конуссимон); 2. шарсимон; 3. чўзинчоқ; 4. сферасимон; 5. ноксимон.

Юмалоқ шаклдаги биринчи тип қозончалари Сополли маданиятининг Сополли, Жарқўтон, Мўлали босқичларида учраши кузатилади. Иккинчи типдаги қозончалар эса ушбу маданиятнинг Жарқўтон ва Мўлали босқичларига оид қатламларда учраши аниқланди. Учинчи типдаги қозончалар фақатгина Мўлали босқичида ва тўртинчи ва бешинчи типдаги қозончалар эса Сополли маданиятининг Кўзали босқичида учраши кузатилади.

Сополли маданиятига оид қозончаларнинг остки қисмини кўринишига кўра эса уларни қуйидаги уч типга ажратилди: 1. ясси тагли; 2. айлана тагли; 3. таг қисми ясси ҳамда унга яқин жойи қия қилинган. Ясси ва айлана тагдонли қозончалар Ўрта Осиёдаги барча бронза даврига оид ёдгорликларда учрасада, лекин тагдон қисми ясси ҳамда унга яқин жойи қия қилиб кесилган қозончалар фақат ҳозирча Сополли маданияти билан Тягузак кўрғонидида учраши қайд этилган.

Тадқиқотларимиз жараёнида яъни, Сополли маданияти қозончалари бошқа турдош маданиятнинг археологик материаллари билан қиёсий таққосланганда уларнинг ривожланиш босқичлари тўғрисидаги муҳим маълумотлар қўлга киритилди. Бундан ташқари қозончалар дашт бронзаси археологик материаллари билан қиёсий илмий таҳлил қилинди, уларнинг функцияси аниқланди ҳамда деҳқончилик билан шуғулланувчи маданиятлар билан дашт бронзаси ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни хусусиятлари аниқланди (Рахимов, 2005, с. 85-87).

Кўриниб турибдики, тадқиқотчилар томонидан Сополли маданиятининг ошхона идишлари асосан йўл-йўлакай ва моддий маданият намунаси сифатида ўрганилган. Кузатишларимиз, илмий таҳлилларимиз кўрсатишича, қозончалар типологияси ва ривожланиш босқичлари ҳақида мавжуд материаллар асосидаги маълумотлар ноаниқ берилган, уларнинг типологияси шошқалоқлик билан ишлаб чиқилган. Сабаби, шарсимон шакл билан сферасимон шаклдаги қозончалар бир хил, яъни уларни шарсимон шаклда ва чўзинчоқ билан ноксимон шаклдаги қозончалар ҳам бир хил чўзинчоқ шаклда деб аташ илмий жиҳатдан тўғри бўлар эди. Чунки, ушбу қозончаларнинг асосан гардиш қисми сақланган бўлиб, улар асосида типларга ажратилган. Ушбу маданиятнинг барча босқичларига оид қозон ва товдаларнинг кейинги илмий тадқиқотларда типологиясини яратиш, бошқа турдош маданиятлар археологик материаллари билан қиёсий солиштириш, уларнинг ўхшашлик ва ўзига хослик жиҳатларини аниқлашдек вазифаларни амалга ошириш лозим. Сополли маданияти аҳолисини кундалик ҳаёти учун доимо зарур бўлган ошхона идишларини босқичма-босқич ривожланиш динамикасини ўрганиш бугунги кундаги археология фанининг долзарб бўлган муаммоларидан бири ҳисобланади.



2-расм

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
2. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

3. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993.
4. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии (по материалам погребальных комплексов II тыс. до н.э. Южного Узбекистана) // Дисс. к.и.н. Самарканд, 1990.
5. Рахимов К.А. Керамические печи сапаллинской культуры (по результатам работ совместной Узбекско-Германской археологической экспедиции) // Вестник Международного института Центрально Азиатских исследований. Самарканд-Бишкек, 2005.
6. Рахимов К.А. Кухонные горшки сапаллинской культуры // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. Вып. 4. Нукус, 2007.
7. Рахманов У. Хозяйственные помещения за пределами крепости Сапаллитепа // ИМКУ, вып.13. - Ташкент, 1977.
8. Рахмонов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана // Дисс. к.и.н. Самарканд, 1987.

Резюме

Статья посвящена вопросам истории изучения важных в повседневном быту жителей сапаллинской культуры - кухонных сосудов эпохи бронзы на юге Узбекистана.

Summary

This article is about the research of history of the important dishes for the daily life of inhabitants of culture of Sapalli wich are related to the epoch of the Bronze Age of Uzbekistan.

Johanna Lhuillier (Жоанна Люилье)
CNRS - ЦНРС

LA CARACTÉRISATION DE L'ÂGE DU FER ANCIEN DANS LE PIÉMONT DU KOPET DAGH : LE CAS D'ULUG-DEPE

La Mission Archéologique Franco-Turkmène, codirigée par O. Lecomte et M. Mamedov¹ a repris à partir de 2001 la fouille du site d'Ulug-Depe, près de Dushak dans le piémont du Kopet Dagh (Lecomte *et al.* 2002; Boucharlat, Francfort, Lecomte 2005; Lecomte, 2007), déjà fouillé entre 1967 et 1970 par V. I. Sarianidi (Sarianidi 1968a, 1968b, 1969, 1971, 1972; Sarianidi et Kachuris, 1968). Ce site, qui présente la plus stratigraphie d'Asie centrale, du Chalcolithique à la fin de l'âge du Fer, a permis d'enrichir nos connaissances sur l'âge du Fer dans le piémont du Kopet Dagh. Dans le chantier 16, des niveaux d'occupation de l'âge du Fer ancien, dit ici période Ulug 3, et de l'âge du Fer moyen-final, baptisé période Ulug 2, ont été fouillés en 2004 et en 2008 (Lhuillier & Bendezu-Sarmiento 2008). L'objectif de la fouille de ce chantier était double. D'une part, nous entendions identifier la nature de l'occupation de l'âge du Fer ancien, période problématique en Asie centrale et d'obtenir du matériel clairement stratifié, permettant ainsi de caractériser la variante du piémont de la culture Yaz I. D'autre part, il s'agissait d'observer la transition vers l'âge du Fer moyen-final et de déterminer des critères matériel pour la caractériser.

La stratigraphie

La période Ulug 3

Plusieurs niveaux d'occupation de l'âge du Fer ancien ont pu être identifiés, bien que nous n'ayons pas pu atteindre les couches de transition avec l'âge du Bronze. L'occupation la plus ancienne dégagée se caractérise par un ensemble de trous de poteaux, indiquant une occupation légère. Une seconde phase d'occupation se marque par l'installation d'un sol construit, avec une préparation de sol, auquel est associée une architecture en briques crues. Celle-ci est constituée par deux alignements perpendiculaires de briques crues de 26x23x9 cm, sur une seule assise, et dont la nature reste pour l'instant indéterminée. Après une phase d'abandon, caractérisée par un

1. Rattachés respectivement au Centre National de la Recherche Scientifique et à la Direction des Antiquités du Turkménistan. Nous tenons à leur exprimer toute notre gratitude pour nous avoir permis de participer aux fouilles d'Ulug-depe et d'exploiter les données qui en sont issues.



Fig. 1. Ensembles de foyers de la période Ulug 3

sol recouvert de céramique écrasée sur place, très dense, comportant en particulier de très beaux exemples de céramique modelée peinte, nous avons pu identifier une troisième phase d'occupation, de nature domestique, avec une concentration de 5 foyers construits sur une surface de 3 m² environ² (fig. 1). Il est manifeste qu'il s'agit ici d'une zone domestique, mais on ne peut déterminer s'il s'agit d'un espace privé ou spécialisé. Enfin, le dernier niveau de l'âge du Fer ancien se caractérise par des couches contenant toujours du matériel Yaz I, sans aucun vestige construit.

La transition vers la période Ulug 2

L'espace situé au sommet de ces couches est comblé par des couches de natures diverses (résidus de cuisson, parois de foyer, couches organiques, couches cendreuse) sur une quarantaine de cm d'épaisseur. Une construction en briques crues située à la limite de la zone fouillée, et dont la nature reste indéterminée, s'écroule parmi ces couches dépotiers. Juste au-dessus, un bâtiment d'assez grande taille est construit, d'orientation nord-nord-est – sud-sud-ouest, construits en briques crues de 30-31x24x9 cm. Après une période d'abandon, le bâtiment est arasé à hauteur de la deuxième assise de briques et la zone est nivelée. Une plate-forme de plus d'1,20 m d'épaisseur est ensuite installée, construite par une technique mixte associant structures construites (murs, poteaux) et couches de remplissage et de nivellement, formant donc un tout hétérogène mais compact. Au sommet de la plate-forme un grand bâtiment en briques crues a été dégagé, sans que l'on puisse affirmer que la plate-forme a été construite spécialement pour lui. Ce bâtiment, par sa taille, son emplacement à proximité de la citadelle et par rapport aux autres structures contemporaines identifiées grâce à une prospection géomagnétique et par la faible quantité de matériel archéologique qu'il contenait, peut être interprété comme centre administratif ou «religieux» (Bendezu-Sarmiento & Sadozai 2004).

Le complexe céramique

Les couches de type Ulug 3 du chantier 16 fouillé en 2008 ont livré 1116 tessons, complétés par plusieurs centaines de tessons provenant des couches d'époque Yaz II-III. Après un enregistrement et un comptage, nous avons sélectionné les individus les plus caractéristiques et les mieux conservés. Un total de 395 tessons ou vases complets provenant des chantiers fouillés

2. Ces foyers sont ovales ou circulaires, de circonférence moyenne (38x49 cm ; 48x42 cm ; 38x24 cm ; 52x28 cm ; 39x24 cm). Leurs parois, creusées dans le sol, sont consolidées par une couche d'argile mélangée à de la paille, et pour l'un d'entre eux, deux meules dormantes ont été réutilisées comme soutien de la paroi. Le remplissage de ces foyers était essentiellement constitué de cendres, indiquant probablement une fonction domestique, de type *tandyr*.

par la MAFTur, en large partie du chantier 16, a ainsi été examiné, parmi lesquels la forme de 312 tessons a pu être déterminée, soit 79% du corpus.

Toute la céramique de l'âge du Fer ancien d'Ulug-depe est modelée. Le peu de formes complètes ne permet pas d'être affirmatif, mais il semble que la majorité des récipients ait un fond plat, légèrement concave. Vingt-sept catégories morphologiques ont été recensées (fig. 2).

Les formes ouvertes constituent un peu plus de 40% des formes (fig. 3). Elles sont constituées par des vases ouverts à paroi évasée droite, à lèvre, effilée ou aplatie, à lèvre éversée ou bien à paroi carénée. Les vases à paroi droite sont également bien représentés, et ils ont une lèvre droite ou éversée. Mais parmi ceux-ci, ce sont ceux à lèvre en S, à paroi droite ou carénée à mi-hauteur, qui constituent le groupe le plus important de vases ouverts, avec 16,70% du corpus total. Les autres vases ouverts, à paroi convexe avec diverses variantes de lèvres sont bien moins abondants. On rencontre également des vases miniatures ouverts, qui peuvent revêtir la forme d'un bol à paroi verticale convexe ou d'un bol à paroi évasée droite.

Les vases fermés présentent une gamme morphologique moins variée, mais représentent 54,50% du corpus. Les jarres, comptant pour 24% du total, ont presque toutes la lèvre éversée à terminaison arrondie ou carrée, et celles à lèvre carrée sont plus répandues. Des jarres à lèvre épaissie ou relevée sont connues par des exemplaires uniques. Les pots à paroi fine à lèvre en S ou relevée constituent la forme la plus abondante de l'assemblage Ulug 3, avec 30% des formes. Il semble qu'ils peuvent parfois avoir une panse légèrement carénée, mais aucun exemplaire connu n'est attesté. Un seul exemplaire de vase fermé miniature est pour l'instant connu, avec la lèvre relevée.

Les formes grossières regroupent les récipients modelés plus grossièrement, en général à fonction de stockage. Rapportés à la totalité du corpus, ces vases sont rares, et ne représentent que 4,80% de l'assemblage étudié. Seules trois marmites sont présentes dans le corpus, à paroi verticale et terminaison aplatie ou arrondie. Des parois portant des tenons ronds peuvent se rattacher à ce type. Les couvercles peuvent parfois porter une anse ou un tenon à cupule au centre. Les braseros ont un fond plat avec une paroi basse droite ou évasée et l'intérieur est lissé et noirci. Les chenets sont connus, mais aucun exemplaire complet n'a été découvert.

Les autres formes sont très faiblement représentées, comptant pour moins de 1 % du corpus. Une base annulaire creuse est attestée dans les niveaux Ulug 3, mais la forme complète du récipient auquel elle appartient reste inconnue. Il est toutefois possible que ce type de bases corresponde à des formes ouvertes ou fermées à lèvre en S, comme celles attestées à Jashilly-depe (Gutlyev et Zadneprovskij 1985, fig. 2, 1) et à Yaz-depe (Masson 1959, pl. XXV).

Une étude technologique fine menée par A. Dupont-Delaleuf (2010) sur 386 tessons de la période Ulug 3 montre que la rotation intervient sur 54% des vases, et ce dans deux cas : soit le préformage du vase est effectué sans rotation et la finition se fait par rotation, soit le préformage et la finition recourent tous les deux à la rotation. On peut donc distinguer parmi ces récipients modelés trois grands groupes de pâtes, auxquels correspondent des formes déterminées (Lhuillier et Francfort sp).

Le premier groupe regroupe les vases à pâte très fine, légère et compacte, à dégraissant minéral très fin, voire absent. Les récipients présentant ce type de pâte sont presque systématiquement les vases à profil en S, ouverts ou fermés, et qu'en réalité seul le degré d'ouverture différencie, qui constituent près de 47 % du corpus. La morphologie des vases de ce groupe ne présente que peu de variabilité, marquée seulement par de légères variations dans le diamètre ou l'inclinaison de la lèvre, ce qui traduit une certaine maîtrise des formes. L'épaisseur de la paroi, généralement très bien régularisée, mesure 3 à 6 mm d'épaisseur. De fines stries horizontales sur la face interne et parfois sur la face externe indiquent une mise en forme de la paroi, montée aux colombins, sur un support rotatif afin d'en régulariser l'épaisseur. La face externe et souvent les deux faces sont polies. La pâte est toujours d'une teinte claire, beige ou beige rosé. Parmi les individus que nous avons examinés, les taches de cuisson sont rares. Toutefois certains ont une teinte verdâtre, et la peinture qui les orne est noire, signe d'une cuisson parfois trop réductrice. Par ailleurs, un raté de




Fig. 2. Typologie des formes de céramique Ulug 3




Fig. 3. Graphique montrant les proportions des différents types morphologiques du complexe Ulug 3

cuisson montre que celle-ci n'était pas toujours parfaitement maîtrisée. Cette teinte beige verdâtre, ainsi que la finesse de la pâte, rapproche technologiquement certains individus de ce groupe, en particulier ceux qui sont dépourvus de décor, de la céramique « tournée » de l'âge du Bronze moyen - final.

Les récipients du deuxième groupe présentent une pâte plus grossière, à dégraissant minéral (calcaire) et parfois également végétal, peu abondant, dont la taille n'excède pas 3 mm, mais qui vient parfois ponctuer la surface en formant de petites vacuoles. Dans ce groupe on rencontre les jarres, ainsi que toutes les formes ouvertes sauf celles à profil en S. Il s'agit d'un ensemble numériquement important, équivalent au premier groupe, puisqu'il constitue près de 48 % du corpus. L'épaisseur de la paroi atteint au maximum 1,3-1,5 cm. Parfois, le modelé des colombins est peu sensible suite à un lissage soigneux, mais généralement on note un manque de soin dans le travail de la pâte, qui se marque en particulier dans des micro-fissures dues à une mauvaise préparation de la pâte et qui apparaissent au séchage et par des irrégularités dans le modelé. La pâte est généralement beige ou beige rosé, mais une partie de ces vases porte des taches de cuisson plus ou moins marquées, rouges ou roses. Quelques rares jarres sont noircies sur l'une ou les deux faces.

Le dernier groupe rassemble les vases à pâte grossière, c'est-à-dire les marmites, les couvercles, les braseros et les chenets, soit un peu moins de 5% du corpus. La pâte comprend un mélange de dégraissant minéral (calcaire) et de chamotte, de taille moyenne (3-5 mm), et parfois de dégraissant végétal. La surface est également parcourue par des micro-fissures. Toutefois, aucune des marmites ne présentait de traces de suie. Même ces vases grossiers peuvent porter un décor peint.

A Ulug-depe, parmi l'ensemble des tessons découverts en contexte Ulug 3 avéré figurait 24,40% de céramique décorée, constituée par une très large majorité de céramique peinte, bien qu'on connaisse également un tesson à décor incisé (à décor de triangle pointe vers le bas) et deux à décor plastique (à décor de ligne horizontale). Parmi cet ensemble, 32,30% des décors se

trouvent sur les vases du premier groupe, 22,40% sur les vases du deuxième groupe, et 1,90% sur les vases du dernier groupe, tandis qu'une grande partie des décors figurent sur des tessons de forme indéterminée. Les vases du deuxième groupe, bien qu'aussi nombreux que ceux du premier, ne font donc pas l'objet du même investissement en matière de décor. Néanmoins, presque tous les types de récipients de l'assemblage Ulug 3 peuvent porter un décor peint, même les plus grossiers.

Le décor peint se trouve presque systématiquement localisé dans le tiers supérieur ou la moitié supérieure du récipient. Il est en général composé de l'association de motifs principaux organisés en frise, délimités en haut et en bas par des lignes ou des fines bandes horizontales, que viennent ponctuer des motifs secondaires. Rarement, le fond peut être lui aussi décoré. Le motif est généralement brun-rouge, mais il peut devenir plus foncé, allant presque jusqu'au noir, ou au contraire plus clair, vers le rose orange, selon la cuisson subie par le récipient, voire verdâtre lors d'une cuisson irrégulière. Ces variations de couleur ne semblent pas traduire une volonté du potier mais bien résulter d'un aléa technique. Sur quelques individus, on peut voir que le décor peint a été appliqué en deux temps, car on distingue assez nettement le contour des motifs principaux de leur remplissage.

Il existe à Ulug-depe une grande variété de motifs peints, dont 73 ont pu être identifiés (fig. 4), souvent uniquement par un seul tesson, ce qui montre la richesse du répertoire. Trente-et-un motifs de triangles constituent 31,60% des motifs peints, soit le type de motifs le plus important, mais aussi le plus diversifié. Onze types de losanges apparaissent sur les poteries d'Ulug-depe, constituant 5,90% des décors peints. Les bandes constituent 30,20% des décors, avec dix-huit motifs. Le motif le plus fréquent du corpus (10,50%) est celui d'alignements de points d'orientation variable, seuls ou surmontant une bande horizontale. Les motifs de remplissage, qui viennent s'intercaler entre les motifs principaux, sont fréquents, avec treize types différents, constituant plus de 11% des motifs. Certains signes ne sont connus que par une représentation, tandis que les aplats de peinture sans forme prédéterminée sont relativement fréquents.

Le passage à la période Ulug 2 est caractérisé par l'apparition de céramique tournée de type Yaz II-III, parmi laquelle certaines formes apparaissent comme plus fréquentes, notamment des vases ouverts à paroi verticale concave et à base tronquée ou bien à paroi verticale droite, ainsi que des vases fermés à lèvre en méplat. Mais on observe également dans le chantier 16 que la céramique modelée grossière est encore présente dans les couches Ulug 2, généralement en quantité non négligeable. En effet, les marmites, le plus souvent avec des anses, et les récipients modelés à dégraissant très grossier, traduisant un manque de soin dans le travail de la pâte, sont toujours découverts dans les couches Ulug 2. Au contraire, nous avons vu la faible quantité de céramique grossière au sein du complexe de l'âge du Fer ancien Ulug 3, et donc même s'il y a des remontées de matériel, et en particulier des formes caractéristiques de Yaz I, on ne peut attribuer systématiquement ces poteries modelées « grossières » à la période Ulug 3, d'autant plus que ces formes sont absentes des couches Ulug 3 en place qui se caractérisent à l'inverse par une céramique plutôt de bonne qualité.

Conclusion

La fouille en profondeur des niveaux Yaz I nous a donc permis d'identifier plusieurs phases d'occupation et de mettre au jour un matériel pour l'essentiel inédit.

La céramique de ces niveaux est totalement caractéristique des cultures à céramique modelée peinte du début de l'âge du Fer en Asie centrale, mais elle en constitue une des variantes les plus raffinées, où un quart des récipients portent un décor peint, tandis que près de la moitié des vases ont été repris en rotation, indiquant ainsi que l'usage du tour, ou de la tournette, n'a pas disparu avec la fin de l'âge du Bronze.

Au contraire, les récipients grossiers sont rares, et ils ne deviennent numériquement importants qu'avec le passage à la période Yaz II-III. Parallèlement à leur augmentation, la céramique peinte disparaît et est remplacée par de la céramique tournée.

Ce changement progressif de céramique est le seul marqueur du passage de l'une à l'autre




Fig. 4-1. Typologie des décors de céramique Ulug 3

période.

De plus, seules quelques couches peu épaisses séparent les derniers niveaux architecturés de la période Ulug 3 des premiers de la période Ulug 2, indiquant qu'à Ulug-depe la transition de l'âge du Fer ancien à l'âge du Fer moyen-final se produit sans hiatus chronologique

Bibliographie

- BENDEZU-SARMIENTO, J. et SADOZAI, C., 2004, *Les résultats de la fouille du chantier n° 16 sur le site d'Ulug-Dépé durant la saison 2004 : rapport final*, Rapport interne MAFTur, 19 p.
- BOUCHARLAT, R., FRANCFORT, H.-P. et LECOMTE, O., 2005, «The Citadel of Ulug-Depe and the Iron Age Archaeological Sequence in Southern Central Asia», *Iranica Antiqua*, vol. XL, p. 479-514.
- DUPONT-DELALEUF, A., 2010, «Les chaînes opératoires de la céramique d'Ulug-Dépé (Turkménistan) du Chalcolithique moyen à la période achéménide», *Les nouvelles de l'Archéologie*, n° 119, p. 47-51.
- LHUILIER, J. et FRANCFORT, H.-P., à paraître, «La céramique de l'âge du Fer ancien (Yaz I) à Ulug-depe», LECOMTE, O. (dir.) *Les huit premières campagnes de fouille de la MAFTur à Ulug-depe*.
- LECOMTE, O., 2007, «Entre Iran et Touran, recherches archéologiques au Turkménistan méridional (2001-2006)», *Comptes rendus des séances de l'année 2007*, Académie des Inscriptions et Belles-Lettres, Paris : Diffusion de Boccard, p. 195-226.
- LECOMTE, O., FRANCFORT, H.-P., BOUCHARLAT, R. et MAMEDOW, M., 2002, «Recherches archéologiques récentes à Ulug Dépé (Turkménistan)», *Paléorient*, vol. 28/2, p. 123-132.
- LHUILIER, J. et BENDEZU-SARMIENTO, J., 2008, *La campagne de fouille 2008 sur le chantier 16, rapport final - L'âge du Fer à Ulug-Depe*, Rapport interne MAFTur, CNRS, UMR 9993, 42 p.
- ГУТЛЫЕВ Г., ЗАДНЕПРОВСКИЙ Ю.А. 1985, Яшилдепе - эталонный памятник раннежелезного века на территории Северной Парфии // *Известия Академии наук Туркменской СССР*.
- МАССОН В.М., 1959. *Древнеземледельческая культура Маргианы*, Москва, Наука.
- САРИАНИДИ В.И., 1968а, *Отчёт о работах Геоксюрского отряда археологических экспедиции ИА АН СССР на поселение Улуг депе в 1968 году*.
- САРИАНИДИ В.И., 1968б. Продолжение работ на Улуг депе, *Археологические открытия 1967 года*.
- САРИАНИДИ В.И., 1969. Продолжение работ на Улуг депе, *Археологические открытия 1968 года*.
- САРИАНИДИ В.И., 1971. Исследование слоев раннежелезного века на Улуг депе, *Археологические открытия 1970 год*.
- САРИАНИДИ В.И., 1972. Раскопки 1970 г. на Улуг депе // *Успехи Среднеазиатской археологии*, № 1.
- САРИАНИДИ В.И., КАЧУРИС К.А., 1968. Раскопки на Улуг депе // *Археологические открытия 1967 года*.

Summary

Research conducted by the joint Turkmen-French expedition in Ulug-depe, in the Kopet Dagh foothills, allowed to excavate Early Iron Age (Ulug 3) and Middle to Late Iron Age (Ulug 2) levels in extension. Several occupation stages have been identified for these two periods, in a clear stratified context. Ulug 3 ceramic is connected to the « painted handmade ware » group, but a more detailed study shows that the rotation was well controlled and that the corpus of Ulug-depe is characterized by high morphological, stylistic and technological variety. Transition to the Middle Iron Age marks only by a progressive change of ceramic types, handmade ware being replaced by wheel-made ware of Yaz II-III type, while appear handmade cooking-pots, much coarser than the Early Iron Age vessels. The thinness of the layers separating the last Ulug 3 architectural levels of the first Ulug 2 ones also confirms that this transition was short-term and that there was no gap.

Б. Садуллаев

Хоразм Маъмур академияси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АНТИК ДАВР ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ МУАММОСИ

Хоразм вилоятида антик давр шаҳарлари тарихи ва унинг моддий маданияти масаласини, топографик жиҳатдан тузилишини ўрганиш шу кунгача илмий жиҳатдан тўла-тўқис тадқиқ қилинмаган муаммолардан саналади. Бу муаммо доирасида, айниқса катталиги

жиҳатдан ўртача ҳажмдаги шаҳар типларига асосий эътибор қаратилади.

Бизга маълумки бундай типдаги шаҳарларнинг моддий маданияти, топографик тузилиши ҳақида антик даврга оид ёзма манбалар йўқ, лекин археологик жиҳатдан ҳам бу борада ҳали кўп иш қилинмаган. Тўғри, собиқ шўролар даврида Хоразм археология – этнография экспедицияси томонидан анча ишлар қилинган, бироқ асосан йирик ҳажмдаги шаҳарларда ҳамда Хазораспни (Воробьева, Лапиров-Скобло, Неразик, 1963, с. 157-200) ҳисобга олмаганда, асосан Хоразм вилоятидан ташқаридаги ҳудудларда тадқиқотлар олиб борилган. Хоразм вилояти ҳудудидаги антик давр ёдгорликларини ўрганишда ЎзР ФА Қорақалпоқ филиали археология бўлими тадқиқотчиларининг изланишларини алоҳида қайд қилиш лозим. 1973–1974 йилларда мазкур бўлим археологлари томонидан Хоразм вилоятидаги археологик ёдгорликларнинг харитасини тузиш асносида антик ва ўрта асрларга оид барча ёдгорликларда археологик қидирув ишлари олиб борилди. Жумладан, 20 га яқин антик давр шаҳарлари ва манзилгоҳлари тадқиқ қилинди. Шулардан баъзилари фанда ҳали аниқланмаган янги ёдгорликлар эди (Хумбузтепа, Қирққизтепа, Тузлак, Қоратош, Якка – чигир – I, - II) (Мамбетуллаев, 1973; Мамбетуллаев, 1974). 1976–1980, 1984–1985, 1987–1991 йилларда Хива, Воянган, Шовот Кат қалъаси, Шовот Тупроққалъаси ва Хива Тупроққалъасида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Бу ёдгорликларни ўрганишда қулайлиги учун асосан мудофаа тизими билан боғлиқ объектлар кўпроқ тадқиқ қилинган (Мамбетуллаев, Абдиримов, 1997, с. 3-9).

1986–1988 йилларда Шовот Кат-қалъасини Тошкент маданий ёдгорликларни косервация ва реставрация қилиш илмий тадқиқот ва илмий-лойиҳалаштириш институти ходимларининг Д. Чунихин бошчилигидаги археология отряди томонидан шаҳар деворларида ва шаҳарнинг жанубий-шарқий бурчагида изланишлар олиб борилган (Чунихин, 1988).

1991 йилда Россия Фанлар Академияси Тарих ва моддий маданият институти экспедициясининг В.Я. Завьялов бошчилигидаги аъзолари Қалажиқ қалъасининг мудофаа деворида тадқиқотлар олиб бордилар (Завьялов, 1991).

Кўриб турганимиздек юқорида қайд қилинган антик давр шаҳарларидаги тадқиқотлар, асосан мудофаа деворлари ўрганилган стратиграфик шурфлар орқали ёдгорликларнинг хронологик чегарасини аниқлаш билан чекланилган. Уларнинг ўрганилиши жараёнида шаҳарнинг антик даврдаги ички тузилишини тўла ёритиш учун имконият бўлмаган. Чунки бу ёдгорликларнинг асосий қисмида (Хива, Хазорасп) ҳозирги кунгача ҳам аҳоли истиқомат қилса, аксариятида (Воянган, Олмаотишган – I) эса катта қабристонлар мавжуд, баъзилари (Хива Тупроққалъаси, Янгиариқ Тупроққаласи) собиқ Шўролар тузуми даврида экин майдонларининг кенгайтирилиши оқибатида йўқ бўлиб кетган.

Ҳозирги кунда шаҳар ички тузилишини ўрганиш учун Кат-қалъа, Қалажиқ ва Олмаотишган – 2 ёдгорликларида кенг камровли археологик қазиш ишлари олиб бориш имконияти жуда яхши сақланган.

Мустақилликка эришгач мазкур ёдгорликларда археологик тадқиқотлар давом эттирилди. Айниқса, Шовот туманида жойлашган Кат-қалъа ёдгорлигида сўнгги 10 йиллик ичида тадқиқотлар деярли ҳар йили давом этиб келмоқда. 8,5 га эга бўлган трапеция шаклидаги бу ёдгорлик М. Мамбетуллаев раҳбарлигида 1973-1974 йилларда олиб борилган дастлабки археологик қидирув ишлари натижасидаёқ мил. ав. IV–III асрлар тааллуқли эканлиги аниқланган эди (Мамбетуллаев, 1981, с. 65-73). 1994, 2002–2009 йилларда Археология институти Хоразм минтақавий бўлими ва Урганч давлат университети тадқиқотчилари ҳамкорлигида ёдгорликнинг шимолий ва ғарбий қисмлари мудофаа деворларининг бир қисми ўрганилиб, унинг қурилиш даврлари аниқланди. Шунингдек қалъанинг шимолий-шарқий қисмида II–III асрларга мансуб уй хоналари (Матрасулов, Садуллаев, 2004, с. 98-100) ҳамда марказий қисмида XII–XIII асрларда барпо этилган ва XVII аср – XX аср бошларигача қайтадан иккинчи марта фойдаланилган масжид қолдиқлари топилди (Матрасулов, 2005; Матрасулов, Юсупов, Садуллаев, Машарипов, 2007). Лекин шаҳарнинг антик даврдаги ички тузилиши ҳали тўлиқ ўрганилгани йўқ.

Шунингдек, Олмаотишган–2 ёдгорлиги дастлаб академик Я. Ғуломов томонидан ўрганилган бўлиб, ундаги ҳаёт излари I–XIII асрларга тегишли эканлигини аниқланган. М.Мамбетуллаев раҳбарлигида 1973–1974 йилларда олиб борилган археологик қидирув ишлари натижасида асосан VII–XIII асрларга тааллуқли материаллар топилган (Мамбетуллаев, 1982). 1994–1996 йилларда Археология институти Хоразм минтақавий бўлими ва Урганч давлат университети тадқиқотчилари ёдгорликнинг асосан мудофаа тизимини ўрганиб академик Я. Ғуломов кўрсатган санани яна бир бор тасдиқладилар. Қалъа ўрта аср манбаларидаги Савкан номи билан қиёсланади.

Юқорида келтирилган ёдгорликларда ҳали ўрганилмаган муаммолар талайгина. Бу қалъаларни ўрганиш орқали Хоразм тарихида маълум бўлмаган қирраларни очиш, Хоразм антик давр шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишнинг тарихий шароитларини ўрганиш, уларнинг моддий маданияти масалалари ва топографик тузилиши ҳамда ўзига хос анъаналари аниқланади.

Хоразм шаҳарларининг тарихи, моддий маданияти, уларнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тарихи кўпгина тадқиқотчилар меросидан ўрин эгаллаган. Аммо тадқиқотчиларнинг бир неча авлодлари бу мавзунини ёритиш учун бебаҳо маълумотларни тўплаганини эътироф этиш билан бир қаторда, изланувчиларнинг ҳеч бири антик давр шаҳарлари тарихини тўлақонли ёрита олмаган.

Хоразм антик давр шаҳарларининг топографик тузилишини ўрганишда археологик тадқиқотларга кўпроқ эътибор берган ҳолда этнограф, нумизмат, лингвист олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тўпланган ноёб маълумотлар ва улар асосида чиқарилган хулосаларни ҳисобга олиб бориш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади.

Куйида Хоразм вилояти антик давр шаҳарларини ўрганиш жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалаларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Хоразм антик давр шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари етилишидаги иқтисодий ва сиёсий омилларни аниқлаш.

Хоразм шаҳарлари тараққиётига Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарсозлик маданиятининг таъсирини, ўзаро алоқадорлигини моддий маданият манбалари орқали аниқлаш ва ўрганиш.

Хоразм воҳаси антик давр шаҳарларининг топографик тузилиши (монументал архитектура иншоотлари, маҳаллалар ва б.) ва ривожланиш хусусиятларини Хоразм вилояти ёдгорликлари мисолида ўрганиш учун археологик, этнографик, нумизматик тадқиқотлар маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш.

Археологик тадқиқотлар натижасида очилган ҳар бир иншоотни реставрация ва консервация қилиб бориш ва тарихий ёдгорликларда очиқ музейларни ташкил этишга асосий эътибор қаратиш.

Археологик ёдгорликларнинг янги туристик маршрутлар харитасини ишлаб чиқиш ва мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш учун янги имкониятларни вужудга келтириш.

Юқоридаги масалаларни ҳал қилишда Хоразм воҳасида, шу жумладан Хоразм вилоятида жойлашган кўпгина қалъалар (Кат-қалъа, Олмаотишган–2, Қалъажик), ёдгорликларда кенг қамровли стационар археологик тадқиқотларни олиб бориш ва уларнинг тарихини топилган ашёвий далиллар асосида чуқур илмий ўрганишни тақозо этади ҳамда бу изланишлар орқали Хоразм антик давр шаҳарларининг моддий маданият тарихини дунёга танитиш учун катта имкониятлар юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг., МХЭ, вып. VI. 1963
Завьялов В.Я. Отчет о работах Багатской экспедиции ИИМК РАН в крепости Каладжик в 1991 г. А 9351/3-13. Архив ГлавНПУ, Ташкент.
Мамбетуллаев М. Городище Алмаатышкан I–II. Вестник КК ФАН РУз, 1982, № 4.

- Мамбетуллаев М. Городище Кят (левобережный) и Зарлыкшан-бобо // Археологические исследования в Каракалпакии. Ташкент, 1981.
- Мамбетуллаев М. Отчет об археолого–топографических изысканиях на территории Хорезмской области. 1973 г. Нукус 1973. А 3611/М-22. Архив ГлавНПУ, Ташкент.
- Мамбетуллаев М. Отчет об археолого–топографических изысканиях на территории Хорезмской области в 1974 году. Нукус, 1974. А 9355/М-22. Архив ГлавНПУ, Ташкент.
- Мамбетуллаев М., Абдиримов Р. Основные этапы развития города Хивы. ОНУ. 1997, №7–8.
- Матрасулов Ш., Садуллаев Б. Археологические раскопки в Кят-кале. В сб: Археологические исследования в Узбекистане, 2003 год. Ташкент, 2004
- Матрасулов Ш. Археологические исследования в Кят-кале в 2005 г. Хива, 2005. Архив Института археологии АН РУз, Ф-1/О-1/Д-112.
- Матрасулов Ш., Юсупов Н., Садуллаев Б., Машарипов К. Археологические исследования в Кят-кале в 2007 г. Хива, 2007. Архив Института археологии АН РУз, Ф-1. О-1. Д. 117.
- Чунихин Д.В. Отчет по археологическим исследованиям городища Кят-кала в Шаватском районе Хорезмской области в 1987 г. Ташкент, 1988. Архив Института археологии АН РУз.

Резюме

В данной статье рассматриваются проблемы изучения античных городов Хорезмской области, а также даны предложения по решению этих проблем.

Summary

The article analyzes problems of studying of antique cities of the Khorezm Province as well as solutions to these problems are given.

Ж. Гофуров

ЎзР ФА Археология институти

ШИМОЛИЙ – ҒАРБИЙ УСТРУШОНАНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ҚИШЛОҚ МАКОНЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Илк ўрта асрларга оид қишлоқ маконлари ва яшаш мавзейларини ёзма маълумотлар ва моддий манбалар асосида ўрганиш Ўзбекистон археологиясининг муҳим, долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу мавзу долзарблигининг ўзига хос сабаби, мазмун ва моҳияти мавжуд. Хусусан, қадимги даврларда муайян мамлакатнинг кўп сонли аҳолиси яшаган қишлоқ маконларининг шакли, тузилиши, тарихий топографияси, меъморий хусусиятларини, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихини, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилигининг муҳим аҳамиятини тадқиқ этмай туриб, ўша давр жамияти, унинг тузилиши ва тарихи ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш асло мумкин эмас.

Илк ўрта асрларда тарих сахнасида ўрин олган Уструшона мамлакатининг тарихий – маданий воҳаларида ўтказилган археологик қидирув-тадқиқот ишларидан маълумки, мазкур минтақада милодий V–VIII асрларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт аввалги даврларга нисбатан фаоллашган. Чунки бу даврда Ўрта Осиё, жумладан, Уструшона худудига кўп сонли кўчманчи чорвадор аҳолининг кириб келиши ва маълум сабабларга кўра, уларнинг аксариятини оммавий ўтrockлашуви ҳолати содир бўлган. Натижада, қишлоқ маконларининг қурилиши жадал суратни олган ва улар катта шаҳарлар атрофида бунёд этилган. Уструшонанинг турли даврларига оид археологик ёдгорликларнинг 60–65 фоизини илк ўрта асрларда бунёд этилган қишлоқ маконлари ташкил этади ва бу кўрсаткич Жиззах воҳаси учун ҳам мустасно эмас.

Туркистон тоғларининг Чумқартов тизмаларидан бошланиб, Ҳайдаркўлгача (14 км) оқувчи Сангзар дарёси, қадимги Уструшона давлатининг Бурнамад (Бахмал, А. Бердимуродов), Харакана (Ғаллаорол, Н. Негматов) ва Фекнон (Жиззах) каби уч рустоқини кесиб ўтади ва бу воҳаларнинг асосий сув манбаи ҳисобланади.

1970 йиллар охиридан бошланиб, ҳозирга қадар бу маданий воҳалар худудига олиб

борилаётган археологик қазилмалар, Сангзор дарёси ҳавзасида ўтроқ ҳаёт ва деҳқончилик асосан Кушон империяси таназзулидан кейин ҳам давом этиб, илк ўрта асрларда оммавий тус олганлигини кўрсатади. Бу даврда турар – жой иморатлари сифатида шаҳарлардан ташқари, кўпроқ қалъа – рабатлар қурилишига эътибор берилган ва эҳтимол, шунинг учун ҳам кейинчалик ўрта аср муаллифлари Уструшонани “қалъа – рабатлар мамлакати” деб аташган (Негматов, 1953. С. 243).

Сон жиҳати ва ушбу давр ёдгорликларини қониқарли даражада сақланганлиги, шимолий – ғарбий Уструшонанинг (Жиззах воҳасининг) илк ўрта асрларга оид қишлоқ маконлари археологиясини, меъморчилиги, қурилиш усуллари хусусиятларини нисбатан яхши ўрганилишига сабаб бўлди. Ушбу қазув тадқиқотлари натижасига асосланиб мазкур ўлканинг илк ўрта аср қишлоқ қурилиши, архитектураси ва уларнинг эволюцияси ҳақида фикр юритиш мумкин.

1978 йилда ЎзФА Археология институтининг Э.Б. Қодиров раҳбарлигидаги Жиззах отряди Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғида, Ғаллаорол тумани Обиз қишлоғи шимолий чеккасида жойлашган Қинғиртепа қалъасида қазув ишлари ўтказган. Қазув тадқиқотлари натижасида, 17 та хонадан иборат, қалинлиги 2,5–3 м айлана девор билан ўралган меъморий комплекс очиб ўрганилган (Бердимуродов, 1985. С. 8-9).

Тадқиқот муаллифларининг ёзишича, паҳса блоклардан кўтарилган деворларнинг нисбатан ёмон сақланишига қарамасдан, квадрат шаклидаги (26x26 м) ушбу иморатнинг қурилиш тарихи етарли даражада аниқланган ва таҳлил қилинган.

Унча кенг бўлмаган, жануб–шимол йўналишида ўтган ўқ коридор қурилиш мажмуасини икки қисмга ажратади ва иморатнинг шимолий қисмидаги 16–хона билан туташади. Иморатнинг ғарбий қанотида 4 та тўғри тўртбурчак ва 1 та квадрат шаклидаги хона, шарқий қисмида эса нисбатан кичик ҳажмдаги тўғри тўртбурчак кўринишидаги 7 та хона ва узун коридор мавжуд бўлган (Бердимуродов, Пардаев, 1988. С. 67).

Қинғиртепа тадқиқотларининг асосий муаллифларидан бири А.Э. Бердимуродовнинг таъкидлашича, Қинғиртепанинг энг сўнгги даврига тааллуқли бўлган қурилиш комплексининг 1,4 хоналари (бу хоналар аввал битта, алоҳида бўлиб, кейинчалик 50 см. ли девор билан иккига ажратилган – Ғ.Ж.) сиғиниш учун мўлжалланган, қолганлари хўжалик ва яшаш хоналарига бўлинган. Топилган моддий–маданият намуналари, айниқса Суғд торевтикаси таъсири остида ясалган кулоллик идишларига асосланиб Қинғиртепа қишлоқ макони VII–VIII асрлар билан давланган (Бердимуродов, Пардаев, 1988. С. 74).

1982 йилда археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш бўйича ўтказилаётган тадқиқотлар давомида Ғаллаорол воҳасидаги яна бир илк ўрта аср қишлоқ макони, Сангзорнинг ўнг қирғоқ ҳавзасида, Қашқабулоқ қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган Алмантепа очиб ўрганилган. Натижада ушбу ёдгорликнинг сўнгги қурилиш даврига таллуқли олти хонадан иборат иморат қолдиқлари, қалинлиги 2,2 м бўлган, паҳса блокларидан кўтарилган муҳофаа девори тадқиқ этилган.

Алмантепа иморати планировкаси В.А. Лавров таъбири билан айтганда “тароксимон коридорлар” усулида бўлиб, бир-бири билан ёнма-ён жойлашган узун йўлаклар комплексидан ташкил топган. Энг оддий ва энг қулай ушбу қурилиш режалаштириш усулининг айрим кўринишлари Сўғдда VIII асргача сақланган (Лавров, 1950. С. 44). Дарвоқе, Хоразмнинг ҳарбий буржларида, (Тупроққалъа, Говур қалъа, Қизил қалъа), Суғд қишлоқ маконларида (Муғ қалъаси, Ботиртепа, Гардани Ҳисор), Тоҳаристонда (Юмалоқтепа) ва Уструшонада ушбу меъморий қурилиш тархи асосида V-VIII асрлар давомида қишлоқ маконлари қурилган (Бердимуродов, Пардаев, 1990. С. 152-155).

Алмантепа тадқиқотчилари унинг қурилиш планировкаси ҳақида фикр билдириб, “тароксимон коридорлар” усулида қурилган иморатларни уч гуруҳга ажратишган. Хусусан:
- ҳарбий казармалар ва қўриқчилар постлари. Бунга Хоразмдаги Говур қалъа, Тупроққалъа, Эски Нисодаги иморат, Уструшонадаги Чилхужранинг марказий ядроси Тирмизактепа киритилган;

- хўжалик учун фойдаланиладиган хоналар. Бунга Панжикент кўхандизидаги бурж, Варахша мажмуаси таркибидаги Мунчоктепа, Юқори Зарафшондаги Кум, Гардани Ҳисор қалъаларининг бир гуруҳ хоналари киритилган;

- ҳақиқий маънодаги қалъалар. Бунга Муғ қалъаси, Ботиртепа, Қалъайи-Боло ва Алмантепа киритилган.

Қайд этилган моддий-маданият намуналари, асосан кулоллик идишлари таҳлилига кўра, Алмантепа қалъаси VII-VIII асрлар билан даврланган (Бердимуродов, Пардаев, 1990. С. 153-159).

Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконларининг катта қисми асосан Сангзор дарёсининг ўрта оқим хавзасида жойлашган бўлиб, бу ерда улар Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги атрофида жойлашган.

1983 йил Жиззах археология отряди томонидан Жиззах шаҳри Қалия-Мўлканлик маҳалласининг шарқий қисмида жойлашган, тўғри тўртбурчак кўринишидаги (60x70 м), баландлиги 10 м бўлган Расулбойкултепа илк ўрта аср қишлоқ маконининг маданий қатламлари стратиграфияси ўрганилган (Пардаев, 1992. С. 108-113).

Қазув тадқиқотлари давомида ёдгорликнинг 13,2 м узунликдаги маданий қатлами, шимолий мудофаа девори қирқими очилган ва таҳлил қилинган. Натижада, Расулбойкултепанинг учта катта қурилиш даври аниқланган. Олинган топилмалар, сопол идиш комплексларини қиёсий ўрганиш асосида ушбу қурилиш даврлари: IV-V; VI-VII; VII-VIII асрлар билан даврланган.

XVI-XXIV яруслар оралиғида қайд этилган қалъа деворининг пастки қисми эни 4 м, баландлиги 4,3 м га тенг бўлган. Девор пахса блоклари ва қисман 50x29x9; 52x30x10; 54x32x11 см қолипдаги хом ғиштлардан кўтарилган. Тадқиқотчилар ушбу қалъани Қалиятепа шаҳар мудофааси тизимидаги пунктларидан бири сифатида эътироф этишган (Пардаев, 1992. С. 108).

1986-1989 йилларда Жиззах археология отряди томонидан Қалиятепа шаҳар мудофаа тизимига кирувчи яна бир ёдгорлик Пардакултепа қалъа-рабодининг марказий қисми очиб ўрганилган.

Пардакултепа иморатлари аввало яхши сақланган, қолаверса, мутахассислар томонидан юқори малака билан очилган 9та хонадан иборат. Ёдгорликнинг марказий ядроси 20x15 м ҳажмда бўлиб, айна пайтда унинг тахминан учдан икки қисми очиб ўрганилган. Пардакултепа иморати режаси шарқ-ғарб йўналиши бўйича ўтувчи “ўк” коридор ва унинг икки қанотида жойлашган хоналар комплексидан иборат бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ёдгорлик уч қурилиш (қайта қурилиш) даврдан иборат бўлиб, IV-VI асрлар билан даврланган (Пардаев, 1997. С.142-148).

Пардакултепа деворларининг конструкцияси, пахса уришнинг анъанавий усуллари ва турлари, эшик пештоқлари, икки қаватли хоналар хусусиятлари, текис ва гумбазсимон шифтлар, қалъа-рабоднинг мудофаа девори, шимолий дарвоза ва хўжалик хоналари ҳақида муаллифлар томонидан чуқур тадқиқотлар ўтказилган. Кулоллик идишларининг классификацияси ишлаб чиқилган (Пардаев, 1998). Умуман олганда Пардакултепа қалъа-рабодини айна пайтга қадар Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконларининг даврийлик жиҳатидан энг қадимгиси ва тўлиқ ўрганилгани деб эътироф этиш мумкин.

Шимолий – ғарбий Уструшонанинг антик ва илк ўрта асрлардаги энг йирик ва муҳим шаҳар ёдгорлиги, воҳанинг ўша даврдаги маъмурий – маданий маркази Қалиятепани ўраб турган қалъа–рабодлардан бири юқорида қайд этилган Пардакултепа (IV–VI аср) очиб ўрганилгандан сўнг, Жиззах воҳаси қишлоқ маконлари қурилиш ва моддий–маданиятидаги узвийликни аниқлаш учун ушбу мавзудаги тадқиқотларни давом эттириш тақозо қилинган. Шу сабабли, воҳанинг яна бир илк ўрта аср ёдгорлиги – Комилботтепа қалъасида 1989–1990 йилларда қазув тадқиқотлари ўтказилган.

Пардакултепадан 950 м шимоли–шарқда, Қалиятепадан 800 м ғарбда, катта йўл ёқасидаги Комилботтепа, бошқа ёдгорликларга нисбатан марказий шаҳарга жуда яқин

жойлашган (Пардаев, 2001. С. 133). Қазув ишлари асосан Комилбоботепанинг иккинчи ярусини ташкил этувчи марказий ядро қисмида ўтказилган ва у ердан 11 та хонадан иборат қурилиш комплекси очилган. Хоналар узун коридорсимон, тўғри тўртбурчак ва квадратсимон кўринишда бўлиб, пахса ва хом ғиштлардан кўтарилган. Коридорсимон хоналардан бирининг 46x23x10; 46x22x10 см қолипдаги хом ғиштлардан кўтарилган гумбазсимон шифти сақланиб қолган (Пардаев, 2001. С. 136., рис. 5).

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Комилбоботепа қалъаси хоналарининг жойлашиш лойиҳаси индивидуал хусусиятга эга бўлган. Яъни лойиҳа ”қурама” усул ва унсурлардан иборат бўлиб, унда “айланма йўлак” “тароқсимон коридор” усуллари қўлланилган.

Тадқиқотчи М.Ҳ. Пардаевнинг фикрига кўра, Қалиятепа атрофидаги қишлоқ маконларнинг аксарияти “буюк кўчиш даври” дан кейин, асосан Эфталийлар ва Турк ҳоконлиги даврида бунёд этилган. Бунга кўчманчи чорвадор уруғларнинг оммавий тарзда ўтроқлашуви, кескин демографик ўсиш ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлган. Комилбоботепадан реал ҳолатда ясалган шохли кўчкор ҳайкалчаси бош қисмининг топилиши ушбу фикрларни тасдиқлайди. Чунки дастасига шохли кўчкор тасвири туширилган идиш ва ҳайкалчалар Ўрта Сирдарё бўйи аҳолисининг (Қовунчи маданияти) маънавий ҳаёти билан боғлиқ топилмалар ҳисобланади (Пардаев, 2001. С. 140-141). Комилбоботепадан унда ҳаёт тўхтагандан кейин ҳам фойдаланилган. Қалъа 7—хонаси ғарбий деворининг орқа томонидан 3 та хум остодони топилиши ушбу фикрларни билдиришга имкон беради. Ушбу хум остодонлар ислом қабул қилингандан кейин ҳам зардуштийликдан воз кечмаган ёки аждодлар динига бўлган этиқодини яширин тарзда давом эттирган қавмлар томонидан VIII аср охири, IX асрларда бу пайтга келиб тепаликка айланган қалъадан даҳма сифатида фойдаланган деган фикрни билдириш мумкин.

Жиззах воҳасидаги Ёқуббоботепа, Жумабоватепа қишлоқ маконларида 2007–2009 йилларда ўтказилган қазув тадқиқотлари ҳажми чегараланган бўлгани учун уларнинг сўнгги қурилиш даврлари аниқланганини эътироф этиш мумкин. Ёқуббоботепани VI–VIII; Жумабоботепани V –VI асрлар билан даврлаш мумкин.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, шимолий ғарбий Уструшонадаги Сангзор дарёси билан боғлиқ суғорма деҳқончилик мавзеларида илк қалъа – рабодлар қурилиши, ривожланиши жараёнларини, меъморчилик анъаналари ва режалаштириш усуллари давомийлигини ўрганиш мақсадида Қинғиртепа, Алмантепа, Расулбойтепа Пардакултепа, Комилбоботепа, Ёқуббоботепа, Жумабоботепа ёдгорликларида қазув тадқиқотлари ўтказилган. Бу турар –жой комплекслари мисолида Шимолий – Ғарбий Уструшона қалъа – рабодлари меъморчилигида режалаштириш усуллари пайдо бўлиши ва кейинги даврларда ривожланишини яққол кузатиш мумкин. Хусусан, Сангзор ҳавзаси қалъа–работлари қурилишининг ҳозирча илк босқичи ҳисобланаётган IV асрга таалуқли Пардакултепа бу ердаги деярли барча ёдгорликлар қатори, илк ўрта аср меъморчилигига хос бўлган платформа устида эмас, балки текислик ерда қад кўтарган. Пардакултепа иморати режаси марказидан ўтувчи умумий тор йўлак (коридор) ва уни икки томонидаги бир–бирига қарама–қарши жойлашган хоналардан иборат. Кейинги даврларда бу режалаштириш усули анъанавий тарзда давом эттирилсада, лекин баъзи бир муваффақиятли ўзгартиришлар ҳам қабул қилинган. Хусусан, Комилбоботепа ва Қинғиртепа қалъа – работлари меъморчилигида марказий йўлак сақланган ҳолда, барча хоналарни ўраб олувчи айланма йўлак пайдо бўлган ва бу билан иморатнинг ички муҳофаа кудрати янада кучайган.

Араб истилоси арафасида Сўғд ва Уструшонанинг “энг оддий ва энг қулай” (В.А. Лавров) режалаштириш усули, ёнма–ён жойлашган “тароқсимон йўлаклар” комплекси ҳам тарқалган. Алмантепа II шу усулда бунёд этилган 6 хонали иморат бўлиб, хоналарнинг узунлиги 9,75 м.ни, эни 2,30 м.ни ташкил қилади (VII–VIII аср). Таъкидлаш керакки, Сангзорнинг ўрта оқимидаги (Ғаллаорол) қалъа – работлар қурилишида мазкур жой рельефи (жарлик, тепалик, тик қирғоқ...) ҳисобга олиниб иншоотнинг муҳофаа фаолияти

учун мувофиқлаштирилган бўлса, бундай ҳолни Жиззах ёдгорликларида учратмаймиз.

Сангзор водийсида қалъа – работлар қурилиши араб истелосидан кейин ҳам давом этган. Нушкент, Химонтепа (IX–X аср) билан бирга ўрта аср ёзма манбаларининг деярли барчасида “Моваруннахрнинг энг улкан ва кўркам работи” деб тарифланган Худойсарни ўрнини топиш учун олиб борилган ишлар натижаси диққатга сазовордир. Археолог М.Пардаевнинг фикрича, Худойсар Қалиятепанинг шимол тарафидан (7 км) ўтган Уриқулисой қирғоғидаги Кўкравот тепалиги ўрнида бўлган. Ер ҳайдов ишлари пайтида работ қолдиқлари каттиқ зарарланган ва иморатнинг 40x30 м, баландлиги 3 м бўлган марказий қисми сақланиб қолган. Қазилар ишлари давомида IX–XI асрларга оид кўплаб гулдор идиш бўлаклари ва шу давр қолипидидаги пишган ғиштлар топилган.

Ўрганилаётган Сангзор водийси илк ўрта асрларда ўтроқ ҳаёт кечирувчи маданий воҳалар (Сугд, Уструшона) билан ўрта Сирдарё чорвадорлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий, моддий маданий алоқалар учун ўзига хос ўтиш майдони бўлиб хизмат қилган. Савдо сотиқ ишларида ҳам айирбошлаш усулидан оҳам фойдаланилган. Икки томон учун ҳам фойдали бўлган бундай муносабатлар эвазига шимолий–ғарбий Уструшона қалъа–работлари кўчманчилар тажовузидан ҳоли бўлган. Ислом дини ёйилгунга қадар воҳа аҳолиси зардуштийлик динига эътиқод қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

- Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып.22. Ташкент, “Фан”, 1988.
Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа // ИМКУ, вып. 23. Ташкент, “Фан”, 1990.
Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М., 1950.
Негматов Н.Н. Историко–географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. № 37, М.–Л., 1953.
Пардаев М. Археологические работы на Расулбайкултепа // ИМКУ, вып. 26. Ташкент, “Фан”, 1992.
Пардаев М.Х. Комилбоботепа қалъаси // ЎММТ, 32-нашри. Тошкент, “Фан”, 2001.
Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпохе раннего средневековья (по материалам нижнего течения р. Сангзар) // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1995.
Пардаев М.Х. Шимолий–ғарбий Уструшона қишлоқ маконлари қурилиш меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айрим хусусиятлари // ЎММТ, 28-нашри. Самарқанд, “Сўғдиёна”, 1997.

Г. Бабаяров, А. Кубатин

Институт Востоковедения АН РУз


ЗАМЕТКИ К НЕКОТОРЫМ СЮЖЕТНЫМ ПАРАЛЛЕЛЯМ НА МОНЕТАХ ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА И САСАНИДСКИХ ГЕММАХ

Образование во второй половине VI века Тюркского каганата привело к изменению политической ситуации в степях Евразии и прилегающих к ним оазисах. На большой территории от Монголии до Черного моря и Северного Кавказа, от предгорьев Урала до оазисо-Мавераннахра и Хорасана хозяевами оказались тюрки. С этого времени Тюркский каганат стал непосредственным соседом таких крупных империй как – Византия, Сасанидский Иран и Китай. Это привело не только к развитию политических и экономических отношений Тюркского каганата, а затем и его непосредственного преемника Западно-Тюркского каганата, с соседними государствами, но также вывело культурные связи тюрков с другими народами на новый уровень. Как результат, это оказывало влияние не только на внешнюю политику, но и на экономику и культуру взаимодействующих государств. Для этого периода характерно появление в тюркском искусстве новых сюжетов, иконографических образов, многие из которых появились в результате переработки тюрками чуждых им, заимствованных образов и сюжетов, с учетом своих традиций и идеологии. Особый интерес в этом плане представляют монеты Западно-Тюркского каганата, на которых нашли свое от-

ражение сюжеты, имеющие свои параллели в Византийском и Сасанидском искусстве.


В данном исследовании мы хотим обратить внимание на сюжетные параллели между изображениями на монетах Западно-Тюркского каганата и Сасанидских геммах. Так, нами были выявлены пять сюжетных параллелей, заслуживающих особого внимания: 1) погрудный парный портрет мужского и женского персонажей; 2) изображение сидящих напротив друг друга мужского и женского персонажа; 3) изображение всадника и стоящего перед ним женского персонажа; 4) изображение всадника; 5) изображение лошади. Следует отметить, что некоторые из них очень близки к Сасанидским, а другие лишь имеют схожий мотив.

Итак, остановимся на монетах с парным изображением. На аверсе этих монет имеется погрудное изображение мужского и женского персонажа, т.е. правителя и правительницы в фас (см. рис. I, 1.2). Слева изображен правитель с длинными распущенными до плеч волосами, а справа правительница в трехрогом головном уборе. Над головами персонажей име-

ется изображение полумесяца и звезды. На реверсе этих монет имеется тамга в форме  и согдийская легенда вокруг нее *ZNH pny z/žpɣw kɾnw crδnk* – «Это деньга жабгу происходящего от могущества» или «Это деньга жабгу Иль-Чирданака» [Бабаяров, Кубатин, 2007, с.129-130]. В свое время Л.С. Баратова обратила внимание на то, что сюжет с парным портретом, имеющийся на древнетюркских монетах, присущ также и Сасанидскому искусству. Вместе с тем, она отмечает, что парные изображения в Сасанидском искусстве, известны и для более раннего времени, например, на геммах-инталиях из Мерва, на которых имеется парный портрет мужчины и женщины и надпись парфянским письмом «Артмшах, канаранг Мерва и Денаг, жена его» [Пугаченкова, 1963, с.210; Баратова, 2005, с. 418]. В отличие от монет Каганата, на Сасанидских геммах-печатах персонажи, которые как бы смотрят друг на друга, изображены в профиль и отличаются местоположением, т.е. женский персонаж расположен слева и мужской справа, а также на них не нашли своего отражения астральные символы (см. рис. II, 2.1). Такое расположение персонажей характерно также и для некоторых вариантов вышеупомянутого типа монет. Хотя эти мотивы имеют между собой определенное сходство, однако в изображениях, как на монетах, так и на геммах ярко подчеркивается их этнический облик. Так, на геммах мужской персонаж изображен с короткими собранными в прическу волосами и бородой, а женский персонаж с длинными заплетенными в косы волосами [Gignoux, Gyselen, 1982, с. 84-85, No. 22.1–22.5]. Для обоих персонажей характерно наличие миндалевидного разреза глаз и высоких носов, а на монетах Каганата ярко подчеркивается тюркский этнический тип. В частности, узкий разрез глаз, широкие лица, длинные распущенные волосы у мужского персонажа и трехрогий головной убор у женского. По мнению большинства исследователей, древнетюркские монеты оазисов Средней Азии (Чач, Согд, Чаганиан) с парным портретом считаются подражаниями византийским монетам (см. рис. III, 3.2) [Массон, 1951, с.97, 99; Ртвеладзе, 1998, с.11; Баратова, 2005, с. 418].

Следует отметить, что изображение парного портрета присуще монетам Византии имеется также и на так называемых сасанидо-византийских монетах, чеканенных в VII веке в области Бишапур (Фарс) Ирана [Curiel, Gyselen, 1984, с. 45-46; 1985, с.109-113]. Однако, как известно, они не относились к центральному чекану Сасанидов, для всех монет которого был характерен единый сюжет – изображение правителя в фас.

По сравнению с вышеупомянутым сюжетом относительно более близкое сходство с Сасанидским имеет сюжет с изображением сидящих на ковре (троне?) правителя и правительницы, нашедший отражение на монетах Каганата. На аверсе данных монет изображены смотрящий вправо правитель без головного убора, с длинными до плеч волосами, левая рука которого поднята в жесте адорации, а правительница в трехрогом головном уборе.

Как и на предыдущем типе, на реверсе этих монет имеется тамга  в окружении согдийской легенды *pny z/žpɣw kr crδnk* – «Деньга жабгу [*kr crδnk*]а» или «Деньга жабгу происхо-

I. Монеты Западно-Тюркского каганата



1.1



1.2



1.3.1



1.3.2



1.4



1.5



1.6

II. Геммы Сасанидского Ирана



2.1



2.2



2.3



2.4



2.5

III. Византийские монеты



3.1



3.2




3.3


дящего от могущества». Особенно обращает на себя внимание то, что на разных вариантах монет этого типа женский портрет изображен в виде беременной женщины (с ярко выраженными грудями и животом) или женщины с ребенком в руках (анэпиграфный вариант) (см. рис. I, 1.3.1–1.3.2) [Шагалов, Кузнецов, 2006, с. 75; Бабаяров, 2007, с. 15, 30]. Сюжет с


таким содержанием не имеет аналогов среди монет Средней Азии до эпохи Западно-Тюркского каганата. По нашему мнению, генезис этого сюжета также восходит к Византии. Так как, на некоторых типах монет Юстина II (565–578) он изображен сидящим на троне рядом с императрицей Софией (см. рис. III, 3.3). Но на Западно-тюркских монетах данного типа, как и на монетах с погрудным парным портретом, византийский сюжет был переработан с учетом традиций и религиозных воззрений древних тюрков [Бабаяров, Кубатин, 2008, с.4-8]. Следует отметить, что они изображены сидящими со скрещенными ногами на ковре (?), а не как на монетах Византии на троне. Однако, возможно на тюркских монетах также изображен своеобразный трон, но имеющий большие отличия от трона, изображенного на монетах Византии. На монетах данного типа мужской персонаж изображен смотрящим вправо без головного убора, с длинными волосами до плеч, а женский персонаж в трехрогом головном уборе, как и на предыдущих типах. Но более близкий в иконографическом отношении, чем на Византийских монетах сюжет имеется на одной из Сасанидских гемм (см. рис. II, 2.2). На этой гемме изображены сидящие напротив друг друга на своеобразном троне мужской и женский персонаж. Но в отличие от сюжета на Западно-Тюркских монетах, на гемме персонажи расположены наоборот, и женский персонаж передает ребенка из своих рук в руки мужского, а также на ней имеется изображение звезды [Gignoux, Gyselen, 1982, с.51, No. 11.7].

Другую яркую сюжетную параллель представляют монеты с изображением мужского персонажа сидящего на коне, т.е. правителя-всадника, и стоящего перед ним женского персонажа (см. рис. I, 1.4). Правитель с длинными волосами изображен сидящим прямо, а женский персонаж - возможно богиня или правительница, держащая перед собой сосуд, изображена в трехрогом головном уборе. На некоторых вариантах монет этого типа женский персонаж изображен стоящим прямо, а на других коленапреклоненным [Шагалов, Кузнецов, 2006, с.87-88; Кузнецов, 2007, с.52-53]. На реверсе этих монет нашли отражение ал-


тарь огня с горящим пламенем, слева от него тамга , присущая монетам Западно-тюркского каганата и справа две вертикальных линии - прямая и с отходящей чертой. В различных вариантах данный сюжет присутствует также и на Сасанидских геммах (см. рис. II, 2.3). На геммах, как и на монетах Каганата, всадник изображен сидящим на коне идущем вправо. На некоторых геммах всадник изображен сидящим прямо, а на других немного наклонившимся вперед. Подобным образом имеются отличия и в иконографии персонажей. Если на одних геммах всадник изображен с постриженными волосами до плеч и пышной бородой, а также держащих в руках копьё, то на других с короткими волосами и в головном уборе, и он как бы берет какой-то предмет у стоящего перед ним персонажа [Gignoux, Gyselen, 1982, с.51-52, No. 11.8–11.9]. Схожий сюжет наблюдается также и на печати III века, найденной на руинах Еркургана (Древний Нахшаб), на которой изображены всадник и стоящая перед ним богиня, держащая в руках сосуд [Сулейманов, 2000, с. 286-289, рис. 192:2]. Однако, в отличие от изображений на монетах Западно-Тюркского каганата и Сасанидских геммах, на вышеупомянутой печати всадник, трактуемый в качестве покровителя Нахшеба, восседает не на коне, а на драконе. Следует отметить, что подобный сюжет среди раннесредневековых монет Средней Азии встречается только на вышеупомянутом типе монет Каганата, чеканенных в Чачском оазисе. Вместе с тем интересно, что на реверсе этих монет имеется алтарь огня, который не встречается на других монетах Чачского оазиса. Изображение алтаря огня, кроме вышеупомянутого типа монет, присуще Сасанидским, Бухарским монетам, а также Сасанидским подражаниям Тохаристана и Кабула и считается символом, связанным с зороастризмом. Факт того, что на монетах Каганата занял место алтарь огня, свидетельствует о том какое место занял зороастризм в идеологической жизни Западно-Тюркского каганата. Однако, изображение правительницы в трехрогом головном уборе на монетах Чача, показывает на ее связь с идеологией древних тюрков, т.е. с воззрениями связанных с богиней Умай.

1961-1962 йилларда Ш. Тошходжаев томонидан Афросиёб марказида, шаҳарнинг 3 мудофа девори ичида олиб борилган қазилмалар (23 қазилма) натижасида, кулоллар маҳалласи аниқланади. Кейинчалик, 1965-1966 йилларда қазилма ишлари Л.Г.Брусенко томонидан, 1968-1971 йилларда Ш. Шораҳимов томонидан давом эттирилиб, маҳалланинг умумий қиёфаси тикланади. Қўлга киритилган материаллар асосида маҳалланинг 3 та қурилиш даври аниқланди: 1-қурилиш даври –VIII охири-IX аср; 2 - қурилиш даври—IX-аср охири-X аср боши; 3- қурилиш даври – X аср—XI аср 1-чораги. Маҳалланинг 3-чи қурилиш даври яхши ўрганилган бўлиб, турар жой, хумдон ва ёрдамчи хоналардан иборат 14 та хўжалик аниқланади. 1, 2, 3, 10 хўжаликларда турар жойлар аниқланган бўлиб, ушбу турар жойлар 1-5 яшаш хоналари, ҳовли, 1-2 хумдон ва ишлаб чиқариш хоналарига эга бўлган (Шараҳимов, 1981, с. 76-80; Брусенко, 1969, с. 209).

Турар жой билан боғлиқ хоналарда ташнав ва супалар мавжуд бўлиб, хона деворлари ва поллари лой ва алебастр билан сувалган. Айрим ҳолларда хона деворлари гангча ёки лойга ўйилган нақш (3 хўжалик, 1 хона) ёки қизил, кўк, сариқ, жигарранг рангли бўёқлар (3 хўжалик, 1, 4 хоналар; 4 хўжалик, 2 хона; 10 хўжалик, 8 хона) билан безатилган. Хоналарни иситишда сандал (4 хўжалик, 3 хона) ёки сопол ўчоқлардан (10 хўжалик, 6 хона) фойдаланилган. Турар жой хоналар, асосан, бинонинг кириш қисмида жойлашган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ хоналар эса турар жойларнинг ён ёки орқа томонига жойлашган.

1965-1968 йилларда “ихшидлар саройи” яқинида тўртта қурилиш даврига оид турар жой комплекси тадқиқ этилади. Учинчи ва тўртинчи қурилиш давларида (X аср) комплекс етти хона, айвон, коридор ва унча катта бўлмаган ҳовлидан иборат бўлган. Еттита хонадан биттаси хўжалик мақсадларида, қолганларидан эса турар жой сифатида фойдаланилган. Қазилма муаллифи И. Ахроров комплекс шимол томондан пахса девор билан чегараланган бўлиб, жануб ва ғарб томондан қўшни турар жой комплексларига туташган бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради (Ахроров, Ремпель, 1973, с. 21, 28). Комплексининг шарқ томони эса Чўпонота тошлари билан қопланган кўчага қараган бўлиб, бу нарса комплексга кириш шарқ томондан бўлган деган фикрга келишга ундайди. Агар шундай бўладиган бўлса, хўжалик мақсадларида фойдаланилган хона комплексининг кириш қисмида, турар жойлар эса комплексининг ичкарасида ҳовли атрофида жойлашганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинчалик, 1972-1973 йилларда бу ерда Ш.С. Тошходжаев томонидан тадқиқот ишлари давом эттирилиб ташқи ҳовли ва яна бир неча хоналар очилади (Анарбаев, 1981, с. 81).

1966-1970 йилларда Афросиёбнинг жанубий шарқида амалга оширилган қазилмалар (24 қазилма) чоғида ўзига тўқ шаҳарликка тегишли, деб ҳисобланган IX-X асрларга оид турар жой ўрганилади. Хусусан, бино очик ҳовли, айвон, ошхона, меҳмонхона ва унинг атрофида жойлашган 5 та хонадан иборат бўлган. Меҳмонхона ва ҳовли пишиқ ғишт (20-22x20-22x3-3,5 см) билан қопланган (Ташходжаев, 1977, с. 99). Афсуски, мақолада турар жой режаси берилмаган бўлса ҳам матнда берилган изохда хоналарнинг ҳовли атрофида жойлашганлигини кузатиш мумкин.

1967-1968 йилларда М. Журакулов ва Я. Крикислар томонидан Афросиёбнинг ғарбий қисмида, Самарқанд-Аэропорт йўлидан 30 м чапда олиб борилган қазилма натижасида икки қурилиш даврига оид (VIII аср охири—IX аср; X-XI асрлар) 9 та ётоқхона, ишлаб чиқариш билан боғлиқ хоналар, ер ости хонаси ва ҳовли(двор)дан иборат турар жой биноси қазиб ўрганилади. Дастлаб, VIII аср охири—IX асрларда, яъни, биринчи қурилиш даврида бино олтига турар жой хоналаридан ва ҳовлидан иборат бўлиб, хона деворлари пахса блоklar (87x87x100 см.дан то 90x100x115 см.гача) ва ҳам ғишtlардан бунёд этилган. (Джуракулов, Крикис, 1969, с. 312-316; Джуракулов, Крикис, 1970, с. 32-44).

Жанубий Суғд худудида IX—XI асрларга оид турар жойлар 1970 йиллар Шуллиуктепада (Насаф) қазиб ўрганилган. Қазилмалар жараёнида ошхона, хўжалик ва яшайдиган хоналаридан иборат турар жойлар чизмалари йўқлигидан улар хақида аниқроқ бир фикр айтиш қийин (Кочнев, 1973, с. 501; 1974, с. 528; 1976, с.532).

Иккинчи ёдгорлик Олтинтепа худудида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, X—XI асрларга оид бой феодалга тегишли турар жой аниқланган. Турар жой 11 та хона ва ҳовлидан иборат бўлиб, меҳмонхона, хўжалик ва яшаш хоналаридан ташкил топган (Лунина, 1984, с.92-96). Ушбу турар жойда хоналарни жойлашуви ва қурилиш материаллари ва уларнинг қўлланилишида Афросиёб ва Варахша турар жойларига яқин. Лекин режавий тузилишида Олтинтепа турар жойини ўзига хослигини кузатиш мумкин. Хусусан, узун коридор (14x1 м) хоналарни бирлаштирувчи вазифани бажарган.

Юқоридаги материаллардан кўриниб турибдики, Суғд худудида IX-XIII асрнинг биринчи чорагига оид шаҳар турар жойларини ўрганилиши турли даражада бўлган. Аксарият ҳолларда, турар жойлари йўл-йўлакай ва моддий маданият қолдиғи сифатида ўрганилган. Шундай бўлсада, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда, IX-XIII асрнинг биринчи чорагига оид Суғд шаҳар турар жойларининг умумлаштириб турадиган жиҳати бу ҳовлининг мавжуд бўлишидир. Лекин, шу билан бир қаторда турар жойлар ўзига хос локал худудий характериға ҳам эга бўлган. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий анъаналар ва табиий географик шароитни ҳисобга олган ҳолда келгусида турар жой қурилишида Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё мактабларини шаклланишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

Анарбаев А.А. Благоустройство средневекового города Средней Азии (V—начало XIII в.). Ташкент, 1981.

Ахраров И., Ремпель Л. Резной шtuk Афрасиаба. Ташкент, 1971.

Брусенко Л.Г. Раскопки квартала гончаров на городище Афрасиаб // ИМКУ, вып. 8. Ташкент, 1969.

Вяткин В.Л. Афрасиаб—городище бывшего Самарканда. Археологический очерк. Ташкент, 1927.

Джуракулов М.Д., Крикис Я.К. Раскопки здания IX-XII вв. на городище Афрасиаб // Афрасиаб, вып. I. Ташкент, 1969.

Джуракулов М.Д., Крикис Я.К. Археологические исследования Самаркандского университета на западной части городища Афрасиаб в 1968 г. // Труды Самаркандского Государственного университета имени А.Навои. Научные сообщения. Вып. 182. Исторический факультет. Самарканд, 1970.

Зимин Л.А. Отчет о весенних раскопках в развалинах Старого Пайкенда // ПТКЛА, год 19, вып. 2. Ташкент, 1915.

Зимин Л.А. Отчет о летних раскопках в развалинах Старого Пайкенда // ПТКЛА, год 19, вып. 2. Ташкент, 1915.

- Кабанов С.К. Раскопки жилого квартала X в. В западной части городища Варахша. ТИИиА АН УзССР. Вып. 8. Ташкент, 1956.
- Кочнев Б.Д. Из результатов раскопок 1972 г. в Каршинском оазисе // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 г. Ташкент, 1973.
- Кочнев Б.Д. Исследование средневекового Несефа // АО, 1974. М., 1975.
- Кочнев Б.Д. Раскопки в Каршинском оазисе // АО, 1976. М., 1977.
- Крикис Я., Пачос М., Ташхаджаев Ш., Федоров М. Жилой комплекс X-XI вв.в западной части Афрасиаба // НРС. №7 Ташкент, 1963.
- Лунина С.Б. Города южного Согда в VIII-XIII вв. Ташкент, 1981.
- Лунина С.Б. Здание X-XI вв. на Алтынтепе // Материалы по истории, историографии и археологии. Ташкент, 1976. (Сб. научных трудов ТашГУ. Вып. 517).
- Мухамеджанов А.Р. и др. Городище Пайкенд. Ташкент, 1988.
- Материалы Бухарской археологической экспедиции // (МБАЭ). Вып. 8. Отчет о раскопках в Пайкенде в 2007 году. СПб., 2008.
- Ташходжаев Ш.С. Самаркандский жилой дом IX-X вв. // ИМКУ, вып.13. Ташкент, 1977.
- Хмельницкий С. Между арабами и тюрками // Архитектура Средней Азии в IX-X вв. Берлин-Рига, 1992.
- Шарахимов Ш. Квартал гончаров в X - начале XI в. // К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда. Ташкент, 1981.
- Шишкин В.А. Кал'а и Афрасиаб // «Афрасиаб», вып. I. Ташкент, 1969.
- Шишкина Г.В. Городской квартал VIII-XI вв. на северо-западе Афрасиаба // «Афрасиаб», вып. II. Ташкент, 1973.

М.Н. Султанова
Институт археологии АН РУз

НОВЫЕ МАТЕРИАЛЫ ПО РАННЕЙ ПОЛИВНОЙ КЕРАМИКЕ АФРАСИАБА

Археологические работы на одном из крупнейших городских центров Центральной Азии Афрасиабе продолжают уже более ста лет. Исследованиями затронуты все стороны урбанизационных процессов и в том числе ремёсла, где приоритетное положение, благодаря своей массовости, показателем хронологии, культуры и торгово-экономических связей, особое положение занимает керамическое производство. Насчитывая многотысячелетнюю историю оно приобрело особенное значение с появлением поливных её образцов, став более высокохудожественной по исполнению и гигиеничной в быту.

В историко-хронологическом аспекте наиболее значительными публикациями затронуты предмонгольские горизонты памятника IX – нач. XIII вв. (Шишкина, 1979; Шишкина, 1986; Ташходжаев, 1967; Ташходжаев, 1972; Шорахимов, 1975 и т.д.). Хотя необходимо подчеркнуть, что и эта историческая эпоха, включающая чуть более трёхсот лет, не получила ещё должного освещения по отдельным этапам. К таковым, безусловно, можно отнести первую половину IX в., т.е. начальный этап появления и вхождения в быт горожан ранних образцов глазурованной посуды. Поэтому полученные при археологических исследованиях 2004 г. связанных с реставрацией некрополя Шахизинда, в одном из бадрабов, небольшой комплекс столовой посуды может послужить дополнительным материалом к освещению характера керамического производства этого времени.

Комплекс по формам состоял из фрагментов трёх кувшинов, пяти блюд и одного светильника. По характеру оформления его можно подразделить на изделия с однотонной зелёной поливой и образцов посуды с мутно-белой ишкорной глазури с нанесением поверх зелёно-голубоватой росписи. Тесто черепка изделий переходит от красноватых до светло-жёлтоватых тонов.

Общим для всех форм изделий наблюдается отсутствие ангоба. Плотная прилегающая к тесту полива покрывает изделия вплоть до основания поддона. В зависимости от цвета теста черепка, окрас полупрозрачной поливы может иметь белый или красноватый фон.

Керамика с зелёной поливой. Состоит из фрагментов узкогорлого, с предполагаемым желобчатым сливом кувшина, фрагмента донца неустановленной открытой формы небольшого сосудика и чиражка с оттянутым рожком и петлевидной ручкой. Полива на всей группе изделий тёмно-зелёного цвета, ангоб отсутствует.

Кувшин (рис.1, фиг. 1). Имеет плоское, срезанное нитью основание, поддон не выделен, тулово яйцевидной формы. Горловина сужаясь к шейке имеет расширение к венчику. Сохранилась часть ручки, носик отбит, но видимо, имел вытянутую вверх характерную желобчатую форму. По горловине располагается выделенное ребро и ниже ещё три процарапанные круговые линии с повторяющимися мелкими штампами мотива побегов, близко напоминая образцы начала IX в. (Шишкина, 1979, табл. VI, рис.12, 13, 14, 10, 11; табл. XXXIX, рис.1, 2; табл. XXXVIII). В целом, общая форма с не выделенным плоским, отделённым срезом нитью поддоном, отсутствие ангоба и покрытие тёмно-зелёной поливой по тесту черепка включая основание, орнаментация по плечикам из мелких повторяющихся растительных побегов в технике штампа – всё это, безусловно, относит представленный фрагмент кувшина к ранним образцам поливной керамики датируемых началом IX в. (Шишкина, 1979, с.17, 21-23, 31-33). Д.в. – 5 см, д.д. – 8,3 см, высота – 23,7 см.

Следующей формой является фрагмент слегка вогнутого дисковидного донца небольшого сосудика (рис.1, фиг.2) с незначительно выступающим поддоном и полусферическими стенками. Ангоб отсутствует, тёмно-зелёной поливой покрыты обе поверхности посуды, включая поддон (д.д. – 6 см). Скорее всего, это был сосудик открытой формы, возможно небольшой мисочки или пиалы и также может иметь отношение к образцам ранней столовой посуды (Шишкина, 1979, табл. XI, фиг. 20).

Светильник–плошка (рис. 1, фиг. 3). Сохранилась часть корпуса и маленькая петельчатая имитация ручки, в которую нельзя вдеть палец. Полностью покрыт зелёной поливой включая поддон. По многочисленным аналогиям имел оттянутый приплюснутый носик, повторяя форму более ранних неглазурованных плошек и датируется первой половиной IX века (Шишкина, 1979, табл. XVII, рис. 13). Диаметр резервуара достигал 7-8 см, высота— 3,5 см.

Керамика с мутно-белой ишкорной поливой и зелёно-голубоватой росписью.

Блюда составляют большинство в комплексе и имеют близкие к полусферическим очертания стенок. В одном случае с косо отходящими, а в двух с отогнутой наружу закраиной венчика. Ангоб отсутствует, покрывались мутновато-белой щелочной глазурью включая поддон (полупрозрачная щелочно-свинцово-оловянная). Роспись зеленовато-голубыми (бирюзовыми) цветами наносилась по внутренней плоскости, поверх глазури. Лишь в одном случае, внешняя поверхность оформлена двумя кольцевыми желобками по придонной части тулова. Донца на двух сохранившихся образцах имеют дисковидно-вогнутую форму, а на одном с добавлением кольцевого желобка.

По характеру росписи три образца блюд – фрагмент донца с кольцевым желобком (рис. 2, фиг.1) и два фрагмента стенок с отогнутыми наружу закраинами венчиков (рис. 2, фиг. 2,3) оформлены точечным или составленным из точечных пятен с потёками рисунков. По




рис. 1




рис. 2

данним литературы подобные формы блюд, цветовая гамма, нанесение орнамента поверх глазури и точечный характер росписи, по материалам из других объектов Афрасиаба, датируются серединой IX в. (Шишкина, 1979, с. 24, табл. XXV, фиг.1). При этом, если на фрагменте донца точечный орнамент бессистемный (д.д. – 11 см), то на следующих двух фрагментах стенок он состоит из аморфных пятен, но сгруппированных под треугольную форму (д.в. – 19,2 см) на втором и пятен с потёками на третьем (д.в. – 20,3 см).


Роспись на четвертом фрагменте с косо отходящими стенками (рис. 3, фиг. 1) состояла из размашистых широких простых линий и пятен с потёками (д.в. – 20 см).

Целиком восстанавливается орнаментация на пятом блюде полусферической формы (рис. 3, фиг.2), состоящая из крестовидной розетки по центру и подпирающих её с четырёх сторон крупных побегов (д.в. – 24,2 см, д.д. – 12 см, высота – 7,5 см). Возможно мастер пытался отобразить на плоскости блюда солярный знак по центру и стремящиеся ввысь растительные побеги, характеризующие вечно цветущую символику природы. По венчику блюда нанесён бордюр из повторяющихся полукружий.

Широкогорлые кувшины составляют по-



рис. 3



следнюю форму в группе с ишкорной поливой и получены в двух экземплярах. Имеют хорошо выделенный плоский поддон, шаровидное тулово и широкую горловину с раструбом, к которой крепилась овальная в сечении ручка. Ангоб отсутствует, покрыта мутновато – белой ишкорной (полупрозрачной щёлочно–свинцово–оловянной) поливой по внешней поверхности изделий, включая поддон.

На первом образце (рис. 4, фиг. 1), поверх глазури нанесена зеленовато – голубой краской роспись из аморфных пятен, потёков и косых линий напоминающая абровые мотивы (д.д. – 4,4 см, высота – 10,5 см).

Второй кувшин (рис. 4, фиг. 2), в целом, по форме, размерам и цветовой гамме повторяет первый образец и лишь в росписи абровые мотивы растекаются из единого схематического узла, ещё раз указывая на солярную символику знаков на посуде (д.д. – 4,6 см, высота – 11 см). По форме оба кувшина близки образцам из Афрасиаба относимым к IX в. (Шишкина, 1979, табл. VII, фиг. 10).

В заключение необходимо ещё раз подчеркнуть, что на основании многочисленных параллелей наиболее ранними в комплексе могут считаться изделия с зелёной поливой и, прежде всего, образец узкогорлого кувшина. Но в отличие от других ранних аналогов по Афрасиабу, наш кувшин отличается местом крепления верхней части ручки не к закраине венчика, а несколько ниже – к его шейке, а также отсутствием на ней характерной гвоздевидной шляпки. Скорее всего, эти признаки чуть омолаживают хронологию нашей керамики с зелёной поливой, но, в целом, хорошо согласуются с другими образцами посуды – блюдами и широкогорлыми кувшинами с однотонной росписью зелёно–голубой краской по мутновато–белой ишкорной поливе. Исходя из этого, включая массу других признаков и многочисленным аналогиям, комплекс, по нашему мнению, не выходит за пределы середины IX в. и включает ряд новых материалов к характеристике ранних образцов поливной керамики Центрального Согда.

Использованная литература

- Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда. Ташкент, 1979.
Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент, 1986.
Ташходжаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда IX – начала XIII вв. Ташкент, 1967.
Ташходжаев Ш. С. Вопросы исторической классификации поливной керамики Афрасиаба // Из истории искусства великого города. Ташкент, 1972.
Шарахимов Ш.М. Гончарное производство средневекового Самарканда X – нач. XIII вв. Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1975.
Вяткин В.Л. Афрасиаб - городище былого Самарканда. Ташкент, 1927.

Резюме

Мақола Шоҳи–Зинда мажмуасида ўтказилган реставрация ва археологик ишлари давомида топилган IX аср ўрталарига оид илк сирли идишлар комплексининг ўрганилишига бағишланган бўлиб, унда идишларнинг асосий хусусиятлари киёсий таҳлили ёритилган.

Summary

In this article author is using a complex from early period glazed items that were discovered during archaeological excavations connected to the restoration of the necropolis Shahi Zinda. Author is characterizing examples of the table things according to their use and technical features, determining their chronological borders as middle of the 9th century and peculiarities that typical for table things of this period and that not studied well in material culture of the epoch.

Б.К. Турганов


Нукус давлат педагогика институти

ХОРАЗМНИНГ ЎРТА АСР ТАРОЗИЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Санъат музейи фондларидаги археологик материаллар Хоразм воҳаси халқларининг ўрта асрлардаги иқтисодий ва маданий ҳаёти, халқ хўжалиги ва савдо-сотик ишлари тўғрисидаги тарихий тасаввурларимизни янада бойитади. Музей фондларидаги археологик материаллар таҳлили ўрта асрларда Хоразм Шарқдаги кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, шишасозлик, тош ва ёғочга ишлов бериш каби ҳунармандчилик соҳалари тараққий қилган воҳалардан бири бўлганлигидан ташқари, ўша даврларда хоразмликлар савдо-сотик ишлари билан ҳам кенг шуғулланганлигини кўрсатади. Бу тўғрисида ал-Муқаддасий, ал-Истаҳрий, ал-Ёқут, ибн Баттута ва бошқа кўплаб ўрта аср араб-форс муаллифлари хотира ва асарларида маълумотлар берганлар (Материалы по истории..., с. 156-159, 178-189, 202-203). Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Хоразм воҳаси халқлари нафақат атрофдаги кўчманчилар дунёси ва Шарқий Европа билан, балки Ғарбий Европа, бир томондан Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ худудлари билан ҳам кенг микёсда савдо-иқтисодий алоқаларни олиб борганлар.

Музей фондларида сақланаётган археологик материаллардан кичкина мис паллалар ва бронзадан ясалган оғирлик тошлари Хоразм воҳаси халқларининг ўрта асрларга оид савдо-иқтисодий ва бозор муносабатлари тарихига доир маълумотларни янада бойитади. Бундай кичкина мис паллалар XII-XIII асрлар бошига оид Қават қалъа ёдгорлигидан 3 дона топилган (Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи фондлари-ҚҚР санъат музейи фонди). Паллалар ярим доирасимон шаклда юпқа мис пластинасидан ясалган ва юқорги қисмида учта жойидан тешикчалар тешилган. Биринчи палла диаметри 7 см, бўйи 1,3 см (1,1-расм); иккинчиси диаметри 5,3 см, бўйи 1,5 см; учинчиси диаметри 4,5 см, бўйи 1 см.га тенг (1,2-расм). Шунингдек, бундай мис палла ва бронза тошлар Хоразмнинг XII-XIII асрлар бошига оид Дарёликкўл қишлоқ маконида ҳам аниқланган (Неразик, 1976. С. 110).

Уларга ўхшаш мис паллалар Тошкент шаҳри атрофидан XIV асрга оид сохта танга қуйувчилар устахонасидаги заргарлик асбоблари орасида ҳам қайд қилинган (Массон, 1933. С. 6-7). Ушбу паллалар диаметри 5-5,2 см, баландлиги 1-1,2 см. Бундан ташқари, XII-XIII асрлар боши Қават қалъа, XIII-XIV асрлар Жанпикқалъа, Миздакхон ёдгорликларида бронзадан ясалган оғирлик тошлар учрайди (1;3-6-расм) (ҚҚР санъат музейи фонди). Улар кубик ва цилиндрсимон шаклларда қўйма усулда ясалган, ташқи томони нукталар ва зигзаг тарзли геометрик чизиклар билан безатилган. Баъзиларида бундай безаклар йўқ ёки занглаш сабабли ўчиб кетган бўлиши эҳтимол. Музей фондларида сақланаётган цилиндрсимон бронза тошлари ҳажми; биринчиси 2,1x1,6 см; иккинчиси 2,1x1,4 см; кубик шаклидаги бронза тошларнинг биринчиси 1,5x1,5 см; иккинчиси 1,5x1,3 см; учинчиси 1,2x1 см.га тенг. Улардан 2,1x1,6см ҳажмдаги цилиндрсимон бронза тош оғирлиги 43,8 грамм (1;5-расм); кубик шаклидаги 1,5x1,5 см бронза тош эса 22,25 граммни ташкил этади



1-расм. Тарози паллалари, қадаҳ тошлар ва тарози.

1,2-паллалар. Қават қалъа. XI-XIII асрлар; 3-6-огирлик тошлари. Қават қалъа. XI-XIII-асрлар, Жанниқ қалъа. XIII-XIV асрлар (1,2-мис; 3-6-бронза); 7-тарози ўқи. Панжикент. VIII аср (Распопова, 1999); 8-заргарлик тарозиси ва огирлик тошлари. Русдаги Гнѣздова мазор қўрғонлари. IX-X асрлар (Авдусин, 1989).

(1;6-расм).

Баъзи мутахасисларнинг фикрича, бундай бронза тошлар ўйин тошлари ҳам бўлиши мумкин. Бизнингча улардан ўйин тошлари сифатида фойдаланиш нокулай ҳисобланади. Албатта, Ўрта Осиё ёдгорликларидаги археологик материалларда суякдан ясалган ушбу тошларга ўхшаш ўйин тошлари учрайди.

Ўрта Осиёдан ташқари, бундай цилиндрсимон металл тошлар Қадимги Руснинг IX-XI асрларга оид Гнѣздова мазори қўрғонларида учрайди. Ушбу тошлар темирдан қуйма ясалган, ташқи томони бронза билан қопланган ва геометрик белгилар туширилган.

Ушбу тошлар махсус кичик тарозиларнинг огирлик тошлари бўлиб, ташқи томонидаги белгилар ўлчам бирликларини англатган. Уларнинг шакли дастлаб кубик, сўнгра цилиндрсимон бўлган. Бундан ташқари, Гнѣздова мазор қўрғонларидан обкаш шаклидаги тарози ўқи (стержень) қурилмаси топишган (1; 7-расм) (Авдусин, 1989. С. 265, рис. 91, 3-5).

Қадимги Рус ерларида IX асрдан савдо-иқтисодий алоқалар кучайиши натижасида,

кумуш дирхамлар кенг тарқала бошлайди. Дирхамларнинг кўпчилиги ярим, чорак ёки бошқача бўлақлардан иборат бўлганлигидан савдогарлар дирхамларни ўлчаш мақсадида бундай кичик тарозиларни махсус ёғоч қутичаларда доимий ўзлари билан бирга олиб юришган.

Ўрта Осиёда уларга ўхшаш темир ўқ (стержен) ва темир паллалар VII-VIII асрларга оид Панжикент ёдгорлигида ҳам қайд қилинган (1;8-расм).

В.И. Распопова таъкидлашича, бундай темир ўқ (стержен) ва темир паллалар тарози қурилмаси қисмлари бўлиб, улардан заргарлик ва дорихона ишларида фойдаланилган (Распопова, 1999. С. 32-33).

Шарқ ва Ғарб халқларига оид диний мифологик тасвирлар бундай тарозилардан илк ўрта асрлар давридаёқ кенг кўламда фойдаланганлигини кўрсатади (Ремпель, 1987. С.117, рис. 48). Жумладан, Оссурия тарих музейидаги VI асрга оид археологик топилмада худо Рашну, XII аср Новгород черкови ва Франциянинг XIII асрга оид Вале де Рибес черковидаги деворий расмларда авлиё Михаилнинг суд жараёнида худди шу каби тарозини қўлида туган ҳолдаги тасвири бор. Бу эса бундай тарозилар тузилиши ва шакли жиҳатидан ҳам Шарқ ва Ғарб халқларида деярли бир хил бўлганлигидан ва тарозилар қадимдан адолат тимсоли рамзида тасвирланиб келганлигидан гувоҳлик беради.

Этнографик материалларда уларга тузилиши жиҳатдан ўхшаш тарозилар XIX-XX асрлар бошидаги Бухоро заргарлик асбоблари таркибида учрайди (Ниязова, 2007. С. 92-93, табл. LXII, LXIV). Ушбу тарозиларнинг ҳам оғирлик тошлари бронзадан қўйма ясалган ва уларга ўлчам бирликларини англатувчи нуқталар ўйилган. Оғирлик ўлчам бирликлари етти хил: 20, 10, 5, 4, 3, 2, 1 мисқол (1 мисқол - 3,8 гр.) бўлган. Бундай тарози ва оғирлик тошлари ташқи томони безатилган махсус қутичаларда сақланган.

Кўшни худудлардаги археологик ва этнографик материаллари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, Хоразмнинг ўрта асрлар ёдгорликларидан топилган бронза тошлар вазни жиҳатидан ҳам Ўрта Осиёда араблар босқинидан сўнгги даврда ишлатилган ўлчов тошларидаги ўлчам бирликлари билан деярли бир хил. Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, X-XII асрларда мисқол (4,250 гр.), дирам (3,186 гр.), донак (0,531 гр.), ҳабба (0,071 гр.) каби оғирлик ўлчов бирликлари ишлатилган (Наршахий, 1991. 170 б.). Шунингдек, Олтин Ўрда давлатида (XIII-XIV асрлар) ҳам мисқол 4,250 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчов бирлиги ҳисобланган (Греков, 1956. 368 б.).

Музей фондларидаги бронза тошлар вазнини юқоридаги оғирлик ўлчов бирликларига нисбатан қиёсий таҳлил қилганимизда 43,8 грамм оғирликдаги цилиндрсимон тошлар 10 мисқол (10,3 мисқол) ёки 14 дирам (13,8 дирам); кубик шаклидаги тошлардан эса 5 мисқол (5,2 мисқол) ёки 7 дирам (6,9 дирам) оғирлик ўлчов бирликлари сифатида фойдаланган бўлиши эҳтимол.

Чунки бронза тошлар ер тагида ва захда бир неча юз йилликлар давомида ўзининг асл ҳолатини бироз йўқотган бўлиши мумкин. Шунингдек, Ўрта Осиёда оғирлик ўлчам бирликлари қиймати доимий бир хил бўлмаган, балки даврлар оралиғида (ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар) ва воҳалар ўртасида ҳам маълум даражада бир-биридан фарқларга эга бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Жумладан, X-XII асрларда 1 мисқол—4,250 грамм, XIX-XX асрлар бошида Бухорода 1 мисқол - 3,8 грамм оғирликда бўлган.

Демак, Хоразм ёдгорликларидан топилган кичкина мис баркаш ва бронза тошлар ўрта асрларда ишлатилган махсус кичик тарозиларнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Мазкур мис баркашлардан тарози палласи, бронза тошлардан эса оғирлик ўлчов тошлари сифатида фойдаланилган.

Бундай тарозилар обкаш шаклидаги металл мосламадан иборат бўлиб, марказий қисми ҳаракатчан стерженга беркитилган. Ҳаракатчан стержен шифтга ёки бошқа бирор нарсага осиб қўйилган. Обкаш шаклидаги металл мосламанинг иккала ён томонларидаги айланасимон тешикчаларга металл халқалар бириктирилган. Ҳалқаларга вертикал ҳолатда юқорига учта жойидан тешилган мис баркашлар палла сифатида ишлар ёрдамида осиб

қуйилган. Тарози паллаларининг биттасига оғирлик тоши, иккинчисига маҳсулот қуйилган ва вазни аниқланган.

Хуллас, бундай кичик тарози ва оғирлик тошлари Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразмда VII-VIII асрлардан XX аср бошларига қадар заргарлик, дорихона ва бошқа савдо-сотик ишларида кенг фойдаланилганлигини кўрсатади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Авдусин Д. А. Основы археологии. М.: Высшая школа. 1989.
2. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг кулаши. Тошкент, 1956.
3. Массон М.Е. Клад утвари мастерской фальшивомонетчика XIV века под Ташкентом // Материалы Узкомстариса. Ташкент, 1933. Вып. 4.
4. Материалы по истории туркмен и Туркмении. М.-Л., 1939. Том 1.
5. Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1991.
6. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). М.: Наука, 1976.
7. Ниязова М.И. Древние и средневековые ювелирные изделия как источник по истории культуры Бухары (по археологическим материалам). Дисс. ... канд. ист. наук. Самарканд, 2007.
8. Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент, 1987.
9. Распопова В.И. Металлические изделия из Пенджикента (находки 1971-1998 гг.). СПб., 1999.
10. Қорақалпоғистон Республикаси саянат музейи фондлари. Кават қалъа. Кп. 3772/755. Инв. 57-58; Кп. 3772/766. инв. 54; Кп. 39169. инв. 196; Кп. 41095/65. инв. 1344; Жанпик қалъа. Кп. 3772/102. Инв. 89; Кп. 3772/33. Инв. 88; Кп. 3772/94. Инв. 80.

Резюме

В статье на основе результатов археологических исследований, данных письменных источников и этнографических материалов рассматриваются медные чаши весов и бронзовые гири XII-XIV вв. со средневековых городов Хорезмского оазиса.

Summary

In this article they tell about copper weigh plates sound in archeological memorials that belong to XII-XIV centuries and bronze weigh stones found in neighboring territories in their archeological materials also historical information about weight units and weighs belong to this period of history and comparatively studied basing on the written exhibits.

И.Х. Убайдуллаев

ЎзР ФА Археология институти

**ФАҒНОН РУСТОҚИНИНГ IX-X АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД
АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Уструшона мамлақати тарихига оид айрим ёзма маълумотлар хитой, юнон, араб тарихчи-географлари, сайёхлари асарларида қайд этилган. Бироқ, маълумотларнинг етарли эмаслиги Уструшона тарихини ёритишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ёзма манбалар маълумотини эса асосан археологик маълумотлар тўлдиради.

Уструшона атамаси дастлаб хитой манбаларида: Судуйшана, Шуайдушана, Судушина, Цзебуцэюйна, Шарқий Цао, Сутулишина, Цао; араб, форс манбаларида: Сурушона, Сутрушона, Осрушона, Сурушна, Ошрусена, Усрушна, Уструшане, Ушрусона, Истарафшан тарзида учрайди. Тарих фанида мазкур атамаларнинг энг мақбули сифатида Уструшона номи қабул қилинган. (Негматов, 1957, 15 с.).

V аср охирида Эфталлийлар, VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги, VIII асрнинг охири IX асрнинг биринчи чорагидан араб халифалиги, IX асрнинг охирларидан Сомонийлар давлати таркибида бўлган Уструшона мамлақати Сомонийлардан сўнг амалда мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатмаган. Мўғуллар босқинига қадар Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлган.

Уструшона ҳақидаги бир мунча тўлиқ маълумотлар ўрта асрларга оид (IX-XII) араб,

форс муаллифлари асарларида келтирилган. Манбаларда қайд этилишича, маъмурий тузилиши жиҳатидан ўрта асрларда Уструшона унчалик катта бўлмаган 18 та рустокқа бўлинган. Ушбу рустокларнинг 9 таси текисликда, 9 таси эса тоғлик худудларда жойлашган. Текисликдаги рустокларга – Бунжикат, Сабат, Зомин, Асбаникат, Харакана, Фағнон, Хавос, Шавкат, Фағкат, тоғли худудлардаги рустокларга – Минк, Бурнаманд, Бискар, Бангам, Вакр, Шағар, Масчоҳ, Буттам ва Бургар рустоклари кирган. Рустокларнинг маъмурий-марказий бош шахри мавжуд бўлган. Ҳар бир русток маҳаллий сулола – деҳқонлар томонидан бошқарилган. Ҳар бир деҳқон ўз кўшинига эга бўлган. Барча деҳқонлар Уструшонанинг олий ҳукмдори – “афшин”га бўйсунган. Рустокни бошқарган деҳқон маълум даражада мустақил сиёсат юргизган. Демак, русток - зодагон деҳқон, давлат – афшин томонидан бошқарилган. Уструшона афшини марказлашган кўшинга эга бўлмаган. Кўшин афшин топшириғига кўра, ҳар бир русток ҳарбий отрядлари ҳисобига тўлдирилган.

Уструшонанинг шимолий-ғарбий рустоқи Фағноннинг тарихий худуди ҳозирги маъмурий бўлинишлар бўйича, тахминан Жиззах шахри ва тумани худудига тўғри келади. Фағнон рустоқининг бош шахри Дизак, Суғд ва Чоч оралиғидаги, аҳолиси зич жойлашган ягона шаҳар бўлиб, кўп сонли уйлари, бозорлари, боғлари, мусофир ва савдогарлар учун карвонсаройлари билан машҳур бўлган.

Ўрта аср тарихчи-географлари Ибн Хавқал, ал-Истаҳрий, ал-Муқаддасийларнинг ёзишларича, - “Дизак текисликдаги шаҳар бўлиб, Фағнон унинг рустоқидир”, “Дизакликлар жун ва тивитдан кийим-кечак тикишга, гилам тўқиш ва намак босиш ишларига ниҳоятда уста бўлганлар”, “бу ўлкада мевалар шу қадар кўп етиштирилганки, ҳатто, мевалар билан уй ҳайвонлари боқилади”, “ўлкада сув билан таъминланмаган шаҳар, кишлок, экинзор ва яйловларнинг ўзи йўқдир, энг тоза, энг юмшоқ, энг хуштаъм сув улардадир” – деб ёзадилар.

Кўчманчи чорвадорлар билан Фағнон рустоқи чегара худудида, Дизак шахридан бир фарсах масофада, IX асрнинг биринчи чорағида Ковус ўғли Ҳайдар томонидан Худайсар номли рабод қурилган. Ушбу рабод Амударё ва Сирдарё ўртасидаги энг машҳур рабодлардан ҳисобланган. Ибн Хавқал “Бутун Самарқандда ундан яхшироқ рабод йўқ. Савдогарларнинг хабар беришларича Худайсарда булоқ бор” - деб таърифласа, Ёкут “Худайсар Мовароуннаҳрдаги шаҳар бўлиб, Уструшонанинг чегара худудида жойлашган” – деб қайд этади. Ад-Дамашкий “Худайсар Уструшона таркибидаги шаҳар бўлиб, Самарқанд вилояти билан чегарадош худудда жойлашган” – деб эслатади. Бундан ташқари ушбу мавзеда Бадр Кушайр томонидан қурилган, оқарсув билан таъминланган Ҳасан рабоди ҳам мавжуд бўлган. Жиззах худудидаги рабодлар асосан кўчманчи чорвадорлардан ўтроқ халқларни ҳимоя қилиш мақсадида қурилган.

Худайсар каби рабодларнинг қурилиши IX-X асрларда Жиззах воҳасида деҳқончилик худудларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Негаки, Худайсар рабодини сув таъминоти учун Сангзор дарёсидан умумий узунлиги 15 км. бўлган ариқ чиқарилган. Ушбу ариқ колдиқлари бугунги кунда Уруқулусой деб аталиб, ундан қуруқ ўзан ва унинг ёқасида Кўкравод ёдгорлиги сақланиб қолган. М.Ҳ.Пардаевнинг таъкидлашича, Худайсар рабоди айнан ушбу Кўкравод ёдгорлиги ўрнида бўлган. (Пардаев, 1999, 234 с)

Археологик тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Фағноннинг бош шахри Дизак (Қалиятепа шаҳар макони) ва унинг атрофидаги зироаткор ерларни сув билан таъминлаб турувчи “Мўлканлик” шоҳ ариғи IX-XII асрларда шарққа томон чўзилган ва ҳозирда Қалиятепадан 1,5 км шарқда жойлашган “Тўптолобод” мавзеигача етиб борган. IX-XII асрларда аҳоли маконлари сон жиҳатидан илк ўрта асрлардагига нисбатан камайган бўлсада, яшаш маконларининг худуди ва унинг тасарруфидаги деҳқончилик мавзеларининг ҳажми кескин кенгайган.

1950–1960 йилларда Я.Ғуломов бошчилигидаги Моҳандарё экспедицияси Қалиятепа шаҳар ёдгорлигида изланишлар олиб бориб, ёдгорликнинг юқори қисмида қурилиш даврини X-XII

асрларга тааллуқли эканлигини эътироф этади. Қалиятепадаги изланишлар 1970-1980 йилларнинг биринчи ярмида янада жонланади. Комплекснинг сўнгги қурилиш даври XIV-XVI асрлар билан даврланади. Тадқиқотлар натижасига кўра, Қалиятепада ҳаёт XVI асрда тўхтаб, Жиззахнинг иккинчи шаҳар ёдгорлиги Ўрдага кўчган. Ўрда Қалиятепадан 6 км масофада шимолий-ғарбда “Эски шаҳар” ҳудудида жойлашган (Пардаев, 2000, 119-130 с.)

Шимолий-ғарбий Уструшона қадимги деҳқончилик воҳаларидан бири бўлиб, воҳанинг асосий сув манбаи Санзор ва Зомин сув дарёлари ҳисобланади. IX-XII асрларда Уструшонада қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи ривожланган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Уструшона Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сероблиги ва унинг экспорти билан машҳур бўлган.

Ёзма ва археологик маълумотларга кўра, бу даврда Уструшонада асосан ғаллакорликда – бугдой, арпа, сули, шоли, кунжут, нўхот, ловия; полизчиликда – қовун, тарвуз, қовоқ, боғдоччиликда – узум, ўрик, олма, олма, шафтоли, ёнғоқ, бодом каби маҳсулотлар етиштирилган. IX-XII асрларда шимолий-ғарбий Уструшонада ҳам Мовароуннаҳрнинг бошқа ўлкалари сингари пахтачилик қишлоқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллаган.

Уструшонада, жумладан, унинг Фағнон рустоқида ривожланган ўрта асрлардаги деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг тараққиёти ички ва ташқи савдо сотикнинг ривожланишига сабаб бўлган. Бу даврда Ғарб ва Шарқни бир-бири билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ўлка халқлари иқтисоди ва маданиятига катта ижобий таъсир кўрсатган. IX-X асрларда энг серкатнов қарвон йўли Боғдод – Табриз – Кошон – Марв – Чоржуй – Бухоро – Самарқанд – Харакана – Дизак йўналиши бўлиб, Дизакдан сўнг йўл иккига, ҳатто учга бўлиниб кетган, барча ҳолатларда ҳам у араб ва ажам мамлакатларини Мовароуннаҳр ва Хитой билан боғлаган. Товар пул муносабатлари ҳам ривожланган. Уструшона афшинлари томонидан тангалар зарб этилган. Энг кўп тарқалган Уструшона афшини Абдуллоҳ ибн Сайр тангалари коллекцияси Россия давлат Эрмитаж музейида сақланади (Ҳайдаров, Пардаев, Сарибоев, Сувонқулов, 1996, 16 с.).

Хулоса қилиш мумкинки, Уструшона ва унинг мавжуд барча рустоқларида, хусусан, Фағнон (бош шаҳри Дизак) рустоқида ҳам IX-X асрларда Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларида кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт юзага келган. Рустоқнинг бош шаҳри Дизак ўз нуфузи жиҳатидан Уструшонадаги учинчи (пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейин) шаҳар ҳисобланган. Шаҳарда ҳунарманчилик, шаҳар атрофида зироаткор-деҳқончилик тараққий этган. Фағнон рустоқи Уструшонанинг бошқа маъмурий ҳудудлари қатори Сомонийлар давлатига қўшиб олингандан сўнг, бу ерда бир неча янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинган. Ҳозирда мавжуд, Қизлартепа, Ўрда, Қуммозортепа шаҳар ва қишлоқ турар жой масканлари ушбу фикрларга асос бўлади.

Сомонийлар даврида, Жиззах “ислом лашкари” ғозийлар қароргоҳига айланган. Жиззахнинг энг кўҳна мусулмон қабристонларидан бири “Ҳожа Ғозиён” қабристони X асрда ўз фаолиятини бошлаган.

Келажакда IX-X асрларга оид мавжуд археология ёдгорликларида қазув-тадқиқот ишлари ўтказилса, Жиззах тарихининг ушбу даврига оид илмий янгиликлар қўлга киритилиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Сталинабад, 1957.
2. Пардаев М.Х., Суёнов С.С., Пардаев А.Х. “Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари” // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 30-нашр, Самарқанд, 1999.
3. Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратегиясига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 31-нашр, Самарқанд, 2000
4. Ҳайдаров Х., Пардаев М., Сарибоев А., Сувонқулов И. “Ғаллаоролнома”, “Қомуслар бош таҳририяти” Тошкент, 1996.

СЎҒД ВОҲАСИ КАМПИРДЕВОРИ МУҲИМ МУДОҒАА ИСТЕҲКОМИ СИФАТИДА

Ўзбекистон умумжаҳон цивилизация бешикларидан бири ҳисобланади. Бу қадимий ва табаррук заминдан буюк алломалар, олиму фузалолар, саркардалар давлат арбоблари етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг ривожланиши ва сайқалланиши мана шу кўҳна заминда амалга ошган. Эрамизгача ва ундан кейинги даврларда қурилган сув иншоотлари, ҳозирги кунгача ўз файзини, кўркини йўқотмаган тарихий обидаларимиз қадимдан биз яшаётган тупрокда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада бўлганлигидан далолат беради. Мана шундай иқтисодий, маънавий-маданий бой ўлкага турли даврларда кўшни ўлкаларда яшовчи халқлар тажовуз қилиб тургани тарихдан бизга маълум.

Ўлкани ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий халқ томонидан мудоғаа қўрғонлари ва деворлари қурилган. Бундай қурилишлар Ўрта Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан амалга оширилган. Ана шундай мудоғаа деворларидан бири “Кампирдевор”дир. Бу девор қолдиқлари Самарқанд ва Бухоро Суғдида, Жиззах ва Тошкент воҳасида қайд этилган ва ўрганилган. Мутахассисларнинг фикрича девор V асрнинг охирлари VI аср ўрталарида бунёд этилган.

Ушбу кичик мақолада Марказий Ўзбекистоннинг тарихий маданий ўлкаларидаги мавжуд воҳа девори Кампирдевор ҳақида фикр юритамиз. Бу девор Бухоро Суғдида Кармана тумани марказий чеккасидаги Қаратоғ унгурларидан бошланиб, Ҳозара дараси ва Зарафшоннинг чап ирмоғи бўйлаб шарқ-ғарб томонга йўналган. Абу Муслим канали Раскўйга етиб борган ва жануб томонга кескин бурилиб, каналнинг жанубий қирғоғи бўйлаб Қизилтепа шаҳри чегарасида жойлашган Қизилтепа ёдгорлиги томон ўз йўналишини давом эттирган. Туман марказининг жанубий чегараларида тупрокқўрғон йўналиши бироз жанубий-ғарбга бурилган, сўнгра яна жануб томонга йўналиб, Когон туманининг жанубий-ғарбий қисмида ўз ниҳоясига етган (Мирзааҳмедов, Одилов, Пардаев, Расулов, 2002, 16 б.).

Ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли ушбу иншоотни “қир”, “вал”, “Кампир девол” ёки “Девори Кампирак” деб атайдди. Бу тарихий обида Бухоро воҳаси халқлари тарихи билан узвий боғлиқ. Археолог тарихчилар томонидан “воҳа девори” номи билан аталган ушбу мудоғаа истехкоми Кампирдевор нафақат алоҳида жойлашган бир туркум шаҳар ва қишлоқлар муҳофазаси учун балки, улкан маданий ҳудуд, бутун бир воҳа, водий мудоғааси мақсадлари йўлида хизмат қилган.

Муҳаммад Наршаҳийнинг “Бухоро тарихи” асарида девор ҳақида анча мукамал маълумот берган. Девор қурилиши Сўғд малики Язид ибн Гурак маслаҳати ва Аббосийлар халифалигининг Хуросондаги ноиб Абул-Аббос Фазл ибн Сулаймон ат-Тусийнинг (хукмронлиги 782-787 йиллар) шахсий амри-фармойиши билан бошланган. Девор асосан Бухоронинг ўтроқ ҳудудларини чўл-дашт мавзейларда яшовчи жанговор кўчманчи қавмлар томонидан уюштириладиган талончилик юришларидан мудоғаа қилиш учун қурилган. Бу девор ўтроқ аҳоли исломни қабул қилган, чўл-дашт халқлари эса “мажусий”лигича қолган. Деворнинг қурилишига дастлаб (782-783 йиллар) Бухоро ҳокими амир Мухтади ибн Ҳаммод ибн аз-Зухлий маъсул бўлган бўлса, бу иншоот 830-831 йилларда амир Муҳаммад ибн Яҳё ибн Мансур Халжад ибн Варроқ ҳокимлиги даврида қуриб битказилади (Бартольд, 1963, с. 165-168).

Кампирдевор қурилиши тарихи ҳақида X асрда яшаган ал-Маъсудий номаълум муаллиф ас-Салмуийнинг “Аббосийлар сулоласи ва Хуросон амирлари ҳақида”ги рисолада, Ал-Истаҳрий асарида маълумотлар берилган.

Девор қолдиқлари воҳанинг шарқий қисмида ҳозирги Қизилтепа тумани ҳудудида нисбатан яхши сақланиб қолган ва Н.Ф. Ситняковский, А.Ю. Якубовский, В.А. Шишкин, Х. Муҳамедов каби мутахассислар томонидан тадқиқ қилинган.

Бухоро воҳасини ўраб олган ушбу деворнинг умумий узунлиги тахминан 350-400 км.га тенг. Унинг сақланиб қолган тағ асос қисми қалинлиги 15-20 м.ни, баландлиги 0,5-3 м.ни ташкил қилади. Иншоотнинг тағ замини шағал аралашган тупроқдан иборат бўлиб, девор асосан пахсадан, баъзи жойлари қисман тўғри тўртбурчак шаклдаги йирик ҳажмли хом ғиштлардан қўтарилган.

Тарихий маълумотларни изчил ўрганиш туфайли аниқ хулосалар қилинди. Булар қуйидагилардир:

Қуйи Сирдарё ҳавзаси кўп сонли кўчманчи чорвадорларнинг қишлоқ макони ҳисобланиб, шу ерда уларнинг пойтахт шаҳри Янгикент жойлашган;

Кўчманчи қабилалар чорва молларини боқиш, уни яйлов билан таъминлаш учун доимий йил фаслларига қараб ҳаракатда бўлишган. Шимол томонларнинг қиши чидаб бўлмас даражада совуқ бўлган. Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзаси, Қизилқумнинг баъзи алоҳида мавзелари чорвадорлар қишлоғига қулай, чорванинг қишги мавсуми учун емиш етарли даражада бўлган; Ушбу фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Бухоро воҳаси сарҳадларида қишлоқни ўтказган кўчманчи қабилалар иттифоқини бу маданий ўлкага тажовуз хавфи янада ошган; (Пардаев, 1998).

Кичик гуруҳлардан ташкил топган тажовузкор кўчманчилар айрим ҳолларда яшин тезлигида Бухоро воҳасига бостириб кирганлар, турли уй-рўзғор буюмлари, чорва моллари, асирга олинган одамларни ўлжа қилиб қишлоқ маконларига ҳайдаб кетганлар. Асирга олинган аҳолини катта товон пули эвазига қариндошларига қайтариб бериши мумкин бўлган. Таъкидлаш жоизки, бундай воқеалар фақат маданий воҳалар ва чўл-дашт халқлари ўртасидаги келишмовчилик ҳолати мавжуд бўлган алоҳида даврлар учун хусусиятлидир.

Тарихдан маълумки, IX аср ўрталаридан бошлаб Моварауннаҳрда Араб халифалиги ҳукмронлигига барҳам берилиб, ўрнига Сомонийлар давлати келди. Бу давлатнинг пойтахти Бухоро бўлиб, ўзининг қудрати, ёрқин тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётдаги тараққиёти билан ўз даврида машҳур бўлган. Сомонийлар давридан бошлаб Кампирдевор ўз хизмат аҳамиятини йўқота бошлаган. Чунки, ўз замонасида Сомонийлар давлати ҳарбий жиҳатдан шунчалик қудратли бўлганки, буни Исмоил Сомонийнинг “То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан” (Муҳаммад Наршахий, 1991, 112 б.) деган сўзлардан ҳам билса бўлади. Кампирдевор қолдиқлари ажодларимиз тарихини ёритувчи моддий манба сифатида бизнинг давримизгача етиб келган бундай тарихий моддий манбаларни сақлаб қолиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. “Шарк”, 1998.
Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. Москва, 1963.
Мирзааҳмедов Ж., Одилов Ш., Пардаев М., Расулов А. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Тошкент. “Мерос”, 2002.
Муҳамедов Х. Қадимги мудофаа деворлари. Тошкент, “Фан”, 1961.
Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент. “Камалак”, 1991.
Пардаев М.Х. Илк ўрта асрларда чўл маданиятини Жиззах ва Бухоро воҳаларига таъсири.// “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, Тошкент. 1998. №14.

СЎҒД ВА УСТРУШОНА ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АСБОБЛАРИ ВА БУЮМЛАРИНИ АРХЕОЛОГИЯ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Тарих - бу ўтмишни бугун орқали келажак билан боғловчи маънавий кўприқдир. Кўприқ бузилса ўтмишдаги келажакка ўтолмаймиз. Бунинг учун тарихни яхши билиш ва унинг манбаларини яхши ўрганишимиз керак.

Юртимиз аҳолиси улуг бобокалонларининг бой тарихи, аждоглари барпо этган кўҳна шаҳарлари, маданий мероси билан фахрланади. Ҳозирги пайтда тарихий-маданий, ахлоқий, таълимий меросимизни ўрганишда маънавий бўшлиқни тўлдириш ва бойитиш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда ўша муаммоларни ҳал этиш учун тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзимизни англашимиз, аждоғларимиз томонидан асрлар давомида яратиб келинган маънавий, маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: "...ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уўз қорачиғидай авайлаб асрашга, юрак-юракданифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти эканлигини англашга ундайди" (Каримов, 1998, 371 б.).

Ҳозирги кунда заргарлик санъати тарихи кўп ўрганилмаган соҳа ҳисобланиб, у асрлар мобайнида ўзининг услуги жихатидан устуворлиги, бетакрор шакллар гўзаллиги, ўзига хос қимматбаҳо тошлар билан безатилганлиги билан одамлар диққатини жалб қилиб келган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва миллий қадриятларнинг тикланиши билан заргарлик санъатини ҳам ўрганишга, илмий изланишлар, тадқиқот ишлари олиб боришга имконият яратади. Заргарлик санъати тарихини кенгроқ ёритиш, заргарларнинг иш услублари, ясаган буюмларини ўрганиш, қиёслаш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Тарихда ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Тарихий воқеаларни, кишиларни яшаш тарзи, маданияти ҳақида маълумотлар архивларда, солномаларда ёки манбаларда йўқ бўлиши мумкин. Лекин унинг ўрни, излари, маданият ўчоқлари бўлади. Булар археологик тадқиқотлар асосида излаб топилади, очиб ўрганилади, тадқиқ ва таҳлил қилинади. Бу борада археолог олимлар узоқ ўтмишдан қолган осори атиқаларини тадқиқ этишда анчагина муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бухоро, Самарқанд, Хива, Хоразм заргарлик буюмлари ҳақида моддий манбалар асосида кўплаб маълумотлар тўпланган.

IX-XII асрларда ижтимоий-маданий ўзгаришлар бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ошган, шаҳарлар ривожланган. Кўплаб олимлар қимматбаҳо тошлар, металллар, уларнинг хоссалари, хусусиятларини кизиқиб ўргандилар. Бу соҳада Беруний, Ибн Сино, ал-Киндий, ал-Шозий, Хубай Тифлисий ва бошқа кўплаб олимлар ўз меҳнатларини бағишлаганлар. Шу билан бирга аниқ ва табиий фанларнинг гуркираб ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Уструшона давлати, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ёзма ва археологик манбалар асосида бир қатор шарқшунос, археолог, олимлар, хусусан, А.М. Беленицкий, О.И. Смирнова, В.Ф. Гайдукевич, В.Л. Воронина, Н.Н. Негматовлар изчил ўрганганлар. Уструшонанинг Ўзбекистон қисми бўйича М.М. Аминжонова, Н.Б. Немцева, А.Э. Бердимуродов, А.А. Грицина, М.Х. Пардаев, Л.М. Сверчков, С.С. Суюнов каби мутахассислар қазув тадқиқотлари ва илмий ишлар олиб борганлар.

Азалдан тарихий тараққиёт натижасида ривожланиб келган заргарлик санъати миллий бадиий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у халқнинг узоқ ўтмишдаги амалий санъатини ўрганишда ёрдам беради. Уструшонанинг заргарлик санъати тарихини ёритиш

ёзма манбалар ва археологик қазув тадқиқот ишлари асосида ёритилиши ва ҳозирги замонда заргарлик буюмларини тутган ўрни бекиёсдир.

Кекса ўзбек заргарларининг «Дунёда биттаю битта аёл қолса ҳам заргарларга оламжаҳон иш топилади» деган нақли бор (Фахретдинова, 1986). Заргарлик буюмлари азалдан энг харидоргир буюмлар ҳисобланган. Шу буюмларни яшашда усталардан моҳирлик, юрак кўри билан яшаш, нафислик талаб қилинади. Бунда заргарларнинг асбоблари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Заргар усталар асбоблари авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб, ҳам сайқалланиб келмоқда. Асбобларнинг бебаҳолиги шундаки, бу асбоблар битта заргарга тегишли бўлиб, заргар асбобларининг оддий таркибини намоёиш этади. Асбоблар ўзларининг махсус вазифаларини бажаради. Жумладан тигелкалар, пинцетлар, формалар, тарозилар, буталар, қуйма формалар ва бошқалар.

VII-VIII асрлар устахонасига оид буталар Панжикентда топилган (Нигматов, 1957. С. 28-29). Улар махсус каолинли лойдан ясалган. Устахонанинг деворлари кучли куйдирилган бўлиб, унда метал оксидлари ва олтиннинг майда зарралари сақланиб қолганлигини археолог олимлар Беленецкий, Большаков ва Бентович аниқлаган.

Тарозилар- бу бронзадан ясалган косачалар кўринишидаги ва метал занжирлар шаклида бўлган. Заргар учун тарозилар бутун иш жараёнида керак бўлади. Яна Панжикент ҳудудидан VII-VIII асрларга оид айлана ва бошқа геометрик шакллардан ташкил топган тарозилар топилган. Бу тарозилар тошчалари олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошларни тортиш учун қўлланган. Барча асбоб-анжомлар, жиҳозлар ёғочдан ишланган қутичаларда сақланган. Ёғоч қутининг ичида тарозининг тошлари, занжирлари, косачалари учун махсус жойлар бўлган. Тошчалар бронзадан ясалган, улар сони 7та бўлиб, тошчаларда чекан – нукталар билан унинг оғирлиги кўрсатилган:

- 20, 10, 5, 4, 3, 2, 1 мисқол
- 1 мисқол -3,4 гр.га тенг бўлган.

Бундан ташқари яна 6 та нўхатча бўлиб, қўшимча оғирликларни ўлчаш учун фойдаланган.

Бундан ташқари буюмга безак бериш ва ишлов бериш учун ишлатиладиган асбоблар ҳам бўлган. Улар сандон, болғача, қайчи, қискичлар ва қолиплар бўлган. Сандон-сандончалар бир нечта бўлиб, шулардан бири конус шаклида, пастки қисми ўткир, юқори қисми ишчи юзадан иборат. Пастки ўткир қисми ерга ўрнатилади. Сандончалар ҳар хил шаклда ва ўлчамда бўлиб, бошқа хилларини ён тарафлари 2та шоҳ кўринишида бўлган. Унинг бир томони конус шаклида бўлиб, диаметри 16 мм бўлган. Яна бошқаси конуссимон тўртбурчак бўлиб, сирғалар, узуклар, ҳалқалар тайёрлашда фойдаланган. Сандоннинг баландлиги 7см.дан 20см.гача бўлган.

Болғачалар энг яхши қурол бўлиб, буюм ясаётганда аста-секинлик билан уриб-уриб ишлатилади. Болғачалар заргарлик буюмлари яшаш учун жуда қулай бўлиб катта кичиклиги фарқ қилган. Заргарлик ишларини бажаришга мослаштирилган болғачалар бўлган.

Қайчилар металлни кесиш учун ишлатилган. Унинг кесадиған қисми калтароқ, ушлайдиган қисми одатдагидан бошқача бўлган.

Қискичлар буюмларга ишлов пайтида қисиш учун ишлатилган.

Қир симни қайтариш учун ишлатилган. У темирдан ясалган тўғри бурчакли пластинка бўлиб, ҳар хил геометрик тешикчалардан иборат.

Қолиплар (штамплар) ҳар хил шакл ва қолипдаги металл пластинкалардан иборат бўлиб, қолипнинг ўртасида ҳар хил шаклларнинг чуқур излари бўлган. Шаклли листларга, металлларга олтин, кумуш, бронза қуйилиб, устидан болға билан урилиб, секин-аста ишлов берилган. Қолиплар кўпинча бронзадан ясалган. Заргар усталар қолипларни мижознинг ҳоҳишига қараб ҳам ишлаган, яъни безакнинг расмини қоғозга тушириб, мижозга кўрсатган ва у ёкса қолиплар ясалган. Демак заргарлик асбоблари алоҳида аҳамиятга эга эканки, у бўлмаганда заргарлар бу қадар гўзал асарлар яратмаган бўлар эди.

Археолог олим Л.Сверчков бошчилигида Жиззах вилояти Зомин туманидаги Муғ

қалъасидан X аср охири ва XI аср бошларига оид кўплаб қимматбаҳо буюмлар, «қора» дирҳамлар хазинаси топилган. Бу буюмлар орасида жуда кўплаб санъат асарлари мавжуд бўлган (Сверчков, 2001). Улар орасида оғирлиги 73,9 гр. келадиган кумуш билакузук бўлиб, у қалъанинг шарқий минораси ичидаги бурчакдан топилган. У 4та ўрама боғич металлдан қилинган, нозик симлар занжири билан зийнатланган. Унча чуқур бўлмаган жойларида қимматбаҳо тошлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмаслиги таъкидланган. Билакузук топилганда мис қотишмаси билан баъзи жойлари яшил ранг оксидланишига учраган. Лекин миснинг қўшилиши унинг қаттиқлигини оширган, буюмнинг чидамлилигини кучайтирган. Бунга ўхшаш билакузуклар Чоч, Илок, Талас ва Чу водийларидан ҳам топилган.

Муғ қалъасидан билакузуклардан ташқари яна минг йиллик қадимги маиший ҳаётнинг манзараси бўлган мусиқа асбоблари топилган. Улардан бири най бўлиб, у қасрнинг хазина хонасидан топилган. Найнинг узунлиги 27 см, лайлак суягидан ясалган. Найнинг тешикла-ри 6та бўлиб, ҳар хил масофада жойлашган.

Мунчоктепадан тошдан ясалган ҳар хил шаклдаги қолиплар топилган.

Ҳозирги кунда Зомин тумани ўлкашунослик музейида археологлар томонидан топилган билакузуклар, бўйинга тақиладиган майда тошчалардан тузилган мунчоклар шодаси, турли сирға ва бошқа заргарлик буюмлари сақланади. Булардан бири 1654 тартиб рақами билан сақланадиган тасоддий топилма-билакузук бўлиб, у X аср ўрталарига мансуб. Кўлга кийиладиган томони 3,5 см очик. Билакузукнинг иккинчи учи бурчак шаклида, бурчакларнинг ёнига юракча шаклида иккитадан, тўртта юракча ёпиштирилган. Билакузукнинг ўрта қисмига иккитадан юрак шаклида нақш ёпиштирилиб, ичида кўк рангда кичкина 5та кўз қўйилган. Бу кўзчалар маржонлардан ясалган ва баъзи кўзчалари тушиб қолган. У кумушдан ясалган, ўлчами 5,5 дм эни 1 см қилиб ясалган. Шунингдек оқ кумушдан ясалган билакузук бўлиб, юқори қисмига тўртбурчак шаклида нақшли кўз қўйилган. Ўрта қисмига юмалоқ ва тўртта нақш солинган. Икки ёнига 1,5 см.дан юрак ҳамда баргсимон нақш берилган. Булардан ташқари яна 3 хил билакузук бўлиб, турли нақшларда мис аралашмаси билан ишланган билакузуклар мавжуд. Бу буюмларнинг ишланиш услуби ўрта асрларда ишланган заргарлик буюмларига ўхшаб кетади.

Уструшонанинг ўз даври учун юқори ютуқларга эришган даври IX-XII асрлар бўлиб, бу ерда кўплаб олимлар, тарихчилар, археологлар илмий изланишлар олиб борган. Айниқса Мунчоктепа шаҳри Уструшонанинг заргарлик санъати ҳунармандчилиги билан шуғулланган ва ривожланган шаҳри ҳисобланган.

Заргарлик буюмлари ҳозирги кунда нафосат ва зийнат вазифасини адо этсада, янада кишиларга завқ-шавқ бағишлаш, уларга зеболик бахш этишдан иборат. Шу боис ушбу санъат ва ҳунармандчилик тури бутун дунё бўйлаб тараққий этиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Тошкент, "Ўзбекистон", 1998.
- Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Город в конце VIII - нач. XIII в. // Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.
- Нигматов Н.Н. "Уструшана в древности и раннем средневековье". Сталинабад, 1957.
- Сверчков Л. Муғ қалъаси топилмалари // Санъат тарихи// 2001.
- Фахретдинова Д. Песнь в металле. Ташкент, 1986.

А.О. Яркулов

Самарқанд давлат университети

УЛУСТЕПА - ЎРТА АСРЛАР ҚИШЛОҒИ

Ўзбекистон ҳудуди қадимий ёдгорликларга бой бўлган ўлка ҳисобланади. Халқимизнинг узоқ ўтмиш тарихини ёритишда қадимий шаҳар ва қишлоқлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан республикамизнинг қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг тарихини тадқиқ қилиш анча йиллардан буён давом этиб келмоқда.

Шундай тадқиқот ишларидан бири сифатида Самарқанд вилояти Нуробод тумани Улус

қишлоғида жойлашган “Улустепа” ёдгорлигини ўрганиш мақсадида СамДУ археология кафедраси томонидан экспедиция ташкил этилди.


“Улустепа” халқ ўртасида тўба-тепа ёки Сайилтепа номлари билан маълум. Бу ерда халқ сайиллари ўтказилганлиги учун “Сайилтепа” номини олган экан. “Улустепа” тўртбурчак шаклга эга бўлиб, шарқ томони бироз қаварик ҳолатида. Умумий майдони 2,5 га. атрофида. Тепанинг ўлчамлари шимол—120, ғарб—180, жануб—95, шарқ—220 метрдан иборат. Энг баланд қисми шимол тарафда бўлиб, 21 метрни ташкил этади. Бу ерда ҳоким ёки феодал қасри жойлашган бўлиши мумкин. Қолган томонларининг баландлиги 8-10 м атрофида. Қалъа харобалари табиий тепалик устида барпо этилган. Ёдгорликнинг шарқ томонидан замонавий техника ёрдамида сурилиб, йўл ўтказилганлиги ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан тупроқ олинганлиги сабабли тепаликнинг бу қисмига анча зарар етказилган.

“Улустепа” Самарқанд-Нахшаб тарихий вилоятларининг чегарасида, савдо йўли устида жойлашган бўлиб, хар иккала томон деярли бир хил 70-75 км масофани ташкил этади. Дарғом каналидан чиқарилган Эски Ангор канали қалъа ёнидан ёдгорликдан 300 м узоқликдан оқиб ўтади. Канал қалъани сув билан таминлашда катта аҳамият касб этган. Узунлиги 300 км.ни ташкил этадиган ва вақти-вақти билан қайта қазиб-тозалаб турилган Эски Ангор каналининг бош қисми эр.авв. I асрда барпо этилган деб тахмин қилинади.

Маълумки, Самарқанд-Нахшаб оралиғидаги даштнинг обод қилиш мақсадида қазилган бу канал бўйида тез орада янги қишлоқлар, қўрғонлар қад кўтарилди. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёга, жумладан Сўғд худудига кўплаб чорвадор қабилаларнинг келиб ўрнашиши ҳам аҳолининг ўрнашиши ҳам аҳолининг кўпайишига, янги қишлоқ ва қўрғонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Катта ер эгаллиги замирида пайдо бўлган давлатлар эса қишлоқларнинг ривожланишига асос бўлади. Шулардан бири “Улустепа” бўлиб ҳисобланади. “Улустепа”да ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар кўйидаги натижаларни берди.

I Қатламдан кўпгина сопол буюмлар парчалари ҳамда шиша буюмлари парчалари қайд этилди. Асосий топилмалар асосан хум, кўза, кўзача ва хурмача, копоқ, коса ва темир буюмлардан иборат (1-2 расмлар).

Шиша буюмлар Афросиёбда ҳам кўплаб топилган бўлиб, Г.В. Шишкина бундай буюмлар VIII асрнинг ўрталарига қадар кам ишлаб чиқарилганлигини, фақатгина VIII



1-расм. Улустепа сопол буюмлари

2-расм. Улустепа сопол буюмлари

асрнинг охирларидагина кўплаб ишлаб чиқариш бошланганлигини таъкидлаб ўтади (Шишкина, 1986. С. 18).

Ушбу қатламда хом ғиштлар учрайди. Булар қадимги деворларнинг қолдиқлари ва уларнинг қулаб тушган қисмларидир. Бу ғиштларнинг ўлчами 50x25x8 см бўлиб, юза қисмида панжа излари бор.

Шунингдек, пишиқ ғиштлар парчалари ҳам учрайди. Уларнинг уч хил ўлчамдагиси мавжуд бўлиб, 1. 23x23x5, 2. 23x23x4, 3. 20x20x3 ўлчамларга эга. Уларнинг маълум бир чуқурликда жойлашганлигини ҳисобга олсак, бу ерда қад кўтарган биноларнинг пол қисмига терилган бўлиши мумкин.

II қатламдан бошлаб эса 40 см.гача қалинликда кул қатлами аниқланди. Кул қатлами орасида ҳам кўплаб сопол буюм парчалари топилди. Сопол буюмларнинг кўпчилиги кўза, косача, қозонча, хурмача, идиш қопқоқлари ва дасталаридан иборат (1-3 расмлар).

Айниқса, қўлда тайёрланган буюмлар орасида косалар алоҳида аҳамиятга эга. Шу типдаги косаларни Қовунчи-I ёдгорлигида ҳам кўришимиз мумкин (Левина, 1971. С. 97, рис. 25, 27, 28). Қовунчи маданиятига хос бўлган сопол буюмлар анча қадимийроқ бўлиб, кейинчалик ўзгаришга учраган бўлиши эҳтимол.

Шунингдек, 1 та цилиндро-конуссимон оёқча (шамдон ёки бокалниги бўлиши мумкин) топилди.

Бу қатламдан ҳам бир қанча шиша буюм парчалари топилган. Улардан бири ёйсимон эгилган ҳамда идишнинг қорин қисмига тик ҳолатда туташган тутқич бўлиб ҳисобланади. Тутқичнинг бундай ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, идишнинг бўйин қисми торроқ, қорин қисми эса шарсимон кўринишга эга дейиш мумкин. Тутқич идишга бирлаштирилган жойдан синганлиги буни исботлайди.


Яна бир шиша буюм парчалари эса қадахсимон идишга тегишли бўлиб, гардиш қисмининг диаметри - 6, деворининг қалинлиги 0,2 см. Ранги кўк тусда.

Улустепадан топилган шиша буюмлар Афросиёбдан топилган VIII-IX асрлар билан белгиланган шиша буюмларга ўхшаб кетади (Шишкина, 1986. рис. 1-2).

III қатламда ҳам кул қатлами бироз давом этган. Шу билан бирга қулаб тушган девор қолдиқлари, пахса ва хом ғишт парчалари учраб туради. Сопол парчалари бироз кўпайган. Бу қатламда қайд этилган кулолчилик маҳсулотлари чарҳда ва қўлда тайёрланган.

Бундай идишлар Панжикентдан топилган қозонларга ўхшаб кетади (Бентович, 1953, табица VIII). Панжикент кулолчилигини ўрганган олим И.Б. Бентович шунга ўхшаш формадаги қозонларни В.Л. Вяткин томонидан Афросиёб харобаларидан ҳам топилганлигини айтиб ўтади (Бентович, 1953. С. 135). Панжикент топилмалари VII-VIII асрлар билан белгиланади (Бентович, 1953. С. 133). Шу билан бирга И.Б. Бентович Пехерованинг фикрига суяниб бу хилдаги идишлар, яъни қўлда ясалган кулолчилик буюмлари аёллар томонидан тайёрланганлигини айтиб ўтган.

IV қатламда сопол парчалари камайган. Бу ердан кўзалар, қўлда ишланган идиш ва



3-расм. Улустепа сопол буюмлари

тош буюмлар топилган (2-3 расмлар).

V қатламдан асосан хурмача ва қозонлар топилган. Бу буюмлар қўлда тайёрланган бўлиб, майда тош аралаштириб ишланган.

Шунингдек, икки томонидан бармоқлар билан ботиқлар ва бўртмалар ҳосил қилинган, икки томони ҳам синган буюм топилган, у исириқдон оёқчаси бўлса керак.

Қазишма ишлари уч ярим метр чуқурликкача олиб борилди. қазишманинг қуйи қисмидан 30см. дан 1,0 метргача деворнинг бузилмай қолган қисмлари аниқланди. Девор пахса ва хом ғиштдан барпо қилинган. Деворга яқин жойда қулаб тушган хом ғишт бўлақлари ҳамда қалин кул қатлами аниқланди. Антик даврда кулолчилик буюмларининг аксарияти кулолчилик чархида ясалар эди. Лекин милоннинг IV асри ўрталаридан бошлаб қадимги маданиятимиз ривожланишида кескин ўзгаришлар юз беради. Эндиликда сопол буюмларнинг сифат даражаси пасайганлигини кўрамиз. Тайёрланган жами сопол буюмларнинг яқин 40% и қўлда ясалар эди (Исомиддинов, 2006. 52 б.). Улустепадан топилган сопол буюмлар орасида кўплаб қўлда ясалганлари мавжудлиги бу манзилгоҳнинг IV-V асрларда мавжуд бўлганлиги ва бу ерга шу даврда янги аҳоли қатлами келиб ўрнашганлигидан далолат беради.

Бундай қўлда кўпол қилиб тайёрланган сопол буюмлар дастлаб Бухоро воҳасида, кейин эса III-IV асрнинг ўрталарида Самарқанд ва Қашқадарё воҳаларида пайдо бўлган (Исомиддинов, 1993. 34-бет).

IV асрда кириб келган аҳоли ўтроқлашиши билан V-VI асрларда Самарқанд воҳасида 600 тадан ошиқ, Қашқадарё воҳасида 400 дан ортиқ аҳоли маконлари вужудга келади (Исомиддинов, 2006. 54- бет).

С.К. Кабановнинг фикрича, янги этник қатлам сифатида келиб ўрнашган чорвадор аҳоли Нахшабнинг ўзлари учун қулай бўлган серўт дашт ҳудудларига жойлашади (Кабанов, 1981. С. 118). Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Қашқадарё воҳасининг қуйи қисмида Қовунчи маданияти таъсири кучли, юқори қисмида эса унинг акси эканлиги мутахассислар томонидан қузатилган. Худди шу ҳолатни Самарқанд Сўғди ёки марказий Сўғдга ҳам тааллуқли деб айтиш мумкин. Биз тадқиқот олиб борган Улустепа ҳам Самарқанднинг жанубий-ғарбида Нахшаб билан чегарада, даштли ҳудудда жойлашган. Шунинг учун бу ерда ҳам Қовунчи маданияти таъсири кучли бўлганлигини тўпланган археологик ашёвий манбалар далолат бермоқда.

Археологик ёдгорлик ҳисобланган тепалар археологик классификацияга кўра, бир неча турга бўлинади (Бердимуродов, Рондели, 2006. С. 154). Шунга кўра “Улустепа” ёдгорлиги катта қишлоқлар макони сирасига киради.

Тадқиқотлар натижасига кўра, кўпгина қалъа, қўрғон ва бошқа қишлоқ манзилгоҳлари ўз фаолиятини арабларнинг Суғдга бостириб кириши билан боғлиқ равишда VIII асрда тўхтатади (Бердимуродов, Рондели, 2006. С.155).

Арқда ўтказилган қазишмалар натижасида, шу нарса маълум бўлдики, Улустепада маълум вақт ҳаёт тўхтасада, лекин, тез орада бу ерда ҳаёт қайтадан изга тушади. Буни биринчи қатламнинг қуйи қисмидан чиққан пишиқ ғиштлар ҳам исботлаб турибди. Бу ердаги ҳаёт унча узоқ давом этмаган, номаълум сабабларга кўра, яна харобага айланган.

Улустепадан топилган моддий ашёвий буюмлар шунини кўрсатиб турибдики, бу ерда ўрта асрларда хунармандчилик ва савдо-сотик яхши ривож топган.

Юқоридаги фактлардан келиб чиққан ҳолда, Улустепа тарихи ҳақида дастлабки қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1) V-VIII асрларда Улустепа ўрнида қалъа барпо этилиб, икки қатор мудофаа девори билан ўраб олинади. Карвон йўли устида жойлашганлиги учун бу даврда савдо сотик юксалган, хунармандчилик ва маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланган.

2) Қалъанинг барча жойларидаги VIII асрга оид қатламларда ёнғин излари кул қатламининг мавжудлиги бу даврда арабларга қарши муносиб қаршилик кўрсатилганидан ва оқибатда қалъа ёқиб юборилганидан далолат беради.

3) Маълум вақт ўтиб, қалъада ҳаёт изга тушган, манзилгоҳ ўз мавқеини тиклаган. XIII аср бошидан эса Улустепада ҳаёт бутунлай тўхтаган.

4) Демак, Улустепа ёдгорлигида ҳаёт V асрдан айрим тўхталишлар билан XII -XIII асрларгача давом этган.

Фойдаланилган адабиётлар

Бентович И.Б. Керамика Пянджикента. Материалы и исследования по археологии СССР. №37, Таджикская археологическая экспедиция. М.-Л.: 1953.

Бердимуродов А.Э, Рондели Б. Материалы к археологической карте левобережья Зарафшана // ИМ-КУ, вып. 35. Ташкент, 2006.

Исомиддинов М. Орлотда акс этган тарих. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.

Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1993.

Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-VI вв. «Фан», Ташкент, 1981.

Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тысячелетии н.э. М., 1971

Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент: «Фан», 1986.

С.Т. Саипов

Каракалпакский государственный университет

ФОРМЫ И ОРНАМЕНТАЦИЯ ЧЕРНОЛОЩЕННОЙ СЕРОГЛИНЯНОЙ КЕРАМИКИ СРЕДНЕВЕКОВОГО ХОРЕЗМА (XII-XIV вв.)

Средневековый Хорезм имел высокоразвитое керамическое производство являвшееся одной из передовых отраслей экономики области. Начиная с IX-X вв., изготовление неполивных и глазурованных керамических изделий Хорезма носило массовый характер. В XI-XIII вв. здесь процветала блестящая городская культура эпохи «Великих Хорезмшахов-Ануштегинидов», о чем свидетельствуют письменные источники, нумизматика и археологические материалы.

Так в ходе раскопок городищ Миздахкан (1985-2008) и Джампык кала (1972-1984) получен значительный материал подтверждающий это. Неполивная керамика из этих памятников по своему функциональному назначению делится на кухонную, столовую, тарную и специального назначения. Поскольку, в последние десятилетия накоплено большое количество чернолощеной керамики, остановимся более подробней на этом виде изделий. Они по ранее разработанным методам классифицируются по видам, каждый из которых по форме сосудов разделен на группы и типы. Узоры также по мотивам и сюжету орнамента разделены на виды. Этот метод широко применен в исследованиях Н.Н. Вактурской [1959, с. 361-342] и Г.А. Федорова-Давыдова [2001, с.4-7]. При этом, в работе Н.Н. Вактурской выявляются общие формы неполивной керамики Хорезма, но отсутствует полная систематизация всех видов керамических изделий, объясняющаяся недостаточностью в 1950-1960 годы исходного материала.

В XII-XIV вв. среди потребителей пользовалась спросом массовая сероглиняная и чернолощеноя посуда. Судя по множеству находок, местные гончары производили кувшины, пиалы, чаши, фляги и блюда различных форм и типов с чернолощеном орнаментом. Однако, надо отметить, что чернолощеноя сероглиняная керамика даже в специально посвященных средневековой керамике Хорезма работах, не подвергалась отдельному исследованию [Вактурская, 1959, с.301-315]. Выявленные по археологическим раскопкам керамические комплексы из Миздахкана и Джампык кала по формам, технологическим, морфологическим и декоративным признакам идентичны. По этой причине керамические изделия нами рассматриваются как единовременный комплекс, относящийся к периоду XII-XIV вв. в истории средневекового Хорезма. В месте с тем, детальный анализ некоторых видов кувшинов и мисок позволяет выделить ранние (Хорезмшахский) или поздние (Золотоордынский) типы сосудов. Почти все сероглиняные сосуды сформованы из хорошо промешанной тонко

выделанной глины. Черепок после обжига получал голубовато серую окраску. В отдельных случаях (Шемахакала, Миздахкан), в зависимости от обжига, часть изделий получала красноватый оттенок, им характерен красный ангоб и лощение.

К чернолощеном сероглиняным изделиям относятся почти все виды столовой керамики, поэтому они формовались изящно и изысканно. Среди последних часто встречаются кувшины, горшкообразные сосуды, чаши, пиалы, тарелки, тагора и фляги неординарной формы типа «мургоби» или греческих «аскос». Поверхность всех видов, описанных нами категорий вещей покрывалась черным ангобом и лощением.

Кувшины из средневековых памятников Хорезма XII-XIV вв. часто встречаются в целых или археологически целых формах. Неполивные сероглиняные кувшины хорезмшахского и золотоордынского периодов по морфологическим и декоративным признакам почти одинаковы. Однако формы и орнаментальные мотивы их в XIII-XIV вв. более совершенны. Золотоордынские кувшины, в преобладающем большинстве, имеют круглые в сечении низкие ручки. По многочисленным образцам кувшины подразделяются на пять типов (узкогорлые, широкогорлые, сосуды с носиком, узкогорлые с носиком, кувшины-«ведра»). Однако не все виды кувшинов имеет декоративную обработку. Только часть узкогорлых и широкогорлых кувшинов имеют орнаментацию в виде штампованных, процарапанных насечек и чернолощеном узоров. Плечики кувшинов орнаментировались черным лощением вертикально-пересекающихся или параллельных горизонтальных мотивов. Описанные узкогорлые и широкогорлые кувшины имеют малые формы, они известны по материалам Миздахкана (рис. 1). Одноручные кувшины вышеописанных типов в краснолощеном варианте в большом количестве найдены в помещении 1 «Юго-западного квартала» городища Миздахкан. Судя по обилию продавленных кувшинов в положении «in situ» здесь их складировали. Об этом также свидетельствуют расположенные вплотную к помещению 1 две гончарные печи.

Среди массовых материалов Шемаха калы, караван сараев и курганов кыпчакского времени Устюрта XIII-XIV вв. встречаются кувшины, миски и чаши с красным лощением [Кдырниязов, 1989, с.89-92]. Среди них кувшины с уплощенно-овальной ручкой, с стройным яйцевидным туловом и невысоким прямым горлом. Их в основном производили в золотоордынских городах Поволжья и Пруто-Днестровья [Федоров-Давыдов, 2001, с.39-48; Полевой, 1969, с.117].

По данным литературы отмечается, что появление неполивной красноглиняной керамики с лощеным орнаментом являлось результатом торгового импорта Хорезма из Поволжья [Бижанов, Лоховиц, 1969, с. 54-59; Манылов, 1982, с. 115]. Однако последние исследования показали, что по привозным образцам поволжской керамики в северных, примыкающих к Устюрту, районах могли производиться местные неполивные изделия с краснолощеном орнаментом [Кдырниязов, 2005а, с. 27]. В основном, хорезмийские сероглиняные кувшины с чернолощеном узором орнаментировались в XIII-XIV вв. Форма этих кувшинов преимущественно простая, они имеют высокое прямое горло, округлые плечи, вытянутый корпус,




рис. 1

горизонтальное каннелирование или гладкую поверхность с лощением.

Горшкообразные сосуды. В ходе археологических раскопок Миздахкана собраны новые образцы горшкообразных сосудов. Они также формованы на гончарном круге с последующей обработкой поверхности пальцами и ножом. Первый тип представляет сосуд с биконическим туловом, широкогорлым прямым бортиком, имеет округленное тулово, невысокий кольцевой или плоский поддон. Верхняя часть плечиков украшена штампованными, в виде сетчатых поясков, мотивами, чернолощенным орнаментом из плодов осоки и вертикальным выемчатым рифлением (рис. 2). Такая форма изделий хорошо прослеживается среди кашинных изделий с бесцветной поливой и подглазурной кобальтовой росписью относящихся к золотоордынскому времени [Пугаченкова, 1960, с. 197-200; Кдырниязов, 1989, с. 72-73]. Разновидностью кувшинообразных сосудов являются цилиндрические формы сосудов с плоским устойчивым дном. Сосуды имеют высокий прямой корпус и по закраине орнаментировались сетчатым штампованным узором. В отличие от предыдущей формы нижняя часть корпуса оформлена растительным орнаментом в виде плодов осоки (рис. 3). Аналогичные формы изделий кроме Миздахкана неизвестны.




рис. 2




рис. 3

Миски. К третьей группе чернолощеной керамики хорезмско-золотоордынского времени относятся сероглиняные миски. В среднеазиатской этнографической литературе их часто называют «тагора». Миски в изучаемые периоды были четырех типов, отличающиеся по форме венчика. Они более массивные, их покрывали черным ангобом и полосчатым лощением. Лощеный орнамент состоит из концентрических кругов, ромбических сеток, ломанных линий и растительного орнамента (Шемаха кала). Однако последний вид сюжета встречается в немногочисленном варианте. В очень широком ареале распространены миски с узором концентрических кругов и расходящихся из центра ромбических сеток. Миски по сечению венчика подразделяются на типы.

- 1 тип, миски с полочковидным венчиком.
- 2 тип, сосуды с «Т» образным венчиком.
- 3 тип, миски с подтреугольным в сечении венчиком.

4 тип, сосуды с чуть вогнутым во внутрь бортиком и дугообразным венчиком. Все виды мисок плоскодонные, конической формы (рис. 4). Они часто встречаются в таких средневековых городищах как Джампык кала, Миздахкан, Шемаха кала, караван-сарай Устюрта и Талайхан Ата [Вактурская, 1959, с. 312, рис. 25, 3; Вишневская, 1959, с. 459; Кдырниязов, 1989, с. 87-88; Доспанов, 1992, с. 89, 27-30].

Миски подобных типов известны в Шемаха кале и в караван-сараях Устюрта в краснолощеном варианте, где они распространены в XIII-XIV вв. [Архив ХАЭЭ. Шемаха кала,

1948].

Чаши. Среди материалов средневековых памятников Хорезма часто встречаются неполивные чаши серого цвета с чернолощенным орнаментом. По деталям оформления венчиков и стенок они делятся на варианты. Сосуды с горизонтально отогнутым наружу полочковидным венчиком (тип 1), венчик выделен без утолщения, округлый в сечении (тип 2), подтреугольный в сечении венчик (тип.3), венчик особо не выделяется, чуть вогнут во внутрь (тип 4). Стенки сосудов по характеру формообразования также делятся на три варианта. Чаши с бортами сегментовидной формы (тип 1), сосуды с отлогими у дна и вертикальным в верхней части резервуаром (тип 2), чаши с резервуаром цилиндро-конической формы и кольцевидной ножкой (тип 3). Переход от конической нижней части к верхней цилиндрической подчеркивается ребром.

Большинство чаш орнаментировано плоскатым лощением, их узоры почти повторяют мотивы орнаментации на чернолощенных мисках. Кроме того в Миздахкане найдена чернолощенная неполивная чаша, на дне которой изображена рыба. Морфологический анализ показывает, что в прикладном искусстве древнего и средневекового Хорезма чаще изображались рыбы из семейства карповых [Павловская, 1982, с. 124; Кдырниязов, 2005б, с. 236].

Чернолощенным узором также орнаментировались тарелки на трех ножках (Джампык кала, Миздахкан), культовые предметы и мелкие сосудики-игрушки. Отдельные экземпляры таких изделий представлены в средневековых комплексах керамики сельских поселений из Левобережного Хорезма.

Наряду с описанными выше типами сероглиняных изделий в керамических комплексах представлены формы, найденные в единственном экземпляре, которые по морфологическим признакам не относятся ни к одному типу выделенных изделий. Уникальной находкой изклада № 3 Миздахкана является сосуд-фляга необычной формы [Кдырниязов, Саипов, 2007, с. 27]. Его отличительная черта - наличие трубкообразного горла и горизонтально расположенной сверху ручки. Сосуд покрыт темно-коричневым ангобом и имеет чернолощенный орнамент. Ручка полуовальная в сечении. Аналогий таким сосудам в Хорезме нет. Такие изделия не стандартной формы известны лишь в эпоху античности (греческие «аски» и «водолеи мургоби» в Средней Азии). Однако сама форма, глина и способы орнаментации сближают ее с хорезмской керамикой золотоордынской эпохи. Ранее на Миздахкане в слоях XIII-XIV вв. были найдены и другие фляги необычной формы, тесно соприкасающиеся с предметами кочевнического быта [Кдырниязов, 1993, с. 91, рис. 4, 1].

Открытые формы столовой посуды преимущественно имели простой и не особо выделенный профилированный силуэт. Здесь господствуют открытые сегментовидные (чаши) и конусовидной формы миски.

Все выделенные формы изделий с орнаментацией черным лощением в основном получают широкое распространение на территории Хорезма и Золотой Орды во второй половине XIII-XIV вв. Некоторые из них генетически связаны с сероглиняной керамикой предыдущего времени (XI-начала XIII вв.). Миски I, II, III типа, и чаши I и III типа по морфологи-




рис. 4

ческим, и отчасти орнаментальным признакам близки к изделиям с черно-ангобной столовой керамикой эпохи Хорезмшахов.

В некоторых случаях чаши и миски не имеют лощения, лишь отмечен черный ангоб-обмазка. В большей степени это характерно для открытых сосудов времени Хорезмшахов-Ануштегинидов.

Подводя итоги предварительного изучения чернолощенных изделий Хорезма XII-XIV вв., отметим, что есть предположения, что они появились в результате подражания декору изделий торевтики. Блестящая поверхность посуды с лощеным орнаментом несомненно подражает металлическим образцам. Из-за скудности сырьевой базы, меди и серебра хорезмийские ремесленники, возможно, часто прибегали к способу лощения массовой тонкостенной, изящно сформованной черно-ангобированной керамики. Это неординарный случай для Хорезма. Оформление керамической посуды в форме металлической (украшение фестонами, штамповка в специальных калыпах), часто опосредованно применено и в соседних регионах Хорезма. Лощение керамики в Хорезме встречается с кушанской эпохи [Воробьева, 1959, с. 155, 165], а красноангобированные лощеные сосуды известны с золотоордынских памятников Устюрта (караван-сарай, Шемаха кала) и Миздахкана. Время их распространения в степной зоне Евразии, по видимому, не выходит за рамки VII-VIII вв. («хазарский» период [Гмыря, 1980, с. 105-134]). К концу VIII—началу IX вв. красноангобированные лощенные сосуды появляются и в Согде [Шишкина, 1979, с.22]. В период расцвета городской культуры в Хорезме в XII-XIV вв. массовый спрос к дешевым, но добротным керамическим изделиям привел к распространению чернолощенной керамики. Их лучшие образцы находили сбыт в таких золотоордынских городах как Сарайчик, Сарай, Маджар, Азов и городах Южного Туркменистана.

Использованная литература

1. Бижанов Е.Б., Лоховиц И.В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье // Вестник ККФ АН РУз.—№ 2. -1969.
2. Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX-XVII вв.) // ТХАЭ. Том.4. —М., 1959.
3. Вишневская О.А. Раскопки караван-сараев Ак Яйла и Талайхан Ата // ТХЭ. Том. 2. —М., 1959.
4. Гмыря Л.Б. Столовая керамика Андрейаульского городища (типология и стратиграфия) // Средневековые древности Евразийских степей.—М., 1980.
5. Доспанов О.Т. Жампық қала орта эсирлер естелиги.—Ноқис, 1992.
6. Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв.—Нукус, 1989.
7. Кдырниязов М.-Ш. Алтын Орда дәуириндеги туслик Арал бойы мәденияты.—Ноқис, 1993.
8. Кдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. // Автореферат дисс. докт. ист. наук. - Самарканд, 2005а.
9. Кдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. // Дисс. докт. ист. наук.—Самарканд, 2005б.
10. Кдырниязов М.-Ш., Саипов С.Т. Клад бытовых вещей из Миздахкана // Вестник МИЦАИ. № 5. Самарканд, 2007.
11. Полевой Л.Л. Городское гончарство Пруто-Днестровья в XIV в.—Кишинев, 1969.
12. Пугаченкова Г.А. Орнаментированный сосуд из Куны-Ургенча // МХЭ. Вып.4. М., 1960.
13. Федоров-Давыдов Г.А. Золотоордынские города Поволжья. Керамика. Торговля. Быт. М., 2001.
14. Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда (вторая половина VIII—начало XIII вв.).—Ташкент, 1979.

Резюме

Мақолада ўрта аср Хоразмнинг сирланмаган сопол идишларининг махсус тури сайқалли нақшланган буюмларнинг шакл ва нақшлари тадқиқ этилган.

Summary

In this article the shape and ornamentation of exteriorly decorated pots of the special type of non-polished ceramic pots of Khorasm in Middle Century is presented.

САМАРҚАНД (АФРОСИЁБ) ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

Зарафшон воҳаси жуда қадимги даврларданок Ўрта Осиёнинг тарихий маданий марказларидан бири ҳисобланади. Воҳада дастлабки урбанизация жараёнлари илк темир давридан бошлаб юз берган.

Зарафшон воҳаси ўрта аср шаҳарлари орасида Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ёдгорлиги муҳим ўрин тутди. Самарқанд шаҳрининг ёнида жойлашган бу улкан археологик ёдгорликка қизиқиш XIX асрданок бошланган. Тарихшуносликда Самарқанд ва унинг ёдгорликлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Россиянинг 1841 йилда Бухоро амирлигига жўнатилган инженерлари К.Ф. Бутенев ва Ф. Богословскийлар бошчилигидаги миссия аъзолари томонидан берилган. Ушбу миссия олдига кон ишларидан ташқари Ўрта Осиё тўғрисида илмий маълумотлар тўплаш вазифаси ҳам қўйилган. Ушбу миссиянинг аъзоларидан бири шарқшунос олим Н.В. Хаников (Ханыков, 1943) қадимий шаҳарнинг топографиясига оид айрим умумий маълумотлар келтиради. Н.В. Ханиковнинг Бухоро хонлиги тавсифи китобига ўша ҳамроҳ бўлган А. Яковлевнинг шаҳар режасига қилинган иловада Афросиёб харобалари ҳам ўз аксини топган.

Афросиёбнинг илк археологик ўрганилиши илмий нуқтаи назардан амалга оширилмаган. XIX асрнинг 70-йилларида айрим чор зобитлари ва амалдорлари шаҳарда қазиларни амалга оширганлар. Бу қазилар ишларидан мақсад асосан қадимий осори атиқаларни тўплаш бўлган. XIX асрнинг 80 йилларида келиб яна бир рус тадқиқотчиси, ёзувчи В.В. Крестовский биринчи марта Афросиёб шаҳар харобалари топографияси бўйича илмий иш қилган.

Зарафшон воҳаси ўрта аср шаҳарлари тарихий топографияси ўрганилишида Н.И. Веселовский илмий тадқиқотлари диққатга сазовор. Унга Туркистон генерал губернаторлиги Археология комиссияси берган топшириқлардан муҳимлари Афросиёбни систематик жиҳатдан тадқиқ қилишни бошлаш ва Зарафшон воҳасидаги харобаларини кузатиш кабилар бор эди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё қадимий шаҳарларини топографик жиҳатдан ўрганишга жиддий киришилади. Самарқанднинг қадимги қисми бўлган Афросиёб харобаларида дастлабки археологик ишлар 1945 йилдан бошланган. Ушбу қадимий шаҳарда биринчи бўлиб А.И. Тереножкин системали равишда қазиларни бошлади. У Афросиёбни илк кушон, кушон ва хунн-эфталий, турк хоқонлиги ҳамда араблар босқинидан кейинги маданий қатламлари мавжудлигини таъкидлайди (Шишкин, 1969, с. 125).

Афросиёб шаҳрининг топографияси ва стратиграфиясини ўрганишда 1958-1966 йилдаги экспедиция ишлари муҳим аҳамият касб этади. Экспедиция давомида 26 та жойда археологик қазилар олиб борилиб унда Г.В. Шишкина, О.В. Обельченко, Л.Г. Брусенко, Е.Б. Пругер, М. Пачос каби археологлар фаолият кўрсатишган. Тадқиқотлар мобайнида Афросиёбнинг деярли барча қисмларида қазилар ўтказилиб шаҳар ва арк мудофа деворлари, ҳар хил хунармандчилик кварталлари, шунингдек жоме масжиди харобалари аниқланган.

Зарафшон воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги маданиятининг энг йирик намунаси ҳисобланган Афросиёбнинг ўрганилишида В.А. Шишкиннинг тадқиқотларини маҳим аҳамияти катта. В.А. Шишкин томонидан 1957 йилдан бошлаб шаҳарнинг 1885 йилда тузилган топографик харитаси бўйича белгиланган барча қисмлари тизимли ўрганила бошланди. Шу билан бирга 1885 йилги топографик харитадаги айрим ноаниқларга тузатишлар киритилди. 1958 йилда шаҳарни тизимли ва илмий жиҳатдан ўрганиш борасида археологик экспедиция олдига қуйидаги масалалар қўйилди: 1.

Шаҳарнинг даврий шаклланиш босқичларини аниқлаш; 2. Шаҳарнинг пайдо бўлиш санасини аниқлаштириш; 3. Сув таъминоти тизимини ўрганиш; 4. Шаҳар мудофаа деворлари стратиграфиясини тадқиқ қилиш; 5. Шаҳарнинг умумий маданий қатламлари стратиграфиясини ўрганиш; 6. Шаҳарнинг қадимий кварталларини ўрганиш; 7. Шаҳар атрофини ўрганиш. Мана шу тариқа Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган илмий йўналиш Самарқанднинг қадимий тарихини моддий манбалар асосида ўрганишга асос бўлди бу йўналиш асосида тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Афросиёбда 1950 йилларнинг охири - 1960 йилларнинг биринчи ярмида қўлга киритилган илмий далиллар асосида Я.Ф. Ғуломовнинг ташаббуси билан 1967 йилда археолог олимлар ва самарқандлик топографлар ҳамкорликда Афросиёбнинг янги топографик харитасини ишлаб чиқдилар.

В.А. Шишкин Афросиёбнинг IX-XIII асрларга оид қатламларида кўплаб археологик тадқиқотлар олиб борди. У Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги кварталлардаги 7 та жойда қазиш ишларини ўтказди.

Маълумки, Самарқанд қадимданок Ўрта Осиёнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Шу боис ҳукмдорлар шаҳарнинг мудофа деворларига катта эътибор қаратишган. Афросиёбнинг мудофаа тизимини ўрганиш ишлари М.К. Пачос томонидан системали тарзда амалга оширилган. У томонидан олиб борилган қазишма ишлари натижасида шаҳар мудофаа деворларида XIII аср бошларида, яъни хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида бир мунча таъмирлаш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлди. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар давомида Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида шаҳарларнинг мудофаа тизимини таъмирлаш борасида катта қурилиш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлмоқда.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Бухорода ҳам катта қурилишлар бўлганлиги тўғрисида тарихчи Наршахийда ҳам қуйидаги маълумот бор. «... Масъуд Қилич Тамғочхоннинг буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташқарисидан девор урдилар (ҳижрий 560-милодий 1164-1165 йиллар), у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (1207-1208 йиллар) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгилادилар. Олти юз ўн олтинчи йили (1219-1220 йиллар) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди» (Наршахий, 1991, 113-бет). А.А. Раимқуловнинг фикрига кўра Хоразмшоҳлар даврида Кеш-Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари бунёд этилган ва Насафнинг мудофаа деворлари таъмирланган.

М.К. Пачос 1969-1970 йилларда Афросиёб аркининг шимолий-ғарбий мудофаа минораларида қазиш ишларини ўтказди ва бу ерда бир нечта қўшимча таъмирлаш изларини топди. Шунингдек, арк деворлари пахса ва пишиқ ғишт билан таъмирланганлиги ҳам аён бўлди (Шишкин, 1981).

Афросиёбда ўтказилган 1967-1968 йиллари ўтказилган археологик тадқиқотлар давомида кўплаб топографик маълумотлар олинди. Афросиёб археологик экспедицияси шаҳарнинг 4 -чи деворларининг ғарбий қисми ва биринчи мудофаа деворлари ёнида ўтказилди. Экспедиция таркибида Л.Г. Брусенко, Т.А. Аъзамхўжаев, М. Жўракулов, Я. Крикис, Ю.Ф. Буряков, Я. Аминов, М.К. Пачос ва Г.В. Шишкина каби археологлар бор эди. Археологик тадқиқотлар натижасида, шаҳарнинг V-VI асрлардан то XIII аср бошларигача бўлган қатламларга тегишли ҳар хил материаллар топилди. Экспедиция томонидан қўлга киритилган муҳим илмий натижалар Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги бир қатор кварталлар ва мудофаа деворларининг ўрганилиши бўлди.

Мана шу даврда ҳукумат томонидан Самарқанднинг шаҳар сифатида шаклланиши санасини нишонлаш масаласи қўйилган ва 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган. Чунки XX асрнинг 70-йилларигача қўлга киритилган археологик моддий манбалар ва тарихий маълумотлар мана шундай илмий хулоса чиқаришга асос

бўлганлар. Археологик материалларнинг етарли эмаслиги боис узоқ йиллар давомида тарихшунослик ва археология фанларида «Ўрта Осиёда қадимда шаҳарлар қурилмаган, шаҳарсозлик маданияти бизнинг юртимизга Аҳмонийлар империяси ҳукмронлиги даврида Яқин Шарқ ва Эрон томонидан кириб келган деган» хулоса ҳукмронлик қилиб келган. 2500 йиллик сананинг нишонланиши ҳам мана шу хулосанинг тасдиғидек эди. Лекин кейинги йилларда, айниқса мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги Жаркўтон, Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёб, Челақ шаҳрининг қадимий ўрни бўлган Кўктепа, Қарши шаҳри яқинидаги Ерқўрғон, Кеш-Шаҳрисабзнинг қадимий ўрни Подаётқоттепа-Узунқир ёдгорликларида қадимий шаҳарлар қолдиқларининг ўрганилиши Ўзбекистонда шаҳар маданияти ўзининг маҳаллий илдизларига эга эканлигини илмий жиҳатдан исботлади ва мустақиллигимизнинг шарофати билан Самарқанднинг 2750 йиллик, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик саналари кенг нишонланди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти қошида 1971 йилда Афросиёбни ўрганиш бўлимининг ташкил этилиши ушбу қадимий шаҳарнинг археологик жиҳатдан ўрганилишида муҳим босқич бўлди (Ташходжаев, 1974, с.3).

Кўхна шаҳарни ўрганиш бўйича бўлим ташаббуси билан ташкил этилган экспедиция томонидан дастлабки археологик қазишмалар 1973 йилдан бошлаб амалга оширилди. Экспедицияда И. Аҳроров, Ш.С. Тошхўжаев, Л.Г. Брусенко, Э.Ю. Бурякова, Г.В. Шишкина, Н.Б. Немцева каби археологлар иштирок этишган.

Афросиёбдаги тадқиқотлар 1980 йилларда ҳам муваффақият билан давом этди.

1990 йиллардан, айниқса мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар Самарқанднинг қадимий ва ўрта асрлар даври маданий қатламларини ўрганиш бу даврга келиб халқаро миқёсга чиқди. Афросиёбда Ўзбекистон-Франция кўшма халқаро экспедицияси иш бошлади. Бир неча йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг дастлабки шаклланган даврига аниқлик киритди ва у милoddan аввалги VIII-VII асрлардаёқ шаҳар маданиятига эга бўлганлиги аниқланди (Исамиддинов, 2002).

Экспедициянинг яна бир муҳим кашфиётларидан бири Афросиёб аркининг шарқ томонида Абу Муслим даврида қурилган маҳобатли сарой қолдиқларининг ҳамда унинг яқинидан қарахонийлар даврига оид сарой ва унинг деворларида маҳобатли рангасвир суратларнинг топилиши бўлди (Карев, 2009, с. 25-42).

Афросиёбда ҳозирги кунларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг тарихий топографиясига йилдан-йилга янги-янги маълумотлар киритишда давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

- Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Ташкент, 2002.
Карев Ю.В. Открытие караханидской настенной живописи в Самарканде. Вестник истории культуры и искусства. М., 2009.
Наршахий, 1991. Бухоро тарихи // Мерос. Тошкент.
Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.
Ташходжаев Ш.С. Археологические исследования древнего Самарканда в 1973 году // Сб. Афрасиаб. Вып. 3. Ташкент, 1974.
Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.
Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.
Шишкин В.А. Кала и Афрасиаб // Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.
Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.
Шишкина Г.В. Материалы первых веков до нашей эры и раскопок на северо-западе Афрасаба // Сб. Афрасиаб. Вып. 1. Ташкент, 1969.

ТАРИХ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Б. Исхақов
ЎзР ФА Тарих институти

“АВЕСТО”ДА АТРОФ-МУҲИТ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР

Инсоният маънавий юксалишидаги энг буюк чўккиларидан бири табиат ва одамзод ҳаётидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносиблик мавжудлигини идрок этиш ҳисобланади. Тун ортидан куннинг келиши, дарёларнинг юқоридан куйига оқиши, иссиқ билан совуқ, аччиқ билан чучук, яхши билан ёмоннинг фарқига бориш одамнинг инсон бўлиб шаклланишида ўта муҳим аҳамият касб этган. Буни қадим замонларда яшаб ўтган аждодларимиз тарихи, дини, санъати, табобати тўла-тўқис исботлаб турибди. Марказий Осиё халқларининг қадимги ёзма ёдгорлиги – “Авесто” китоби қисмлари билан танишиш чоғида минг йиллар бурун ҳаёт кечирган одамлар дунёқараши, табиат ва жамиятга муносабати нечоғлик мураккаб равишда шаклланишига гувоҳ бўламиз.

«Авесто» китоби узоқ аждодлар ижтимоий турмуши, маънавий ҳаёти тўғрисида ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган тарихий ёзма манбадир. «Авесто» сўзининг ўзаги «сто» – бўлиб, «ўрнатилган, муқаррар қилинган қонун-қоидалар, ҳаётнинг асосий йўриқномаси» демакдир. Бу китоб милoddан аввалги II минг йиллик ва I минг йиллик биринчи чорагида, бир неча юз йиллар мобайнида шаклланиган.

“Авесто” китоби 21 қисм (наск)дан иборат бўлган. Шундан тўрт қисми ҳозиргача етиб келган: “Видевдот” (“Вандидод”), “Ясна”, “Виспирад», “Яшт” насклари. Кўп қисми йўқолиб кетганига қарамай, сақланган наскларнинг ўзиёқ “Авесто”нинг қомусий улуғворлигини, тарихий манба сифатида юксак қимматини, маънавий умумбашарий хусусиятларини тўла намойиш этади. “Яшт” китоби (Хурмузд яшт)нинг эзгулик тангриси Ахура Маздага алқов қисмида шундай ғоя илгари сурилган: “Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида этаман, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёвуз ишлардан юз ўгираман” (Авесто, 2001. Б. 8).

Ибтидоий диний тасаввурлардан бири анимизмга биноан, ўлганлар у дунёда яшашда давом этади, уларнинг руҳлари эса ўз авлодлари ва қавмларига ёрдам беради, деб тушунилган. Руҳлар “Авесто”да “фраваша” сифатида тилга олинган. Фраваша – таваллудга қадар ва ўлимдан кейин ҳам яшагучи Қалб, мадақкор фаришталар деб ҳисобланган (Авесто, 2001. Б. 346). Яна бир жиҳати шундаки, фравашилар инсонни ўраган барча табиат ходисаларига, жумладан, тоғлар, дарёлар, кўллар, ва бошқаларга ҳам тегишли бўладилар, деб ишонилган.

Барча яхшиликлар: сувлар, гиёҳлар, ашаванлар фравашиларни олқишламоқ ва ҳамд қилмоқ истаймиз” (Авесто, 2001. Б. 54). Фравашилар инсон, жамият, табиат, уй, қишлоқ, эл-юрт, мамлакатни бало-қазодан асровчи нажоткор куч сифатида англаниган. “Авесто”нинг Ясна қисми (Бағон Яшт, 23-хот, 1-банд)да бу хусусда шундай мисралар мавжуд: Фравашилар “осмонни асраб-авайладилар, кўриқладилар, сувни асраб-авайладилар, жониворларни асраб-авайладилар...” (Авесто, 2001. Б. 68).

Зардуштийлар дунёқараши билан боғлиқ дев”, “алвасти”, “ажина”, “аждаҳо” (“Авесто”-да “Ажи даҳока”), парилар ханузгача ўзининг дастлабки маъноларини ифодалайди. Девга қарши қалқон сифатида пичоқ ва нонни чақалоқ бошига қўйиш айрим жойларда ҳозирга қадар сақланиб қолган. Баъзи қишлоқларда тўзғиган шамол қуюни (гирдоб) ҳозир ҳам “ажина шамол” сифатида идрок этилади (Авесто, 2001. Б. 362). Зардуштийлар замонидан ҳозиргача давом этаётган тасаввурга кўра, жинлар, асосан, мазорларда, ёнғоқ ва жийда

дарахти остида кўпроқ бўлади. Шунинг учун, ёнғоқ ва жийда дарахти тагида ётиш қадимдан беҳосият ҳисобланган.

“Озодаликка интилиш, диний маросимларни ўтказишда ишлатилган идишларни ювиб, саранжом-саришта қилиш ҳам зарур эди. Чунки озодалик, тозалик, турли-туман ифлослик ва ёмонликлардан кишини асрайди, деб тушунилган. Бундай одатларнинг ҳозир ҳам ўзгача тасаввурлар қанотида бизгача етиб келганини кўрамиз. Она ва момоларимиз кечқурун ишлатилган қозон ва идиш-товокларни ювиб-тозалаб, ҳар қандай шароитда ҳам уларни эрталабга ювқисиз қолдирмайдилар. Бу ювқисиз идишларни ниҳоятда ҳосиятсиз нарса деб билдилар” (Авесто, 2001. Б. 364).

Аждодларимиз олов ёнган ўчоққа қалампир, нон, овқат қолдиқлари ташлаш, турли чиқиндиларни ёкиш ёки ўчоқдан чиққан кулни дуч келган жойга тўкиш, макруҳ нарсаларни ўчоқ оловида куйдиришни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Агар олов кули билан ахлат бир жойга ташланса, ушбу хонадоннинг тўй ва аза маросимлари бир-бирига қўшилиб кетади, деб ўйланган. Мотам маросимларида эса оловни булғамаслик учун уч кун мобайнида ушбу хонадон ўчоғида ўт ёкиб таом тайёрланмаган. Бундан ташқари, никоҳ тўйида келин-куёвни инс-жинс, бало-қазодан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш одати ҳам бизга аждодлардан мерос.

“Соч ва тирноқларга бўлган покиза муносабат ҳам Аҳура Маздага ёқадиган хусусият саналган. Бу ҳатто ҳозирги замон кишиларида ҳам учраб туради: сарторошхоналарда соч толалари тезда оёқ остидан супуриб олинади; тирноқлар дуч келган жойга ташланмайди, улар ҳам йиғилиб тоза жойга қўйилади; боланинг тиши тушса уни “суяк тишингни ол темир тишимни бер” деб томга отиб юбориш одатимиз бор” (Авесто, 2001. Б.363).

Соч ва тирноққа нисбатан алоҳида эътибор бериш ҳоллари бугунги кунгача сақланган. Фарғона водийсидаги туман ва кишлоқларда олинган соч ёки тирноқ ўтга, сувга ташланмайди. Чунки, сочни ўтга, сувга, оёқ остига ташлаш гуноҳ ҳисобланади. Шу боис, соч ёки тирноқ деворлар ковагига қўйилади ёки мевали дарахт тагига қўмилади (Дала ёзувлари, 2009). Бизнингча, бу одат зардуштийликдаги танадан ажралган ҳар бир нарса мурдор ҳисобланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

“Ҳовли эшиги олдида ёки кўчага супуринди тўплаб қўйган фаррош ёки уй бекаси 25 дарра калтаклаш билан жазоланган. Ҳовуз, чашма ва ариқ бўйига мевали дарахт ўтқазилмаган. Чунки бир дона мева сувга тушиб чириса, “юз минг микроб” тарқатаркан” (Ҳомидий, 2007. Б.78).

Шунингдек, “Авесто”да хонаки ҳайвонлар: қўй, эчки, сигир, эшак, от, туяларни сақлаш ҳамда парвариш қилиш хусусида ҳам фойдали маслаҳатлар мавжуд. Бир “саги оби” – сув итини ўлдириб, унинг мурдасининг чириб, микроб тарқалишига сабаб бўлган киши бир аскарга от, дубулға, совут, қалқон, этик, камон, найза, гурзи, палахмон олиб беришдек жарима тўлашга мажбур этилган. Инсон яшаётган хонадаги обреза ювиниши ва чўмилиши қатъий ман этилган. Чунки, ювиниш жараёнида кир ва қўланса ҳид яна буғланиб, нафас йўли орқали танага кириб, оғир касалликларга сабаб бўлиши мумкинлигини аждодларимиз теран англаганлар.

“Исириқдан касалликларнинг олдини олиш мақсадида кенг фойдаланганлар. Хусусан, уйда бирор бемор бўлса, чақалоқни биринчи маротаба бешикка белаётганда, келин туширганда, хонадонга бегона одам келиб кетган пайтларда эҳтиёт чораси сифатида исириқ тутатилган. Халқ табобатида ҳам исириқ кенг қўлланилган” (Жавлиев, 1992. Б. 28).

“Авесто”да атроф-муҳит тозаллигини асраш ва хасталикларнинг олдини олишнинг турли воситалари хусусида адабиётшунос олим Х. Ҳомидий тадқиқотларида батафсил ёритилган (Ҳомидий, 2007. Б. 73–84). Этнолог олим А. Аширов тадқиқотларида эса, зардуштийлик дини билан боғлиқ анъана ва маросимлар таҳлил қилинган (Аширов, 2007. Б. 53–72).

Аждодлардан мерос, бутун дунё олимлари томонидан ўрганилаётган “Авесто”да яйловлар, бутазорларни яқсон қилмаслик, экинзор, боғ-роғ, мевали дарахтларга зарар етказмаслик, атроф-муҳит покизаллигини асраш, булоқ, қудуқ, ҳовуз, ариқлар тозаллигига алоҳида

этибор қаратиш лозимлиги хусусида ҳам ибратли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Масалан, ҳовуз ёки ариқ бўйида мол боққан ёки ўша ерга отини боғлаган ҳар қандай шахс, дарахтнинг бир шохини синдирган ҳам, нопок кўзани ҳовузга солган ҳам 25 қамчи калтакланиш билан жазоланган. Атроф-муҳитни, кўча-кўйни, бутазор, ўтлоқлар ерни, сувни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар “400 қамчи уриш жазосига” ҳукм қилинган (Видевдот, 8-фрагард, 105- банд)” (Авесто, 2001. Б. 64).

Ҳанузгача урф-одатларимизда сақланиб келаётган муқаддас ақидалар: “Сувни булғама”, “Сувга тупурма”, “Жониворларга озор берма”, “Олов ўйнама, тунда босинқирайсан”, “Ҳаром идишни олов билан тозала” каби ўғит ва ҳикматлар бизга “Авесто”дан қолган қадимий меросдир.

Хуллас, хонадон покизалиги, атроф-муҳит озодалиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш хусусидаги ғоялар ҳамон долзарб аҳамиятга эга. Демак, “Авесто”да илгари сурилган атроф-муҳит билан боғлиқ қарашларни ҳар томонлама ўрганиш экологик маданиятни тарихий асосларини ёритишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

Авесто: Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, “Шарқ”, 2001.

Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий этикод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр, 2007.

Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Чуст туманлари. 2009 йил.

Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. – Тошкент, 1992.

Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шохнома”га. – Тошкент: “Шарқ”, 2007.

Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шохнома”га. Мухаррир Н. Комилов. – Тошкент: “Шарқ”, 2007.

Резюме

В статье проанализированы первые понятия в Авесте, связанные с защитой окружающей среды и формированием позитивных соотношений между человеком и природой.

Summary

In the article is analyzed first ideas in Avesta, connected with protection of the environment and formation of relations between person and nature.

Ш.Т. Қўлдошев

ЎзР ФА Шарқишунослик институти

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДАЙЮАН) ДАВЛАТИ ПОЙТАХТИ ҲАҚИДА

Ўзбек давлатчилигида ўз ўрнига эга бўлган Қадимги Фарғона, яъни Дайюан (Довон, Давай) давлати тарихи ҳақида кейинги йилларда кўплаб илмий мақолалар нашр этилмоқда. Дайюан давлатининг турли масалалари юзасидаги баҳс ва мунозаралар муаллифлар ўртасида ҳали тўхтагани йўқ. Шундай масалалардан бири Дайюан давлати пойтахтининг локализацияси масаласидир.

Дайюан давлати ҳақида илк маротаба хитой манбалари бизга маълумот беради. Жумладан, хитой тарихчиси Си Ма Цяннинг (мил. ав. II-I аср) "Тарихий хотиралар" (Си Ма Цян, 1989; Сыма Цянь, 1975; Си Ма Цян, 1952-1958) ва Бан Гу нинг (мил. ав. I аср) "Биринчи Хан сулоласи тазкираси" (Бан Гу, 1994; Бан Гу, 1952-1958), Си Ма Бяо ва Фан Йеларнинг "Кейинги Хан сулоласи тазкираси" (Си Ма Бяо, Фан Йе, 1996; Си Ма Бяо, Фан Йе, 1952-1958), Чин Шу ва Фанг Шюанлингнинг "Уч подшоҳлик тазкираси" (Чин Шу, Фанг Шюанлинг, 2001), Ли Яншунинг "Шимолий сулолалар тарихи" (Ли Яншу, 2002; Ли Яншоу, 1952-1958) ва бошқа ёзма манбаларда Қадимги Қанқия, Дахя ҳамда Дайюан давлатининг жойлашган ўрни, аҳолиси, ҳукмдорлари, сиёсий жараёнларда тутган ўрни ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Юқорида келтирилган хитой манбаларидаги Дайюан давлатини айнан Фарғона водийси-

да жойлашганлигини илк бора француз хитойшунос олими Дегин томонидан 1756 йилда эътироф этилган (Deguignes, 1756, p. 1, 28, 38,39). Ушбу талқин кейинги йилларда М. Броссе (Brossat, 1829), Абель Ремюзалар (Abel Resuat, 1927) асарларида ҳам учрай бошлаган. Шу билан бирга, рус хитойшунос олимлари Н.Я. Бичурин (Бичурин, 1950), Н.В. Кюннер (Кюннер, 1961), Л.А. Боровкова (Боровкова, 1989), А.Г. Малявкинларнинг (Малявкин, 1981; Малявкин, 1989) тадқиқотларидаги Дайюан давлати ҳақидаги маълумотлари ҳам қизиқарлидир.

Юқорида келтирилган муаллифлар Дайюан давлати ҳақидаги Хитой манбалардаги маълумотларни турлича ўқиганлар ва бу давлатнинг пойтахтлари Эрши, Ючен шаҳарлари Фарғона водийсининг қаерида жойлашганлиги масаласида ўзларининг фикрларини ёзиб қолдирганлар. Шунингдек, бу маълумотлар асосида археолог олимлар ҳам ўз тадқиқотларини олиб борганлар. Бу тадқиқотчиларнинг қарашлари ва билдирган фикрларига қараб бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Француз хитойшунос олими Э. Шаванн фикрига кўра, Эрши Ўратепа ёки Жиззах (Матбобоев, 2001; Асқаров, 2007), Э. Тарн фикрича, Эрши бу Ўратепадир (Tarn, 1951, p.309). Э. Пуллейблэнк фикрича, Дайюан қадимги Суғдиёна худудига кирган бўлиб, суғорма деҳқончилик ривожланмаган (Pulleyblank, 1966, p.25-30). Аммо, археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Фарғона водийси қадимги Ўрта Осиёнинг деҳқончилик маданияти маркази бўлганлигини исботлайди (Матбабаев, 2009. С. 190).

Кўпгина тадқиқотчилар, Н.Я. Бичурин фикрига асосланиб, Эрши Қўқон бўлиши керак, деган ғояни ўртага ташлаган. Бу борада хитойшунос олима Л.А. Боровкова ҳам турли тахминларга қарши чиқиб, хитой манбалардаги берилган шаҳар ва қишлоқлар орасидаги масофани ҳисоблаш оқибатида Дайюан давлатининг пойтахти Қўқон шаҳри атрофига тўғри келади деб хулосага келган (Боровкова, 1989. С. 56). Тарихчи Ҳ. Бобобеков Гуйшан бу қадимий Қўқон шаҳри номининг хитой тилида талаффуз қилиниши бўлса керак деб айтади (Бобобеков, 1956. Б. 15-20). Аммо бу ўринда шуни айтиш керакки, Бичурин Эршини Қўқон хонлиги (1709-1876) худудидан топиш мумкин деган тахминни илгари сурган холос. Чунки у Фарғона водийсига келмаган.

Собиқ Иттифоқ даврида, тарихчи ва археологлар орасида Дайюан давлати пойтахти Эрши ҳозирги Андижон вилояти Марҳамат шаҳарчаси ўрнида бўлган деган қараш кенг ёйилган эди. Илк бор бу қараш 1950-1952 йиллари Фарғона водийсида кенг қамровли археологик кузатувлар олиб борган "Помир-Фарғона комплекс экспедицияси" раҳбари А.Н. Бернштам томонидан илгари сурилган (Бернштам, 1951. С. 11). Аҳолисининг зичлиги, ер танқислиги натижасида, кўплаб археологик ёдгорликлар бузиб ташланган Фарғона водийсида 40 гектар жойни эгаллаган, салобатли девор ва ундаги миноралари, сақланиб қолган Марҳамат тадқиқотчиларда ўзгача таассурот қолдирганлиги бунга асосий сабаб бўлган. Жумладан, хитойшунос А.Г. Малявкин асосан, А.Н. Бернштам хулосасининг ҳақиқатга яқин эканлигини ёзса-да, аммо мазкур масала ечилмаган муаммо деб ҳисоблайди (Малявкин, 1989. С. 263). Фарғона водийсида махсус археологик кидирув ишлари олиб борган Б. Матбобоев А.Н. Бернштамнинг фикрини тўғри деб топган. У бу масалани қуйидагича изоҳлайди: биринчидан, бошқа тадқиқотчилар каби, Эрши Фарғона водийсининг шарқида жойлашганлиги билан исботлайди. Иккинчидан, милоддан аввалги II-I асрда гуллаб яшнаган Мингтепанинг Фарғона водийсининг шарқида жойлашганлиги, унинг яқинидаги тоғларга "дулдул отлар" тасвири солинганлиги, мазкур улғувор ёдгорлик Эрши бўлганлигини кўрсатади, деб тасдиқлайди (Матбобоев, 2001. Б. 35-36).

Кейинги йилларда бу масалада археолог А. Анорбоев янги ғоя билан чиқиб, Эрши бу эски Ахсикентдир, деган асосли хулосага келган (Анорбоев, 2001. Б. 14-15). У бу хулосасини Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани худудидаги Ахсикентдан топилган ёдгорликлар ва ашёвий далиллар асосида ўз фикрини илгари сурмоқда. Шунингдек, А. Айитбоев ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, "Ахси" хитой тили талаффузига мувофиқ "Эрши" тарзида ёзилиб қолган бўлиши ҳам мумкин деб тахмин қилади (Абдухолик Абдурасул ўғли, 2002. Б. 39).

А. Муҳаммаджонов фикрича, Хитой манбаларида Эрши номи билан тилга олинган Дайюан давлати пойтахтининг маҳаллий аталиши "Хушкат" ёки "Хушканд" шаклларида талаффуз этилган. IX асрда яшаган тарихчи Абулҳасан Балозурий эса, Фарғонанинг ўрта асрлардаги пойтахти Ахсикатни "Хушкат" шаклида кайд этади. Шунга асосланиб, муаллиф Эрши бу Ахси деган тахминни илгари суради (Муҳаммаджонов, 2007).

Хитой манбаларининг асл нусхасини ўрганган хитойшунос олим А. Хўжаев, унда берилган хитойликларнинг Дайюан давлатига юборилган икки ҳарбий юришида ҳам улар Эршига етмаганлар. Улар биринчи юришида Ючен шаҳрида тўхталган бўлсалар, иккинчи юриш натижасида хитойликлар пойтахт Юан шаҳрини забт этганлар деган хулосани беради (Ходжаев, 2005. С. 163). Ваҳоланки, шу вақтгача хитойликлар иккинчи юриш даврида қадимги Фарғона давлати пойтахти—Эршини забт этганликлари ҳақида фикр билдириб келинади. А. Хўжаевнинг фикрича, Эрши, қадимда Рией-шией деб талаффуз килинганлиги, унинг маҳаллий аҳоли томонидан талаффузи Эйш бўлган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади ва бу ҳозирги Ўшга жуда яқин бўлган деган фикрни билдиради (Ходжаев, 2005. С. 165). А. Хўжаев фикрларини қабул қилсак, Эрши бу Ўш, Юйченг эса, бу Ўзган, лекин Дайюан давлатининг қадимги хитой манбаларида Юан деб номланган пойтахтининг қаерда жойлашган бўлиши мумкинлиги масаласи очик қолмоқда.

Фарғона ягона тарихий-географик ҳудуд ҳисобланадиган, унинг ичида ҳам табиат ва иқлим билан боғлиқ маълум хусусиятлар, ўзига хосликлар кузатилади. Жумладан, Қўқон ва унинг ғарбий қисмида ёнғингарчиликнинг бир йиллик миқдори 80-100 мм ташкил этса, Андижон ва унинг шарқий қисмида 230-260 мм, Ўш атрофида - 600 мм, Ўзган воҳаси ва унинг тоғ олди қисмида 600 мм ташкил этади. Энг зич сув манбалари ҳам водийнинг шарқига, Фарғона тоғ тизмасининг ён бағирларига тўғри келади. Бу ерга Қорадарё, Ясси, Тар, Қора-қулжа сингари серсув дарёлар мавжуд. Шу сабабли, водийнинг шарқий қисмида деҳқончиликнинг юксалиши учун қулай шароит мавжуд бўлган. Сунбий суғоришга асосланган деҳқончилик ривожини сабабли ҳам бу ерда деҳқончилик манзилгоҳлари ва шаҳарлари водийнинг бошқа ҳудудларига қараганда нисбатан қадимийроқ, зичроқ ва кўпроқдир. Ушбу ҳолат Дайюан давлати даврида ҳам кузатилади. Ушбу даврга оид аниқланган 600 дан ортиқ аҳоли манзилгоҳларнинг 450 таси водийнинг шарқида жойлашганлиги бунга далилдир.

Шу сабабли, Дайюан давлатининг пойтахти водийнинг шу қисмидан ахтариш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳудуддаги ушбу номга даъвогарлик қилувчи ёдгорликлар ичида Шўробашатни ҳам келтириш мумкин. Бу ёдгорлик 70 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, Ўзгандан 10 км шимоли-ғарбда жойлашган. Шу ўринда Эрши туғрисида хитой манбаларида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб кўрсак, Си Ма Цяннинг "Тарихий хотиралар" асарида, Эршида учқур отлар – "таянма" бўлганлиги, уларни хитойликлардан яширганликлари ёзилади (Си Ма Цян, 1952-1958. С. 1144). Бундан тахмин қилиш мумкинки, Эрши бу шаҳар эмас, балки отлар боқиладиган кенг яйловли ҳудуд ҳисобланади (Ходжаев, 2005. С.160-161; Анорбоев, 2010). Шунингдек, хитой манбаларида берилганидек, Эрши Дайюан давлатининг пойтахти эмас, балки бу Юан шаҳри деган тахмин қилиш мумкин (Ходжаев, 2009. С. 239). Агар хитой манбалардаги Юан ёки Ючен шаҳарларининг ўрнини аниқлаштириш керак бўлса, унда археологик топилмалардаги ашёвий далиллар билан бирга, хитой ёки бошқа манбалардаги маълумотларни қиёсий тарзда солиштириб таҳлил қилинмоғи зарур. Чунки, хитойликларни Дайюан давлатига қилинган ҳарбий юриши чоғида минглаб хитойлик аскарлар ҳалок бўлган. Ушбу аскарлардан бирор нишона - Фарғона водийсининг қайси бир ерида хитой аскарлари буюми ёки Хитойда ишланган қурол-яроқ бўлагими сақланиб қолган бўлиши мумкин?

Изоҳлар

¹ Рус ва ўзбек тарихий адабиётларида берилган "Даван" ёки "Довон" атамаси аслида хитой тилида "Дайюан" деб талаффуз этилади. Шу боис, бу атамани бундан кейин "Дайюан" деб бериб бордик.

² Ушбу асар хитой тилида ёзилган асл қўлёзмани 1930-1937 йиллари гектограф воситасида кўчирилган нусха бўлиб, ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

³ Юйчен—Н.Я. Бичуринда «Ю» деб берилган бўлиб, “чен” атамасини “шаҳар” маъносини билдиради деб нотўғри ўқиган. Аслида “чен” хитойчада ташқариси девор билан ўралган қалъалар номидан кейин ёзиладиган атамадир.

Фойдаланилган адабиётлар

- Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. - Тошкент: Фан, 2002.
- Abel Reusat. Sur quelques peuples du Tibet et de la Boukharia, tire de l'ouvrage de Ma-touan-lin, et traduit du chinois. Journal Asiatique, 1927.
- Анорбаев А. Ешё раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Дайюан) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Ўзбекистон археологияси. 2010. №1.
- Анорбаев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент, 2001.
- Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (ўқув қўлланма). Тошкент, 2007.
- Бан Гу, Хан Шу // Эршиси ши (24 тарих). Жилд 2. Шанхай, 1952-1958 (хитой тилида).
- Бан Гу. Ханнома. (24 тарихдаги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами. Урумчи, 1994(уйғур тилида).
- Бернштам А.Н. Древняя Фергана.—Ташкент, 1951.
- Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. —М.-Л., 1950.
- Бобобеков Х.Н. Кўкон тарихи. - Тошкент, 1996.
- Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в. н.э. - М., «Наука», 1989.
- Brossat M. Relation du pays de Ta-ouan. Nouveaux /Journal Asiatique/ 1829.
- Deguignes J. Histoire generale des Huns, des Turs de, Mogols et des autres Tartares occidentaux, vol. 1.—Paris, 1756.
- Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. - М., 1961.
- Ли Яншоу. Бэй ши (Шимолий сулолалар тарихи). Жилд 11. Шанхай, 1952-1958 (хитой тилида).
- Ли Яншу. Шимолий сулолалар тарихи. Урумчи, 2002 (уйғур тилида).
- Маявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. Новосибирск: «Наука», 1981.
- Маявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск: «Наука», 1989.
- Матбабаев Б. Ферганское государство Давань // История государственности Узбекистана (вторая половина II тысячелетия до нашей эры - III века нашей эры). Т. 1.—Т.: Узбекистан, 2009.
- Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. - Тошкент, 2001.
- Мухаммаджонов А. "Фарғона" номининг маъноси борасида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 2-3. Тошкент, 2007.
- Pulleyblank E.G. Chinese and Indochinese. \Journal of Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. London, 1966.
- Си Ма Бяо. Фан Йе. Кейинги Ханнома. (“24 тарих”даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1996 (уйғур тилида).
- Си Ма Бяо, Фан Йе. Син Хан шу // “Эршиси ши” (“24тарих”). Жилд 3. Шанхай, 1952-1958 (хитой тилида).
- Си Ма Цян. Ши жи // “Эршиси ши” (“24 тарих”). Жилд 1. Шанхай, 1952-1958 (хитой тилида).
- Си Ма Цян. Тарихий хотиралар. (“24 тарих”даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1989 (уйғур тилида).
- Сыма-Цянь. Исторические записки (Ши цзи). Пер. с кит. Р.В. Вяткина и Таскана. Т. I-IV. М., 1975.
- Tagh W. The Greeks in Bactria and India. Second edition. Cambridge, 1951.
- Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. - Тошкент, 2005.
- Ходжаев А. К этимологии топонима Дайюань (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси янги тадқиқотларида. Фарғона, 2009.
- Чин Шу. Фанг Шюанлинг. Уч подшоҳлик тазкираси. Урумчи, 2001 (уйғур тилида).

Резюме

Статья посвящена вопросу локализации города Эрши, являвшемся столицей древнеферганского государства Дайюан, решение которой связано с сопоставлением археологического материала с данными китайских источников.

Summary

In the article is given scientific data on localization of Ershi city which was the capital of Ancient Dayuan. It is concluded that this problem will find its solution interdisciplinary research of archeology and Chinese source' study.

Ф. Жуманиёзова

ЎзР ФА Шарқишунослик институти

**ТОҲАРИСТОН ЯБҒУЛИГИ БОШҚАРУВИНИНГ
БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР**

Илк ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ҳудудларда мавжуд бўлган бир неча ўнлаб воҳа ҳукмдорликлари каби Тоҳаристон ябғулиги (620-750) ҳам ўзига хос алоҳида сиёсий уюшма эди. Ушбу ҳукмдорлик бошқарувининг кўпгина жиҳатлари мазкур ҳудуддаги бошқа воҳа ҳукмдорликлари (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм ва ҳ.к.)никига ўхшаб кетса-да, бироқ айрим хусусиятлари билан ўзига хослик касб этади. Бу ўлкада мавжуд бўлган унвонлар, айниқса Турк ҳоконлиги марказий ҳокимиятига хос унвонлар кўплаб учраши мисолида ўз ифодасини топади. Куйида биз Тоҳаристон ябғулигининг ушбу жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз.

Аввало, бу масалани таҳлил қилишдан олдин ўлканинг ўша даврдаги сиёсий ҳолатига назар ташласак. VI аср сўнги чораги (588 йил)да Тоҳаристон ўлкаси Турк ҳоконлиги таркибига киргач (Бобоёров, 2003. 4-бет), мазкур ҳудуд ҳоконлигининг жануби-ғарбдаги энг чекка нуктаси сифатида муҳим стратегик аҳамият касб эта бошлайди. Шу боисдан ҳоконлик ушбу ҳудуднинг сиёсий бошқарувига алоҳида эътибор билан ёндашган. Турк ҳоконлиги назорати ўрнатилмасидан олдин Тоҳаристоннинг ўнлаб катта-кичик воҳа ҳукмдорликлари келиб чиқиши маҳаллий ёки Эфталийларга мансуб сулолалар томонидан бошқарилган бўлиб, олий ҳокимият эса Эфталийлардан бўлган бош ҳукмдор қўли остида тўпланган эди. VII аср биринчи чорагига келиб улардан аксариятининг ҳокимиятига барҳам берилади ва бу ҳудуддаги воҳа ҳукмдорликларининг деярли барчасида сиёсий бошқарув ҳоконлик қўли остига ўтади. Хусусан, 630-йилларда Тоҳаристон ҳудуди орқали Ҳиндистонга йўл олган Сюань Цзанинг саёхатномасида келтирилган “ҳукмдор сулоласи бир неча юз йилдирки тугатилган”¹ ибораси ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Шундай қилиб, VII асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Турк ҳоконлигининг жанубдаги улуси сифатида Тоҳаристон ябғулиги ташкил топади ва мазкур давлат араблар томонидан истило қилунгунга қадар яъни, 750-йилларгача фаолият кўрсатади. Тоҳаристон ҳукмдорлари хитой йилномаларида “*Тухоло шеху*” (Тоҳаристон ябғуси), мусулмон манбаларида “*жабғуя ат-тухарий*” (Тўхор жабғуси), сўғдий ҳужжатда “*тўх’r’k MLK*” (Тўхор малики) шаклида учрайди (Бобоёров, 2003. 4 б.).

Маълумки, VI асрнинг охири чорагида Турк ҳоконлигининг асосчилардан бири бўлмиш Истами ябғунинг ўғли Тарду ҳокон (576–603) Тоҳаристондаги Балх ва Қундуз вилоятларини эгаллаб, бу ҳудудларни идора қилиш учун *тегин* унвонига эга бўлган ўғлини жўнатади (Таşağil, 1995, s. 87). VII асрнинг биринчи чорагида эса Истами авлодларидан бири Тўн ябғу-ҳокон (618–630) ушбу ўлканинг марказий ҳокимиятини ўғли Тарду шаднинг қўлига топширади. Демак, Тоҳаристоннинг бош ҳукмдори саналган ябғуларнинг келиб чиқиши Турк ҳоконлигининг асосчиси саналган Ашиналарга бориб тақалган (Бичурин, 1950. С. 321; Chavannes, 1903. P. 157; Бобоёров, 2003). Шу билан бирга, IX аср биринчи ярмида таржима қилинган Сюань Цзан саёхатномасининг туркий (уйғур)ча нусхасида роҳиб Тоҳаристон ўлкасида Ябғу-ҳокон (Тун ябғу-ҳокон – Ф.Ж.)нинг катта ўғли билан

кўришганлиги зикр этилади ва у роҳибга ўзини қуйидагича таништирганлиги *toxri' uayru ... m[ā]n tip: öz ätöz-in /ay/itu [?] sözlädi* – “мен Тўхор[истон] ябғусиман дея ўз-ўзини мадх этиб сўзлади” (Тугушева, 1991. С. 4) ҳақида маълумот келтирилади. Таъкидлаш лозим, мазкур маълумот нафақат Тохаристон ябғуларининг этник мансублигини кўрсатибгина қолмай, балки ябғуликнинг ташкил топиш санаси масаласига ҳам ойдинлик киритади. Демак, Сюань Цзаннинг Тохаристонга ташрифи ва Гарду шад билан учрашуви тахминан 630-йилларга тўғри келса, бу жараён аллақачон мазкур ҳудудда Ашиналарнинг бир тармоғи бўлган Ябғуларнинг ҳукмронлиги ўрнатилганлигини кўрсатади.

Шу ўринда қуйидагича савол туғилади: “нега ҳоқонлик бошқа воҳалардан фарқли ҳолда Тохаристонга алоҳида эътибор қаратган? Бу ерда *Ябғулик* бошқаруви жорий қилинишининг сабаби нимада?”. Аввало, Тохаристон ўлкаси Турк ҳоқонлигининг чегара ҳудудларидан бири эканлиги ва унинг атрофларида доимий ташқи душманлар хавфи (бир томондан Сосонийлар, иккинчи томондан эса собиқ Эфталийларнинг ўз давлатини қайта тиклаш учун ҳаракатлари) мавжудлиги ҳам ҳоқонлик маъмурияти томонидан инobatга олинган бўлиши мумкин, албатта. Иккинчидан, ўлканинг Фарбий Турк ҳоқонлиги таркибига кирувчи бошқа вассал ҳукмдорликлардан фарқли ўларок, анча кенг ҳудудни ўз ичига қамраб олганлиги² ҳамда конфедератив тузилиши (хитой манбаларига кўра, Тохаристоннинг 27 та ҳукмдорликдан ташкил топган эди (Малявкин, 1989. С. 193); сиёсий бошқарув марказининг бу ердан анча узоқда – Еттисувда жойлашганлиги ҳоқонликнинг Тохаристонни ташкил этувчи барча майда ҳукмдорликларни бошини бириктириб, уларни итоатда тутиб турадиган бир сиёсий уюшмани ташкил қилишга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган эди.

Тохаристон ябғуларининг сиёсий фаолияти Амударёнинг юқори ҳавзасида жойлашган кўплаб воҳаларда ёйилган эди. Жумладан, хитой энциклопедияси *Це-фу-юань-суй* (“Император кутубхонасининг бошланғич тошбақаси”)да Тохаристоннинг турк ябғуси ҳукмронлиги остидаги воҳа давлатчалари сифатида *Си-юй* (Зобулистон), *Ги-бин* (Каписа-Гандхара), *Гу-ду* (Хуттал), *Ше-хан-на* (Чағониён), *Кие-су* (Шуман), *Ше-ни* (Сигнон), *И-да* (Эфталий), *Ху-ми* (Вохон), *Ху-ше-киен* (Жузжон), *Фан-йен* (Бомийён), *Кие-ю-то-киен* (Кубодиён) ва *Пу-ту-шан* (Бадахшон) номлари келтирилади (Harmatta, Litvinsky, 1996. P. 371). Юқоридаги маълумотларга қўшимча равишда шуни таъкидлаш жоизки, хитой манбасида келтирилган қуйидаги маълумот ҳам Тохаристоннинг VIII асрлардаги сиёсий манзарасини тасвирлаб беради:

“Тўхористон ябғуси [акамнинг] амри остида турли давлатлар, хусусан волий ва волийлардан ташкил топган икки юз ўн икки раислик бир мажлис бор. *Си-юй* (Зобулистон) ҳукмдори икки юз минг суворий ва аскарларга саркардалик қилади. *Гу-ду* (Хуттал) ҳукмдори, *Ше-хан-на* (Чағониён) ҳукмдори, *Кие-су* (Шуман) ҳукмдори, *Ше-ни* (Сигнон) ҳукмдори, *И-да* (Эфталий) ҳукмдори, *Ху-ми* (Вохон) ҳукмдори, *Ху-ше-киен* (Жузжон) ҳукмдори, *Фан-йен* (Бомийён) ҳукмдори, *Кие-ю-то-киен* (Кубодиён) ҳукмдори ва *Пу-ту-шан* (Бадахшон) ҳукмдори, буларнинг ҳар бирида эллик минг жангчи бор. Бобомдан ва отамдан то ҳозирги ҳукмдорларга қадар [бутун] [Тўхористон ҳукмдорлари] бу фарқли ўлкаларнинг ҳукмдорлари эдилар” (Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri, 2007. S. 259).

Хуллас, мазкур матн VIII аср бошларида Тохаристоннинг маъмурий тузилиши ва сиёсий қудратини кўрсатувчи маълумот сифатида жуда муҳимдир.

Тохаристондаги давлат бошқаруви назар ташлар эканмиз, ябғуликни идора қилиш учун ҳоқонлик марказий ҳокимиятида амал қиладиган бошқарув усули тўғридан-тўғри нусха қилиб олинганлигини кўришимиз мумкин. Ябғуликдаги унвонлар иерархияси ҳам ҳоқонликдаги мартабалар тизими билан деярли ўхшаш эди. Тохаристонда *ябғу*, *шад*, *тегин* воҳанинг бош ҳукмдорлари ва уларнинг қариндошлари унвони сифатида, *тудун*, *тархон*, *эркин* бўлса нисбатан кичик ва Тохаристон ябғуларига бўйсунувчи ҳукмдорликлар бошқарувчиларига берилган унвон сифатида учрайди. Бу эса ҳоқонликка хос бошқарув анъаналари мазкур воҳа ҳукмдорликларида анча кенг ўрнашганлигини кўрсатади.

Олмониялик тадқиқотчи З. Штаркнинг фикрига кўра, Тарду шаднинг авлодлари анъанага мувофиқ ябғу (*йе-ху*) унвонига бўлиб, улар шимолда Ҳисор ва жанубда Ҳиндикуш тоғлари орасидаги барча кичик-кичик давлатчаларнинг бевосита олий ҳукмдорлари ҳисобланар эди. Бундан ташқари, тадқиқотчи Тоҳаристон феодал иерархиясининг энг юқори поғонасида Ғарбий Турк ҳоқони турганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда баъзи кўрсаткичлар мавжудлигини ҳам келтириб ўтади³

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳоқонлик мартабалар тизимига хос бўлган *ябғу – тегин – шад* шаклидаги унвонлар кетма-кетлиги Тоҳаристон ябғулигида ҳам амал қилган. Хусусан, араб манбаларида келтирилган маълумотлар ушбу ҳукмдорлик бошқарувидаги иерархияни яққол кўрсатиб беради. Жумладан, Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-расул ва-л-мулк” (IX аср) асарида араб саркардаси Қутайба ибн Муслимнинг ҳижрий 91(709) йили Тоҳаристонга юриш қилиб, Тоҳаристон ябғуси, қуйи Тоҳаристон ҳоқими аш-Шазз (Шад), Хуттал ҳоқими ас-Сабал (Ишбара) ва Бадғис ҳоқими Низак Тархонни ўз ҳузурига келтиргани ҳақида ҳикоя қилиб, қуйидаги тавсилотни баён этади:

“аш-Шазз Қутайбага деди: “Жабғуйа (Тоҳаристон ябғуси – Ф.Ж) гарчи менга душман бўлса ҳам, ёш жиҳатдан улуғ ва у малик, мен эса унинг кули баробаридаман. Унинг олдига боришга руҳсат бер”. У руҳсат берди ва аш-Шазз жабғунинг олдига бориб, унинг қўлини ўпди ва ергача таъзим қилди... Кейин у (аш-Шазз) ас-Сабал учун ҳам руҳсат сўради. Қутайбанинг изни билан у (ас-Сабал) унинг (жабғу) олдига борди ва қўлини ўпди. Ва Низак Қутайбага деди: “аш-Шаззнинг олдига боришга руҳсат бер, чунки мен унинг қулиман”. У (Қутайба) изн берди ва Низак аш-Шаззнинг олдига бориб, унинг қўлидан ўпди (История ат-Табари, 1987. С. 129; Беленицкий, 1950. С. 113).

Тоҳаристон ябғулиги қўлланилган унвонлар билан танишиб чиқар эканмиз, бошқарувда нафақат ҳоқонликнинг марказий ҳокимиятига хос *ябғу, хотун, шад, тегин* каби унвонларни учратамиз, балки ушбу ябғуликка бевосита ва билвосита алоқадор *элтабар, тудун, тархон, эркин* сингари нисбатан ҳоқонлик унвонлар тизимининг қуйи поғонасида турган унвонларга ҳам дуч келамиз. Жумладан, *xielifa* (элтабар) унвони Тоҳаристон таркибидаги Руб (Руй/Афғонистон)га оид бактрий ёзувли ҳужжатларда (639-682) ҳам маҳаллий ҳукмдорлар унвони сифатида ўрин олган (Бабаяров, 2007. С. 42). Хусусан, мазкур унвон нафақат келиб чиқиши туркийлардан бўлган қабила сардорларига, балки шу билан бир қаторда Марказий Осиёдаги воҳа ҳукмдорликларининг маҳаллий бошқарувчиларига ҳам берилган (Minogu Inaba, 2005. P.7). Хусусан, хитой йилномаларида Тун ябғу-ҳоқон ҳақида сўз юритилар экан, унинг “Ғарбий ҳудудларнинг барча ҳукмдорларига *xielifa* (элтабар) унвонини берганлиги ҳамда бож ва ўлпонларни йиғиш учун бу ҳудудларнинг ҳар бирига *tutun* (тудун) унвонли шахсларни жўнатган”лиги ҳақида гап боради (Бичурин, 1950. С. 283).

Маълумки, Турк ҳоқонлиги унвонлар тизимига хос бўлган, ҳоқоннинг рафикасига берилган *хотун* унвони ҳам Тоҳаристонда учраши эътиборга лойиқдир. Хусусан, мусулмон манбаларида келтирилган маълумотларга кўра, VII аср ўрталарида араблар Тоҳаристон чегараларига бостириб келганда, унинг таркибидаги бир неча воҳаларда ҳукмдорлар билан биргаликда *хотун* унвонига эга маликалар ҳам ҳукмронлик қилар эди. Шунингдек, ал-Мутаҳҳар ибн Тоҳир ал-Мақдисийга кўра, араб саркардаси Убайд Аллоҳ ибн Зиёд 24 минг кишилиқ қўшин бошчилигида Марвдан Тоҳаристонга бостириб киради. Шу даврда Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида жойлашган ҳудуд Фатух-хотун исмли маликанинг бошқаруви остида бўлганлиги ва арабларга қарши ўз қўшинларини йўналтирганлиги ҳақида маълумот келтирилади (Камалиддин, 2005. 19-20 бб.).

Ябғулик таркибига кирувчи воҳалар бошқарувида *эркин* унвонининг учраши ҳам эътиборга лойиқдир. Хусусан, воҳа ҳукмдорлари орасида 700-йилларда Хуттални, 719 йилда эса Кумедни *эркин* унвонли ҳукмдорлар бошқарганига доир маълумотлар хитой йилномаларида ўрин олган. Хусусан, Хутталда *сы-гин* (эркин) унвонли аш-Шабал (Ишбара, 699-727), Кумедда 742-745 йиллари *И-си-лан сы-гин* (Арслон?-эркин) бунга мисол бўла

олади (Бичурин, 1950. С. 324-326; Мандельштам, 1957. С. 135-136).

Шунингдек, Балх, Термиз, Хуттал, Бадғис ва бошқа воҳаларда *тархон* унвонли амалдорларнинг номлари ҳам учрашига дуч келамиз. Мазкур унвонга сазовор амалдорларнинг вазифаси асосан кўшинга раҳбарлик қилишдан иборат бўлиб, баъзан улар дипломатик аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳам бажариб, халқаро алоқаларда элчи сифатида иштирок этишган. Масалан, хитой йилномаларида Кай Юан эрасининг 26 йили (738 й.)да Тоҳаристон ябғулиги биринчи марта юқори даражадаги давлат амалдори Инанчу тархонни император саройига ҳадялар билан жўнатгани қайд этилади (Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri, 2007. S. 213). Айниқса, VIII асрнинг биринчи чорагида Тоҳаристон ябғулиги таркибидаги ҳукмдорликлардан Хитойга юборилган ўнлаб элчиларнинг ушбу унвон билан тилга олиниши юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Тоҳаристоннинг бошқарув тизимига хос яна бир хусусиятлардан бири ушбу ўлка таркибидаги баъзи майда ҳукмдорликларнинг ҳоқонликдаги нуфузли *тардуш* (Кумедда), *Хису турклари* (ўғузлар бўлиши мумкинлиги ҳақида қарашлар мавжуд; Шуман ва Ахарунда), *қарлуқ*, *халач* каби нуфузли туркий уруғлар томонидан бошқарилишидир.

Ябғуликнинг пойтахт қароргоҳи масаласига келсак, кизиқ бир ўхшашлик эътиборимизни ўзига тартади. Хусусан, Тоҳаристон ябғулигининг марказ қароргоҳи ҳақида ёзма манбаларда келтирилган тасвир Турк ҳоқонлигининг маъмурий марказлари (Еттисув, Суёб, Мингбулоқ, Жабғукат каби ёзги ва қишки қароргоҳлар) ҳақидаги маълумотларни эслатади. Маълумки, Тоҳаристон ябғуларининг қароргоҳи Қундуз (*хит. Хо*)⁴ да жойлашган бўлиб, бу ҳақда “Дай Тан си юй цзи” (“Буюк Тан [сулоласи ҳукмронлиги даврида тузилган] Ғарб мамлакатлари ҳақидаги маълумотлар”)да қуйидагича маълумот келтирилади:

“Хо мамлақати қадимги Тўхор мамлақатининг тупроқларида жойлашган. Майдони икки минг лидан ортиқ кенгликда, пойтахти эса йигирма ли катталиқдадир. Мамлакатда йўлбошчи йўқ, туркларга бўйсунди... Мамлакатнинг ҳукмдори турклардандир. [Ҳукмдор] Темир Қапиғнинг жанубидаги бутун кичик ўлкаларни бошқаради. Ҳукмдор ҳамма вақт бир жойда турмайди ва аниқ бир макони йўқ” (Александрова, 2008. С. 237-238.)

Шунингдек, бошқа ёзма манбаларда, хусусан, буддавий асарларда ҳам *Хо* (Қундуз) мамлақатининг ҳукмдори турклардан бўлганлиги ва Темир Қапиғ (Шаҳрисабздан 90 км жанубда Бойсун тоғида жойлашган ҳозирги Бўзғола гузари)нинг жанубида жойлашган кўплаб мамлакатларни бошқарганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд (Ekrem, 2003. S. 183).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Тоҳаристон ябғулиги моҳиятан Ғарбий Турк ҳоқонлигининг кичик бир моделига ўхшаб кетар эди. Мазкур ҳудудда туркларга хос давлатчилик анъанасининг кенг ёйилганлиги, айниқса, туркий унвонларнинг воҳалар бошқарувида ҳам ҳоқонлик иерархиясига мос равишда жой олганлиги бу борада изоҳга ҳожат қолдирмайди. Демак, Тоҳаристон ябғулигининг бошқаруви мисолида аввало Ғарбий Турк ҳоқонлигининг вассал ҳукмдорликлар бошқарувида ўзига хос маъмурий сиёсат олиб борганлигини кўриш мумкин. Тобе ўлкалар бошқарувида бундай индивидуал ёндашув ҳоқонликнинг вассал ҳукмдорликлар бошқаруви юзасидан шу пайтгача билдирилиб келинган баъзи фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади.

Изоҳлар

1. Бу ибора ҳарҳолда эфталийларнинг Тоҳаристон мамлақатини ишғол қилиши билан алоқадор бўлса керак. Маълумки, 484 йилда эфталийлар ҳукмдори Вахшунвар сосонийлар ҳукмдори Перозни жангда ўлдирганидан сўнг Тоҳаристон ўлкаси эфталийлар томонидан эгалланган эди. Тахминан 630 йилда ўлкага хитойлик роҳиб Сюань Цзан ташриф буюрган пайтда Тоҳаристон турклар ҳокимияти остида эди ва саёҳатнома муаллифи бу мамлакатни “қадимги Тўхор” мамлақати деб атаган. Қаранг. Ekrem, 2003. S.136.
2. Маълумки, илк ўрта асрларда Тоҳаристон ўлкаси таркибига Амударёнинг ҳар иккала қирғоғидаги ҳудудлар, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳамда Афғонистоннинг шимолӣ минтақалари кирган. Мазкур ўлкага 629-645 йилларда ташриф буюрган хитойлик роҳиб Сюань Цзаннинг саёҳатномасида “[Бу мамлакатнинг] шимол-жануб томони чамаси минг ли, шарқ-

- ғарб томони эса уч минг ли узунликдадир. Шаркий чегаралари Цун-лин (Помир) тоғигача, ғарбий чегаралари эса Бо-ла-си (Сосоний) [мамлакатигача] чўзилган, жануби Буюк Цю-шан (Ҳиндикуш) гача, шимоли Те мэнъ (Темир Дарвоза)гача етади” (Beal, 1906. P. 36-37; Ekrem, 2003. S. 135).
3. Тадқиқотчи З. Штарк кўрсаткичлар деганда бактрий тилидаги ҳужжатларда энг олий ҳукмдор сифатида ҳокон зикр қилинганлигини назарда тутган (Stark, 2008. S. 211-212).
 4. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу қароргоҳ мусулмон манбаларида келтирилган Варвализ билан идентик (айнан) дир ва у ҳозирги Афғонистон шимолидаги Қундузоб ва Амударё ўзаро туташадиган жойнинг шарқида жойлашган Қалъаи-Зол ҳаробаси ўрнида локализация қилинади (Ekrem, 2003. S. 183). Ушбу шаҳар хитой йилномалари – Тан-шуда А-хуан, Цзю Тан-шуда эса У-хуан номи билан зикр этилади ва мазкур хитойчадаги шаҳар номи эса Авар сўзи билан тенглаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Александрова Н.В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. М.: Вост. лит., 2008.
2. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VII-VIII вв. н.э). Т.: 2007.
3. Beal S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records on the Western World, vol. I. London, 1906.
4. Беленицкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в. н.э. // МИА. №15. М., 1950.
5. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л., 1950. Т. I.
6. Бобоёров Ф. Тоҳаристон ябғулари тарихига доир (VII-VIII асрлар) // Ўзбекистон тарихи. “Фан”, 2003. 3-сон.
7. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi. Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003.
8. Harmatta J., Litvinsky B.A. Tokharistan and Gandhara under Western Türk rule (650-750) // History of Civilizations of Central Asia. Vol. III, Paris, 1996.
9. Minoru Inaba. The Identity of the Turkish to the Hindukush from the 7th Centuries A. D. Zinbun, 2005, №. 38.
10. История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). Ташкент, 1987.
11. Камалиддин Ш.С. О роли женщин в тюркском обществе // Ўзбекистон хотин-кизлари: кеча ва бугун (илмий-амалий конференция маърузалари, 23 декабрь, 2004 й). Тошкент, 2005.
12. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб. отд. 1989.
13. Мандельштам А.М. Материалы к историко-географическому обзору Памира и припамирских областей. С древнейших времён до X в. н.э. – Душанбе, 1957.
14. Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turcs) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. С-Пб., 1903.
15. Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri. Edouard Chavannes. Çeviri Mustafa Koç. Selenge Yayınları. İstanbul, 2007.
16. Stark S. Die Attürkenzeit in Mittel-und Zentralasien. Wiesbaden, 2008.
17. Таşağil A. Gök-Türkler. Ankara, 1995.
18. Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана (фрагменты из ленинградского рукописного собрания Института востоковедения АН СССР). М.: Наука. 1991

Резюме

В статье автор с привлечением широкого круга источников рассматривает некоторые особенности управления государства Тохаристанских ябгу, в том числе его титулатуру. Анализ титулатуры данного государственного объединения показал, что большинство используемых в нем титулов идентично титулам Тюркского каганата. Это факт, а также сведения письменных источников позволяют говорить о государстве Тохаристанских ябгу как о малой модели Тюркского каганата.

Summary

In article author with attraction of the broad circle of the sources considers some particularities of management state of Tokharistan’s yabghu, including his titles. The analysis of titles given state association has shown that majority used in him title identical title Turkic каганата. This fact, as well as information of the written sources allow to speak of state Tokharistan’s yabghu as about small model Turkic Qaghanate.

КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОР ХАЛҚЛАР ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ТУЗУМИНИНГ ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИДАГИ ЎРНИ

Кўчманчиларнинг давлатчилиги ҳақидаги савол ечими улар ижтимоий-иқтисодий тузумининг тарихий тараққиёт босқичларида қандай бўлганлиги билан ҳам узвий боғлиқ. Евроосиё чўлларида яшаган кўчманчилар ўтмишини даврлар силсиласидан ҳоли, ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарлардан алоҳида чегараланган кўринишда кечган деб тасаввур қилиш мумкин эмас. Тарихий жараёнлардаги янгилашни кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги назария-ижтимоий тузумни, янги таснифлашни ҳам тақозо этмоқда. Кўчманчиларнинг цивилизацияси ва давлатчилиги билан боғлиқ саволлар ҳам шулар билан боғлиқ.

Кўчманчилар ижтимоий-сиёсий тузуми муаммоси масаласида, XIX аср 80 йилларидан буён қатор тадқиқотчилар томонидан турли хил фикрлар айтилган (Хазанов, 1975. С. 265).

С.П. Толстов, кўчманчилар милоддан аввалги II асрдан то эраизнинг VIII-IX асрларигача қулдорлик босқичини (жамиятини) босиб ўтганлиги ва бу жамият ҳарбий қулдорлик демократияси шаклида ривожланганлигини таъкидлайди (Толтов, 1934). Мутахассислар, милодгача I минг йилликлардаги илк кўчманчилар жамиятини давлатчиликкача, ўрта аср кўчманчилари жамиятини эса давлатчилик кўринишига эга бўлган, деб ҳисоблашади (Лашук, 1967. С. 25-27).

Кўчманчилар жамиятида шарқ деспотизми деб аталган ҳолат ўтроқ деҳқончиликдаги каби ривожланган шаклда бўлмаган. Бу тузум аҳолини қаттиқ эксплуатация қилишга асосланганлиги учун ўтроқ воҳалардаги оғир меҳнат (мудофа иншоатлари ва сувга бўлган эҳтиёж туфайли) билан боғлиқ (Сулейменов, 1989. С. 67).

Археологик манбалар милодий эрдан аввалги VI-V асрларда кўчманчиларда кўплаб чорваси бор зодагон кишилар пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Чертомлик, Солохо, Аржан, Тагискен, Кулоба, Синташта ва бошқа мазорқўрғонларда ҳукмдорлар ўзининг бир неча ўнлаб аён ва хизматкорлари билан дафн этилган.

Тарихий ёзма манбаларда кўчманчилар бошқаруви ҳақида кўпгина маълумотлар берилган. Геродот, скифларнинг ўз подшоси борлиги, Плутарх уларнинг подшоларидан Иданфирс, Атея ҳақида, Страбон эса кўчманчи скифлар подшоси Сирм ҳақида маълумот бериб уларнинг оддий одамлар эканлигини таъкидлайди (Кшибеков, 1984. С. 76). Сак ва усунларнинг ўтроқ ҳаёт тарзи билан боғлиқ янги маълумотлар, уларда давлат бўлганлиги ҳақидаги фикрни мустаҳкамлайди (Байпаков, Подушкина, 1984.)

Кўчманчи чорвадорлар ҳўжалиги ва сиёсий тузулмаси бутун тарихи мобайнида деярли ўзгармади. Бир гуруҳ олимлар кўчманчилар тузган давлатлар вақтинчалик аҳамият касб этувчи қабила иттифоқлари тарзида мавжуд бўлганлигини таъкидлашади (Моисеев, 1995. С. 25-26).

Кўчманчиларда давлат вужудга келиши ўз қабиласи ва бошқаларни таъсирига олиб буйсундира олган, жасур, оқил, ишларида омадли қабила бошчиси бўлган бир қабиланинг кучайиши билан боғлиқлиги кўп кузатилади. Унинг танназули эса уруғ ва қабилаларнинг мустақиллик учун интилишининг тобора кучайиб бориши таъсиридан озикланадиган ўзаро низолар ҳисобига содир бўлади.

Милодий эрдан аввалги I-минг бошларига келиб Сирдарё бўйларида яшовчи кўчманчи-чорвадорлар томонидан ҳам дастлабки давлат конфедерацияларига асос солинади. «Авесто»да улар турлар деб номланади. Унда ёзилишича, турлар подшоҳлари Франграсьян бошчилигида деярли бутун Ўрта Осиёни бўйсундирганлар. Фақатгина, Дрангиана ҳокими Виштасплар сулоласининг асосчиси шоҳ Кави Виштаспгина Чайчақта кўли бўйида кўчманчиларга зарба беришга муваффақ бўлади (Махкам, 2001; Исмоков, 2001). Сирдарёнинг ўрта ва қуйи қисмида яшовчи сак қабилалари томонидан милоддан аввалги III-

асрнинг охири ва II асрнинг бошларида Қанғ давлатига асос солинади (Бичурин, 1950).

Қанғ тўғрисидаги илк маълумотлар «Авесто»да учрайди, унда у Қанғха деб номланади:

“-О, муқаддас Ардвиг Сур

Кўрқмас Варсакининг

Авлодларини енгай.

Муқаддас Қанғхадаги

Хшатросуктанглиги

(Ичра тўқнашган чоғда)» (Исҳоқов, 2001. 22-23 б.)

Қанғ давлати тўғрисида бирмунча батафсил маълумот берувчи хитой манбаларида у Қанғуй деб аталади (Бичурин, 1950). Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Қанғдиз афсонавий Сиёвушнинг юрти деб ёзилади (Фирдавсий, 1971.736 б.). Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, Сиёвуш африқийлар сулоласининг асосчиси бўлиб, улар эрамиздан аввалги XIII асрдан то эрнинг X асригача Хоразмда ҳукмронлик қилганлар. (Бируни, 1957.С.487).

Шунингдек қанғарлар ҳақида, хитой манбаларида, “пахса (лой) деворли уйлар ичида яшовчи,”- деб ҳам маълумот берилади. Булар ҳудудда кўчманчи чорвадорлар билан бирга деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли салмоғининг ҳам анчагина бўлганлигини кўрсатади.

А.Б. Литвинский қанғуйларнинг ёзги манзилгоҳлари Сирдарё бўйлаб жойлашган. Хукмдорларининг пойтахт қароргоҳи эса Тошкент яқинида бўлган. Шу сабабли Қанғуйнинг маркази ҳам Сирдарёнинг ўрта оқими деган фикрни илгари суради (Литвинский, 1967).

Археологлар Тошкент воҳасидаги маҳаллий илдизларга эга Қовунчи маданиятини Қанғуй маданияти деб ҳисоблашмоқда (Буряков, 1982).

Хитой манбаларида Сирдарё хавзасида 3 та мулк – Янцай, Қанғуй, Юйни бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади. Сирдарёнинг ўрта оқимида олиб борилган археологик тадқиқотлар ушбу мулкларни бу ҳудудларда ўрганилган маданиятлар билан таққослаш имконини беради.

В.В. Григорьев Тошкент воҳасида сака-тиграхаудалар яшаган деб ҳисоблайди (Григорьев, 1871). Ю.Ф. Буряков фикрича, Юейни (Тошкент воҳаси) Қанғуй давлати таркибига дастлаб кичик мулк мақомида кириб, кейинчалик унинг асосий негизини ташкил қилади.

К. Шониёзовнинг ёзишича, Қанғ давлати Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшовчи бир қанча кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларни ҳамда ўлкаларни бирлаштириб милоддан олдинги II-I асрларда Ўрта Осиёдаги йирик ва кучли давлатга айланади (Шониёзов, 1990). Шу даврларга келиб Қанғ сиёсий бирлашмаси Сўғдиёна ҳамда Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу давлатнинг асосий маркази Сирдарёнинг ўрта оқимларида бўлган. Эрамиздан аввалги II аср бошларида уларнинг ерлари бир мунча кенгайиб, шарқда Фарғона водийси, шимолий-шарқда усун, юечжи қабилалари билан чегарадош бўлган. Шимолий-ғарбда Қанғ давлатининг ерлари Сарису дарёси, ғарбда Сирдарёгача борган.

Хитой манбаларида Қанғуй подшолари мамлакатни оқсоқоллар кенгашига таяниб бошқарганлиги таъкидланади. Бу кенгашда қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашиб давлат ҳокимиятига молик масалалар ҳал этилган. Подшо ҳокимияти маслаҳат мажлиси билан ҳамкорликда иш юритган. Бу бошқарув усули тарихда ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган (Асқаров, 2007. 167 б.). Араб тарихчиси Табарий ҳам ҳақиқатан ҳам шундай конфедерация бўлган ва унга кирувчи шоҳлар Хоразм яқинидаги шаҳарларнинг бирида Кенгашга тўпланиб турганлигини ёзади.

Давлатга қарашли ерлар бир неча вилоятдан ташкил топган эди. Улар чорвадор қабилаларга қарашли ерлар бўлса уларни жабғу(ябғу)лар бошқарган. Жабғулар одатда, ҳоқонларга яқин кишилардан тайинланган. Ўтроқ аҳоли яшайдиган вилоятларни бошқариш эса маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида қолдирилиб, улар ҳоқон тайинлаган туданлар назоратида марказий ҳокимиятга мунтазам солиқ (бож) тўлаб турган. Бундай тобе вилоятларга

Хоразм, Сўғд, Урал бўйлари ва аланлар қирган.

Қанғ даврида, даштда осойишталик ўрнатилиб, талон-тарожга чек қўйилиши чорвачилик ривожланишига самарали таъсир қилди. Милод бошларида, оддий тарзда юзага чиққан поғонали улуш тизими бора-бора оддий турмушга ҳам кириб борди. Оилавий муносабатлар шаклланишига таъсир этиб, мулкнинг тақсимланишига тўғаноқ бўлди ва катта-катта оила жамоалари пайдо бўлишига туртки бўлди. Қулай вазиятлар туфайли дашт аҳолиси анчагина бойиб қолди. Қанғарлар ана шундай идора усули намунасини улкан мамлакатни биргалликда идора этиш билан амалда кўрсатдилар.

Илк ўрта асрларда Ўрта Сирдарё бўйига минтақасига кўплаб (хионий, кидарий, эфталит, турк) халқларнинг кириб келиши ижтимоий сиёсий жараёнларнинг фаоллашувига туртки берди.

Бу пайтда Турк ҳоконлиги салтанатнинг элларни бир-бирига боғловчи бу минтақасида яшовчи халқлар жамияти тараққиётида анчагина ўзгаришлар сезилган. Дастлабки наслдан наслга мерос бўлиб ўтадиган илк феодал давлатнинг пайдо бўлиши бир қанча қабилаларнинг ягона давлатга бирлашишига имкон берди. Бунда, айниқса турк ҳоконлиги даврида, ҳарбий хизматчилар бу жамиятга катта патриархал оилада асосий ячейка бўлиб кириб келди (Гумилев, 2007. 110 б.). Туркий битиклар беклар қора халққа доим қарама-қарши бўлмаганлигини, Олий ҳукумат ҳам доим беклар тарафини олмаганлигини англатади (Гумилев, 2007. 110 б.).

Хитой манбаларида билдирилишича, турк ҳоконлигида, хон эълон қилиш анча мураккаб маросим бўлган. Аёнлар уни наматга ўтказиб, офтобли ерда тўққиз марта айланганлар, бу аснода қатнашчилар баланд овоз билан уни табриклаб, чақириқ қилганлар. Сўнгра, отга миндиришган, бўйинини ипак мато билан қисиб боғлаб, шу захоти боғични бўшатган ва неча йил хон бўлиш истаги борлигини сўрашган.

Қадимги туркий афсоналарда айтилишича, давлатчиликнинг маркази, ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштирувчи шахс ҳокон ҳисобланган. Бошқарувда ҳоконликнинг ҳукмрон сулоласи асосий бўлиб у учта куч-осмон, ер-сувнинг куч ва иродаси ҳамда турк халқининг яратувчанлик фаолияти туфайли юзага келтирилади (Эшов, 2009. 198 б.).

Агар хон вафот этса, хонлик тахтига қабилла оқсоқолларининг маъқуллаши билан хоннинг ўғли эмас унинг жияни ёки укаси кўтарилган. Ҳоконлик тахтига ворислик қондаси, турк давлатчилиги тузилиши учун хос бўлган улусларга бўлиниш тартибига асосланиб белгиланар эди. Ушбу тизимга кўра тахт одатда отадан ўғилга эмас, акадан укага амакидан жиянга мерос қолар эди. Печенегларда эса, хон вафотидан сўнг унинг ўрнини бир қорин нари қариндоши эгаллаган (Федоров-Давыдов, 1966. С. 76). Марҳум ўлими олдидан ворис номини васият қилган.

Бунда унинг ўғли ёки укасига тахтнинг берилмаслиги битта оила қўлида давлат бошқарувининг сақланиб қолмаслигини таъминлаган. Бироқ, ён қўшнилarga ҳурмат кўрсатишига қарамай, бегона уруғдан ҳеч ким олий ҳукмдор бўлиши мумкин эмас эди. Фақат ҳукмрон уруғга мансубларгина хўжайин сифатида қабул қилинарди.

Бизнингча, даштдаги иттифоқлар бир хил усулда эмас, ҳар хил йўл билан ташкил топган. Хоннинг сайланиши, ворислик билан ҳокимиятга келишга нисбатан кам учрайди. Донгдор уруғларни кириб ташлашга Чингизхонгина қўл урган, бундай одат турк, уйғур ва хуннлар тарихида кузатилмайди.

Ўрта Осиёда маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилувчи- ҳоконнинг вакиллари “гудун” деб аталган. Майда амалларга Ашина уруғига мансуб бўлмаган кишилар тайинланарди. Бироқ, барча лавозимлар наслий бўлган. Мана шу асосда туркутлар жамияти зодагонлар жамияти бўлган дейиш мумкин.

Уруғни бошқариш уруғ аслзода оқсоқол (етакчи)лари ихтиёрида бўлган. Улар йўлбошчи бийни сайлашган. Уруғ етакчиларидан ўнлик, юзлик бошқарувчилари ҳам бўлган. Қабилани бошқариш кўпинча бир уруғ қўлида бўлиб у наслдан наслга ўтган. Қабилла-уруғчилик мафқураси кучли бўлиб бой чорвадорнинг камбағал уруғдошлари уларнинг мол-

Кўчманчи чорвадор халқлар жамияти ижтимоий-сиёсий тузилмаси



ларини боққан. Йирик чорвадорлар яқин қариндошларининг ёрдамисиз кўп сонли чорвани сақлай олмасди. Низоли масалалар анъана асосида патриархал уруғ доирасида ҳал қилинган.

Уларнинг ўзига хос бўғинли жамияти, кишилар гуруҳи ўртасида бошқариладиган бир хил асосли қариндошчилик алоқалари ва никоҳ муносабатларининг ён қариндош, кўпинча атроф уруғлар билан боғланиши, ҳамкорликдаги умумий яшашни, кичик оилалардан йирик қабилалар ташкил топишини таъминлаган. Қабила ва уруғ жамоаларининг негизи катта оилалардан иборат бўларди. Оилалардан уруғлар, уруғлардан қабилалар, қабилалардан эса ўрда ва хонликлар ташкил топганлиги яъни ўзига хос бўғинли ички бошқарув тартиби-оила ва қабилалардан иборат тузилмалар, катта давлатни қабила оқсоқоллари орқали бошқаришни осонлаштирган (Тереножкин, 1977. С. 7-11).

Бунда асосий муаммо узоқ ўлкаларни бошқариш масаласида келиб чиқади. Ноибликка қариндошлардан тайинлаш мумкин, бироқ, бу билан вазият ўзгармаган. Чунки қариндошлар орасидаги урушлар ҳам янги бир ҳодиса эмас эди. Мана шундай бир ҳолатда, илк ўрта асрларга келиб поғонали улуш тизими ишлаб чиқилди. Унинг мазмуни жўнгина эди: ноибнинг яхши ниятлари, шахсий сифатлари содиқ қўшнига қафолат бўла олмас экан, уни марказий ҳукуматга боғлаб қўядиган манфаат ўйлаб топиш лозим эди. Поғонали улуш тизими тахтга ворислик қилиш навбатини ўрнатди. Ушбу анча чигал ва мураккаб улус (улуш) тизимининг поғонали мерос йўли анча ижобий натижалар берди. Ҳокимият доимо тажрибали кишилар қўлида бўлди. Улус беклари эртами кеч олий ҳокимиятга эришиш илинжида ғалаёну фитналарга қўл уришмади ва мамлакат ривожланиб борди.

Оилалар ўсиб қабилаларга айланди, бироқ бу ўсиш худудий ва ташкилий яхлитлик

сақланган ҳолда содир бўлди. Оқсоқоллар ўзларининг мавқеларидан фойданалиб, ҳатто хон ва идуқут унволларини қабул қилишгача бориб етдилар. Бу ҳолат айниқса турк ҳоқонлиги даврида тўлиқ шаклланди. Бу пайтда, қабилаларнинг асосий душмани марказий ҳокимият бўлиб, уларнинг манфаатлари келиштириб бўлмас даражада қарама-қарши эди. Қабила оқсоқоллари ўз молларини боқишни, бетарафликни, ёлланма аскарлар бериб хондан совга олиб туришни истарди. Хонлар эса турли хил солиқ ва мажбуриятлар талаб қилишар эди (Гумилев, 1967. С. 69).

Қадимий анъаналар асосида жамиятни бошқараётган, ҳоқон, тудун, тарихан ва қабила-уруғ оқсоқоллари, ўз қўли остидаги одамлар сони ва яйловларини аниқ билишган. Кўчманчилар жамияти ривожини юқоридаги шаклланиш босқичлардан сўнг ўрта асрларга келиб қуйидаги ижтимоий қатламни ҳосил қилди. Бу энди анча мураккаб ижтимоий-сиёсий кўриниш касб этарди (1-илова). Бундан ташқари ўрта асрларда алоҳида савдогарлар, маънавият вакиллари, мулла, бахши каби ижтимоий гуруҳ вакилларининг нуфузи ошиб борган.

Хуллас, Қанғ давлати ва ундан кейинги давлат тузилмаларининг ўзига хос бошқарув тартиблари бўлиб, улар илк ўрта асрларда, айниқса жадал шаклланди. Уларнинг барчаси қадимий туркий бошқарув удумлари билан қоришиб кетган эди. Қадимий илдизга эга ўзбек давлатчилигига хос айрим ижтимоий-сиёсий муносабатлар кейинги даврларда янада сайқал топиб давлатчилик анъаналарида муҳим аҳамият касб этган. Бу анъаналар асосидаги бошқарув тартиблари шунчалик мукамал эдики, натижада, у улкан ҳудудларни ягона тутумга келтириб, тарқоқ элларни бирлаштирди, манфаатлар муштарақлигини таъминлади.

Бу ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик пухта ва мукамал бўлмасин вақт ўз ҳукмини ўтказмоқда, манфаатлар тўқнашуви сиёсий жипсликка тобора раҳна солмоқда эди. Бу жараён, ҳукумат умумхалқ манфаатини кўзлаган тақдирда ҳам ўз мевасини бермасдан қолмас эди. Ушбу ўзига хослик заминидан ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги ҳамда уруғ-аймоқчилик турмуш тарзининг сақланишига асос бўлган, тор дунёқарашга асосланган мафкуравий қарашлар ва кўчманчи чорвачиликка асосланган хўжалик ётарди.

Фойдаланилган адабиётлар

- Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., "Университет", 2007.
- Байпаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, Наука, 1984.
- Бируни. Памятники минувших поколений /Избр. произв. Т. 1. /Пер. М.А. Салье. – Ташкент, 1957.
- Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. т. 1 и II, М.-Л., 1950.
- Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982.
- Григорьев В.В. О скифском народе саках. – М., 1871.
- Гумилев Л.Н. Древние турки. М., 1967.
- Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Тошкент, 2007.
- Исҳоқов М. Авесто. Яшт китоби. – Тошкент, 2001.
- Кшибеков Д. Кочевое общество. Алма-Ата. Наука, 1984.
- Лащук Л.П. Историческая структура социальных организмов средневековых кочевников // Советская этнография, № 4. М., 1967.
- Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы // СА. 1967. №2.
- Махаммад А. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Тошкент, 2001.
- Моисеев В.А. К вопросу о государстве у казахов накануне и в начальный период присоединения Казахстана и России // Восток, №4, 1995.
- Сулейменов Р.Б. Формационная природа кочевого общества: проблема и метод //Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, Наука, 1989.
- Тереножкин А.И. Общественный строй скифов. "Скифы и сарматы". Киев, 1977.
- Толстов С.П. Генезис феодализма в кочевых скотоводческих обществах // ИГАИМК. Вып. 103. М., 1934.
- Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточной Европы под властью Золото-Ордынских ханов. МГУ, 1966.

- Фирдавсий А. Шохнома. Т. 1. Форс тилидан Ш. Шомухамедов таржимаси. – Тошкент, 1971.
Хазанов А.М. Социальная история скифов. М., 1975.
Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент, 1990.
Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Тошкент, "Маърифат", 2009.

Г. Акимниязова

Нукусский государственный пединститут

СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ГОРОДА ХОРЕЗМА НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ

В истории человечества огромную роль играл Великий шелковый путь. Его формирование началось в III-II тыс. до н.э., в виде примитивной формы контактов и обменных связей между близлежащими регионами. Со временем образования Степного пути (I тыс. до н.э.) протяженность торговых дорог и его сфера влияния охватывали все новые территории. В середине II в. до н.э. Великий шелковый путь начинает функционировать как основная торговая трасса в Евразии. Впоследствии с активизацией регулярной дипломатической и торговой связи между странами основная артерия торгового пути дробилась на множество ответвлений, которые соединялись городами и культурными оазисами. Однако, надо отметить, основной путь с востока на запад на протяжении пятнадцати веков проходил через земли Центральной Азии, включая и города средневекового Хорезма.

В средневековых источниках описываются караванные маршруты между населенными пунктами Хорезма и их расстояния. Так, в сочинении ал-Истахри «Китаб масалик ал мамалик», написанного в 830-833 гг., приведены следующие пункты городской культуры низовьев Амударьи: главный город Хорезма это - Джурджания (Гургандж), затем следуют населенные пункты по значимости: Хива, Хазарасп, Хушмисан, Ардахушмисан, Нузвар, Кардаранхош, Сафардоз, Дарган, Дарджаш, Курдер, селение Баратегин, Мазминия, Маздахкан.

В сочинении Ибн Хаукаля «Китаб ал месалик ва-л мемалик», написанном в X в., мало сведений касательно исследуемого нами региона, те данные, которые он приводит в некоторой степени повторяют сведения других авторов. Однако в его описании есть информация о ранней столице Хорезма Дарджаше и о Касе (Кят). В частности сообщается, что Кас имел цитадель, шахристан (внутренний город), соборную мечеть, зиндан (тюрьма), пересекающий город канал Джардур и рынок [МИТТ. I. С. 183]. Судя по сведениям ибн Хаукаля, город располагался на торговом пути. Как отмечает автор, «рынки его были благоустроенными, торговля обильна и оживлена». В отличие от других авторов у ибн Хаукаля имеются историко-топографические сведения и о новой столице области. Столица Хорезма Джурджан часто упоминается и в других ранних арабских источниках как «самый большой город» области [МИТТ. I. С. 181]. В географическом словаре ал-Макдиси «Ахсан ат такасим фи-марифат ал-акалим» составленном в 985-100 гг. наряду с другими сведениями значительное место отведено Хорезму, где дан более подробный список городов, селений (их 33) и ассортимент ввозимых и экспортируемых товаров. Помимо общего списка населенных пунктов, в работе ал-Макдиси есть данные о дорогах, топографии городов, некоторые замечания о составе и образе жизни населения. В частности, он пишет, «Джурджан—главный город Хорасанской стороны», через Замахшар, Джигербент, Джаз, Джит (Пульжай) проходила «большая дорога» (караванный путь - Г.А.). Это позволило Хорезму уже в домонгольское время стать «местом торговли с гузами и тюрками», отдаленными регионами Евразии [МИТТ. I. С. 186]. Именно ал Макдиси в отличие от других авторов средневековья составил подробный перечень товаров Хорезма. Судя по его замечанию, Хорезм, являясь ключевым транзитным пунктом, торговал с Волжской Булгарией (X-XIII вв.), Восточными странами и получал 27 видов иноземного товара. Эта выгодная торговля осуществлялась благодаря наличию караванной дороги через северный Хорезм с Восточной Европой. В первом персидском анонимном географическом сочинении, «Худуд ал Алам» («Границы мира»),

написанном в 982 г. также содержатся некоторые сведения о главных торговых городах Хорезма. Дана подробная характеристика Каса и Гурганджа, тогда они были «воротами в Туркестан гузский, местом стечения купцов». То есть эти столичные города в средневековье располагались на караванной трассе с тюркским миром Арало-Каспийского региона.

В целом, начиная VI-VII вв. и в течении последующих столетий через Хорезм шло основное число посольских и торговых караванов. Однако, со временем, в связи с политическими и другими обстоятельствами, внутренние трассы Хорезма, связанные с основной артерией, претерпели изменения. Для Хорезма более приемлемым был маршрут из Мавераннахра, - дорогу из Кята в Бухару хорезмийцы использовали с давних времен. Этот отрезок торговой коммуникации пролегал через Шурахан, караван-сарай Мешекли, Топрак кала, Сартарош, Кыз кала и далее следовал в Фараб. В эпоху Великих Хорезмшахов (XI-XIII вв.) эта трасса благоустраивалась, были построены новые караван-сарай [Толстов, 1948а. С. 167-168]. В отличие от других направлений, этот путь действовал также в эпоху монголов и темуридов, и в источниках известна как «се-поя»инская. О существовании этой дороги свидетельствуют Ибн Баттута (XIV в.), Низаматдин Шами и Шарафуддин ал Йазди (XV в.) [Ибрахимов, 1993, с.64; Йазди, 1994], отражая тесные вековые связи Хорезма с Мавераннахром. На этом маршруте кроме Кята торгово-ремесленными центрами были Кават кала, Джанпык кала и Миздахкан. Кават кала – центр огромного сельскохозяйственного оазиса. Вокруг него расположены более сотни рустаков, сюда стекались товары из отдаленных стран. Среди археологических находок кашинная керамика, люстр и минаи из Ирана. К примеру на Джанпык кале расположенной на краю горы Султануиздаг обнаружены следы добычи металла, полудрагоценных камней и производственных мастерских, множество полуфабрикатов и заготовок из сырья Султануиздагских гор. Часть товаров вывозилась в другие регионы.

О них упоминают некоторые источники (ал Макдиси, Мухаммед ибн Мансур и ал Омари). В целом, торговые связи Джанпык калы отмечены с Китаем, Индией, Ираном и феодальными государствами Восточной Европы. К числу ремесленно-торговых городов Хорезма на Великом Шелковом пути относится и Миздахкан. Это наиболее крупный культурный и экономический центр северного Хорезма. Торговые связи города подтверждаются данными письменных источников и многочисленными находками селадона и монет из Китая, раковин каури (Индия), люстровой керамикой (Иран), бересты из Руси [Кдырниязов, Бауетдинов, 2003, с. 80-85]. В целом, через эти правобережные города Хорезма шла одна из ветвей Великого Шелкового пути.

В средневековую эпоху для Хорезма наиболее значимым был Северный путь. Однако, до IX-XII вв. маршрут Хорезм - Арало-Каспийское междуморье (Устюрт) - Северный Каспий - Восточная Европа - Кавказ использовался с меньшей интенсивностью. Наоборот, в XIII-XIV вв. он вновь оживляется. Это сыграло важную роль в развитии городской культуры региона (т.е. северной части Хорезма). Этот участок Великого Шелкового пути, если двигаться из столицы Хорезма Гурганджа на северо-запад шел через Шемаха кала, Ай ата, Бограхан, Пульжай и далее к караван-сараям Устюрта.

Шемаха-кала, один из торгово-ремесленных центров северного Хорезма, возникший еще в раннем средневековье, упоминается в записках Ибн Фадлана. Именно в нем в 922 г., в конце зимы, остановился большой караван, отправляющихся к царю болгар Алмасу представителей египетского султана с Ибн Фадланом. Ибн Фадлан пишет: «отправляясь из ал Джурджании (Ургенча - Г.А.) остановились в рабате, называемом Замджан, а это врата тюрок (баб ат-тюрок)» [МИТТ. Т. I. С.158]. Урбаноним Замджан, по мнению исследователей соответствует городищу Шемаха кала [Толстов, 1948б. С. 311; Маньлов, 1978. С. 279]. Шемаха кала расположена в 60 км от современного города Куня-Ургенч на выступающем пологом отроге плато Устюрт, отсюда и удобный подъем на чинк. Археологические исследования памятника, наряду с другими находками, выявили образцы торгово-ремесленных изделий. Среди них обертки березовой коры (Русь), люстра (Иран), селадона (Китай) и мо-

нет золотоордынских правителей Токты (1291-1313), Узбека (1323-1340) и Джанибекхана (1342-1357). Приметным признаком памятника является и наличие здесь следов ремесленного производства. Таким образом, Шемаха калу можно считать одним из основных городов Хорезма, на Великом шелковом пути.

Из Шемаха кала через рабаты Ата, Куланлы дорога на чинке приводила в крупнейший город северного Хорезма Пульжай. О нем также пишет ибн Фадлан (Гит, Джит). Это основной пункт Хорезма близко расположенный кочевому миру - Арало-Каспия. Он послужил форпостом взаимосвязей со степными племенами. Пульжай имеет своеобразную планировку. Обитатели этого открытого поселения, свои дома не строили по определенному плану. Здесь не наблюдается цепочек жилых кварталов и улиц, а определяющим является небольшие постройки, состоявшие из одного, реже двух-трех помещений, без садово-огородных участков и дворовых оград [Кдырнийзов, Искендерова, Турганов, 2006. С.130]. Отсутствует общегородская стена. Такая хаотичная планировка, нерегулярные застройки типичны для этих мест особенно хорезмшахского и золотоордынского времени. Археологические работы, проводимые в 70-х годах XX в. на торговом маршруте Ургенч-Устюрт-Восточная Европа, вдоль восточного чинка открыли десятки башен, караван-сараев и городищ IX–XIII вв. Среди них караван-сарай и башни Куланлы, городище Большой Айбуйир кала, Калалык, Топраккала Кунградская и Бограхан. Отмеченные башни и караван-сарай в основном расположены вблизи спуска или подъема на плато Устюрт. На одном из подъёмов вблизи современного г. Кунград, расположено городище Топрак кала исследованное В.Н. Ягодиным и М.Т. Туребековым. Памятник локализуется с древним населенным пунктом Куджаг, упоминаемым у арабского географа ал-Истахри [МИТТ. Т. I. С.179]. По результатам работ на Топрак кала - это центр средневекового рустака (IX-XIV вв.). Вокруг городища до недавнего времени сохранялись следы древних полей, магистрального канала и его ответвления [Ягодин, 1963. С.80-83]. Другим памятником городской культуры северного Хорезма является городище Бограхан. Сведения о памятнике опубликованы в Материалах Хорезмской археологической экспедиции [Толстов, Жданко, Итина, 1963. С. 27; Ягодин, 1963. С.86-90]. Продолжение работ на Бограхане осуществлено М.Т. Туребековым. Памятник состоит из цитадели, шахристана и неукрепленного рабада, что является признаком более развитых городов Центральной Азии. В ходе археологических работ на городище выявлены соборные летняя и зимняя мечеть, минарет и другие монументальные сооружения [Туребеков, 2003. С. 184]. Эти характерные признаки среднеазиатского города, вкупе с огромной ирригационной сетью (дамба «Ак каичи» и каналы) позволяет считать, что Бограхан в средние века был связан торговлей Хорезма с внешним миром. Об этом также свидетельствует комплекс образцов материальной культуры, среди которых золотоордынские монеты, изделия из талькохлорита, архитектурный декор (майолика) и набор кашинной керамики. Городище Бограхан локализуется с населенным пунктом Мазминия, о котором упоминают ал-Истахри, ал-Макдиси и автор «Худуд ал Алам» [МИТТ. Т. I. С.178, 187, 216]. В целом, урбанонимы Замджан («баб ат-тюрк»), Куджаг (Топраккала), Гит-Джит (Пульжай) и Мазминия (Бограхан) часто отмечаются в описаниях торговых маршрутов, через них ведется сравнительный ориентир движения караванов.

Возникновение этих памятников средневекового Хорезма над и под чинком Устюрта хронологически совпадает с усилением политической и культурной «экспансии» хорезмийцев. Хорезмшахи второй династии в лице Мамунидов начали активные культурно-политические связи с Хазарией, Волжской Булгарией. Ал-Макдиси указывает, что «городами Хазарии иногда завладевает владетель Джурджании (Ургенча)». Их дела продолжают хорезмшахи – ануштегиниды. «Великие Хорезмшахи» наряду с другими регионами Центральной Азии активно наступали на Мангишлак и низовья Сырдарьи. В целом, активизация хорезмийцев в средние века усилила интеграционные процессы в Арало-Каспийском регионе. Этому также способствовало усиление торговых интересов Хорезма. Этот интерес особенно усилился после распространения ислама на Восточную Европу

(Булгария) и кочевую среду. По этому поводу востоковед, академик В.В. Бартольд пишет: «Хорезм был обязан своим богатством исключительно торговле с кочевниками, по-видимому, получившей при исламе значительное развитие, эта торговля сосредоточивалась в северной части Хорезма с городом Гурганджем» [Бартольд, 1963. С. 14]. Таким образом, средневековые города, торгово-ремесленные центры Хорезма, удобно располагаясь на межрегиональной караванной дороге, активно участвовали в международной торговле.

Использованная литература

1. Бартольд В.В. История Туркестана // Соч. - Т. II, ч. I. - М. 1963.
2. Кдырниязов М.-Ш., Бауетдинов Р. Торговые связи средневекового Миздахкана // Археология Приаралья. Вып. VI. Нукус, 2003.
3. Кдырниязов М.-Ш., Искендерова А., Турганов Б. Археологические работы на городище Пульжай // АИУ-2004-2005 гг. – Ташкент, 2006.
4. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археологическо-этнографической экспедиции АН СССР в 1958-1960 гг. // МХЭ. Вып. 6. –М. 1963.
5. Туребеков М.Т. Работы археологического отряда Каракалпакского госуниверситета // АИУ-2002 г. Вып. 3. - Тошкент, 2003.
6. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том. I. М.-Л., 1939.
7. Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части приаральской дельты Амударьи // МХЭ. Вып. 7. - М. 1963.

Резюме

Ушбу мақолада Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларининг ривожига таъсир этган омилларнинг бири Буёк Ипак йули эканлиги таъкидланади.

Summary

In this article in middle Ages Great Silk wau devolopment of cities in Xorezm.

А. Азизқулов

Самарқанд давлат университети

«КАШФ УЛ МАҲЖУБ» ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРДА ДАСТЛАБКИ МАНБАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Тасаввуф таълимотининг назарий концепциялари баён этилган дастлабки манбалардан бири бу «Кашф ул маҳжуб» рисоласи ҳисобланади. Абул Ҳасан Али ибн Усмон ибн Али ал Ғазнавий ал Жуллобий ал Хужвирий (XI аср) бирор бир тасаввуф тариқатининг асосчиси ёки йирик назариётчиси сифатида ном қозонмаган бўлсада, тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши, унинг моҳияти ва асосий ақидалари, тариқатларнинг вужудга келиши ва бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари баён этилган «Кашф ул маҳжуб» асарининг муаллифи сифатида ислом оламида кенг эътироф этилган. Асарнинг илмий аҳамияти, аввало унинг тасаввуфга оид дастлабки назарий манбалардан бири эканлигидадир (Ҳомидий, 2004. 6 б.). Агар асарнинг XI асрнинг ўрталарида яратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, тасаввуфга оид кейинги рисоалар, хусусан Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» асари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

«Кашф ул маҳжуб» асари 25 бўлимдан иборат бўлиб, унда суфийликнинг моҳияти, хусусияти, инсон томонидан ҳақиқатни англаш каби масалалар баён этилган. Шунингдек, асарда саҳобалар орасидаги имомлар, аҳли байтга, тобеинларга тегишли бўлган тасаввуф вакиллари хусусида етарли маълумот берилади. Бундан ташқари тобеинлардан то ўзи яшаган XI-асргача бўлган орликдаги 64 та машҳур имомлар ва уларнинг назарий қарашлари тўғрисида қимматли маълумотлар баён этилади. Хужвирий ўзи яшаган даврнинг энг машҳур 10 та имомлари, хусусан, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қассоб, Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ад -Даққоқ, Абу Ҳасан Али ибн Аҳмад ал- Ҳаррақоний, Абулқосим Абдулқарим Қаширий, Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ашқоний ва уларнинг

қарашлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. Асарда Мағриб, Ироқ, Шом, Ҳуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган тасаввуф вакиллари хусусида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Ўша даврда мавжуд бўлган 11 та тасаввуф оқими ва уларнинг асосий концепциялари изоҳлаб берилган. Жумладан: муҳассибийлар, қассорийлар, тайфурийлар, жунайдийлар, нурийлар, сахмийлар, ҳакимийлар, ҳаррозийлар, хафифийлар, сайёрийлар, хулулийлар каби тасаввуф оқимларининг асосий ғоялари ва уларнинг вакилларини қарашлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар келтирилади. Ҳужвирийгача ҳеч бир муаллифнинг рисоласида тасаввуфнинг оқимлари хусусида бундай тўлиқ маълумот учрамайди. Ҳужвирийдан анча кейин яшаган Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» рисоласида ҳам бу каби тўлиқ маълумот учрамайди, ҳатто унда келтирилган қисқа маълумотлар ҳам Ҳужвирийнинг асридан олинган. Шу жиҳатдан Ҳужвирийнинг мазкур асари нодир манба ҳисобланади.

Асарнинг асосий ғояси ҳақиқатга етишиш учун инсонга халақит берадиган тўсиқ (парда)лар ва уларнинг бартараф этишнинг ўн битта йўлини назарий асослашга бағишланган. Бандани Аллоҳга етишида халақит берадиган бу 11та тўсиқни олиб ташлаш учун зарур бўлган амалларини ҳар бирини алоҳида алоҳида бобларда баён этади.

Ҳужвирий рисоласининг дастлабги бобини «Билимларни тасдиқлаш (асослаш)» деб номлаб, унда билим ва унинг кўлами, инсон билиши керак бўлган билим соҳалари, билим билан амалий фаолиятнинг муштараклиги, илоҳий ва инсонга хос билимлар, вақтга оид билимлар (илму вақт), ҳақиқат каби мавзулар хусусида фикрларини баён этган. Ҳужвирий рисоласини билимнинг инсон учун зарурлиги ҳақидаги фикрдан бошлар экан, дастлаб Куръондаги оятлардан далиллар келтириб, сўнг «Билим олиш ҳар бир мусулмон ва муслимага фарз»лиги ва «Хитойга бориб бўлсада, илм изла» каби ҳадислар орқали ўз хулосаларини асослашга ҳаракат қилади. Бу Ҳужвирийнинг билим ва билим олишга бўлган фаолиятга нисбатан рационалистик ёндашувидир.

Билимлар кўлами ҳақида фикр юритар экан, «Билимлар соҳаси жуда кенг, инсон умри эса қисқа, шунинг учун ҳамма илмларни ўзлаштириш шарт эмас» дейди (Ал Худжвири, 2004, с. 11). Бироқ тасаввуф илмининг назариётчиларидан бири сифатида у инсон учун илоҳиёт нуқтаи назаридан зарур бўлган билимларни ўрганиш етарли деб ҳисоблайди. Масалан, астраномия - вақтни билиш учун (тунги намоз вақтларин аниқлаш учун), тиббиёт - инсонни зарарли нарсалардан химояланиши учун, арифметика - мерос тақсимоти ва идда муддатларини аниқлаш учун. Аввало барча билимлар инсон эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади ва шу асосда вужудга келган. Ҳужвирий эса инсон фаолиятига оид билимлар соҳасини жуда торайтириб кўяди.

Ҳужвирий билимни амалий фаолият билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Айримлар билимни амалий фаолиятдан устун кўйсалар, баъзилар эса аксинча ёндашдилар, аслида ҳар иккаласининг фикри ҳам нотўғридир... Икки хил тоифа кишилар борки, доимо хатога йўл кўядилар: биринчиси жамиятдаги мавқеи, обрў –этибор учун билимга даъво қиладилар, бироқ, илмдан фойдалана олмайдилар, чунки улар илмнинг асл моҳиятига ета олмаганлардандир; иккинчи тоифа вакиллари амалий фаолиятнинг ўзи етарлидир, билим шарт эмас деб ҳисоблайдилар» (Ал Худжвири, 2004, с.12). XI асрда тасаввуф илмининг назариётчиларидан бири Ҳужвирийнинг назария ва амалиётнинг бирлиги хусусидаги концепцияси ҳозирги замон гносеологиясида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ҳужвирий шу ўринда бир ҳикоят келтиради. «Иброҳим Адҳам йўлда бир тошдаги ёзувга кўзи тушади. Тошда «Мени ўгириб кўр ва ўқи»деб ёзилган бўлади. Иброҳим Адҳам тошни ўгириб, ундаги кўйидаги ёзувни ўқийди «Бор бўлган билимингдан фойдаланмасдан туриб, яна янги билимларни орқасидан қувиб нима қиласан» (Ал Худжвири, 2004, с.12). Бу ривоят орқали у инсон аввало мавжуд билимларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиши ҳамда ўзлаштириб олган билимларига амал қилиши лозимлигини уқтиради. Ҳужвирий назария ва амалиётнинг бирлигини таъкидлар экан, инсон олган билимларидан доимо ижтимоий муносабатларда фойдаланиши зарурлигини айтиб ўтади.

Ҳужвирий рисоласининг мазкур бобида фан этикасига оид муҳим фикрни илгари сура-

ди. «Агар киши билимни ҳокимият, обрў ва мансаб, ёки бойлик орттириш учун сарфласа, у олим эмас» дейди (Ал Худжвири, 2004, с. 11).

Хужвирийнинг «Кашфул маҳжуб» асарида билим ва инсон билиш фаолиятига оид илгари сурган фикрлари замонавий эпистемологияда муҳум аҳамият касб этади.

Энг муҳим томони шундаки, «Кашф ул маҳжуб» асарида Хужвирий Мовароннаҳрда ўша даврда яшаган куйидаги 6 та йирик тасаввуф вакиллари ҳақида маълумот кетиради. Хусусан, имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал- Хусайний, Хожа Абу Муҳаммад Бойғозий, Аҳмад Илоқий, Хожа Ориф, Али ибн Исҳоқларни Мовароуннаҳрнинг энг йирик тасаввуф вакиллари деб эътироф этади. Хужвирий ўз асарида бу тасаввуф шайхларининг ҳар бири билан учрашганлигини ва уларнинг кароматларига гувоҳ бўлганлигини айтади. Хужвирий мовароуннаҳрлик бу тасаввуф вакиллари ўз “даврининг етук алломалари эди” дейди. Бундан ташқари хуросонлик тасаввуф вакиллари орасида Марв шаҳрида яшаган Шайх Аҳмад Нажжор Самарқандийни ўз даврида тасаввуф аҳлининг султони эди деб эътироф этади (Ал Худжвири, 2004, с.172). Хужвирий рисоласида мовароуннаҳрлик бу тасаввуф вакиллари хусусида фақат шу маълумотларни айтиб ўтган холос. «Кашфул маҳжуб»да номлари зикр этилган бу тасаввуф вакиллари рисолалари бўлганми, тасаввуф тарикатларининг қайси йўналиш вакиллари эканлиги ҳамда Мовароуннаҳрнинг қайси шаҳарларида яшаганликлари қайд этилмаган. Бироқ Хужвирийнинг рисоласида улар ҳақида шу қисқа маълумот ҳам катта аҳамият касб этади. Уларнинг тасаввуфга оид фаолиятларини аниқлаш янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб этади.

Хужвирийнинг «Кашфул маҳжуб» асарининг тадқиқ этилиши хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг қанчалик ноёб асар эканлигига қарамасдан ўзбек тилига таржима қилинмаган. Европада асар хусусида тадқиқотлар бундан 100 йил аввал бошланган бўлиб, уни инглиз шарқшуноси Рональд А. Никольсон 1911 йилда ўз тилига таржима қилган. Асар устида тадқиқотларни давом эттирар экан, уни қайта ишлаб, аниқликлар ва ўзгартиришлар киритиб, 1936 йилда иккинчи марта нашрдан чиқаради. Рус шарқшунос тадқиқотчиси В.А. Жуковский томонидан асар 1926 йилда рус тилига таржима қилинади ва тадқиқотчилар бу таржимани мукамал эмаслигини таъкидлашади (Пригарина, 2004. XII). Рус тадқиқотчиси А. Орлов асарни инглизча вариантдан рус тилига ўгиради ва изоҳлари билан бирга 504 саҳифада нашр эттиради.

Республикамиз тадқиқотчилари орасида Хужвирий тўғрисида Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг «Тасаввуф алломалари» рисоласида маълумотлар беради, бироқ бу ерда кўплаб ноаниқликлар учрайди. Хусусан, у рисоланинг бошида Абулҳасан Исмоил Хужвирий ва унинг «Кашфул маҳжуб» асари борлигини айтиб ўтади (Ҳомидий, 2004 йил, 6 б.). Рисолада тарикат шайхлари хусусида маълумотлар берар экан, Хужвирийга келганда уни Абдулҳасан Али бинни Усмон Ҳажвирий ва унинг катта ҳажмдаги шеърлар девони сақланиб қолганлиги ҳамда яна «Минҳожиддин» номли рисола муаллифи бўлганлигини айтиб ўтади (Ҳомидий, 2004 йил, 94 б.). Бу ерда унинг «Кашфул маҳжуб» асари тилга олинмайди. Бизнингча Ҳ. Ҳомидий Хужвирий билан Ҳажвирийни алоҳида шахслар деб ўйлаган бўлиши мумкин.

Хужвирийнинг асарлари хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг ўзи «Кашфул маҳжуб» рисоласида куйидаги асарлари мавжудлигини эслатиб ўтган:

1. Шеърлар девони
2. «Минҳожид-дин» - тасаввуф таълимоти ҳақида рисола
3. «Асрор ул хироқ вал маъунат»
4. «Китобул фано ул бақо».
5. Хусайн ибн Мансур Халложнинг қарашларни изоҳлашга бағишланган рисола, Хужвирий бу рисоласини номини келтирмайди, фақат шундай асари борлигига ишора қилади.
6. «Китоб ал баён ли-аҳл ал-ийён».
7. «Баҳр ал-кулуб».

8. «Ал риоёт ли ҳуқуқ Аллоҳ».

9. Эътиқод хусусида рисоласи борлигини эслатиб ўтади. Бироқ бу асарлар бизгача етиб келмаган (Пригарина, 2004. XVII).

Хозирги вақтда ўзбекистонлик тадқиқотчилар олдида Хужвирийнинг мазкур асарини форсча матндан тўлиқ ўзбек тилига таржима қилиш ва уни инглиз ва рус вариантлари билан қиёсий таҳлил этиш вазифаси турибди. «Кашф ул маҳжуб» асарининг қўл ёзмалари солиштирилиб матн тўлиқ таржима қилинса, ўйлаймизки, тасаввуфга, унинг назарий асосларига оид кўплаб янги маълумотларни қўлга киритган бўлар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар

Ал Худжвири. Раскрытие скрытого. (Старейший персидский трактат по суфизму). - М.: Единство. 2004.

Пригарина Н. От научного редактора / Ал Худжвири. Раскрытие скрытого. (Старейший персидский трактат по суфизму). - М.: Единство. 2004. XII

Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Тошкент: «Шарқ», 2004.

Резюме

В статье анализируется произведение Али ибн Усмана аль Худжвири «Раскрытие скрытого за завесой: старейший персидский трактат по суфизму», его значение учения о суфизме, а также гносеологические концепции Худжвири.

Summary

The works of Ale ibn Usman al Khudjuviri are analysed in this article. The article is filled «The oldest Persian treatise on Sufism», it introduces you about Sufism and its meaning and learning.

С. Бобоев

Институт археологии

МУХАММАД АН-НАРШАХИ И ЕГО ТРУД «ТАРИХ-И БУХОРО» (ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР И ПЕРСПЕКТИВЫ ИССЛЕДОВАНИЙ)

«Тарих-и Бухоро» («История Бухары») Мухаммада ан-Наршахи представляет собой один из ценнейших письменных источников по древней и раннесредневековой истории не только самого города и региона, но и всей Средней Азии. Это объясняется тем, что по своему географическому расположению Бухара и весь Западный Согд являлись узловыми пунктами многих процессов, происходивших на данном ареале и далеко за его пределами. Неудивительно, что в прошлом Бухара была не только крупнейшим центром торговли и ремесла, но и столицей таких средневековых империй, как государства Саманидов, Шейбанидов, Аштарханидов и Мангытов. Общеизвестно место Бухары в системе духовных и культурных ценностей мусульманского Востока. Всё это в конечном итоге предопределяет интерес к истории и культуре Бухары, а стало быть и к рассматриваемой книге, как к главному первоисточнику. Обширные и в известной степени уникальные сведения по политической, социально-экономической и этнической истории региона, его исторической географии, топографии и материальной культуре позволяют ставить это произведение в один ряд с трудами таких выдающихся арабских и персидских авторов IX-XIII вв., как Йакуби, Ибн Хордадбех, ат-Табари, ал-Билазури, ал-Истахри, Ибн Хаукаль, ал-Мукаддаси, ал-Гардизи, ас-Самани, Йакут ал-Хамави и других, отразивших в своих трудах историю и географию Средней Азии. И ныне ни одно фундаментальное исследование по соответствующим периодам истории этой части Востока просто немыслимо без сведений из данной книги.

Об авторе (точнее - об одном из них) – Мухаммаде ан-Наршахи известно сравнительно немного благодаря арабскому историку и географу XII в ас-Самани, автору книги «Китаб ал-Ансаб» («Книга относительных имён»). Полное имя ан-Наршахи-Абу Бакр Мухаммад ибн Джафар ибн Закария ибн Хаттаб ибн Шарик, родился он в 286 г.х. (899 г.) в селении Наршах и умер в 348 г.х. (959-960 гг.) (Ан-Наршахий, 1991. 84 бет). Старинное селение

Наршах существует и поныне, оно расположено на западной окраине райцентра Вабкент, сохранились и городище (крепость) старого Наршаха на территории современного пункта. Крепость Наршах получила известность не только как родина знаменитого историка. Во времена восстания Муканны здесь располагалась резиденция «белоодежников» Бухары, и в 159 г.х. (776 г.) жители Наршаха в течении длительного времени стойко оборонялись от осаждавших крепость арабов и местных мусульман (ан-Наршахий, 1991. 140-142 бетлар). Книга была написана на арабском языке в 330 г.х. (943-944 гг.) и в соответствии с практикой, общепринятой у средневековых учёных и литераторов, предназначалась в дар правителю, в данном случае эмиру Абу Мухаммаду Нуху ибн Насру ибн Ахмаду ибн Исмаилу ас-Самани (годы правления 943-954 гг.), скорее всего, по случаю его восшествия на престол. Однако, поскольку многие жители не только Бухары, но так же Мавераннахра и Хорасана, были не в состоянии прочитать книгу на арабском языке, то в месяце джумад ал-аввал 522 г.х. (май 1128 г.) Абу Наср Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср ал-Кубави, происходивший из города Кубы (Кувы) в Фергане, перевёл книгу на фарси. Не ограничившись только переводом, он подверг прежний текст некоторой редакции (сокращениям) и дополнил персидский вариант многими вставками, в том числе и ключевыми, а именно – отрывками из несохранившегося труда Абу-л-Хасана Абдуррахмана ибн Мухаммада ан-Нисабури (Нишапури) «Хазаин ал-Улум» («Сокровищница знаний», IX в.), повестью некоего Ибрахима «Ахбор-и Муканна» («Известия о Муканне»), а так же другими интерполяциями, связанными с именами его царственных современников, принадлежавших к династии Караханидов: Шамс ал-Мулка (1069-1079 гг.), Тамгачхана Ибрахима и Мухаммада Арслан-хана (1102-1130 гг.). Например, такие разделы, как «Рассказ об основании Шамсабада» (глава XI), «Рассказ о постройке соборной мечети» (глава XXI), конец «Описания места праздничной молитвы» (глава XXII) и ещё некоторые другие принадлежат перу несомненно самого ал-Кубави. Вставки из сочинения ан-Нисабури присутствуют в рассказе о происхождении Бухары (глава II), в рассказе о базаре Мах (глава VI), в разделах о постройке Арка (глава VII), о возведении стены Канпирак (глава XV). Одна из важнейших глав книги «Описание Бухары и прилегающих к ней местностей» (глава IV), содержащая ценнейшие сведения о городах и селениях региона, тоже начинается со ссылкой на сочинение ан-Нисабури. Глава XXVII, повествующая о восстании Муканны и событиях в бухарском регионе, связанных с движением «белоодежников», большей частью написана так же лично ал-Кубави на базе тех сведений, которые он позаимствовал из сочинения упомянутого Ибрахима (Сухарева, 1958. С.9).

В 574 г.х. (1178-1179 гг.) очередной редактор Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар снова подверг книгу сокращениям и дополнениям и презентовал новую редакцию тогдашнему главе ханифитов Бухары Садру ал-судуру Абдулазизу ибн ас-Садру ал-Имаму ал-Хамиду Бурхануддину Абдулазизу, который одновременно был правителем региона во времена владычества Каракитаев. Последующие неизвестные редакторы тоже дополняли письменную историю Бухары сведениями о современных им событиях, в силу чего хронология книги растягивается вплоть до 1220 г. (время захвата города Чингиз-ханом), хотя в основном она ограничивается XII в. Что касается изначального арабского варианта, то он не сохранился, хотя и не исключено полностью, что в будущем он будет обнаружен в каком-нибудь хранилище рукописей. Таким образом, «Тарих-и Бухоро» в том виде, в каком она дошла до наших дней с её XXVIII главами, является, в сущности, произведением нескольких средневековых историков, включая информаторов самого же ан-Наршахи. А среди этих информаторов, как показали исследования, были такие известные историки тех времён, как Абу Хавс ал-Кабир, Мухаммад ибн Талут ал-Хамадани, Мухаммад ибн Салих ал-Лайси, Абдулхасан ал-Мадаини. Последний из них был особенно знаменит и его книги послужили первоисточником Мухаммаду ат-Табари для его прославленной «Китаб ар-расул ва ал-мульк» («Книга пророков и царей», X в.). Что касается автора повести о Муканне, то по предположению В.В. Бартольда, им был известный поэт тех времён Ибрахим ас-Сули (Richard N. Frye, 1954,

р. XII). Несмотря на то, что это сочинение компилятивное, чисто формально автором книги числится всё же Мухаммад ан-Наршахи, да и само её название в некоторой степени тоже является условным. Под названием «Тарих-и Бухоро» оно получило известность только начиная с конца XIX в. Среди других названий рукописных вариантов книги – «Тарихи-и ан-Наршахи» («История ан-Наршахи»), «Ахбори-и Бухоро» («Известия о Бухаре»), «Тахкик ул-вилоят» («Правда о регионе») (ан-Наршахий, 1991, 86 бет), однако в конце концов со временем устоялось именно общеизвестное.

Впервые рукопись попала в Европу в 1832 г. благодаря А. Бёрнсу, который возглавлял британскую посольскую миссию в Бухару. Здесь он купил рукопись, а по возвращении в Лондон преподнёс её Королевскому Азиатскому Обществу.

В 1841 г. русский востоковед Н.В. Ханыков тоже купил 3 экземпляра рукописей книги и передал их в Публичную Библиотеку Санкт-Петербурга.

В 1858 г. другой русский востоковед П. Лерх, сопровождавший миссию И.С. Игнатьева в Хиву и Бухару, вернулся на родину с большой коллекцией монет и рукописей, среди которых была и книга ан-Наршахи, и передал их Азиатскому Музею Санкт-Петербурга.

Примерно в то же время французский востоковед Ч. Шефер купил экземпляр рукописи в Стамбуле, а после его смерти она оказалась в Национальной Библиотеке Парижа.

1885 г. один экземпляр, который купил в Бухаре американский исследователь Ю. Шуллер, оказался в библиотеке Американского Восточного Общества (Richard N. Frye, 1954, pp. XIII-XIV). И хотя рукописи книги довольно рано оказались в библиотеках Европы и Америки, долгое время они оставались невостребованными.

Первым в научных целях книгу использовал П. Лерх, в частности в своей книге «Монеты Бухархудатов» (Лерх, 1874. С. 18, 50).

Широкое внимание общественности к труду ан-Наршахи привлек легендарный этнолог, историк и путешественник А. Вамбери, опубликовавший книгу об истории Бухары, в которой он попытался представить это произведение как ранее неизвестную рукопись (Vambery, 1873).

Часть текста книги была опубликована Ч. Шефером в 1883 г. в Париже (Schefer, 1883), а в 1892 г. он был издан полностью (Schefer, 1892).

В 1897 г. был опубликован русский перевод текста с комментариями, который осуществил Н.В. Лыкошин под руководством В.В. Бартольда (Лыкошин, 1897).

В 1904 г. в городе Кагане (Новой Бухаре) вышло литографическое издание книги под названием «История ан-Наршахи» (под редакцией Мулло Султана) (История ан-Наршахи, 1904).

Собственно персидский текст был издан в 1939 г. в Тегеране под редакцией Мударриса Резави. Среди прочих изданий особенно выделяется английский перевод книги с комментариями – автор Р. Фрай (в Кембридже в 1954 г.). К этому можно добавить, что в 1966 г. А. Расулев перевёл книгу на узбекский язык. Всесторонним изучением книги занимались так же и многие другие известные историки-востоковеды: А.Ю. Якубовский, О.Г. Большаков, О.И. Смирнова, Е.А. Давидович, И. Маркварт и другие.

Как историческое хроника, это произведение является многоаспектным. В ней отражены не только события политической истории преимущественно конца VII–XII вв. (завоевания Бухары тюрками, затем арабами, борьба местного населения против арабского гнёта и другие народные движения, деятельность местных правителей: Бухархудатов, других мелких удельных князей, арабских наместников, Тахиридов, Саманидов, Караханидов). Вместе с тем в сочинении имеются обширные сведения по социальному устройству, экономике, торговле, ремеслам, культуре тех времён.

И среди важнейших аспектов – историческая география региона, историческая топография города Бухары, а так же окрестных городов и селений. Этим вопросам полностью посвящены отдельные главы, много дополнительной информации имеется и в других разделах книги. В общей сложности в сочинении упомянуты под разными названиями два круп-

ных озера, более 20 магистральных протоков и городских каналов, более 40 древних пунктов расселения (городов, селений), общепухарская окружная стена Канпирак, и еще множество отдельных объектов (дворцов, мечетей, улиц, кварталов, языческих храмов, городских стен, торговых сооружений, садов, мостов, замков и т.д.) на территории самой столицы и в других местах. И эти вопросы всё ещё остаются недостаточно изученными, хотя в своё время ими занимались такие известные специалисты, как В.А. Шишкин, Я.Г. Гулямов, О.Г. Большаков, А.Р. Мухаммеджанов и другие. Этими исследователями проделана большая и плодотворная работа, однако её результаты в свете современных подходов и требований нуждаются в серьёзных корректировках и дополнениях. Например, всё ещё не локализованы исторические русла некоторых протоков и каналов, а также многие упомянутые в источнике средневековые города и селения. Данные по хронологии населённых пунктов из книги часто не заслуживают доверия, поскольку базируются в преданиях и мифах, обычно не соответствующих действительности. До сих пор только единичные археологические памятники подвергнуты инструментальной топоосъёмке, по многим остальным топопланы либо вовсе отсутствуют, либо представлены приблизительными глазомерными вариантами. Наконец, все эти объекты требуется нанести на карту с применением самых современных технологий и приборов, а составленная в результате всех поисков карта региона должна быть не только археологической, но также историко-ландшафтной. На многих важных объектах не лишне провести и специальные археологические исследования (стационарные и стратиграфические раскопки) с целью установления более точных датировок и получения материалов по древней экологии региона. В результате осуществления этих исследований в научный оборот будут введены дополнительные и обобщенные материалы, очень важные для понимания истории региона в заданных хронологических рамках. И в перспективе возможно очередное (критическое) издание «Тарих-и Бухоро» с богатым иллюстративным материалом (картами, планами, схемами, рисунками, фотографиями находок) и самыми подробными комментариями на эту тему.

Использованная литература

- Ан-Наршахий. Бухоро тарихи. «Мерос». Тошкент, 1991.
Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент, 1958
Richard N. Frye. The history of Bukhara. Cambridge, Massachusetts, 1954.
Лерх. П. Монеты Бухархудатов. Труды ВОРАО. С-Пб., 1874.
Vambery A. History of Bukhara. London, 1873.
Schefer C. Chrestomathie Persane. Paris, 1883.
Schefer C. Description topographique et historique de Boukhara. Paris, 1892.
Лыкошин Н.В. История Бухары. Ташкент, 1897.
История ан-Наршахи (литография). Каган, 1904.

Резюме

Ушбу нашр археологик дала ишлари дастурини ўз ичига олган. Бу ишлар Бухоро воҳасининг тарихий топографияси ва географияси ўрта аср Мовароуннаҳр тарихи ҳақидаги энг машхур ва қимматли бўлган ан-Наршоҳийнинг “Тарихи Бухоро” асари асосида ишланган. Шунингдек, асарни ўрганилиши тарихи, структураси ва Ўзбекистоннинг тарих фани ривожига учун аҳамияти ҳақида маълумотлар мақоладан ўрин олган.

Summary

Publication includes programme for archaeological field works on historical topography and geography of Bukhara and oases based on «History of Bukhara» of an-Narshakhi (“Tarikhi Bukhoro”) one of the most known and most valuable written source about medieval history of Maverannakhr. Here we have detailed consecration of tasks like history of studying of the source, structure and value for historical science of Uzbekistan.

МИЁНКОЛ ВОҲАСИДА ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР (XVI-XIX АСРЛАР)

Миёнкол Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган қадимий тарихга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарё тармоқлари оралиғида жойлашган бу воҳа бир неча асрлар давомида кўплаб манбаларда қайд этилиб келинган. Миёнкол воҳасида қадимдан ирригация тармоқлари кенг ривожланганлиги учун унинг аҳолиси суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Шу сабабли, воҳада аҳоли қадимдан атроф ҳудудларга нисбатан зичроқ жойлашган эди. XV-XVI асрлар арафасида Темурийлар давлатида маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар авж олганлигидан фойдаланган Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр ҳудудларига юриш бошлаши ва ҳокимиятни ўз қўлига олиши муносабати билан Миёнкол ҳудудларига кўплаб ўзбек уруғлари аҳолиси келиб жойлашди. Бунинг натижасида, воҳада аҳоли зичлиги янада ортди.

Миёнколдаги этник жараёнларга оид маълумотлар қўлёзма манбаларда, кўплаб муаллифларнинг эсдаликларида келтириб ўтилган. Миёнкол аҳолисининг этник тузилиши турли хил бўлиб, бу ерда ўзбек халқининг таркибига кирган кўплаб уруғлар яшашган. Бу ҳудудга сўнги ўрта асрларда хитой, кипчоқ, қалмиқ, найман каби уруғлар келиб жойлашганлар.

XII асрда хитойлар (қорахитойлар, қоракиданлар, киданлар) Шимолий Хитойни босиб оладилар. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларидаги хоразмшоҳлар ва мўғулларгача бўлган даврда улар ўз ҳукмронлигини Ғарбга - Ўрта Осиёга ёйдилар (Бартольд, 1928. С. 9). Кипчоқлар ҳам ўрта асрлардаги туркий халқларнинг энг кучли, йирик қабилаларидан бири бўлиб, улар XI асрда Ўрта Осиё ва Дашти кипчоқ ерларида мўғуллар пайдо бўлгунга қадар ҳукмронлик қилишган (Иванов, 1935. С. 13).

Хитой-кипчоқ уруғи Ўрта Осиёда ўзбеклар ҳамда Қримдаги нуғойлар орасида ва Кавказ ўлкасида учрайди (Бутков, 1869. С. 170-172). Ўрта Осиёда хитой-кипчоқлар биринчи бор XVII асрнинг иккинчи ярмига оид манбаларда тилга олинади (Аристов, 1896. С. 387). Кипчоқлар Сирдарё ҳавзасидан XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида кўчиб келишган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Зарафшон водийсига жойлашганлар (Шаниязов, 1980. С. 139-145). Шундай қилиб, Зарафшон водийсида XVIII асрнинг бошларида хитой ва кипчоқ уруғи аралашиб кетиб, хитой-кипчоқ уруғини ташкил қилганлар.

Хитой-кипчоқлар бошқа ўзбек уруғларидан фарқли равишда Бухоро хонлигининг марказий ҳудудлари ҳисобланган, аҳолиси зич, Самарқанд билан Бухоро оралиғида, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган Миёнколни эгаллаган эдилар (Иванов, 1958. С. 135).

А.Н. Аристов Қозоқ хони Тавка 1694 йилда хитой-кипчоқларга хужум қилиб, уларни асирга олгани, асирга олинган хитой-кипчоқлар Бухоро элчисига қайтариб берилгани ва уларнинг бир қисми Зарафшон водийсига келиб ўрнашгани тўғрисида маълумот беради (Аристов, 1896. С. 387).

XIX асрнинг биринчи чорагида хитой-кипчоқларнинг сони тўғрисида ҳар хил маълумотлар бор. Мирзо Шамс Бухорийнинг ёзишича, бу даврда уларнинг сони 120 минг кишини ташкил этган (Записки Мирзы Шемса Бухари, 1861. С. 7.).

“Тарихи Амир Ҳайдар” асарининг муаллифлари эса бу уруғларнинг ҳар бири сонини 40000 оила (хонавар)дан жами 80000 оила эди деб ёздилар (Ибодулло ва Муҳаммад Шариф, №1836. В. 82^б).

Кейинги муаллифлардан бири, Зарафшон водийсида кипчоқларни 24000 жон атрофида бўлиб, 110 та қишлоқда, хитойларни эса 45000 жон атрофида бўлиб, 215 та қишлоқда жойлашганлиги тўғрисида маълумот беради (Гребенкин, 1872. С. 103).

Манбаларнинг яна бирида XIX асрнинг охириги чорагида биргина Каттақўрғон

уездининг ўзида кипчоқ уруғига мансуб 4035 аҳоли яшаган (Сборник материалов..., 1890. С. 205-210) - деб маълумот берилади.

Хитой-кипчоқларнинг сони тўғрисида 1924 йилда олинган аниқ статистик маълумотларга асослансак, Зарафшон водийсида хитой уруғи 50000 кишини, кипчоқ уруғи эса 66000 кишини ташкил этган (Материалы по районированию ..., 1926. С. 206-208).

Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган А. Вамберининг эсдаликларида ҳам Миёнкол худудида яшовчи хитой-кипчоқлар тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Вамбери шундай ёзади: “Биз Қорасув мавзесини ортда қолдириб Довулгача етиб бордик. Бизнинг йўлимиз кирликлар (жарликлар) орқали ўтиб, бу ердан бизга ястаниб ётган бепоён дарахтзорлар (тўқайзорлар) кўринди. Бу дарахтзорлар Бухорогача бўлган йўлнинг ярмигача давом этиб, амир билан тез-тез жанжаллашиб турадиган ўзбекларнинг хитой-кипчоқ уруғи учун бошпана бўлиб хизмат қилади. Уларга бу дарахтзорлар ва тўқайзорлар жуда яхши таниш бўлиб, улар бу ерда ҳар хил таъқиблар ва ҳужумлардан ҳимояланишади” (Вамбери, 1865. С. 103).

XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсида тадқиқотлар олиб борган рус тадқиқотчиси В.В.Радлов кипчоқлар кўпинча Зарафшон водийсининг ўрта қисмида, Янгикўрғон атрофларида, Самарқанд билан Каттакўрғон оралиғида яшашади, шунинг учун Янгикўрғон, “Кипчоқ Янгикўрғони” дейилади, хитой-кипчоқлар бир бирлари билан шунчалик араллашиб кетганки, улар ўзларини бир уруғ деб ҳисоблашади, агар улардан қайси уруғга мансубсан деб сўрасанг ҳамини бир хил “хитой-кипчоқман” деган жавобни оласан - деб маълумот беради (Радлов, 1882. С. 60-61).

Миёнкол худудида яшовчи уруғлар, айниқса хитой-кипчоқлар Бухоро хонлигидаги нафақат этник жараёнларда, балки сиёсий жараёнларда ҳам ўзига хос ўрин тутганлар. Масалан, 1159 ҳижрий (1746) йилда Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида Миёнколда хитой уруғи йўлбошчиси (сардори) Ибодуллабий бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Бу кўзғолон бутун Миёнколни қамраб олиб, пойтахт Бухоро девори остоналаригача етиб боради. Самарқанд билан Бухоро оралиғидаги худудларни (бир неча туманларни) ўз назоратига олган Ибодуллабийнинг қўл остида катта куч туплаган эди. Ибодуллабий ўзининг қароргоҳи этиб Миёнкол худудидаги Янгикўрғон (Душанбакўрғон) қалъасини танлаган эди. Бу кўзғолонда Ибодуллахитой мағлубиятга учраб, Миёнколдан қувилди. У шимолга, Тошкентга қочади ва у ерда ўлдирилади.

Манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдори ҳисобланган Муҳаммад Раҳимхон ҳам ўз ҳукмронлиги (1747-1758) даврида Миёнколдаги ўзбек уруғларининг бир неча кўзғолонларини бостиришига тўғри келган (Иванов, 1937. С. 10).

Муҳаммад Раҳимбий ўз тахтини мустақамлагандан сўнг давлатнинг барча муҳим лавозимларини, шунингдек вилоятлар ва туманлар бошлиқлари лавозимларини Турон шоҳларининг қадимги анъаналарига асосланган ҳолда ўзбекларнинг “32 уруғи” орасидан чиққан ўзининг ишончли вакиллари ўртасида тақсимлади. Шу билан бирга аввалдан мавжуд бўлган Бухоро руҳонийларининг, хон саройи амалдорларининг унвон ва лавозимлари тасдиқланди ҳамда бу лавозимларга хоннинг қариндошлари ва манғит уруғидан чиққан уруғдошлари тайинланди. Шунингдек, (Миёнкол худудида кўплаб яшовчи) хитой-кипчоқлар ва ўзбекларнинг бошқа уруғ вакиллари ҳам бундай лавозимларга тайинландилар (Иванов, 1958. С. 104).

П.П. Иванов Муҳаммад Вафонинг “Тарихи Раҳимхоний” асаридаги маълумотларга таяниб, XVIII аср ўрталарида, манғитлар ҳукмронлигининг бошларида хитой-кипчоқлардан чиққан Фарҳод оталиқнинг ўғли Хўжамёрбий хитой-кипчоқлар сардори, хонликда оталиқ даражасига кўтарилган эди. Хитой-кипчоқлар ўз арзларини у орқали хонга етказиб турар эдилар - деб маълумот беради (Иванов, 1937. С. 23).

Миёнкол худудида аҳоли зич жойлашганлиги сабабли уруш пайтларида унинг аҳолисидан Бухоро хонлиги армиясига кўплаб отлиқ ва пиёда жангчилар жалб қилинган. XVIII-XIX асрлар арафасида Янгикўрғон туманида яшовчи хитой-кипчоқ аҳолисидан 500 навкар йиғилиб, уларнинг бошлиғи Хусанбий бўлган (Борнс Александр, 1849. С. 487-488).

Манбаларда Миёнкол ҳудудида ўзбек уруғлари қаторида қалмиқлар ҳам яшаганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Бу хусусда Е.К. Мейендорф шундай ёзади: “Қалмиқлар 1771 йилда Волга дарёси қирғоқларидаги ҳудудларни тарк этишиб, уларнинг асосий қисми ўз оилалари билан Бухоро хонлиги ҳудудига кўчиб жойлашганлар. Улар ўз тилларини умуман унутишиб бир-бирлари билан ўзбекча гаплашадилар. Қалмиқларни ўзбеклардан фақат ташқи кўриниши бўйича ажратиш мумкин. Улар жасурлик ва ботирликда машҳурдирлар. Қалмиқлар ўзбекларнинг урф-одатларини қабул қилишиб, уларнинг орасида, яъни Миёнколнинг алоҳида қишлоқларида ҳамда Бухоро хонлигининг бошқа ҳудудларида яшашади” (Мейендорф, 1975. С. 104).

XVIII асрнинг 20-йилларида аштархонийлар сулоласининг охириги вакили Абулфайзхон давридаги парокандаликдан фойдаланиб, Зарафшон водийсини найманлар эгаллайдилар. Уларнинг кўпчилиги водийнинг ўрта қисмида жойлашган Миёнкол ҳудудларига ҳам келиб ўрнашган эдилар.

Юқоридаги манбаларда таҳлил қилинган маълумотларга асосланиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, XVI-XIX асрларда Миёнколда муҳим этник жараёнлар рўй берди. Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр ҳудудларига юриш бошлаши ва ҳокимиятни ўз қўлига олиши муносабати билан Миёнкол ҳудудларига кўплаб ўзбек уруғларининг аҳолиси келиб жойлашди. Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам бу ҳудудга кўплаб уруғларининг келиб жойлашиши давом этди. Бунинг натижасида, воҳада этник жараёнлар тезлашди ва аҳоли зичлиги янада ортди. Бу даврда Миёнколда ўзбек уруғларининг номлари билан кўплаб қишлоқлар ва мавзелар вужудга келди. Бу қишлоқлар ва мавзелар ҳозирги пайтгача ўша даврдаги номларини (топонимиясини) сақлаб қолган. Масалан, Найман уруғига мансуб аҳоли яшайдиган қишлоқлар Найман ва Найманча, Хитой уруғига мансуб аҳоли яшайдиган қишлоқлар эса Хитой уруғининг шохобчалари номлари билан – Қайчили, Тароқли, Ойтамғали, Қўштамғали, Болғали, Чўмичли, Сирғали каби аталади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Аристов А.Н. Живая старина. Вып. III-IV. - С-Пб., 1896.
Бартольд В.В. История Турецко-монгольских народов. - Ташкент, 1928.
Борнс Александр. Путешествие в Бухару. Предисание (О путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию в 1831-1833 годах). Часть. III. - М.: Университет, 1849.
Бутков П.Г. Материалы для новой истории Кавказа с 1722 по 1803 г. Ч. 1. - С-Пб., 1869.
Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - С-Пб., 1865.
Гребенкин А.Д. Узбеки. Русский Туркестан. Вып. II. Сб. ст. - М., 1872.
Записки Мирзы Шемса Бухари. /О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Рус. пер. В.В. Григорьева, - Казань. Ун-т. Кн.1. 1861.
Ибодулла ва Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар. Қўлёзма. - ЎЗР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти. - №1836. - В. 82^б.
Иванов П.П. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве 1821-1825 гг. М.-Л., 1937.
Иванов П.П. Очерк истории каракалпаков. - Л.: Ин-т. Востоковед, Т. VII. 1935.
Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX века). - М.: Изд. восточной литературы, 1958.
Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и населения Бухары и Хорезма. Ч. I. Бухара. - Т., 1926.
Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.
Радлов В.В. Средняя Зеравшанская долина // Турк. сб. Т. 281. С-Пб., 1882.
Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 гг. - Самарканд: СОСК, 1890. Вып. I.
Шаниязов К.Ш. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период: Процесс интеграции. Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. - М.: Наука, 1980.

Резюме

В статье на основе исторических источников дается анализ этнических процессов позднесредневекового периода в Мианкальском оазисе, в средней части Зеравшанской долины.

Summary

Ethnic processes of the late medieval period in Miiyonkol oasis which is situated between the Akdarya and Karadarya arms of Zarafshan river, in the middle of Zarafshan valley are analysed in this article on literature sources basis.

С. Улашова

ЎзР ФА Шарқишунослик Институтини

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ЭТНИК МАСАЛАЛАР

Темурийлар даври акс этган бир қанча тарихий манбалар мавжуд бўлиб, “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Рюи Гонзалис де Клавихонинг “Кундалиқлар”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муъиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-тавориҳи Муъиний”, Хофизи Абрунинг “Зубдат ат-тавориҳ”, Шарафиддин Роқимийнинг “Тарихи Роқимий”, Хожа Тожуддин ас-Салмонийнинг “Зайли Зафарнома”, Фасиҳ Ҳавофийнинг “Мужмали Фасиҳий”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Мирхонднинг “Равзат ас-сафо”, Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашиди” асари шулар жумласидандир. Мазкур манбалар сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий жиҳатдан ўрганилган бўлишига қарамай, этник масалалар кам ўрганилганлиги билан аҳамиятлидир. Юқоридаги манбаларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар билан боғлиқ муҳим маълумотлар келтирилган. Ана шулардан бир қанчасини мазкур мақоламизда таҳлил қилиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Хусусан, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари мазкур давр тарихи ёритилган дастлабки манбалардан бўлиб, унда *барлос, керойит, сулдуз, жалойир, баҳрин, арлот, макрит, қавчин, туркман, араб, турк, тожик, хазорий, бурулдой* каби этник номлар келтирилган.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида *арлот, апардий, сулдуз, барлос, жалойир, найман, керойит, арканут, қангли, кирликут, қавчин, дуғлат, нукуз, қипчоқ, тойжиют (тойжиут), қўнғирот, макрит, мангит, баҳрин, қишлиқ, аргун, тағочи, ахтачи, ўйрот, қиёт, каркан, ос, қўрчи (қуччи, қушчи), қозоқ, туркман, уйғур, авғоний, мамоқ, турк, арман, курд, абдал* каби этник гуруҳлар тўғрисида сўз юритилади. Манбада энг кўп келтирилган этник гуруҳлар *арлот, жалойир, барлос, сулдуз, қавчинлар* бўлиб, улар Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам етакчилик қилишган.

Ўрта аср тарихчиси Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” номли асарида ҳам темурийлар даври этник жараёнлари батафсил ёритиб берилган. Асарда *апардий, араб, арлот, авғоний, белужу, гуржу (грузин), гурий, жалойир, жермайи, қўнғирот, курд, мангит, мўғул, ўйрот (ойрат), сулдуз, тожик, татар, турк, туркман, туркман қорататар, ўзбек, хазора шоди, хазорий* каби этник номлар келтирилган (Фасиҳ Ҳавофи, 1980. С. 339-340).

Темурийлар даврининг йирик тарихчи ва дипломати Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” номли асарида ҳам Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлардаги этник ва этномаданий жараёнлар тўғрисида муҳим маълумотлар мавжуд. Манбада *қавчин (қаучин), барлос, жалойир, қурчи, черкас, ўзбек, туркман, сулдуз, аргун, татар, арлот, найман, гурий, булгор, халаж, курд, мангит, макрит, ахтачи* каби кўплаб этник номлар келтирилган (Абдураззоқ Самарқандий, 1969).

Мазкур даврдаги этник жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам келтирилган. Унда нафақат Мовароуннаҳр, балки Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудидаги этник ва этномаданий жараёнлар билан бирга *барлос, дуғлат, арлот, сулдуз, керойит, тоғчи, чағроқ, макрит, қавчин, жалойир, туркман* каби ўнлаб этник номлар ҳам тилга олинган (Бобур, 1960. 40, 119, 120, 160 б.).

Мазкур давр тарихи баён этилган яна бир йирик тарихий манба Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари бўлиб, унда ҳам темурийлар даврида Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар ва аҳолининг этник таркибига доир муҳим маълумотлар мавжуд (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 1996). Манбанинг қимматли жиҳати шундаки, унда юқорида келтирилган манбалардаги этник номлардан ташқари яна *барки, бекчик, булғачи, булдай, галча, жучиди, дулта, духтуй, итаржи (итарчи), кайкадил барин, қалмоқ, қалучи, қорахитой, қатур, қизилбош, қирғиз, кунчи, қурайши, курлакут, румий, сариғ уйғур, танғут, татар, хазар, чағирак, чурас, шунқарчи* каби уруғ-қабилалар ва халқларнинг номлари келтирилган.

Биз бир нечта мақоламизда *жалойир, барлос, арлот, қавчин* этник гуруҳлар тўғрисида сўз юритганмиз (Улашова, 2008а; Улашова, 2008б; Улашова, 2008в; Улашова, 2009а; Улашова, 2009б). Мазкур мақоламизда эса темурийлар даври этник жараёнларида фаол иштирок этган бошқа уруғ-қабилалар ва уларнинг генезисига тўхталиб ўтмоқчимиз.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган қабилалар унча катта этник гуруҳ бўлишмаган. Туркий ва турклашган мўғул уруғ-қабилаларининг аксарияти Мовароуннаҳрга келишидан олдин Дашти Қипчоқ, Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшашган ва парчаланиб, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетишган. Улардан ажралиб чиққан гуруҳлар Мовароуннаҳрга келиб ўрнашганлар.

Турғун яшовчи маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ўзбек (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 82, 219 б.) ва тожиклар (Низомиддин Шомий, 1996. 229-бет; Шарафиддин Али Яздий, 1997. 17, 50, 194 б.) ташкил қилган. Турғун аҳолининг айрим гуруҳлари турк этник номи билан маълум эди. Дарҳақиқат, темурийлар даври манбаларида “*турк*”, “*турк элати*” каби атамалар учраб туради (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 27, 109, 168, 194, 229, 246, 271, 282, 375 б; Низомиддин Шомий, 1996. 229 б; Абдураззоқ Самарқандий, 1969. 78 б.).

Яздийнинг “Зафарнома”сида мазкур даврда Мовароуннаҳрда яшаган кўплаб этник номлар тилга олинади. Манбада тилга олинган *бахрин* (Низомиддин Шомий, 1996. 43, 153 б.) хусусида тўхталадиган бўлсак, улар мўғуллар истилоси даврида Дашти Қипчоққа келиб қолишган. *Бахрин*лар турклашган мўғул қавми ҳисобланади. Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асаридаги маълумотларга кўра, мўғул хони Бачин қаённинг Барин исмли ўғли бўлиб, *бахрин*лар унинг авлоди дейилади. *Бахрин*лар бир қанча уруғларга бўлиниб, шулардан энг йириклари – *боғанали, қорақалтоқ, уяли ҳисобланган* (Улашова, 2008а).

Манбаларда *дуғлат*лар тўғрисида ҳам маълумотлар бўлиб (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 46, 59, 67, 77 б; Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 1996. 25а, 43б, 45а, 55б, 57а, 92б, 158б, 186а, 192б, 193аб, 211б, 214а, 215б б.), унга кўра, *дуғлат*лар қадимий туркий қавмлардан ҳисобланган. Аммо Рашидиддин улар мўғул қабилалари қаторида деб ҳисоблайди (Рашид ад-Дин, 1952. С. 78-193). В.В. Бартольд ҳам *дуғлат*ларни мўғул қабиласидан эди, дейди (Бартольд, 1968. С. 529-533). Бизнингча эса, *дуғлат*лар туркий қавмлардан ҳисобланади. Негаки, Н.А. Аристов Ғарбий Турк хоқонлигидаги йирик қабила иттифоқидан бири *дуғлар*ларни *дуғлат*лар билан бир халқлигини таъкидлайди. *Дуғлат*лар яшаган худудлар “Бобурнома”да ҳам қайд этилган. Ҳисорда яшовчи *дуғлат* султонлари Бобур Мирзога беғараз хизмат қилганлар. Негаки, улар темурийзодага қариндош ҳам бўлган (Камалиддинов, 1993. С. 72, 125). Бобурнинг холаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳам *дуғлат* қавмига мансуб бўлган.

Мовароуннаҳрда мазкур даврда яшаган қабилалардан яна бири *маркит* (*макрит, мекрит*)лар бўлиб, ўрта асрлардаги энг жанговар ва кўп сонли қабила ҳисобланган. XII аср охири – XIII аср бошларида Селенга дарёси бўйларида уларнинг уч қабила иттифоқи (*удуит, қаат, увас*) мавжуд бўлган. *Удуит маркит*лар тўрт уруққа бўлинган. Улар *уйқур, мудан, тудакли* ва *жиюн*лардир. Уларнинг хони Тўқтабеги бўлган. *Меркит*лар яқин қўшнилари – *керайит*лар, *татар*лар ва *мўғул*лар (хитойча мунғлар) билан доим урушиб турган. Ҳужумларнинг бирида улар Чингизхоннинг хотини Бортени асирга олишган. Кейинчалик *керайит*лар хони Ванхон Тўғрил Бортени Чингизхонга қайтариб берган. *Маркит*-

лар 1204 йилда Чингизхон томонидан бутунлай тор-мор этилган. Чингизхоннинг суюкли хотини Кулон Хотун *маркит*лардан бўлган (Бўриев, Хўжамбердиев, 2004. 51 б.).

*Маркит*ларнинг маълум қисми XIII асрда Мовароуннахрга кўчиб ўтган ва кейинчалик Амир Темур кўшини таркибида ҳарбий юришларда қатнашган (Низомиддин Шомий, 1996. 97, 215 б.; Шарафиддин Али Яздий, 1997. 78, 180 б.; Абдураззоқ Самарқандий, 1969. 332 б.). Уларнинг қолган қисми турли халқлар: *мўғул, қозоқ, қирғиз, ўзбекларнинг таркибига сингиб кетган. Маркитлар керайтлар билан аралашиб, ўзбекларнинг кенагас уруғи таркибига, арғин ва баъзи туркман уруғи билан аралашиб, ўзбекларнинг лақай уруғи таркибига кўшилган.*

Темурийлар даври манбаларида тилга олинган яна бир этник гуруҳ – *найманлар* бўлиб, улар *ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нўғай* ва *олтой* халқлари таркибига кирган йирик қабила уюшмаси ҳисобланган. Ўзбек *найманлари* Зарафшон, Фарғона водийси ва Хоразм воҳасида яшашган. Улар асосан учта йирик гуруҳга бўлинган. Булар *қўштамғали, садирбек* ва *увохтамғалилар*дир. Юқоридагилардан ташқари *найманларда* қуйидаги уруғ бўлиmlлари ҳам мавжуд эди: *ағрон, айрончи, бадир, бия, бағонали, болтали, бугалай, бурунсов, жагалбайли, жостовон, жилонли, жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тўнли, пўлатчи, сағиз урув, сари найман, тўртул, тўрт тамғали, ургуч, чангалли, чўмичли, гоз оёқли, қора найман, қора гадоёй, қора сирак, қарғали, қил тамғали, қўл тамғали.*

Мазкур даврда Мовароуннахрда аҳолининг этник таркибида *сариклар* кўп сонли халқлардан ҳисобланган. *Сарик* умумтуркий этноним бўлиб, *туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ* ва *бошқир*лар таркибида ҳам учрайди. Шунингдек, *сарик* этноси ўзбек халқининг шаклланишида энг фаол иштирок этган халқлардан бири ҳам ҳисобланади. Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асарида ҳам 92 ўзбек уруғлари рўйхатида *сарик* номи келтирилган. *Кўнғиротларнинг қўштамғали* бўлимининг *қоракурсок* уруғи тармоғида ҳам *сарик* гуруҳи мавжуд. *Сарик* сўзи баъзи йирик қабилалар номига ҳам кўшиб айтилади. Хусусан, *сариуйшун, сариуйгур* (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 1996. 186а, 228аб б.), *саринайман, сариқипчоқ, сариқангли, сариқирғиз, саринўғай* ва бошқалар шулар жумласидандир.

XIV-XV асрлардаги яна бир этник гуруҳ – *чинозлар* бўлиб, Рашидиддин уларни *мўғулларнинг тойжовут* қабиласи таркибидаги уруғлардан, дейди. Кейинчалик *чинозлар тайжувутлардан* ажралиб, мустақил бўлиб олишган.

Мазкур давр этник жараёнларида фаол иштирок этган гуруҳлардан бири *боёвутлар* бўлиб, Рашидиддин ва Абулғозийда улар Мовароуннахрга Чингизхон кўшини билан бирга кириб келгани айтилади. Шунингдек, қадимдан *боёвутлар* катта қабила эканлиги, бир қанча тармоққа бўлингани ҳақида маълумотлар бор. XIII-XIV асрларда *боёвутларнинг* катта қисми ўзбек ва туркманлар таркибига сингиб кетган. Кўлёма насабномаларда ҳам *боёвутлар* 92 ўзбек уруғининг бири сифатида эътироф этилади.

Темурийлар даври манбаларида келтирилган этник гуруҳлардан яна бири *тоғчи* (*тағочи*)лардир (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 101 б.). “Тоғчи” сўзи “тоғлик” деган маънони англатади.

Элшунослар фикрича, *тоғчилар* дастлабки вақтда ўзбек қабилалари таркибида кирган. Улар баъзан ўзларини Дашти қипчоқ ўзбек – *қатагонларига* ҳам мансуб деб билишган. Лекин *тоғчиларнинг* аجدодлари жанубий Ўзбекистон худудида Дашти қипчоқ ўзбеклари келишидан бурун ҳам яшаган.

Денов шаҳрида шарқидаги Жатта қишлоғида *тоғчилар барлосларнинг жатта* уруғи билан бирга яшашган. Этнографик манбаларга кўра, *тоғчилар* жанубий Ўзбекистоннинг қадимги туркий қавмларидан бири ҳисобланади. *Тоғчиларнинг* баъзилари *қатагонларга* кўшилиб, шимолий Афғонистонга кетишган.

Турк – ўзбеклар таркибидаги этнографик гуруҳлардан бири ҳисобланади. *Турк* тўртта йирик қабила (*турк, мусобозори, калтакой* ва *барлос*)дан иборат бўлган. Улар таркибига турклашган мўғул қабилаларининг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Қадимги турклар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасида, айрим урф-одатлари ва

хўжалик фаолияти билан ажралиб турган.

Турк қабиласи Яхсув, Қизилсув дарёси водийларида, Хонақадарё, Кофирниҳон дарёларининг юқори оқимида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағирларида, айрим гуруҳлари Бухоро воҳаси жойлашган. Хусусан, *барлослар* Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига, *мусобозорилар* Хонақадарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори оқимларида, *калтатойлар* эса Сурхондарё воҳасида яшашган.

XIV-XV асрларда Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган ўғузлар ва *салжуқ туркманларининг* бир қисми ўз этник номини унутмаган ҳолда ўтроклашадилар. Уларнинг кейинги авлодлари ўзларини “Нурота туркманлари” деб атаганлар (Асқаров, 2007. 262-263 б.).

Бобурнинг маълумот беришича, XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқдан ва бошқа ҳудудлардан Мовароуннаҳрга яна бир қанча ўғуз, *салжуқ-туркман* гуруҳлари кўчиб келди. Айни шу асрларда *оқ-қўйли*, *қора-қўйли* ва бошқа *туркман* қавмлари кириб келган. *Туркманларнинг қора-қўйли* қавмидан бир гуруҳи Ҳисор воҳасига бориб ўрнашганлар. Бу гуруҳ манбада айтилишича, Озарбайжон ва Эрон заминидан кўчиб келган (Бобур, 1960. 40 б.).

Юқорида берилган маълумотларни инобатга олган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, ўзбек туркманлари ҳозирги Туркменистон ҳудудида яшовчи *туркман* халқидан тили, антропологик тузилиши ва этник таркиби билан бирмунча фарқ қилган.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган этник гуруҳлардан яна бири *чағроқ (чигроқ)* лар эди. Улар туркий қавм бўлиб, аксарият қисми XI-XII асрларда Хоразм воҳасида яшаб, ўлка сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. Кейинчалик, уларнинг катта қисми Сирдарёнинг юқори оқимларига бориб ўрнашган. XV асрда эса *чағроқлар* Фарғона водийси билан Қошғар орасидаги тоғли ҳудудларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланган (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 1996. 80, 204, 207 б.). “Бобурнома”да улар ҳақида шундай дейилади: “Андижон вилоятининг саҳронишинларидан бири *чағрак* элдир, қалин элдур. Беш-олти минг уйли эл бордур. Фарғона билан Қашғар орасидаги тоғда бўлулар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур” (Бобур, 1960. 40 б.). Шунингдек, Бобур Андижоннинг жанубидаги тоғли ҳудудларда, *чағраклардан* ташқари яна *ашпор* ва *турк* чорвадор қабилаларини ҳам тилга олади (Бобур, 1960. 119-120 б.). Мазкур қавмлар Бобур қўшинларини от ва чорва моллари билан таъминлаб турган. Баъзан Бобур Мирзо ўз сиёсатида мазкур қавмларнинг ўзаро рақобатларидан ҳам фойдаланган.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда яшовчи салмоқли этнослардан бири – *арғин (арғун)* лар бўлган. Уларнинг аجدодлари VIII-XII асрлар давомида Тошкент, Фарғона водийси (Бобур, 1960. 166 б.), Зарафшон ва ҳозирги Сурхондарёнинг айрим туманларига кўчиб келиб ўрнашган. *Арғунларнинг* баъзи гуруҳлари ўғузлар таркибида бўлиб, XI асрда Хуросонга жойлашган. Шунга қарамай уларнинг катта қисми XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган.

Арғунлар Амир Темурни тан олган қирқта ўзбек қавмларидан бири бўлган. Уларнинг бошлиқлари Амир Темурнинг энг ишончли кишиларидан эдилар (Темур тузуклари, 86-87 б.). Жаҳонгир Мирзо даврида улар жуда катта имтиёзли ер эгалари – тархонлар ҳисобланишган. *Арғун* амирлари айрим вилоятларда ҳокимлик ҳам қилган (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 280 б.).

Темурийлар даври манбаларида тилга олинган этник гуруҳлардан яна бири – *керайит (кероит)* лар бўлиб, улар туркийлашган мўғул халқлари таркибига кирган қадимий қабилалардан ҳисобланади. Улар X-XI асрлар Онон ва Керулен дарёлари (Мўғулистон) нинг юқори оқимлари, шунингдек, Тола дарёси бўйларида яшаб, бир неча гуруҳга (*керайит, жиркин, контакт, сакант, тумант, албат*) бўлинган (Бўриев, Хўжамбердиев, 2004. 37 б.).

XI-XIII асрлар бошида *керайитларнинг* алоҳида ўз давлатлари бўлиб, у Ванхон Тўғрил даврида инқирозга учраган. 1203 йил Ванхон Чингизхондан енгилгач, бу давлат мўғуллар

тасарруфига ўтган. *Керайт*ларнинг бир гуруҳи XIII аср охирида Озарбайжоннинг жанубига келиб, маҳаллий халқлар билан аралашиб кетган. Уларнинг бир қисми Чингизхондан энгилгач, Дашти Қипчоққа келиб ўрнашган. XIV асрда Дашти Қипчоқ ўзбекларининг қабила иттифокига кўшилиб, ислом динини қабул қилган. Улар *қипчоқ*, *найман* каби уруғ-қабилалардек кўп сонли бўлмаган. “Насабномайи ўзбек” ва “Асомийи наводу фирқайи ўзбек” (“Тўқсон икки ўзбек қабиласининг номи”) асарларида бошқа ўзбек уруғлари қаторида *керайт*лар номлари ҳам тилга олинган.

XIV-XV асрда Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган яна бир этник гуруҳ *некўзлар* бўлиб, улар туркий халқлардан бўлган. *Некўзлар* турли манбаларда турлича номлар билан аталган. Хусусан, Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворих”, Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида *нукуз*, *нукуз*; Яздийнинг “Зафарнома” асарида *нукуз* (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 46 б.), *некрўз* (Шарафиддин Али Яздий, 1997. 266 б.), Н. Ханиковнинг “Бухоро хонлигининг тавсифи” асарида *нукуз*, Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида *нукус*, *нукуз* шаклларида учрайди. Вамбери ўз асарида *нукус*лар Хивада яшайдилар, дейди. *Некўзлар* қуйи Қашқадарёда ҳам яшашган бўлиб, ҳозирда уларнинг номи билан боғлиқ кўплаб жой номлари сақланиб қолган.

Юқорида эслатилган энг эътиборли 12 та этник гуруҳнинг ичидан Амир Темур истеъдодли кишиларни танлаб олиб, юқори лавозимларга кўтарган. Йирик ҳарбий саркардалар кўпинча *барлос*лардан тайинланган. Соҳибқирон *жалойир*, *арғун*, *қипчоқ* ва бошқа қавмларга ҳам ишонч билдириб, уларнинг ичидан салоҳиятли кишиларни танлаб, юқори лавозимларни берган.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда илк ўрта асрлар ва кейинги асрларда келиб жойлашган *араблар* ҳам яшар эди (Низомиддин Шомий, 1996. 186 б.). Сон жиҳатидан улар кўп бўлмаган. *Араблар* асосан, Бухоро воҳаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарёда тарқоқ ҳолда яшаган.

Бу даврда Амир Темур истило этган мамлакатлардан, асосан Олд Осиё мамлакатларидан бир гуруҳ аҳолини Мовароуннаҳрга кўчириб келган. Кўчириб келинганлар ҳақида испан элчиси Клавихонинг асарида ҳам маълумотлар берилган. Хусусан, Клавихо маълумотларига кўра, кўчириб келинганлар сони юз мингдан ошиқроқ бўлган. Аммо бу маълумотда бир оз зиддият мавжуд. Негаки, асарнинг бир ерида кўчириб келинганлар сони юз мингдан ошиқ дейилса, иккинчи ерда икки юз мингдан ортиқ деб кўрсатилган (Рюи Гонзалес де Клавихо, 1881. С. 228, 328). Кўчириб келинганлар қаторида Клавихо *араблар*, *турклар* ва *арманлар*ни тилга олади (Рюи Гонзалес де Клавихо, 1881. С. 328-329). Клавихо маълумотларига шунини илова қилишимиз мумкинки, кўчириб келинганлар сафида *эронийлар* ҳам бўлган.

Кўчириб келинганлар тўғрисида Шомий ҳам, Яздий ҳам таъкидлаб ўтган (Низомиддин Шомий, 1996. 241, 253, 255 б.; Шарафиддин Али Яздий, 1997. 87, 107, 118, 119, 179, 182, 209 б.). Уларнинг асосий қисмини хунармандлар, олиму фузалолар ташкил қилган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур Дамашқдан ҳар хил ипакли матолар тўқийдиган усталар ва бошқа хунармандларни кўчириб келган. Фасих Ҳавофийнинг ёзишича, Хоразмдаги қурувчилар ва хунарманд усталар қаторида юрт оқсоқоллари ва бу юртнинг номдор кишилари ҳам кўчирилган (Фасих Ҳавофи. Муджмал-и Фасихи, 1980. С.102). Шахрисабзда қад кўтарган Оксарой Хоразмдан кўчириб келинган усталар кўли билан қурилган.

Улар асосан, Самарқанд ва Зарафшон воҳасига жойлаштирилган бўлиб, аксарияти Мовароуннаҳрга умрбод қолиб, маҳаллий аҳоли таъсирида аралашиб кетган. Кўчириб келинганларнинг баъзилари, масалан, эронийлар гуруҳларга бўлиниб, яшаб, ўз этник номларини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолишган, айримлари эса ўз юртига қайтиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, темурийлар даврида Мовароуннаҳрга келиб жойлашган туркий ва турклашган мўғул этносларининг бир қисми маҳаллий аҳолига аралашиб кетган бўлса, бошқа бир қисми бу ҳудуддан чиқиб, тарқоқ ҳолда бошқа мамлакатларда яшашган. Тему-

рийлар даври манбаларида эса Мовароуннаҳрдаги этник ва этномаданий жараёнлар билан бирга этник гуруҳлар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

- Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т. “Фан”, 1969
- Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. 2007
- Бартольд В.В. Дуглат. Соч. Т. V. М., 1968.
- Бобур. Бобурнома. Т. “Фан”, 1960.
- Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Этнологик атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. Қарши. 2004.
- Камалиддинов Ш. “Китаб ал-ансаб” Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани. Как источник по истории и культуры Средней Азии. Т., 1993.
- Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди. Т., 1996.
- Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т. “Фан”, 1996.
- Рашид ад-Дин. Сборник летописей, Т. I. М.–Л., 1952.
- Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403-1406 гг. Санкт-Петербург, 1881.
- Темур тузуклари. Тошкент, 1991.
- Улашова.С.У. Темурийлар даврида этномаданий жараёнлар ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши // Турон тарихи. Тошкент, 2009б.
- Улашова С.У. Жалойирлар ҳақида айрим мулоҳазалар // Акад. Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар конференцияси тезислари. Тошкент, 2008б.
- Улашова С.У. Соҳибқирон аждодлари ёхуд барлослар ҳақида айрим мулоҳазалар. // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар (“Тафаккур сарчашмалари” туркумидан). Тошкент, 2008в.
- Улашова С.У. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида этник номлар // Турон тарихи. Тошкент, 2008а.
- Улашова С.У. XIII-XV асрлар Мовароуннаҳр этник жараёнларида мўғул ва турклашган мўғул қабилаларининг ўрни // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар (“Тафаккур сарчашмалари” туркумидан). Тошкент, 2009а.
- Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. Перевод с персидского Д.Ю. Юсупова. Ташкент, 1980.
- Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. “Шарк”, 1997.

Резюме

В источниках периода темуридов приведены произведения “Зафарнама” Шамия, “Зафарнама” Яздия, “Тарихи Рашиди” Мирза Мухаммад Хайдара, “Муджмал-и Фасихи” Фасих Хавафия и вмести этнических процессы в Маверауннахре сказано имен этнические группы как барлас, кераит, сулдуз, джалаир, бахрин.

Summary

In the source of the period Temurids is brought product "Zafarnama" SHamiya, "Zafarnama" Yazdiya, "Tarihi Rashidi" Mirza Muhammad Haydara, "Mudzhmal-and Fasihi" Fasih Havafiya and contain ethnic processes in Maveraunnahre is said names ethnic groups as barlas, kerait, sulduz, djalaair, bahrin

З. Халилова

ЎзР ФА Тарих институти

БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ўзбек миллий давлатчилигимиз тарихида ўзига хос давр ҳисобланган Бухоро амирлиги давлати ҳамда бошқаруви тарихини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, тарихни ёритишда археологик, лингвистик, этнографик ва ёзма манбаларга таянилади. Бухорода манғит сулоласи вакилларининг бошқаруви ва давлат тузуми тарихини ўрганишда ёзма манбалар асосий ўринни эгаллайди. Олимлар манбаларнинг классификациясида уларнинг мазмуни, даври, муаммосига қараб гуруҳлаштирадilar.

Ушбу мақолада манбаларни муаммовий туркумлашга асосий эътибор қаратдик. Амирлик тарихига оид асарлар кўп бўлганлиги сабабли, фақат амирлик ташкил топишидан то қулагунигача (1756-1920) бўлган манбаларни қуйидаги тизимга бўлиб гуруҳлашни лозим топдик.

Биринчи гуруҳга, замондош ва сарой тарихчилари томонидан ёзиб қолдирилган маҳаллий манбаларни киритиш мумкин. Бундай асарларнинг кўпчилигини форс - тожик тилидаги асарлар ташкил этиб, уларнинг орасида Бухоро амирлигида яшаб ижод этган Аҳмад Дониш (1827-1897)нинг “Бухоро манғит амирларининг қисқача тарихи” асари (Аҳмад Дониш, 1967) манғитлар сулоласи тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Асар амир Дониёл (1758-1785) ҳукмронлигидан амир Абдулахад (1885-1910) ҳукмронлигигача бўлган даврни ўз ичига олади. Муаллиф манғитлар сулоласи вакиллари амир Шоҳмурод, амир Ҳайдар, Насруллохон давридаги сиёсий бошқарув жараёнлари ҳақида маълумот беради. Аҳмад Дониш давлатнинг қандай бўлиши ҳақида ўз фикрларини бериб, шу даврда жамиятдаги давлат системасининг нотўғри йўлга қўйилганлиги, амирлар ва вазирлар томонидан қонун қоидаларнинг бузилганлигини кўрсатиб ўтади. Манғит сулоалари бошқаруви тўғрисида бевосита ўзлари гувоҳ бўлган воқеалар асосида ёзилган асарлар (Муҳаммад Шариф Муҳаммад Накининг, 1952; Муҳаммад Содик Мунший Бухорий, 1952; Зафарномаи Хисравий, 1952; Мир Олим Бухорий, 1952) ҳам мавжуд. Баъзи асарлар хон саройида, хон фармони билан, хон мукофотини қўлга киритиш мақсадида ҳам ёзилган. Шунинг учун айрим асарларда амирнинг қилмиш ва ҳаракатлари баъзи ўринларда “жасорат” қилиб кўрсатилган, амирнинг ғалаба қозониши, унинг муруввати, мардлиги ва бошқа хислатлари мақтаб ёзилган. Баъзан бу асарларда оддий халққа нисбатан “босқинчи ва ярамас” сўзлари қўлланилиб, ўз даврининг золим мансабдорлари зулмига қарши “тўполон” қилганликлари келтирилган.

Муҳаммад Вафойи Карминагий ва Алимбек Ниёзқули томонидан XVIII асрда яратилган “Тухфат ул хоний” асари (Муҳаммад Вафойи Карминагий, Алимбек Ниёзқули, 1952) 1722-1782 йиллар оралиғидаги сиёсий воқеаларга бағишланган бўлиб, унда муаллиф бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеалар баёнини беради. Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарида, унинг китобдор лавозимида хизмат қилганлиги келтирилади. Асарда муаллиф Бухоро хонлигида кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни буйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари, шунингдек, амирликнинг ҳарбий имконияти, бошқа давлатлар билан сиёсий муносабатлари ҳақидаги маълумотлари қимматлидир.

Бухоролик машҳур тарихчи олим ва шоир Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини Манғитийа” (Манғит султонларининг тарихи) ва “Тухфаи шоҳий” (Подшоҳнинг туҳфаси) каби асарлари ҳам амирлик сиёсий ҳаётига бағишланган. Унда Бухоро амирлигининг Россия томонидан босиб олиниши арафасидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Россия - Бухоро муносабатлари бирмунча кенг ёритилган. Асар ўзбекистонлик олима Л.М. Епифанова томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1962-йил Москвада чоп этилган.

Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари (Мирза Салимбек, 1952) ҳам шундай асарлар сирасига киради. Асарда амир Музаффар даврида амирлик худудларида бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро - Қўқон ва Бухоро - Россия муносабатлари, шунингдек, Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ва маъмурий тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган.

Замондош тарихчилардан яна бири Садриддин Айнийдир. Унинг «Бухоро манғит амирлигининг тарихи» (1923) деб номланган асарида (Айни, 1925) Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ифодаланган. Шунингдек, муаллифнинг тўрт қисмдан иборат «Эсдаликлар»ини (1949—1954 йй.) Бухоронинг ўтмиш ҳаёти ва ўша давр ижтимоий-маданий муҳити ёритилган асарлар сирасига киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга, сайёҳатчилар, элчилар ҳамда савдогарларнинг, шунингдек, шу даврда

яшаган сиёсий арбобларнинг эсдалик ва мемуарларини киритдик. Маълумки, Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо сотиқ алоқалари тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Марказий Осиё билан қизиқиш, асосан Хиндистонга йўл топиш масалалар билан боғлиқ бўлиб, 1865-йил Ўрта Осиёни буйсундириш билан яқунланган. Россия ҳукумати ўзининг бу сиёсатини амалга ошириш учун кенг маълумотли дипломатлари ва ҳарбийларидан фойдаланган. Улар савдо ва маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида келишганини айтишсада, мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш, Бухоронинг бошқа давлатлар билан алоқаларини аниқлаш ва Марказий Осиё шаҳарларига борадиган яқин ва қулай йўللарни белгилаш вазифасини ҳам бажаришган.

1721- йилда Бухорога Флорио Беневени бошчилигидаги элчилар келиб, улар уч ярим йил Бухорода истиқомат қилишган. Ф.Беневени ўлка тўғрисидаги барча маълумотларни Санкт-Петербургга жўнатиб турган. 1841-йил августида майор К.Ф. Бутенев бошчилигидаги делегация Бухорога келган (Маслов, 1955. С. 53). Улар орасида Н.В. Ханьков (Ханьков, 1843. С.181) ҳам бор эди. Шарқшунос ва дипломат олим “Бухоро хонлигининг тавсифи” асарида ўлканинг бутун сиёсий, ижтимоий аҳволи, ер ости бойликлари, уларга элтадиган йўللар, ҳарбий имкониятлари, бошқа хонликлар билан алоқаларини ҳар томонлама пухта ўрганган. Амир Насруллоҳон билан шартнома имзолашга ҳаракат қилган, лекин амир келишув икки томон манфаатларига тенг хизмат қилсагина шартнома имзолашини айтган. У амирнинг бу ҳаракати ҳақида шундай ёзади: “ўзини бутун дунё ҳукмронларидан кучли деб ҳисоблайди. У тахтда ўтирар экан, Бухоро билан шартнома тузиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас” (Ғаниев, Мустанов, 1995. 11-12 б.). Албатта, рус шарқшуносининг бу асари ўлка тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўзида жамлаган ва XIX асрнинг 40-йилларидаги Бухоро амирлиги тарихига оид ўта бой, тарихий маълумотлар ва талқинларга эга бўлиш имкониятини беради.

Рус ҳукумати томонидан ўлкани ўрганиш учун географ, топограф, инженер, шарқшуносолимлар элчилар қиёфасида жўнатилган. Улар ўз эсдалик ва асарларида Бухоро амирлиги тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтганлар. Инглиз айғоқчиси Бернс ўз асарида (Бернс, 1849. С. 437) Бухорода рухонийлар жамияти қарор топган бўлсада, халқ бахтли, тинч яшамоқда, мамлакатда савдо-сотиқ ривожланыпти, хусусий мулкчилик таъминланганини айтиб ўтади.

Инглиз ҳукуматининг Ўрта Осиёнинг бозорларини эгаллашга бўлган қизиқиши натижасида, 1832-йилда Бёрнс, 1838-1839 йилларда Вудъ ва доктор Лорд, 1840-йилларда инглиз офицерлари Бёрслем ва Старт, худди шу йилларда Стоддарт ва Канолли, 1845-йилда Феррьеларнинг ўлкага уюштирган сайёҳатлари (Ўзбекистон халқлари тарихи, 1993, 91-92 б.) асносида ёзган ўз кундаликларида (Vámbéry, 1864; Joseph Wolff, 1845; Бернс, 1848-1849) шарқий мамлакатлар ҳаёти ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Ушбу эсдаликлар асосида инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро амирлиги тарихига бағишланган асарлар (Kunits, 1935; Holdsworth, 1959; Weeler, 1966; The peoples of Soviet Central Asia, 1966; Qrousset, 1970; Encausse, 1988) пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Амир Саид Олимхон (Амир Саид Олимхон, 1991), Садриддин Айний (Айни, 1980. С. 260), Файзулла Хўжаев (Ходжаев, 1970. С. 210-212), Абдурауф Фитрат (Фитрат, 1991.64 б., Фитрат, 2007. С. 98) кабилар ўз асарларини эсдаликлар тариқасида ёзишиб, амирликдаги бошқарув тартиби, амирларнинг маданий соҳадаги ислохотлари, “ёш бухороликлар” ташкилотининг фаолияти ҳақидаги маълумотларни келтирганлар. Албатта, бундай эсдаликлар ҳам Бухоро амирлиги сиёсий тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини бажаради.

Учинчи гуруҳга, архив манбаларини киритдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Бухоро Давлат бадиий архитектура музей қўриқхонасида амирлик сиёсий бошқарувига тегишли амир фармонлари, муборакномалар-амир фармойиши, вақфнома, ишончнома, ёрликлар, ариза, ҳукм, қарор, шунингдек, Туркистон генерал губернаторлиги хужжатлари ф. №И-126, ф. №И-323, ф. №И-3, ф. №-1,

ф. №-450 номи остида сақланмоқда. Архив манбаларини ҳам шартли равишда қуйидаги турларга бўлдиқ:

Давлат бошқарувига оид бўлган ҳужжатлар (фармон, ёрлик, фармойиш ва иноятномалар);

Фуқаролик муносабатларига оид бўлган ҳужжатлар (вақф, олди сотди, гаров, ижара, тилхат ва ишончномалар ҳамда даъво аризалари, даъвони рад этиш далолатномалари);

Оила никоҳ ва мерос муносабатларига оид бўлган ҳужжатлар (никоҳ гувоҳномалари, никоҳдан ажралиш ҳужжатлари, меросни бўлиш ва меросни қабул қилганлик ҳақидаги ҳужжат);

Қози томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар (қарор, ҳукм, ариза ва хатлар) (Шодиев, 2008. 25 б.);

Туркистон генерал губернаторлигининг расмий ҳисоботлари, шартномалар, Бухорода рус сиёсий агентининг ҳужжатлари.

Тўртинчи гуруҳга, даврий матбуот нашрларни асос қилиб олдик. Маълумки, XIX асрнинг 70-йилларидан “Туркестанские ведомости” газетасининг чиқа бошлаши Туркистонда даврий матбуотнинг ибтидоси бўлган. Унда ўлка тарихи, маданияти, географияси, этнографияси, саноати ва бошқа масалаларга оид мақолалар босилган. Шу билан бир вақтда ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети» ҳам нашр этила бошланган. 1917 йилгача Туркистонда бу икки газетадан ташқари, турли вақтларда ўзбекча ва русча (баъзан қирғиз ва тожик тилларида) 100 дан ортиқ газеталар чиққан. Улар асосан, Тошкент, Самарқанд, Ашхобод, Қўқон, Андижон, Фарғона ва бошқа шаҳарларда нашр этилган. XX аср бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тараққийпарвар ўзбек маърифатчилари томонидан «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат» (1906-1907), «Бухоройи Шариф», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» (1912—1915), «Нажот», «Фарғона нидоси», «Турк эли», «Учқун», «Учқун ойномаси», «Бухоро ахбори», «Шулаи инқилоб», «Меҳнаткашлар товуши», «Янги шарқ», «Еженедельник полиработника», «Туркестанская правда», «Қизил байроқ», «Хуррият», «Эл байроғи» (1917-1918) газеталари ва «Бухарская жизнь», «Вестник НКВД», «Военный работник Туркестана», «Новый Восток», «Новый мир», «Красная армия», «Жизнь национальностей», «За партию», «Ўзбекистон коммунисти», «Вопросы истории» каби журналлар ҳам нашр этилган. Унда ўлка маърифатпарварларининг жамиятда таълимни ислоҳ қилиш ва давлат бошқарувида демократик тамойилларни жорий этиш ҳақидаги мақолалари чоп этилган. Худди шу даврда Россия матбуотчилигида ҳам ўзбек хонлиқларининг сиёсий масалаларига бағишланган мақолалар эълон қилинган газета ва журналлар мавжуд бўлган. Бундай нашрлар сирасига, “Сибирский вестник”, “Отечественные записки”, “Исторический, статистический и географический журнал”, “Вестник Европы”, “Русский вестник”, “Исторический вестник”, “Современник” кабиларни киритиш мумкин. “Туркестанский сборник” (Туркистон тўплами) ҳам бу борадаги муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Унда ўлка ҳаётига оид сиёсий, иқтисодий ва маданий мақолалар ўрин олган.

1864-йилда «Современник» журналида “подшога қарашли” тахаллуси билан “Бухоро ҳақидаги хотиралар ва унинг Россия билан алоқалари” номли мақола эълон қилинган. Унда муаллиф (Казенный турист, 1864. С. 95-96, 113-114) Бухородан Россияга пахтанинг кўп миқдорда олиб кетилишига сабаб сифатида Европада пахтага бўлган талабнинг ошишини келтиради. Шунингдек, рус ҳукуматининг ўлкадаги бошқарувини танқид қилган ҳолда, Бухорога яқин бўлган Сирдарё бўйларида божхона хизматини ташкил этиш таклифини киритади. Бундан кўришиб турибдики, Россия Бухородаги савдо бошқарувини янада кенгайтириб, ҳудуднинг хом ашё манбасини бутунлай ўз қўлида сақлашга ҳаракат қилган.

“Военный сборник” тўпламида офицер А. Галькиннинг “Бухоро хонлигининг қисқача тарихи” мақоласи чоп этилиб, унда (Галькин, 1890. С. 194) Бухорода кишилар сонининг кўпайиб бориши натижасида одамларнинг маҳсул доимий фаолият кўрсатувчи меҳнати йўқ, шунинг учун уларнинг кўпчилиги четга бориб корандалик билан ишлаб келишлари,

бухороликлар олдиндан шундай деспотик бошқарув тартиби ва қуйи маъмурий органларнинг адолатсизликларига ўрганиб қолишганини айтиб ўтган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро амирлиги сиёсий тарихига оид ёзма манбалар кўпчиликни ташкил этиб, замондош тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар уларнинг орасида асосий ўринни эгаллайди. Тўғри, баъзи асарлар амирнинг фармониغا биноан ёзилган бўлсада, лекин уларда шу давр сиёсий воқеалари муаллифнинг ўзи гувоҳлигида берилиши асарнинг қимматли эканлигини кўрсатади. Рус шарқшуносларининг асарлари ҳам бевосита гувоҳ бўлган воқеалар асносида яратилгани ва унда географик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг батафсил ёритилиши шу давр тарихини объектив ёритилишида катта рол ўйнайди. Архив маълумотлари манбаларни ҳаққонийлигини, факт ва статистик далилларни исботласа, даврий матбуот нашрларида эълон қилинган мақолалар давр руҳини кўрсатиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

- Айни С. Бухара. (Воспоминания). Пер. с тадж. С. Бородин.- Душанбе: Ирфон, 1980.
- Айни С. Тарихи амирони мангитийа Бухоро. Тошкент, 1925.
- Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т: Фан, 1991.
- Ахмад Дониш. История мангитской династии. Душанбе, 1967.
- Бернс А. Путешествие в Бухару. Т. 1-3, М: 1848-1849.
- Галькин А. Краткий очерк Бухарского ханства. Военный сборник, 1890, №11.
- Joseph Wolff, Narrative of a Mission to Bokhara, in the Years 1843-1845, to Ascertain the Fate of Colonel Stoddart and Captain Conolly, vol. 1. London, 1845.
- “Зафарномаи Хисравий”.Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Под ред. и при участии проф. А.А. Семенова. Изд. АН УзССР, т. I, Ташкент, 1952.
- Казенный турист. Заметки о Бухаре и ее торговле с Россией. - Современник, 1864, №11.
- Kunits J. Dawn over Samarkand. The rebirth of Central Asia.—New York, 1935.
- Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, ч.1, 1715-1856. Ташкент, 1955.
- Мир Олим Бухорий “Фатхномаи Султоний”. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Под ред. и при участии проф. А.А. Семенова. Изд. АН УзССР, т. I. Ташкент, 1952, 87-88, № 218-219.
- Муҳаммад Содик Мунший Бухорий. “Футухати амир Шох Мурод дар Ирон”. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Под ред. и при участии проф. А.А. Семенова. Изд. АН УзССР, т. I. Ташкент, 1952.
- Муҳаммад Шариф Муҳаммад Наки «Тадж ат таворих». Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Под ред. и при участии проф. А.А. Семенова. Изд. АН УзССР, т. I. Ташкент, 1952, 85-86, №№ 214-215.
- Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. Тошкент, 1993.
- Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври.- Тошкент: Минтож, 1991.
- Фитрат А. Рассказы индийского путешественника. Ташкент, 2007.
- Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. С-Пб., 1843.
- Ходжаев Ф. Избранные труды. Т. 1. Ташкент: Фан, 1970.
- Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva,. Oxford, 1959.
- Ганиев И., Мустанов К. Туркистон ва Н.В. Ханыков. Бухоро, 1995.
- Grousset R. The Empire of the steppes. A history of Central Asia. New Brunswice:Rutgers University press, 1970.
- Encausse H.C. Islam and the Russian Empire. Reform and Revolution in Central Asia. Translated by Quintin Hoare.—London, 1988.
- Vámbéry Arminius. Travels in Central Asia. London, 1864.
- Weeler G. The modern history of Soviet Central Asia.—London: Weidenfeld and Nicolson, 1966.
- The peoples of Soviet Central Asia.-London, 1966.
- Шодиев Ж.Ш. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Автореф. Дисс.... юридик фан номз. Тошкент, 2008.

Резюме

В статье рассматривается проблема изучения системы правления мангитской династии в Бухарском эмирате. Источники проанализированы и классифицированы по тематическим группам.

Summary

In this article is considered problem to study systems of the rule mangit dynasties in Bukhara emirate in sources. The sources is analyzed and classified on the thematic group.

Н.М. Лукашова, М.М. Алиханов

Наманганский инженерно-экономический институт

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ЭТНОГРАФИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ МАТЕРИАЛЬНОЙ И ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ ПО МАТЕРИАЛАМ ОДНОГО ИСТОЧНИКА КОНЦА XIX ВЕКА

Обновление общества в любой стране с неизбежной необходимостью ведет к идее возрождения культурного наследия, как важного идейного средства консолидации масс, формирования и развития национального самосознания. Вся история свидетельствует о том, что культурные традиции играют огромную роль в развитии человеческого общества. «Возрождение духовных ценностей - это органический, естественный процесс роста национального самосознания, возвращения к духовным истокам нашего народа, его корням» (Каримов, 1997. С. 131).

Большую роль в процессе реализации этой актуальной задачи играют этнографические исследования прошлого нашего народа. Именно этнографические источники зафиксировали специфические традиции, обряды, особенности материальной и духовной культуры, традиционные институты социальной жизни узбекского народа на разных исторических этапах.

Тема статьи затрагивает характеристику особенностей материальной и духовной культуры узбекского населения Ферганской долины последней трети XIX - начала XX вв. Основным источником, освещающим материал, более чем вековой давности является книга супругов В.П. и М.В. Наливкиных «Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы».

Следует отметить, что начало систематического и непрерывного накопления русскими первопроходцами первичных сведений о Центральной Азии и ее отдельных районов относится еще к XVI в.

Важным является наличие двух тенденций в изучении исторического прошлого нашей Родины. Первая - государственное направление. Для царизма и созданной им колониальной администрации Туркестан, и его население было, прежде всего, объектом эксплуатации. Поэтому интерес к его исследованию представителей первого направления во многом объяснялся экономическими и политическими целями России. Однако даже в официозных работах, написанных в духе консерватизма, содержится ценный информационный материал по истории, этнографии, культуре нашего края.

Второе направление в изучении прошлого Центральной Азии, оформившееся одновременно с первым, характеризовалось демократическими и гуманистическими идеями, глубоким интересом к жизни народа.

Ведь, как было отмечено в трудах известного историографа Узбекистана Б.В. Лунина: «Россия просветительская и свободолюбивая вошла в Туркестан не с первым эшелоном царских колонизаторов, а со вторым эшелоном образованных, трудолюбивых, прогрессивно настроенных ученых, врачей, учителей, агрономов, естествоиспытателей и многих других» (Лунин, 1962. С. 26). В.П. Наливкин был этнографом и лингвистом, педагогом и государственным деятелем. Его перу принадлежат уникальные работы, соавтором многих из них была его жена-Мария Владимировна Наливкина (урожденная М. Сарторий).

Ценность написанной ими работы на тот период времени была выражена в словах известного востоковеда Н.И. Веселовского, который подчеркивал, что работу такого рода осуществить было не просто, так как попасть на женскую половину было практически невозможно (Веселовский, Т. 406. С. 217). Для своего времени ими был собран уникальный этнографический материал почти не имеющий аналогов в русском и западноевропейском востоковедении. Работа супругов Наливкиных была удостоена высокой награды - Большой золотой медали Русского Географического общества.

Характеристика материальной культуры оседлого узбекского населения Ферганской долины последней трети XIX века в работе Наливкиных представлена в следующих аспектах: жилище, утварь, пища, одежда, украшения. Характеристика жилища представлена подробным и красочным описанием его внешнего вида, используемых материалов для строительства, а также технологических приемов возведения стен, потолка, крыши, окон, дверей и т.д. В этнографических материалах подчеркивалась обусловленность и зависимость данного аспекта материальной культуры от социально-экономических, этнических и иных факторов. Среднеазиатское домостроительство последней трети XIX века, по мнению авторов, имело характерные черты и особенности строительной техники, обусловленные природно-климатическими условиями региона. Это выражалось, в частности, в применении своеобразных строительных материалов: «главнейшими, основными материалами всех вообще ...построек служат: глина (вернее лёсс) и дерево, - по преимуществу тополь и тал» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.72). Отсутствие в достаточном количестве лёса здесь восполнялось глиной. Стены возводились из глиносоломенной смеси - самана, для покрытия крыш использовались глина и солома. Дерево применялось для установки столбов, подпорок для дверей, оконных рам, крыши. Этнографические материалы зафиксировали деление построек во дворе на мужскую (ташкари) и женскую (ичкари) половины. Такое разделение было обусловлено религиозными мотивами, но также напрямую зависело от имущественного положения домохозяев (Наливкин, Наливкина, 1886. С.74-75). Планировка дворовых помещений также зависела и от производственных занятий. Особое внимание авторы работы уделили этноспецифическим особенностям расположения дворовых строений, как, например, такое их размещение, где они примыкали к внутренней стороне, окружавшей двор стены таким образом, что «...окна почти никогда не выходят на улицу» (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 81).

Таким же специфическим для европейского взгляда было отсутствие в доме мебели, устройство в стенах комнат ниш, предназначенных для складывания одежды, постельного белья, ковров и пр. Очень необычно и интересно выглядело устройство очага для обогрева комнат – «сандаля», а также земляной печи – «ир-учака».

Большое внимание в «Очерках быта...» уделялось такому элементу материальной культуры, как пища. Авторы работы перечислили следующие наиболее употребительные виды блюд: «Любимым, национальным кушаньем следует назвать палау (плов. - Л.Н.) которое считается лучшим и даже до некоторой степени, аристократическим блюдом?» - писали они (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 124). Кроме плова традиционными считались следующие блюда: «...шавла - жидкий плов или вернее рисовая каша, приправленная луком с морковью и кусочками баранины». «Шурпа» - суп из баранины с перцем, луком, морковью, редькой и тыквой, а иногда и катыком; «кульчатай» - похлебка из мелко накрошенного мяса и теста; «мастава» - суп из мелко рубленного мяса, риса, лука и кислого молока; «чучвара» - пельмени; «каурма» -кусочки баранины, обжаренные в сале; «хасып» -колбаса из баранины, печенки и риса; «казы» -конская колбаса; «шир-гурундж» –молочная, рисовая каша; «куча» или «куджа» - каша из джугары (сорго), реже из кукурузы или ячменя с катыком; «ун-аш» - лапша, сваренная в воде без мяса с катыком; «маш-гурундж» - каша на воде из риса и чечевицы с репой, морковью, луком, катыком или мясом; «шир-каду» - суп на молоке с тыквой и рисом (Наливкин, Наливкина, 1886. С.124-125). Кроме перечисленных наиболее общеупотребляемых традиционных блюд местного населения, авторы «Очерков

быта...» отметили функциональную зависимость рациона питания от традиционных хозяйственных занятий: «Летом не только у большинства горожан, но и даже в местных кишлаках основными элементами пищи являются: хлеб, фрукты и кислое молоко. Содержание мяса в пище несколько увеличивается в тех только кишлаках, где запашки значительны, и где со времени поспевания хлеба до осени, последний обменивается у мясников на мясо и сало» (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 127). Таким образом, рацион питания определялся в значительной степени сезонной последовательностью поступлений продуктов сельскохозяйственного производства. Не была обойдена вниманием в «Очерках...» и функциональная связь определенных блюд с религиозными верованиями и обрядами. Большой интерес представляет наблюдение авторов книги о делении всей пищи на горячую и холодную: «К первой принадлежат: баранье мясо, сахар, масло, сало, чай черный (фомильны), патока, палау, суп, молочная рисовая каша, а также и хлеб в зимнее время; летом же он становится холодным. Ко второй относятся: хлеб в летнее время, говяжье мясо, молоко, катык, все кушанья без мяса, но с катыком, кампот, который употреблялся исключительно в виде лекарства» (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 169. Примечание 1).

У узбеков Ферганы в последней трети XIX века бытовали приметы, связанные с тем или иным видом пищи. Например, если беременная женщина предпочитает так называемую горячую пищу, то у нее родится мальчик, если же холодную, то девочка.

Большое место в работе уделено описанию женской одежды. Авторы считали, что крой и внешний вид одежды зависел от таких факторов, как природно-климатические условия, особенности быта и религиозные постановления. В рассматриваемый период бытовали и архаические, употребляемые только пожилыми людьми, виды одежды. Например, хлопчатобумажные чулки вместо кожаных ичигов или халаты с короткими, до локтя рукавами («мунсак») вместо общеупотребительных ватных халатов с длинными рукавами (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 96-97). Отмечали авторы и наличие ритуальной одежды. Рубашки из ткани синего цвета повсеместно считались траурными. Кушак из синей ткани, опоясываемый женщиной, поверх халата также свидетельствовал о носимом ею трауре (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 97). Социальные различия в одежде выражались не в составе элементов костюма, а в количестве одежд и качестве их исполнения. Если в кишлаках женщины шили будничные рубашки из грубых хлопчатобумажных тканей домашнего изготовления, а праздничные - из кумача или фабричного ситца, то горожанки в будни носили ситцевые и кумачовые рубашки, а в праздники и при гостях надевали платья, шитые из шелковых тканей. Ценными являются данные о наличии региональных отличий в комплексах одежды, в использовании отдельных элементов костюма, в частности, в способах одевания паранджи намаганскими и кокандскими женщинами. «... Так, например, в Намангане верхний край паранджи всегда спускают к самому лбу, а нижний конец чимбета выпускают из под паранджи; в Кокане наоборот, верхний край паранджи лежит посередине темени, а полы придерживаемые рукой, закрывают собою края и низ чимбета» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.96).

Безусловными элементами духовной культуры народа являются традиции и обряды, в которых отражены специфические условия быта. Нами будет рассмотрен этнографический материал, касающийся вопросов рождения и воспитания детей и связанными с этими процессами представлениями, обрядами, приметами и суевериями. Авторы работы подробно описали все этапы прохождения беременности у женщины-узбечки, народные знания по акушерству, существующие приметы на случай угадывания пола будущего ребенка, магические действия, применяемые для облегчения родов и т.д. Так, например, приводили поверье, что часто в той комнате, где происходили роды, сжигали кусочек конского копыта или давали роженице пить из чашки, на внутренних стенках которой тушью была написана какая-нибудь молитва (Наливкин, Наливкина, 1886. С.171). Все это делалось в целях облегчения страданий роженицы. С послеродовым периодом было связано поверье не оставлять родившую женщину и ее ребенка одних на протяжении шести недель, вследствие опасений

за их жизнь: «...могут быть удушены желтоволосой аджиной» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.173). На шестой-седьмой день после рождения ребенка осуществлялся обряд положения в колыбель («бишик»). С положением в колыбель связано также одевание первой рубашки. В этот день проходило семейное торжество, приходили гости (в основном женщины), а отец или дед ребенка давали новорожденному имя. С наречением имени ребенку связаны несколько интересных суеверий. «Те у кого дети не живут, при рождении нового ребенка, желая, чтобы он остался в живых, не умер по примеру детей предшествующих, дают одно из таких имен, как Турсун («пусть он остается»), Тахта («погоди, стой»), Махам («крепкий») и др.» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.173). Далее для большей безопасности ребенка его могли отдать какой-либо женщине, которая кормила бы его грудью пять-шесть дней, по прошествии которых, ребенка у этой «временной матери» надлежало бы выкупить: «Выкупив таким образом ребенка; ему дают имя Сатуб-алды («купил») -если это мальчик, или Саткын («проданная») - если это девочка» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.173). Интересен, на наш взгляд, обряд второго купания (первое происходило сразу после рождения, которое происходило на двадцатый день рождения ребенка). После купания одевалась вторая рубашечка, тогда как первая, одетая на шестой-седьмой день с момента рождения оставалась для следующего ребенка. С этим обрядом «второго купания» также были связаны некоторые местные поверья. «В некоторых местностях, как например, в таджикских селениях кокандского уезда мальчика моют на 18 день после рождения, т.е. двумя днями раньше обычного срока с тем, чтобы позже за его невесту взяли меньше калыма а девочку на 22 день то есть двумя днями позже, чтобы впоследствии за нее дали большой калым» (Наливкин, Наливкина, 1886. С.174).

Интересен факт, что вместе с наречением имени запоминался обязательно и год в котором ребенок родился. Причем имелось ввиду название каждого года двенадцатилетнего цикла. «Оттого здесь очень часто вместо вопроса, который вам год? спрашивают: какой ваш год? т.е. как назывался тот год, в котором вы родились?»

Авторы «Очерков...» отмечали, что в узбекских семьях любили и по-своему нежили детей, ласкали их, никогда не сетовали на многочисленность детей и трудность их воспитания. Не случайно же Наливкины отмечали, что случаи подкидывания детей в Фергане рассматриваемого времени чрезвычайно редки. Среди населения бытовала поговорка: «Есть дети - в доме базар (оживление), нет детей - в доме мазар (уныние)» (Наливкин, Наливкина, 1886. С. 168). Авторы «Очерков...» не обошли вниманием и такие вопросы, как уход и гигиена ребенка, питание и детские болезни.

Основная тенденция, которая прослеживается во всем представленном материале - глубокий интерес и уважительное отношение к жизни простого народа.

Ограниченный объем статьи не позволяет, к сожалению, осветить многие другие стороны жизни и быта оседлого узбекского населения Ферганы конца XIX - начала XX веков, представленные в описываемой работе.

Отрадно отметить, что современный период представляет собой качественно новый период в этническом развитии узбекского народа, который характеризуется этнокультурным возрождением, быстрым развитием национального самосознания, усилением тенденции к возрождению национальной культуры, духовности, морально-нравственных принципов узбекского народа.

Использованная литература

- Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент, "Узбекистан", 1997.
Лукин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Ташкент, 1962.
Веселовский Н.И. Доклад комиссии Отдела этнографии РГО о присуждении Большой золотой медали. Туркестанский сборник. Т. 406.
Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886.

Резюме

